

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**РАШИДОВ ОКТАМ ЮНУСОВИЧ,
ТОЙМУҲАМЕДОВ ИБРОХИМ РИХСИБОЕВИЧ,
АЛИМОВ ИЛЬХОМЖОН ИКРОМОВИЧ,
ТОЖИЕВ РАХМАТУЛЛО РАХМОНОВИЧ**

“ПУЛ, КРЕДИТ ВА БАНКЛАР”

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар
таълим ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини
Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан “Банк иши” таълим
йўналиши талабалари учун дарслик сифатида
тавсия этилган

Тошкент 2009

Рашидов О.Ю., Тоймухамедов И.Р., Алимов И.И., Тожиев Р.Р.
Пул, кредит ва банклар: Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2009. - 439 б.

Дарсликда куйидаги пул, кредит молия назариялари тўғрисида батафсил ёзилган, бундан ташқари молия тизими, корхоналар молияси, инфляция, банк тизими, халқаро валюта-кредит муносабатлари ва суғурта иши кенг ёритилган.

Ушбу дарслик олий таълим талабалари, коллеж ўқувчилари ва тижорат банклари ходимларига тавсия этилади.

Маъсул мухаррир проф. Б.Ю. Ходиев.
Такризчилар: и.ф.д. проф. Иминов О.К.,
и.ф.н. доц. Исматуллаев И.

Рашидов О.Ю., Тоймухамедов И.Р., Алимов И.И., Тожиев Р.Р.
Деньги, кредит и банки: Учебник. –Т. ТГЭУ, 2009 г. –439 с.

В учебнике рассматривается теория денег, теория кредита, финансы и финансовая система, финансы предприятий, инфляция, банковская система и функции банков, международные валютно-кредитные отношения, особенности организации страхового дела.

Учебник предназначен студентам высших учебных заведений, учащимся колледжей и практическим работникам коммерческих банков и финансовых органов.

Ответственный редактор проф. Б.Ю. Ходиев.
Рецензенты: д.э.н., проф. Иминов О.К.,
к.э.н., доц. Исматуллаев И.

Rashidov O.Yu., Toymuhamedov I.R., Alimov I.I., Tojiyev R.R.
Money, credit and finance: Textbook. –Т.: TSEU, 2009. - 439 p.

In this textbook there are discussed theories of money and credit, finance and financial system, finance of organizations, inflation, banking system and functions of banks, international monetary and credit relations and some specifics of insurance.

The textbook provides good guidance to students of economic universities, colleges and specialists in the sphere of banking systems.

Editor-in-chief prof. Xodiev B.Yu.
Reviewers: p.h.d., prof. Iminov O.K.
p.h.d., prof. Ismatullaev I.

©- Тошкент давлат иқтисодиёт
университети, 2009.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	9
I-боб. Пул назарияси	11
1.1. Пулларнинг келиб чиқиши, моҳияти ва турлари	11
1.2. Бозор иқтисодиётида пулларнинг функциялари	22
1.3. Пулнинг назариялари	32
1.4. Пул агрегатлари ва пул мультипликатори.....	41
1.5. Пул муомаласи ва пулларнинг айланиши.....	47
II-боб. Кредит назарияси	74
1.1. Кредит зарурлиги ва моҳияти	74
2.2. Суда капитали манбаси ва ҳаракат килиш шакллари.....	76
2.3. Кредитнинг асосий функциялари ва ташкил килиш асослари.....	77
2.4. Кредитнинг асосий тамойиллари.....	83
2.5. Суда фоизи: моҳияти, турлари ва уларга таъсир килувчи омиллар.....	90
2.6. Кредитнинг асосий шакллари ва турлари.....	90
2.7. Кредит назариялари танқиди.....	96
3-боб. Молия ва молия тизими	101
3.1. Молиянинг ижтимоий иқтисодий моҳияти.....	101
3.2. Молиянинг функциялари.....	110
3.3. Молия сиёсатининг моҳияти ва мазмуни.....	120
3.4. Молия сиёсатини амалга оширишда молия механизмининг моҳияти ва ўрни.....	126
3.5. Молия тизими ва унинг бўғинларига тасниф.....	129
3.6. Молияни бошқаришнинг ҳозирги замон тизими.....	135
3.7. Молиявий бошқарувда молиявий назоратнинг моделлари, шакллари ва усуллари.....	146
3.8. Давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.....	153
3.9. Бюджет тузилмаси ва бюджет тизими.....	160
3.10. Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари.....	164
3.11. Солиқ тушунчаси ва унинг объектив зарурлиги.....	169
3.12. Солиқларнинг функциялари.....	173
3.13. Солиқларнинг турлари ва уларга тасниф.....	178
3.14. Солиқ элементлари ва уларга тасниф.....	184
IV боб. Корхоналар молияси	193
4.1. Корхоналар молиясининг моҳияти.....	193
4.2. Корхоналар молиясининг ташкил этишнинг тамойиллари.....	199
4.3. Корхонанинг молия ресурслари.....	203
4.4. Корхона асосий фаолиятининг таҳлили.....	207
4.5. Корхонанинг молиявий натижаларининг таҳлили.....	211
4.6. Корхоналарда молия ишларини ташкил этишнинг хусусиятлари.....	216

V-боб. Банклар ва уларнинг операциялари.....	222
5.1. Банкларнинг моҳияти ва асосий функциялари.....	222
5.2. Банк тизими ва унинг операциялари.....	232
5.3. Марказий банк ва унинг функциялари.....	237
5.4. Ўзбекистон банкларнинг ривожланиш йуллари ва ислохатлари.....	244
VI Боб. Қимматли қоғозларнинг моҳияти ва шакллари.....	252
6.1. Қимматли қоғозларнинг моҳияти ва уларнинг асосий турларига тасниф.....	252
6.2. Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари ва уларнинг турлари.....	266
6.3. Қимматли қоғозлар бозорининг моҳияти ва унинг таркибий тузилмаси.....	276
6.4. Фонд биржаси – бозор иқтисодиётининг энг муҳим институти сифатида.....	288
6.5. Листинг ва делистинг жараёнлари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар.....	301
VII боб. Инфляция.....	308
7.1. Инфляциянинг моҳияти ва унинг юзага чиқиш шакллари.....	308
7.2. Инфляциянинг шакллари ва турлари.....	310
7.3. Инфляция назариялари.....	315
7.4. Инфляциянинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари.....	319
7.5. Инфляциянинг барқарорлаштириш усуллари.....	322
VIII-боб. Халқаро валюта-кредит муносабатлари ва валюта тизими.....	330
8.1. Валюта муносабатлари ва валюта тизими.....	330
8.2. Валюта курси.....	350
8.3. Тўлов ва ҳисоб-китоб баланслари.....	359
8.4. Валюта сиёсати.....	374
8.5. Халқаро ҳисоб-китоблар, уларнинг шакллари	382
8.6. Халқаро кредит муносабатлари.....	399
IX – боб. Суғурталаш ва суғурта иши.....	416
9.1. Суғуртанинг иқтисодий моҳияти, унинг зарурлиги функциялари.....	416
9.2. Мажбурий ва ихтиёрий суғуртани ташкил қилиш тамойиллари.....	418
9.3. Суғурталаш турлари ва уларни такомиллаштириш йўллари.....	423
9.4. Ўзбекистон Республикаси суғурта қонунчилиги.....	426
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	436

ОГЛАВЛЕНИЕ

Введение.....	9
Глава I. Теория денег.....	11
§ 1. Основы теории денег и его особенности	11
§ 2. Функции денег	22
§ 3. Теория денег	32
§ 4. Денежные агрегаты и денежный мультипликатор.....	41
§ 5. Современная организационная структура денежной массы.....	47
Глава II. Теория кредита.....	74
§ 1. Необходимость и сущность кредита.....	74
§ 2. Источники ссудного капитала и формы его движения.....	76
§ 3. Основные функции кредита и основы организации.....	77
§ 4. Основные принципы кредита.....	83
§ 5. Ссудный процент: сущность виды и факторы влияющие на него....	90
§ 6. Основные формы и виды кредита.....	90
§ 7. Критика теории кредита.....	96
Глава III. Финансы и финансовая система	101
§ 1. Сущность и функции финансов	101
§ 2. Финансовая система и её основные звенья.....	110
§ 3. Финансовая политика государства.....	120
§ 4. Бюджетная система государства, функция бюджета.....	126
§ 5. Межбюджетная система отношений.....	129
§ 6. Современная система управления финансами	135
§ 7. Модели, формы и методы финансового контроля в финансовом управление.....	146
§ 8. Социально экономическая сущность и значение госудасртвенного бюджета.....	153
§ 9. Структура бюджета и бюджетная система.....	160
§ 10. Доходы и расходы государственного бюджета.....	164
§ 11. Сущность налога и его объективная необходимость.....	169
§ 12. Функции налогов.....	173
§ 13. Виды налогов и их характеристика.....	178
§ 14. Элементы налога и их характеристика.....	184
Глава IV. Финансы предприятий и организаций	193
§ 1. Основы организации финансов предприятий.....	193
§ 2. Принципы организации финансов предприятий.....	199
§ 3. Финансовый отчет – как источник получения сведений о хозяйствующих субъектов.....	203
§ 4. Денежные средства предприятий.....	207
§ 5. Отчет о прибылях предприятий.....	211
§ 6. Движение денежных средств.....	216
Глава V. Банки и их операции.....	222
§ 1. Сущность и основные функции банков.....	222

§ 2. Система банков и его операции.....	232
§ 3. Центральный банк и его функции.....	237
§ 4. Этапы развития и реформирования банков Узбекистана.....	244
Глава VI. Сущность и виды ценных бумаг.....	252
§ 1. Сущность ценных бумаг и их характеристика.....	252
§ 2. Производные ценные бумаги и их разновидность.....	266
§ 3. Сущность и структура рынка ценных бумаг.....	276
§ 4. Фондовая биржа – как необходимый институт в рыночных отношениях.....	288
§ 5. Процедуры листинга и делистинга.....	301
Глава VII. Инфляция.....	308
§ 1. Сущность инфляции и причины её возникновения.....	308
§ 2. Виды и формы появления инфляции.....	310
§ 3. Экономические и социальные последствия инфляции.....	315
§ 4. Методы стабилизации инфляции.....	319
Глава VIII. Международные валютно-кредитные отношения.....	330
§ 1. Валютные отношения и валютная система.....	330
§ 2. Платежный баланс.....	350
§ 3. Основные методы регулирования платежного баланса.....	359
§ 4. Понятие валютного курса.....	374
§ 5. Международные расчеты.....	382
§ 6. Международные кредитные отношения.....	399
Глава IX. Страхование и страховое дело.....	416
§ 1. Экономическая сущность страхования, её необходимость, функции.....	416
§ 2. Принципы организации обязательного и добровольного страхования.....	418
§ 3. Виды страхования и пути его развития.....	423
§ 4. Страхование законодательство Республики Узбекистан.....	426
Использованная литература.....	436

Contens

Introduction.....	9
I. The theory of money.....	11
1.1. An origin of money, their kinds and value.....	11
1.2. Functions of money in market economy.....	22
1.3. Monetary theories.....	32
1.4. Monetary aggregates and the monetary animator.....	41
1.5. Monetary circulation.....	47
II. The theory of the credit.....	74
2.1. Necessity of the credit and its value.....	74
2.2. Sources of the loan capital and kinds of its movement.....	76
2.3. The basic functions of the credit and a basis of their organization.....	77
2.4. Main principles of crediting.....	83
2.5. Loan percent: value, kinds and the factors influencing it.....	90
2.6. The basic kinds of the credit.....	90
2.7. Criticism of theories of the credit.....	96
III. The finance and a financial system.....	101
3.1. Social and economic value of the finance.....	101
3.2. Functions of the finance.....	110
3.3. The maintenance and value of financial policy.....	120
3.4. Value and a place of the financial mechanism in realization of financial policy.....	126
3.5. The Financial system and classification of its parts.....	129
3.6. A modern control system of the finance.....	135
3.7. Methods, kinds and models of the financial control over a finance administration.....	146
3.8. A social and economic role and value of the state budget.....	153
3.9. Budgetary process and budgetary system.....	160
3.10. Incomes and charges of the state budget.....	164
3.11. Concept of taxes and their objective necessity.....	169
3.12. Functions of taxes.....	173
3.13. Classification and kinds of taxes.....	178
3.14. Classification elements of taxes.....	184
IV. The finance of the enterprises.....	193
4.1. Value of the finance of the enterprises.....	193
4.2. Principles of the organization of the finance of the enterprises.....	199
4.3. Resources of the finance of the enterprises.....	203
4.4. The analysis of primary activity of the enterprise.....	207
4.5. The analysis of financial results of activity of the enterprise.....	211
4.6. Features of the organization of the financial enterprise.....	216
V. Banks and their operations.....	222
5.1. Values and the basic functions of banks.....	222
5.2. Bank system and its operations.....	232

5.3. The Central bank and its functions.....	237
5.4. Development and reform of banks of Uzbekistan.....	244
VI. Kinds and value of securities.....	252
6.1. Value of securities and their classification.....	252
6.2. Derivative securities and their kinds.....	266
6.3. Value of a securities market and its structural structure.....	276
6.4. Stock exchange as the important institute of market economy.....	288
6.5. Processes of listing, delisting and the requirements shown to them.....	301
VII. Inflation.....	308
7.1. Value of inflation and the reason of its occurrence.....	308
7.2. Kinds and types of inflation.....	310
7.3. Theories of inflation.....	315
7.4. Social and economic consequences of inflation.....	319
7.5. Methods of stabilization of inflation.....	322
VIII. The international currency-credit relations and currency system.....	330
8.1. Currency system and currency attitudes.....	330
8.2. The Rate of exchange.....	350
8.3. Payment and trading balances.....	359
8.4. The currency policy.....	374
8.5. International payments and their kinds.....	382
8.6. International credit relations.....	399
IX. Insurance and insurance business.....	416
9.1. Economic value of insurance, its necessity and functions.....	416
9.2. Principles of the organization.....	418
9.3. Types of insurance and ways of development.....	423
9.4. Insurance legislation in Republic of Uzbekistan.....	426
Literature.....	436

Кириш

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизация қилиш жараёнлари ва мамлакатимизни Евро Осиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиши ҳамда Умумжаҳон савдо ташкилотлари билан олиб бораётган алоқалари бевосита амалга оширилаётган пул-кредит сиёсатига боғлиқ. Чунки пул-кредит тизими мамлакат иқтисодиётини маблағ билан таъминловчи ва иқтисодий ислохотларнинг самарасини белгиловчи инфратузилма бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз пул-кредит тизими фаолиятига ўзининг доимий эътиборини қаратиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов И.А.: “Учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жихатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада — мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ” деб алоҳида таъкидлаган¹.

Шунинг учун «олдимизда турган вазифаларни бажариш, иқтисодиётимизда мавжуд бўлган кўпгина муаммоларни ечиш учун банк тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришимиз ва кенгайтиришимиз даркор»². Ушбу муаммоларни ҳал этиш бевосита «Пул, кредит, банклар» фанини ўрганишга боғлиқ. “Пул, кредит, банклар» фани «Банк иши» йўналишидаги талабалар учун мўлжалланган. Бу фан орқали талабалар замонавий пул, банк назарияси ва молиявий бошқарув, қимматли қоғозлар билан операциялар, банклар томонидан пул муомаласини бошқаришнинг назарий асосларини ва амалий услубларини ўрганадилар. Бундан ташқари замонавий молия-кредит назариясида Ўзбекистон республикасида иқтисодиётни либераллаштириш ва

¹ И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 6 б.

² И.Каримов. Янгиланиш ва барқарор тараккиёт йулидан изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шаоитини яратиш- асосий вазифамиздир. «Халқ сузи» 13 февраль 2007 йил.

модернизация қилиш жараёнлари бўйича қабул қилинаётган қарорлар самарадорлигини баҳолашнинг йўллари ва методлари кўриб чиқилади.

“Пул, кредит, банклар” фанини мақсади талабаларни пул-кредит соҳаси қонуниятлари, уни ижтимоий такрор ишлаб чиқаришдаги тутган ўрнини ўргатишдан иборат. Шу билан бирга «Пул, кредит, банклар» фанининг вазибалари бўлиб талабаларга замонавий пул, кредит ва молия назариясини ўргатиш; пул-кредит муносабатларини ва ривожланиш йўналишларини ўргатиш; ҳозирги замон пул-кредит тизими қонуниятларини таҳлил этиш; инфляция ва уни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш ва уларни бошқаришни кўрсатиб бериш ҳисобланади.

“Пул, кредит, банклар” фани ўқув режасидаги гуманитар фанлар билан, жумладан, «Иқтисодий назария» каби фанга узвий боғлиқ ва махсус фанлар, масалан «Банк иши», «Халқаро валюта-кредит муносабатлари», «Халқаро молия» каби фанлар учун эса асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур дарсликда муаллифлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳисобланади, шунинг учун мазкур дарслик камчиликлардан ҳоли эмас. Китобхонлар билдирган таклиф ва мулоҳазалар муаллифлар томонидан кейинги нашрда албатта инобатган олинади.

Манзилимиз: Тошкент -700003, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 49

I-боб. Пул назарияси

1.1. Пулларнинг келиб чиқиши, моҳияти ва турлари

Пул – бу умумий эквивалент сифатида қўлланиладиган универсал товарнинг алоҳида тури бўлиб, бошқа барча товарларнинг қиймати у орқали ифодаланади. Пул айирбошлаш, тўлов, қийматни ўлчаш, бойликни тўплаш воситаси функцияларини бажарадиган ноёб товардир. Ҳозирги иқтисодиётда пул муомаласи амалда товарларнинг ҳамма турлари муомаласининг ўзгармас шarti ҳисобланади. Пул туфайли товарларни қиёслаш, айирбошлашда зарур бўладиган қийматнинг ягона мезонига эга бўлиш мумкин.

Пул– бу бошқа неъматларнинг қимматини ўлчаш воситаси (умумий эквивалент) ёки айирбошлашда ҳисоб-китобларни амалга ошириш воситаси (айирбошлаш воситаси) функцияларини бажарувчи неъматдир. Пул – бу мутлоқ ликвидлиikka эга бўлган неъматдир. Пул – бу иқтисодий категория бўлиб, одамлар ўртасидаги муносабатлар унда намоён бўлади ва унинг ёрдамида курилади. Пулнинг мақсади бозорга оид ўзаро ҳаракатларнинг трансакцион харажатларини тежашдан иборат.

Аввало, сотиб олинадиган неъматларнинг турлари ва миқдорини, битимни амалга ошириш вақти ва жойини, шунингдек, битим бўйича контрагентларни танлашдаги чиқимларни тежашга пуллар ёрдамида эришилади. Бартерли (мавозали) иқтисодиётда бундай чиқимлар шунчалик кўп бўлиши мумкин эдики, бу амалда ҳар қандай айирбошлаш ҳаракатларини амалга оширишни истисно қилиб, меҳнат тақсимоти энг кам миқёс касб этган бўларди ва фаолиятнинг кўпгина турлари аслида вужудга келмас эди. Акс ҳолда шундай бир иқтисодиёт ташкил топган бўлардики, унда, масалан, сочини олдирмоқчи бўлган иқтисодчи иқтисодиёт бўйича маъруза тингламоқчи бўлган сартарошни излашига тўғри келарди. Айтайлик, янги пальто тикдирмоқчи бўлган актер бунинг

учун унинг фильмларда ўйнаган роллари билан қизиқувчи тикувчини топиши керак бўларди ва ҳоказо. Пуллар потенциал шериклар хоҳиш-истакларининг шу тарзда жуфтлик ҳолдаги мос келиши заруратини бартараф этади ва битимларни амалга ошириш жойи ва вақтини, айирбошланадиган неъматлар сифати ва миқдорини, битим бўйича шерикларни қайишқоқлик билан танлашга имкон беради ва ҳоказо.

Неъматлар қимматини ўлчашдаги чиқимларнинг катта қисми пуллар ёрдамида тежаллади. Умумий эквивалент хусусида келишувга эришилган иқтисодиётда индивидлар айирбошланадиган пропорцияларни осонлик билан тузиши мумкин. Агар иккита товарнинг нархи маълум бўлса, унда уларнинг нисбий қиммати ҳам аниқ бўлади.

Шуни таъкидлаш зарурки, товар айирбошлаш муносабатлари улар пайдо бўлган вақтдан бошлаб бозорда умумий эквивалент бўла оладиган, ҳамма учун мақбул қулай товарни излашни объектив равишда тақозо этган. Маълумки, турли даврларда металллар – бронза, темир, мис, кумуш, олтин ана шундай эквивалент бўлган. Олдинга улар тақинчоқлар, қуроллар, меҳнат қуроллари ва кўпинча тасодифий шаклдаги ва миқдорлардаги кам ишлов берилган металл парчалари шаклида қўлланилган. Улар брусочлар, новдалар, пластиналар ва ёмбилардан иборат бўлган. Ёмбилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун уларни тарозида тортишга тўғри келган, лекин кўпинча ёмбиларни бирмунча кичикроқ бўлақларга бўлиш зарурати вужудга келган.

Универсал ҳисоб-китоб эквивалентига бўлган эҳтиёж эрамиздан олдинги VIII асрдаёқ кафолатланган вазнли ва таркибли стандартлаштирилган ёмбилар пайдо бўлишига олиб келди. Бирмунча кейинги даврлардаги ёмбиларнинг айрим турлари уларни бўлақларга бўлишда қулай бўлиши учун белгили кертиклар билан ясалган. Бироқ, бундай такомиллаштиришлар барибир савдогарларни ҳисоб-китобларни

амалга оширишда ёмбилар ва уларнинг бўлакларини тортиб кўриш заруратидан халос этмаган.

Товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва товар айирбошлашнинг кенгайиши, бундай жараёнларга кўп сонли ҳунармандлар ва бошқа қатнашчиларнинг жалб этилиши металл пулларнинг кейинги стандартлаштирилишига ва улар миқдорларининг чакана савдо эҳтиёжларига мослаштирилишига олиб келди. Тахминан эрамиздан олдинги XII асрда Хитойда, VII асрда эса Ўрта ер денгизи давлатлари – Лидия ва Эгинада вазни, миқдори ва қотишмаларининг таркибига кўра бир хилдаги металл пуллар пайдо бўлди. Улар секин-аста ишлаб чиқариш ва фойдаланиш учун қулай бўлган думалоқ шаклга эга бўлди. Улар анъанавий ёмбилардан бирмунча кичик ўлчамлари билан, шунингдек, уларнинг тўловга қобилиятлилиги ва асосий параметрлари (миқдори, қотишмалар таркиби, вазни) у ёки бу даражада давлат томонидан қафолатланиши ва муҳофаза қилиниши билан ажралиб турарди. Шундай қилиб, шу даврдан эътиборан металл пуллар ҳукмронлигининг узок даври бошланди.

Бундай пулларда номиналлар – металл пулнинг муайян вазнли стандартини ифодаловчи ва пулларнинг номлари сифатида муқим ўрин олган тушунчаларнинг пайдо бўлиши, ушбу пуллар эволюциясининг энг муҳим натижаларидан бири эди. Асрлар қаъридан бизгача етиб келган тангаларнинг номлари – драхмалар, франклар, маркалар, талерлар ва бошқа кўплаб тангалар номлари – металл пулларнинг муайян вазнли моҳиятларини англатарди.

Пулларнинг ёмбиларда бўлмаган янги сифатлари ҳисоб-китобларни амалга оширишда уларни шунчаки оддий қайта ҳисоблашга ва вақти келиб уларни тортиб кўришдан воз кечишга имконият яратди. Белгилар ва ёзувлар шундай сифат белгилари бўлиб, улар олдинга пул birlikларининг бир томонига, кейинчалик – иккала томонига ҳам

босилган. Эрамиздан олдинги V асрдан бошлаб эса уларнинг мажбурий атрибутлари тусини олган¹.

Муомалага кирган пуллар «монета» («танга») деган номни Юнонанинг номларидан бири (Juno Moneta – Огоҳлантирувчи Юнона) шарафига қабул қилинган бўлиб, унинг Римдаги Капитолий тепалигидаги Юнона саройида ушбу антик давлатнинг янги зарбхонаси жойлашган бўлган. Тангаларнинг пайдо бўлиши товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ эди. Металл пулнинг энг муҳим хусусиятларидан бири - қиймат ана шу воқеада ўз аксини топган. Улар муомала учун ёмбиларга қараганда анча қулай бўлиб, қисқа давр ичида бутун дунёда кенг оммалашиб кетди.

Танганинг кўп асрлик тарихида унинг турлари кўп марта ўзгарди, ҳар бир давр унда ўз «тамғаси»ни қолдирди. Масалан, эрамиздан илгариги VII-V асрлардаги энг қадимги тангаларда фақат бир неча оддийгина чуқурчаларни кўриш мумкин. V асрдан бошлаб уларда шаҳарлар номларининг бошланғич ҳарфлари, кейинроқ - шаҳарлар номлари ва ҳукмдорлар исмларининг қисқача номлари пайдо бўлди. қадимги Римдаги тангалардаги айрим рақамлар ва ҳарфлар тангаларнинг номиналлари билдирган. Масалан, 1 рақами бир ассни (бир рим фунтига, яъни миснинг 12 унциясига тенг бўлган оғирлик ўлчамини), S ҳарфи 1/2 асосни англатган. Антик Эгинанинг илк кумуш драхмаларида тошбақалар, форс шоҳи Дарийнинг (эрамиздан олдинги VI-V асрлар) олтин тангаларида эса - ёйдан ўқ узаётган шоҳ тасвирланган. қадимги Рим тангаларида мажусийлар худолари, қаҳрамонлари ва императорлари акс эттирилган. Кейинги даврлар уларнинг ўрнига қироллар, шоҳлар ва черков иерархлари суратлари тасвирланган. Буржуа республикалари тангаларида подшолар ва авлиёлар тасвирлари ўрнига давлат герблари, турли белгилар ва янги тарихий ҳодисалар манзаралари акс эттирилган.

¹ Қаранг: Юрьев А.В., Герасимов В.М. Монета вчера и сегодня. // Деньги и кредит. 1999. №2.

Кўп асрлар давомида, деярли XIX асрнинг бошига қадар кўпчилик мамлакатларнинг пул тизимларида бир хилдаги мақомга эга бўлган олтин ва кумуш тангалар параллел равишда амал қилиб келган. Бунда олтин билан кумуш ўртасидаги нархга оид ўзаро нисбат расман белгиланмаган, балки бозор механизмлари билан белгиланган. Айрим мамлакатларда эса тўлақонли олтин ва кумуш тангаларнинг амал қилиши олтин билан кумуш ўртасидаги давлат томонидан белгиланган нархга оид ўзаро нисбатга кўра юритилган.

1816 йилдан 1900 йилгача мамлакатларнинг кўпчилиги олтин ёки олтин тангали стандартга ўтганлар: бу стандартда мамлакатнинг асосий пул бирлиги тўлақонли муомалада бўладиган олтин тангада зарб қилинган. Унинг номинали унинг таркибидаги олтин қийматига тенг эди. Бу даврда банкноталарнинг олтин тангаларга ҳеч қандай тўсиқсиз айирбошланиши таъминланган. Кумуш ва мис тангалар эса майда пул ролини ўйнади. Бунда майда пулларнинг металл қиймати ҳам, одатда, у ёки бошқа даражада олтин тангага боғланар эди. XX аср бошига келиб товар ишлаб чиқариш катта миқёсларга эришди ва товар массасининг ошиб бораётган ҳажмларига хизмат кўрсатиш учун тобора кўпроқ миқдордаги пуллар талаб қилинган.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошида йирик машинали ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан товарларнинг кескин ортиб бораётган массаси билан олтин стандарт шартларига кўра амалда мавжуд бўлиши чекланган металл пулларнинг миқдори ўртасида жиддий диспропорциялар вужудга келди. Лекин олтин стандарт аксарият кўпчилик давлатларда биринчи жаҳон урушигача амал қилиб турди. Биринчи жаҳон уруши бошланган вақтга келиб амалда барча мамлакатлар ҳарбий стратегик захираларни шакллантириш мақсадларида олтин ва кумуш тангаларни муомаладан олиб ташлашди. Пул муомаласида уларнинг ўрнини таъминланмаган банкноталар ва майда пуллар эгаллади. Шу муносабат

билан принципиал жиҳатдан янги пул тизимлари пайдо бўлдики, улар ўзининг товар қийматига эга бўлган реал пуллардан шакллантирилмасдан, балки уларнинг суррогатларига асосланган эди. Бундай пул суррогатлари олтин билан таъминланмаган пул белгилари – банкноталар, ғазна билетлари, арзон қотишмалардан ясалган тангалар номини олди. Тўлақонли олтин тангадан фарқли равишда бундай пул суррогатлари товар бозорида ўзининг қийматига эга эмас эди, чунки бундай қиймат жуда кам бўлиб, фақат уларни тутиб турувчининг бундай пулларни алмаштирганда муайян қийматни олиш ҳуқуқидан гувоҳлик берарди. Бундай ҳолда пул белгилари фақат қийматнинг воситачи вакиллари ролини бажарарди.

Биринчи жаҳон уруши ҳаддан ортиқ моддий зарарлар келтириб, хўжалик фаолиятини издан чиқаргани сабабли, дунёдаги барча мамлакатларнинг ҳукуматлари реал қимматга эга бўлмаган жуда катта миқдордаги пул белгиларини чиқаришга киришди. Бунинг натижасида уруш тугаганидан кейин бу мамлакатларда қадри тушиб кетган пуллар миқдори кўпайиб қолди. Инфляция жараёнлари 1930-йилларгача кўпгина давлатларни ўз гирдобига тортди. Бундай жараёнлар сабабли иқтисодий ва молиявий соҳаларда юз берган деформациялар шунчалик жиддий эдики, Европада урушдан кейин бир қатор мамлакатларда олтин стандартни яна қайтадан тиклашга бўлган уринишлар керакли натижа бермади.

XX асрнинг 70-йилларида олтиннинг деноминаллашуви юз бериб, бунинг натижасида олтин олдинига мамлакатнинг ички айланишида муомала ва тўлов воситаси функцияларини, сўнгра 1976 йилдан бошлаб жаҳон пуллари функциясини ҳам бажармай қўйди. Ички айланишда ва жаҳон бозорида ҳам қоғоз ва кредит пуллари олтинни сиқиб чиқариб ташлади.

Қоғоз пуллар - тўлақонли пулларни тақдим этувчи пул белгиларидир. Тарихий жиҳатдан олганда, қоғоз пуллар металл пуллар муомаласи асосида келиб чиққан. Улар бундан олдин муомалада бўлган кумуш ёки

олтин тангаларининг ўрнига татбиқ этилган. Пуллар товарларнинг айирбошланишида воситачи бўлиб ҳисобланадиган воқеликнинг ўзи, пулларнинг муомала воситаси сифатида фаолият юритиши объектив тарзда тўлақонли пуллар ўрнига чиқарилган пул белгиларининг муомаласи мумкин эканлигини тасдиқлади. Кумуш ва олтин тангалар ишлатиб келинган кўп асрлик тарих мобайнида сийқаси чиққан ва ўз шаклини йўқотган, яъни реал оғирлиги камроқ бўлган тангалар муомалада тўлақонли тангалар билан бир қаторда амал қилиши ва худди шундай қийматни ифодалашни қайд қилинди. Бу металл тангаларни амалда ҳеч қандай қийматга эга бўлмаган қоғоз пуллар билан алмаштириш ҳақидаги фикрга олиб келди. Илк қоғоз пуллар эрамининг XII асрида Хитойда, Европа ва Америкада эса – фақат XVII-XVIII асрларда пайдо бўлди. Россияда қоғоз пуллар (ассигнациялар) 1769 йилда жорий этилган.

Қоғоз пулларнинг моҳияти шундан иборатки, улар пул белгилари ҳисобланади ва одатда металлга айирбошланади. Шунинг учун қоғоз пуллар муомалада вакиллик қийматига эга бўлади ва харид қилиш ва тўлов воситаси ролини бажаради.

Қоғоз пулларни ким чиқариш ҳуқуқига эга? Давлатнинг молия муассасаси ёки марказий банклар қоғоз пулларнинг эмитентлари бўлишади. Давлатнинг молия муассасаси қоғоз пулларни чиқаришдан бевосита ўз харажатларини қоплаш учун фойдаланади. Марказий банклар эса бу ишни билвосита бажаради, яъни улар алмаштирилмайдиган банкноталарни чиқаришади ва уларни давлатга ссудага тақдим этади, давлат бундай банкноталарни ўзининг бюджет харажатлари учун йўналтиради.

Шуни қайд қилиш зарурки, қоғоз пулларнинг иқтисодий табиатига кўра уларга муомаланинг беқарорлиги ва қадрсизланиш хосдир.

Қоғоз пуллар эмиссияси миқдорлари, афсуски, товар ва тўлов айланишларининг пулларга бўлган эҳтиёжи билан боғлиқ эмас. Улар,

одатда, давлат харажатларини молиялаштириш, бюджет тақчиллигини қоплаш учун чиқарилади. Бу шуни англатадики, пулларнинг айланишига доимий эҳтиёж бўлганида ёки ҳатто у камайганида ҳам давлатнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжлари у ёки бошқа сабабга кўра ўсиши мумкин. Бундай ҳолда қоғоз пуллар массасининг кўпайиши қоғоз пулларнинг ҳаддан ортиқ чиқарилганлигини билдирадики, бу пулларнинг қадрсизланишига олиб келади. Қоғоз пулларнинг ҳаддан ташқари кўп эмиссияси билан боғлиқ бўлган бундай пулларнинг инфляцион қадрсизланиши бунинг типик кўринишидир. Қоғоз пулларнинг қадрсизланиши, тўлов балансининг яхши эмаслиги (мамлакат чет эллардан ўзи амалга оширган тўловларга нисбатан камроқ тўловларни олган), миллий валюта курсининг пасайиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Бунинг оқибатида қоғоз пулларга уларнинг табиатига кўра беқарорлик хос бўлади. Бундай шароитда қоғоз пуллар, шубҳасиз, ғазна функциясини бажаришга яроқсиз бўлади.

Қоғоз пулларга хос бўлган камчиликлар кредит пулларнинг қўлланилиши туфайли бирмунча бартараф этилиши мумкин.

Кредит пуллар. Хўжалик юритиш амалиётида товар муносабатлари умумий тус олган шароитда тижорат ва банк кредити қўлланилишининг кенгайиши шунга олиб келдики, ўз функциялари, муомала соҳаси (чегаралари), кафолатлари ва шу кабиларга кўра оддий пуллардан фарқ қиладиган ва мутлақо бошқача қоидалар билан бошқариладиган кредит пуллар умумий товар бўлиб қолади. Кредит пуллар ижтимоий-иқтисодий жараённинг бирмунча ривожланган, олий соҳасига хосдир. Улар капитал ишлаб чиқаришни тўлиқ эгаллаган ва унга олдингисидан бошқача, ўзгартирилган ва ўзига хос шаклни берганида вужудга келади.

Товар-пул муомаласининг ривожланишига қараб тўловнинг пул шакли тобора ўткинчи бўлиб бораверади. Айни бир вақтда товарларнинг ҳаммаси тобора кўпроқ нафақат пуллар орқали, балки бевосита ишлаб

чиқариш жараёнида ижтимоий эътирофга сазовор бўлади. Шу муносабат билан кредит пуллар капиталистик формациягача бўлган даврдаги каби товар-пул шаклида муомаладан эмас, балки ишлаб чиқаришдан, капиталнинг айланишидан ўсиб чиқади. Пул капитал, бинобарин, кредит пуллар шаклида иш юритади.

Кредит пуллари эволюцияси: вексель, банкнота, электрон пуллар, кредит карточкалари.

Вексель - қарздорнинг ёзма мажбурияти (оддий вексель) ёки кредиторнинг қарздорга векселда ёзилган суммани муайян муддатдан кейин тўлаш тўғрисидаги буйруғи (ўтказма вексель – тратта). Оддий ва ўтказма векселлар – булар тижорат вексели, яъни савдо битими асосида вужудга келадиган қарз мажбуриятининг турларидир. Шунингдек, *молиявий векселлар*, яъни муайян суммадаги пулларни қарзга беришда келиб чиқадиган қарз мажбуриятлари ҳам амал қилади. *Фазна векселлари* уларнинг бир туридир. Бундай вексель ҳукуматнинг қисқа муддатли қоғози бўлиб, унинг амал қилиш муддати бир йилдан ошмайди (одатда 3-6 ой бўлади). Бу ерда давлат қарздор ролини бажаради. *Дўстона векселлар* – пулсиз, реал тижорат битими билан боғлиқ бўлмаган, контрагентлар томонидан бундай векселларни банкларда ҳисобга олиш йўли билан пулларни олиш мақсадида бир-бирига ёзиб берадиган векселлардир.

Векселнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардир:

- а) абстрактлик (векселда битимнинг аниқ тури кўрсатилмаган);
- б) мунозарасизлик (нотариуснинг норозилик ҳақидаги далолатномани тузганидан кейин то мажбурловчи чораларни қўллашгача қарзнинг мажбурий равишда тўланиши);
- в) айланишлик (векселнинг тўлов воситаси сифатида унинг орқа томонида бериш ҳақидаги ёзувни ёзиб (жиро ёки индоссамент) бошқа шахсларга берилиши. Бу вексел мажбуриятларининг ўзаро ҳисобга олиниш имкониятини яратади).

Банкнота – бу банкнинг қарз мажбуриятидир. Ҳозирги вақтда банкнота марказий банк томонидан векселларни қайта ҳисоблаш, турли кредит ташкилотлари ва давлатни кредитлаш йўли билан чиқарилади.

Банкноталарнинг – кредит пулларнинг шундай турининг – муомалага чиқарилишини одатда банклар турли хўжалик жараёнлари муносабати билан амалга оширилаётган кредит операцияларини бажаришда ўтказишади. Уларнинг айланишдан олиб қўйилиши давлатнинг харажатларни амалга ошириши ва даромадларни олишида эмас, балки хўжалик жараёнлари муносабати билан амалга оширилаётган кредит операциялари асосида амалга оширилади.

Кредит пулларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларнинг муомалага чиқарилиши муомаланинг ҳақиқий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлади. Бу шуни англатадики, кредит операциялари ишлаб чиқаришнинг реал жараёнлари ва маҳсулотларнинг сотилиши муносабати билан бажарилади. Ссуда, одатда, захираларнинг муайян турлари таъминот бўлиб хизмат қиладиган таъминот асосида берилади. Бу қарздорларга бериладиган тўлов воситаларининг ҳажмини муомаланинг пулларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжи билан боғлашга имкон беради. Айни шу хусусият кредит пулларининг энг муҳим афзаллигидир.

Кредит пуллар (банкноталар) билан қоғоз пул белгилари ўртасидаги энг муҳим тафовут уларнинг муомалага чиқарилишидаги ўзига хос хусусиятларидадир. Агар банкноталар ишлаб чиқаришнинг реал жараёнлари ва маҳсулотларнинг сотилиши муносабати билан бажариладиган кредит операциялари муносабати билан муомалага чиқариладиган бўлса, қоғоз пуллар муомалага бундай боғланишсиз чиқарилади.

Тижорат банкларининг ташкил этилиши ва эркин пул маблағларининг жорий ҳисобварақларда тўпланиши билан **чек** сифатидаги муомаланинг кредит воситаси пайдо бўлди. Чек – бу омонатчининг тижорат ёки

марказий банкка ёзиб берадиган ўтказма векселининг бир туридир. Чек жорий ҳисобварақ эгасининг банкка чекни тутиб турувчига муайян суммадаги пулларни тўлаш ёки бундай суммани бошқа жорий ҳисобвараққа ўтказиш ҳақидаги ёзма буйруғидир. Чеклар биринчи марта 1683 йилда Англияда пайдо бўлган.

Чекда ёзиб қўйилган буйруқ ҳуқуқи ва унинг бажарилиши мажбурияти банк билан мижоз ўртасидаги чек шартномасига асосланади. Ушбу шартномага мувофиқ мижозга ўзининг ва қарзга олинган маблағларидан фойдаланиш рухсат этилади. Банк тақдим қилинган чекларга нақд пуллар билан ёки маблағларни чекни берувчининг ушбу ёки бошқа банк муассасасидаги ҳисобварағидан ўтказиш йўли билан ҳақ тўлайди. Чек қисқа муддатда амал киладиган восита сифатида тўлов воситаси мақомига эга бўлмайди ва пуллар эмиссиясидан фарқли равишда муомаладаги чеклар сони қонунлар билан тартибга солинмайди, балки бутунлай тижорат муомаласининг эҳтиёжлари билан белгиланади. Шунинг учун чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш шартли тусга эга бўлади: қарздорнинг чекни тақдим этиши унинг кредитор олдидаги мажбуриятини узди дегани эмас – бундай мажбурият фақат банкнинг чекнинг ҳақини тўлаган пайтида узилади.

Шундай қилиб, чекнинг иқтисодий моҳияти шундаки, у банкдан нақд пулларни олиш воситаси бўлиб хизмат қилади, муомала ва тўлов воситаси бўлади ва, ниҳоят, нақд пулларсиз ҳисоб-китоблар воситаси ҳисобланади. Айнан шу чеклар асосида ўзаро эътирозларнинг асосий қисми нақд пул иштирокисиз узиладиган нақд пулларсиз ҳисоб-китоблар тизими вужудга келди.

Чеклар мкомаласининг жадал ривожланиши, чеклар инкассациясига доир операцияларнинг кўпайиши улар билан ишлаш харажатларининг анча ошиб кетишига олиб келди. Кейинроқ, банк соҳасига фан-техника тараққиёти ютуқларининг татбиқ этилиши туфайли чеклар билан ишлаш

ва жорий ҳисобварақларнинг юритилиши ЭҲМлардан фойдаланиш асосида бажариладиган бўлди. Нақд пулларсиз ҳисоб-китоблар амалиётининг кенгайиши, банк операцияларининг механизациялашуви ва автоматлашуви, ЭҲМларнинг анча мукамал турларидан кенг фойдаланишга ўтиш қарзни **электрон пуллар**ни қўллаган ҳолда узиш ёки беришга доир янги услубларнинг вужудга келишига асос бўлди.

Электрон пуллар – бу банкларнинг компьютери хотирасидаги ҳисобварақлардаги пуллар бўлиб, уларнинг тасарруф қилиниши махсус электрон қурилма ёрдамида амалга оширилади. Электрон асосдаги тўловлар тизимининг оммалашуви пул муомаласи эволюциясининг сифат жиҳатдан янги босқичига ўтишни тасдиқлади.

Банк ишида ЭҲМларнинг оммалашуви асосида чекларни **пластик карточкалар** билан алмаштириш имконияти пайдо бўлди. Пластик карточкалар ҳисоб-китобларнинг нақд пуллар ва чекларнинг ўрнини босадиган, шунингдек, унинг эгасига банкдан қисқа муддатли ссудани олишига имкон берадиган воситасидир. Пластик карточкалари чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида энг кўп қўлланилмоқда.

1.2. Бозор иқтисодиётида пулларнинг функциялари

Пулларнинг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти уларнинг ички мазмунини ифодаладиган функцияларида намоён бўлади. Пуллар қуйидаги бешта функцияни бажаради: қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси, тўлаш ва жамғариш воситаси, жаҳон пуллари.

Пулнинг қиймати ўлчови сифатидаги функцияси. Пуллар умумий эквивалент сифатида ҳамма товарларнинг қийматини ўлчайди. Товарларни ишлаб чиқариш учун сарфланган ижтимоий зарур меҳнат уларни тенглаштириш учун шароит яратади. Ҳамма товарлар ижтимоий зарурий меҳнат маҳсули ҳисобланади, шунинг учун ўзи қийматга эга бўлган ҳақиқий пуллар (кумуш, олтин) бошқа барча товарлар қийматининг ўлчови

бўлиши мумкин. Бунда товарлар қийматининг пуллар воситасида ўчаниши идеал тарзда юз беради, яъни товар эгасида нақд пулларнинг бўлиши шарт эмас.

Шундай қилиб, пуллар қиймат ўлчовидан иборат бўлади. Жамият пул бирлигидан турли хил неъматлар ва ресурсларнинг нисбий қийматларини солиштириш учун масштаб сифатида фойдаланишни қулай деб ҳисоблайди. Масофани метрлар ва километрларда ёки вазни граммлар ва килограммларда ўлчаганига ўхшатиб неъматлар ва хизматларнинг қиймати ҳам пул ифодасида солиштирилади. Бу шубҳасиз афзалликларга эга. Пул тизими тўғрисида ҳар бир маҳсулотнинг нархини уни алмаштириш мумкин бўладиган бошқа ҳамма маҳсулотлар орқали ифодалашга зарурат қолмайди. Пулларнинг умумий эквивалент сифатида фойдаланилиши шунинг билан, ҳар қандай товарнинг нархини фақат пул бирлиги орқали ифодалаш етарли бўлади. Пулларнинг шу тарзда ишлатилиши битим қатнашчиларига ҳар хил товарлар ва ресурсларнинг нисбий қийматини осонлик билан солиштириш имконини беради.

Ҳозирги дунёда турли неъматларнинг қиймати бир хилдаги пул бирликларида – бир-бирига тенглик билан ўтказиладиган (конвертация қилинадиган) долларлар ва шу қабиларда ифодаланади. Товарнинг пулларда ифодаланган қиймати **нарх** дейилади.

Нарх товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур ижтимоий меҳнат харажатлари билан белгиланади. Товарларнинг нархи ва уларнинг ҳаракати негизида **қиймат қонуни** ётади. Товарнинг нархи бозорда шаклланади ва товарларга талаб ва таклифнинг тенг бўлганида бундай нарх товарнинг қиймати ва пулларнинг қийматига тенглик бўлади. Бозордаги талаб ва таклиф бир-бирига мувофиқ келмаганида товарнинг нархи муқаррар равишда унинг қийматидан четга тебраниб ўзгаради. Нархларнинг товарни ишлаб чиқарувчининг қийматидан юқорига ва

пастга ўзгаришлари қандай товарларнинг ортиқча ишлаб чиқарилгани, қайсиларининг - кам ишлаб чиқарилганидан далолат беради.

Қийматига кўра турлича бўлган товарларнинг нархларини солиштириш учун уларни бир масштабга келтириш, яъни уларни бир хилдаги пул бирликларида ифодалаш зарур. Металл пуллар муомаласида *нархлар масштаби* деб ушбу мамлакатда пул бирлиги қилиб қабул этилган ва бошқа барча товарларнинг нархларини ўлчаш учун хизмат қиладиган пуллик металлнинг вазни миқдорига айтилади.

Олтиннинг муомалада бўлган шароитида нархларнинг масштаби олтиннинг муайян миқдорига тенглаштирилган пул бирлигининг белгиланишини назарда тутарди. XX асрда пулларнинг харидчилик қобилиятининг пасайиши кузатилдики, бу пул бирлигидаги олтиннинг камайганлигида ўз ифодасини топди. Масалан, 1900 йилда АҚШ доллари 1,50463 граммга, 1934 йилда – 0,888671 граммга, 1973 йилда – 0,736 граммга тенг бўлди. Россияда молия вазири С.Ю.Виттенинг (1895-1897 йиллар) ислоҳоти бўйича рублнинг таркибидаги олтин 0,774234 грамм қилиб белгиланди. 1950 йилда бундай таркиб 0,222169 граммни, 1961 йилда эса (нархлар масштаби ўзгариши билан) – 0,987412 грамм бўлди.

1976-1978-йилларда жорий қилинган Ямайка валюта тизими олтиннинг расмий нархини ва Халқаро валюта фондида (ХВФга) аъзо бўлган мамлакатлар пул бирликларининг олтин таркибини бекор қилди. Ҳозирги вақтда бу мамлакатлардаги нархларнинг расмий масштаби товарлар қийматини нарх воситасида солиштириш йўли билан бозорда айирбошлаш жараёнида стихияли тарзда шакллантирилади. Россияда ҳам 1992 йилдан бошлаб рубль билан олтиннинг расмий ўзаро нисбати назарда тутилмаган.

Пулларнинг муомала воситаси сифатидаги функцияси. Пуллардан товарлар ва хизматларни харид қилиш ва сотишда фойдаланиш мумкин. Пуллар муомала (ёки айирбошлаш) воситаси сифатида жамиятни бартерли

(мавозали) айирбошлашнинг ноқулайликларидан халос қилади. Пуллар ҳамма жойда ва осонлик билан тўлов воситаси сифатида қабул қилинади. Ушбу ижтимоий ихтиро ресурсларнинг эгаларига ва ишлаб чиқарувчиларга алоҳида «товар» (пуллар) билан ҳақ тўлашга имкон берадики, бундай алоҳида товар кейинчалик бозорда мавжуд бўлган ҳар қандай товарни сотиб олиш учун ишлатилиши мумкин. Пуллар товарлар билан айирбошлашнинг қулай усули бўлиш билан жамиятга минтақавий ихтисослашув ва одамлар ўртасидаги меҳнат тақсимотининг маҳсулларида фойдаланиш имконини беради. Товарлар муомалага киришишигача пулларда идеал баҳоланадиган биринчи функциядан фарқли равишда пуллар товарлар муомаласида реал иштирок этиши керак. Пулларнинг муомалада реал иштирок этиши ва уларнинг айирбошлашдаги иштирокининг ўткинчилиги муомала воситаси сифатидаги пулларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади, Шу сабабли тўлақонли бўлмаган пуллар - қоғоз ва кредит пуллар ҳам муомала воситаси функциясини бажариши мумкин. Ҳозирги вақтда кредит пуллар деб аталадиган пуллар: векселлар, банкноталар, чеклар, банкларнинг кредит карточкалари пул муомаласида ҳукмрон вазиятни эгаллаб турибди.

Пулларнинг тўлов воситаси сифатидаги функцияси. Пулларнинг бу функцияси капиталистик хўжаликда кредит муносабатларининг ривожланиши туфайли вужудга келди. Пуллар товарларнинг кредитга сотилишида тўлов воситаси сифатида фойдаланилади, бунинг зарурлиги товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг шарт-шароитлари бир хилда эмаслиги, уларни ишлаб чиқариш ва муомаласи муддатининг турли хиллиги, ишлаб чиқаришнинг мавсумий тусдалиги, шунингдек, ишчилар ва хизматчиларга иш ҳақининг тўланишида фойдаланилади.

Тўлов айланишида *электрон пуллар*нинг жорий қилиниши тўловларнинг тезлашиши, муомала харажатларининг камайиши ва корхоналар рентабеллигининг ошишига ёрдам беради. Бундай тизим

АҚШда 70-йиллардан бошлаб тўлов муносабатлари механизмига айниқса тез суръатлар билан жорий қилинди. Автоматлаштирилган ҳисоб-китоб палаталари, автоматлаштирилган кассир тизими ва харид қилиш пунктида ўрнатилган терминаллар тизими уларнинг асосий элементлари ҳисобланади. Электрон пуллар негизида *кредит карточкалари* пайдо бўлди. Улар тўловларнинг нақд пуллар билан бажарилишини қисқартиришга ёрдам бериб, нақд пуллар ва чекларнинг ўрнини босадиган ҳисоб-китоблар воситаси бўлиб хизмат қилади. Кредит карточкаларининг аҳамияти шундаки, улардан фойдаланиш нақд пуллар ишлатиладиган соҳани торайтиради, товарлар ва хизматларни сотишда ва иқтисодиётдаги таназзул ҳолатларини бартараф этишда кучли стимул бўлиб ҳисобланади.

Пулларнинг тўплаш ва жамғариш воситаси сифатидаги функцияси. Пуллар уларнинг эгасига ҳар қандай товарни олиш ҳуқуқини таъминлаш билан ижтимоий бойликнинг умумий тимсоли ҳисобланади. Шунинг учун одамларда уларни тўплаш ва жамғаришга интилиш пайдо бўлади. Иқтисодий субъект ўз маҳсулотига ҳақ тўланиши эвазига пулларни олиш билан муайян «соф бойлик захираси»ни яратади. Бундай захира қисқа муддатли (агар индивид бошқа товарни сотиб олиш билан пулларини шу ернинг ўзидаёқ сарфласа) ёки узоқ муддатли (агар индивид пулларини келгусида харид қилиш ёки қарзини тўлаш учун сақлаб қўйса) бўлиши мумкин.

Пуллар жамғарма воситаси функциясини бажаради, шунинг учун улар буни энг қулай шаклда жамғаришга имкон беради. Пуллар энг ликвидли, яъни сарфлаш учун энг осон товар бўлганлиги сабабли улар бойликни сақлашнинг энг қулай шакли ҳисобланади. Бунда шуни қайд қиламизки, инфляция шароитида бундай афзаллик муайян тарзда йўқолади ва пулларни қадрсизланишини ҳисобга олиш зарурати вужудга келади. Пулларга эгалик қилиш, уларни сақлаш, қимматли қоғозларни (акциялар, облигациялар ва шу кабиларни) сақлашдаги каби миқдорда пул

даромадини олиб келмайди. Бироқ пуллар шундай афзалликка эгаки, улар корхона томонидан ёки уй хўжалигида ҳар қандай молиявий мажбуриятни қондириш учун ҳеч қандай тўсиқсиз ишлатилиши мумкин.

Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан пулларнинг тўплаш ва жамғариш воситаси сифатидаги функцияси ҳам ошиб боради. Тўплаш ва жамғаришсиз такрор ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириб бўлмайди. Кўпроқ фойда олишга бўлган интилиш тадбиркорларни пулларни ғазна сифатида сақламаслик, балки уларни айланишга сарфлашга мажбур қилади.

Металл пуллар муомаласи шароитида марказий эмиссия банклари ички пул муомаласининг захиралари шаклида олтин захираларига, банкноталарни олтинга алмаштириш ва халқаро тўловлар учун захираларга эга бўлиши шарт эди. Ҳозирги вақтда олтиннинг муомаладан чиқарилганлиги, банкноталарнинг олтинга алмаштирилиши тўхтатилганлиги ва олтин паритетларнинг бекор қилинганлиги, яъни асл металлнинг халқаро айланишдан чиқарилганлиги сабабли марказий банк олтин захирасининг барча бундай функциялари бекор бўлди. Шу билан бирга, олтин стратегик захира сифатида марказий банкларда сақланишда давом этмоқда.

Жаҳон пуллари функциялари. Ташқи савдо алоқалари, халқаро қарзлар, ташқи шерикка хизматлар кўрсатилиши жаҳон пулларининг пайдо бўлишини тақозо этди. Улар умумий тўлов воситаси, умумий харид қилиш воситаси ва ижтимоий бойликнинг умумий моддийлаштирилиши сифатида фаолият юритишади.

Пулларнинг барча бешта функцияси пулларнинг товарлар ва хизматларнинг умумий эквиваленти сифатидаги ягона моҳиятини намоён қилади. Улар чамбарчас боғлиқликда ва бирликда бўлади. Мантиқан ва тарихий жиҳатдан ҳар бир навбатдаги функция бундан олдинги функцияларнинг муайян ривожлантирилишини назарда тутди.

Пулларнинг санаб ўтилган функцияларни бажариши туфайли улар, айниқса, бозор иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг ривожланишида асосий ролни ўйнайди. Пулларнинг иқтисодий тизимдаги ижтимоий роли шундан иборатки, улар мустақил товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги боғлаб турувчи бўғин, шунингдек, товар хўжалигидаги ижтимоий меҳнатни ҳисобга олиш воситаси ҳисобланади. Пуллар товарларга нархларни белгилашда қатнашади.

Пуллар ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқарилишига хизмат кўрсатади, уларнинг ёрдамида миллий даромаднинг давлат бюджети, солиқлар ва қарзлар орқали ҳосил қилиниши, тақсимланиши, қайта тақсимланиши ва ишлатилиши амалга ошади. Пуллар корхоналарнинг хўжалик фаолиятида, давлат органларининг фаолият кўрсатишида, одамларнинг ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва самарадорлигининг ошишидан, ресурсларнинг тежаб ишлатилишидан манфаатдорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Пулларнинг саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётини пул-кредит орқали тартибга солиш пулларнинг монетаристик назариясига асосланган шароитдаги роли ғоят катта. Бундай мамлакатларда ҳар йили пул массасини ўзгартириш учун пул йўналиши белгиланади ва унга мувофиқ марказий банкнинг кредит воситалари ёрдамида ушбу массанинг тартибга солиниши амалга оширилади. Россияда иқтисодиётнинг беқарор ривожланиши оқибатида пул массасини ўзгартиришнинг йўналишли кўрсаткичи бир ойга белгиланади. Бундай пул-кредит орқали тартибга солишнинг мақсади – пул массасининг ўсишини тутиб туриш, агар инфляцияга йўл қўйилган бўлса, уни бартараф қилиш ёки пайдо бўлаётган инфляция жараёнларини тутиб туриш, мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантириш.

Пуллар умумий эквивалент сифатида барча товарларнинг қийматини ўлчайди. Ҳамма товарлар ижтимоий зарурий меҳнат маҳсули эканлиги сабабли ўзи қийматга эга бўлган реал пуллар бошқа барча товарлар қийматининг ўлчови (эталони) бўлиши мумкин. Бунда товарлар қийматининг пуллар воситасида ўчаниши идеал тарзда, яъни нақд пуллар иштирокисиз юз беради.

Шундай қилиб, пуллар қиймат ўлчовидан иборат бўлади. Шубҳасиз, пул бирлигидан турли хил неъматлар ва хизматларнинг нисбий қийматларини солиштириш учун масштаб сифатида фойдаланиш қулай ҳисобланади. Неъматлар ва хизматларнинг қиймати масофани километрларда ёки вазни килограммларда ўлчаганига ўхшатиб солиштирилади.

Пулларнинг умумий эквивалент сифатида фойдаланилиши шунинг англатадики, ҳар қандай товарнинг нархини фақат пул бирлиги орқали ифодалаш етарли бўлади. Бунда товарнинг пулларда ифодаланган қиймати товарнинг нархи дейилади.

Товарларнинг нархи ва уларни ўлчаш негизида қиймат қонуни ётади. Товарнинг нархи бозорда шаклланади ва товарларга талаб ва таклифнинг тенг бўлганида бундай нарх товарнинг қиймати ва пулларнинг қийматига боғлиқ бўлади. Бозордаги талаб ва таклиф бир-бирига мувофиқ келмаганида товарнинг нархи муқаррар равишда унинг қийматидан четга тебраниб ўзгарадики, бу муайян товарларнинг ортиқча ишлаб чиқарилгани ёки кам ишлаб чиқарилганидан далолат беради.

Пуллар муомала (ёки айирбошлаш) воситаси сифатида жамиятни бартерли (мавозали) айирбошлашнинг ноқулайликларидан халос қилади. Пуллар ҳамма жойда ва осонлик билан тўлов воситаси сифатида қабул қилинади. Ушбу ижтимоий ихтиро ишлаб чиқарувчиларга алоҳида товар (пуллар) билан ҳақ тўлашга имкон берадики, бундай алоҳида товар кейинчалик бозорда мавжуд бўлган ҳар қандай товарни сотиб олиш учун

ишлатилиши мумкин. Пуллар товарлар билан айирбошлашнинг қулай усули бўлиш билан жамиятга минтақавий ихтисослашув ва жамиятдаги меҳнат тақсимотининг маҳсулларида фойдаланиш имконини беради. Товарлар муомалага киришишигача пулларда идеал баҳоланадиган биринчи функциядан фарқли равишда пуллар товарлар муомаласида реал иштирок этиши керак. Пулларнинг муомалада реал иштирок этиши ва уларнинг айирбошлашдаги иштирокининг ўткинчилиги муомала воситаси сифатидаги пулларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади, шу сабабли тўлақонли бўлмаган пуллар - қоғоз ва кредит пуллар ҳам муомала воситаси функциясини бажараверишади. Ҳозирги вақтда кредит пуллар: векселлар, банкноталар, чеклар, банкларнинг кредит карточкалари пул муомаласида ҳукмрон вазиятни эгаллаб турибди.

Пулларнинг ушбу функцияси кредит муносабатларининг ривожланиши туфайли вужудга келди.

Пуллар икки ҳолатда тўлов воситаси сифатида фойдаланилади:

1) товарларнинг кредитга сотилишида; бундай ҳолатнинг зарурлиги товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг шарт-шароитлари бир хилда эмаслиги, уларни ишлаб чиқариш ва муомаласи муддатининг турли хиллиги, ишлаб чиқаришнинг мавсумий тусдалиги ва шу кабилар билан боғлиқдир.

2) ишчилар ва хизматчиларга иш ҳақининг тўланишида.

Шубҳасиз, тўлов воситаси функциясини бажаришда пуллар уларнинг муомала воситаси тарзидаги ҳаракатидан фарқ қиладиган ўзига хос ҳаракат шаклига эга бўлади.

Агар пулларнинг муомала воситаси сифатида амал қилишида пуллар ва товарларнинг муқобил ҳаракати мавжуд бўладиган бўлса, унда улардан тўлов воситаси сифатида фойдаланишда бундай ҳаракатда узилиш юз беради, яъни товарни кредитга сотиб олишда қарздор сотувчига фақат

муайян (келишилган) муддатдан кейин ҳақи тўланадиган қарз мажбуриятини беради.

Тўлов айланишида электрон пулларнинг жорий қилиниши тўловларнинг тезлашиши, муомала харажатларининг камайиши ва корхоналар рентабеллигининг ошишига ёрдам беради. Автоматлаштирилган ҳисоб-китоб палаталари, автоматлаштирилган кассир тизими ва харид қилиш пунктида ўрнатилган терминаллар тизими уларнинг асосий элементларидир. Электрон пуллар негизида кредит карточкалари пайдо бўлди. Улар тўловларнинг нақд пуллар билан бажарилишини қисқартиришга ёрдам бериб, нақд пуллар ва чекларнинг ўрнини босадиган ҳисоб-китоблар воситаси бўлиб хизмат қилади. Кредит карточкаларининг аҳамияти шундаки, улардан фойдаланиш нақд пуллар ишлатиладиган соҳани торайтиради, товарлар ва хизматларни сотишда стимул бўлиб ҳисобланади.

Пуллар уларнинг эгасига ҳар қандай товарни (хизматларни) олиш ҳуқуқини таъминлаш билан ижтимоий бойлик тимсоли бўлади. Шунинг учун одамларда уларни тўплаш ва жамғаришга интилиш пайдо бўлиши муқаррар. Одамлар ўз маҳсулотига ҳақ тўланиши эвазига пулларни олиш билан улар муайян захирани яратишади. Бундай захира қисқа муддатли ёки узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Пуллар жамғарма воситаси функциясини бажаради, чунки улар энг ликвидли товар бўлганлиги сабабли энг қулай шаклда жамғаришга имкон беради. Шунини қайд қилиш зарурки, инфляция шароитида бундай афзаллик муайян тарзда йўқолади ва пулларни қадрсизлантириш зарурати вужудга келади.

Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан пулларнинг тўплаш ва жамғариш воситаси сифатидаги функцияси ҳам ошиб боради. Тўплаш ва жамғаришсиз такрор ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириб бўлмайди, чунки кўпроқ фойда олишга бўлган интилиш тадбиркорларни

пулларни ғазна сифатида сақламаслик, балки уларни айланишга сарфлашга ундайди.

Металл пуллар муомаласи шароитида марказий эмиссия банклари ички пул муомаласининг захиралари шаклида олтин захираларига, банкноталарни олтинга алмаштириш ва халқаро тўловлар учун захираларга эга бўлиши шарт эди. Ҳозирги вақтда олтиннинг муомаладан чиқарилганлиги сабабли Марказий банк олтин захирасининг барча бундай функциялари бекор бўлди.

Шу билан бирга, олтин стратегик захира сифатида марказий банкларда сақланишда давом этмоқда.

1.3. Пулнинг назариялари

XX аср бошигача пулларнинг иқтисодий назариясида қуйидагича икки масала: 1) пулларнинг келиб чиқиши ва моҳияти ҳақидаги ва 2) пулларнинг қиймати ва харид қилиш кучи ҳақидаги масалалар марказий ўрин эгаллаб келган. Биринчи масала бўйича сиёсий иқтисодда иккита йўналиш – пулларнинг металлистик ва номиналистик назариялари амал қилган.

Пулнинг металлистик назарияси

Ғарбий Европада бошланғич капитал жамғариш даврида савдо буржуазиясининг манфаатларини объектив акс эттирадиган пулларнинг металлистик назарияси вужудга келди. Металлистик назария тарафдорлари – У.Стаффорд (1554-1612), Т.Мен (1571-1641), Д.Норс (1641-1691) ва бошқалар – тангаларнинг ишдан чиқишига қарши бўлиб, металларнинг барқарор муомалада бўлишини ёқлаб чиқишди. Уларнинг назарияси учун давлатнинг бойлигини пуллар билан, пулларнинг ўзини эса – асл металлар билан бир хил деб тушуниш характерли эди. Улар пулларнинг моҳиятини асл металларнинг ижтимоий хусусиятлари эмас, балки табиий хусусиятлари билан боғлашган, пулларга ижтимоий, ишлаб чиқариш муносабати сифатида қарашмаган, балки уларни буюм деб билишган.

Шунинг учун улар пулларнинг тўлақонли тангаларни талаб қиладиган функцияларини, айниқса, жаҳон пуллари ва ғазналар функцияларини мутлоқлаштиришган.

Пулнинг номиналистик назарияси

Римлик ва ўрта асрлик юристлар классик номинализмнинг яратувчилари эди. Номинализмнинг «иккинчи бор ўзини ўнглаб олиши» меркантилистларнинг металлистик назарияси танқиди билан боғлиқдир. Номиналистлар шунга асосланадики, уларнинг фикрича, пуллар – бу фақат товарлар айирбошлашига хизмат қиладиган идеал ҳисоб бирликлари, маҳсулот, давлат ҳокимиятининг натижаси ҳисобланади. XVII-XVIII асрларда амал қилган ўлчовнинг идеал пул бирлиги назариялари ўз моҳиятига кўра номиналистик тусда бўлган. Бу назария тарафдорлари – Ж.Локк (1632-1704), Ж.Беркли (1685-1753), Ж.Стюарт (1712-1780) – пул бирликларининг номлари (фунт стерлинг, талер, франк) «қийматнинг идеал атомлари»ни ифодалайди, деб фараз қилишган.

Товарларнинг қиймати ижтимоий зарур иш вақтининг муайян сонли соатларини ўзида мужассам этади. Шунинг учун айрим иқтисодчилар, жумладан, Д.Грей (1798-1850), товарлар қийматини бевосита иш вақти соатларида, ўзига хос «ишчи пулларда» ифодалаш зурурлигини асослашга уринишган. Д.Грейнинг фикрича, товар ишлаб чиқарувчилар банкка ўз меҳнати маҳсулотларини топшириши ва улар учун «ишчи пуллар»нинг муайян миқдорини олишлари керак бўлган, улар ана шу «ишчи пуллари» ёрдамида ушбу банкда ўзларига зарур товарларни сотиб олиши мумкин эди. XIX асрнинг 20-йиллари охири – 40-йилларида «ишчи пуллари» ғоясини амалга оширишга уринишлар бўлган. 1829 йилда Марселда адвокат Мацель «айирбошлаш банки»ни ташкил қилган; 1832-1834 йилларда социалист-утопист Р.Оуэннинг ташаббусига кўра Англияда «адолатли айирбошлаш бозорлари» очилган; 1849 йилда майда буржуа иқтисодчиси П.Ж.Прудон шунга ўхшаган «халқ банки»ни таъсис этган.

Бироқ бу муассасаларнинг ҳаммаси бир хилда яқун топиб, инқирозга учраган. Бунинг сабаби шунда эдики, «адолатли айирбошлаш» банклари на ижтимоий зарур вақтнинг миқдорини, на ижтимоий эҳтиёжнинг миқдорини тўғри белгилай олишмасди. Уларнинг ташкилотчилари товарни яратувчи меҳнат табиатини тушунишмаган. Улар товар ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнати фақат хусусий тусга эгалигини ва фақат айирбошлаш жараёнида бундай меҳнат ўзининг ижтимоий табиатини намоён қилишини унутишган. Бундай банклар негизини алоҳида хусусий ишлаб чиқарувчилар ташкил этадиган ишлаб чиқариш соҳасига дахл қилмасдан муомала соҳасини умумлаштиришга ҳаракат қилишган.

Пулнинг миқдорий назарияси ва унинг эволюцияси

Иқтисодий адабиётларда ҳали ҳам пулларнинг миқдорий назарияси оммавий ҳисобланади. Агар металлистик ва номиналистик назариялар пулларнинг моҳияти ҳақидаги масалани талқин қилишган бўлса, пулларнинг миқдорий назарияси товарларнинг нисбий қиймати, пулларнинг харидчилик қобилияти ва унинг ўзгариши сабаблари ҳақидаги саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Ушбу концепция асосларини Ж.Локк асарларида, лекин янада тугалланган шаклда – Ж.Вандерлинт (1740 йилда вафот этган), Ш.Монтескье (1689-1755) ва Д.Юм (1711-1776) асарларида топиш мумкин. Д.Рикардо (1772-1823) ҳам пулларнинг миқдорий назарияси тарафдори бўлган.

Агар меркантилистлар мамлакатда пуллар қанча кўп бўлса, бу шунча яхши, чунки бундай ҳол савдо ва саноатнинг равнақини тақозо этади, деб ҳисоблашган бўлишса, унда Дэвид Юм муомаладаги пуллар сонининг кўпайиши мамлакат бойлигини ифодаламайди, балки фақат товарлар нархларининг ўсишига олиб келишини исботлашга уринган. Шунинг учун у пулларнинг қиймати муомалада юрган пулларнинг сони билан

белгиланади ва мутлақо фиктив миқдордан иборат бўлади, деб ҳисоблаган¹.

Европада XVI-XVII асрларда юз берган «нархлар революцияси» пулларнинг миқдорий назарияси вужудга келишининг бевосита сабаби эди. Европага Американинг арзон олтини ва кумушининг олиб келиниши ва уларни қазиб олиш қийматининг пасайиши товарлар нархларининг жадал ўсишига олиб келди. Д.Юм бундай фавқулодда шарт-шароитларни типик деб ҳисоблаган, лекин илмий таҳлил бутунлай тескари ёндашувни талаб қилган. Д.Юм ҳам пулларнинг миқдорий назариясининг шундан кейинги тарафдорлари (Д.Рикардо, Ж.Милль ва бошқалар) сингари олтин тангали стандарт шароитида муомалада юрган пулларнинг миқдори аввало сотиладиган товарларнинг қийматига ва, янада аниқроқ қилиб айтганда, улар нархларининг суммасига боғлиқ бўлишини тушунишмаган.

Шундай қилиб, классик миқдорий назария учун учта қоида:

- 1) сабаблилик (нархлар пулларнинг массасига боғлиқ бўлади);
- 2) мутаносиблик (нархлар пуллар миқдorigа мутаносиб равишда ўзгаради)
- 3) универсаллик (пуллар миқдорининг ўзгариши ҳамма товарларнинг нархларига бир хилда таъсир қилади) хос бўлган.

Пуллар шакллариининг ривожланишига қараб пуллар массаси турли хилдаги миқдордан иборат бўлади ва нафақат нақд пулларни, шу билан бирга турли шакллардаги банк омонатларини ҳам ўз ичига олади. Нархлари турли тусда ошиб борадиган товарларнинг ҳар хил гуруҳлари ҳам пул массасининг кўпайишига турлича муносабатда бўлади. Шунинг учун пулларнинг миқдорий назариясининг шундан кейинги ривожланиши унга эконометрик таҳлил аппарати ва нархлар бўйича микроиқтисодий назария элементларининг қўшилиши билан боғлиқ.

¹ Қаранг: Юм Д. Опыты. М., 1896. С.37.

Сиёсий иқтисод математик мактабининг йирик вакили, Халқаро иқтисодий жамият асосчиларидан бири ва унинг биринчи президенти (1931-1933) **Ирвинг Фишер** (1867-1947) пулларнинг миқдорий назариясини замонавийлаштиришга катта ҳисса қўшди. У «Пулларнинг харид қилиш кучи. Унинг белгиланиши ва кредит, фоизлар ва таназзулларга муносабати» асарида (1911) пуллар массаси билан товарлар нархлари даражаси ўртасидаги боғлиқликни формаллаштиришга ҳаракат қилган. Товарлар учун тўланган пуллар сони ва сотилган товарлар нархлари суммаси тенг бўлгани учун буни И.Фишер тарози билан ўхшатмоқчи бўлади.

Математик шаклда айирбошлаш тенгламасини қуйидаги формула шаклида тасаввур этиш мумкин:

$$M V = \sum PQ,$$

бунда: \sum – (Expenditure) – пул муомаласининг умумий ҳажми, яъни мазкур жамиятда шу йил давомида товарларни сотиб олиш учун сарфланадиган пуллар суммаси; M (Money) – ушбу жамиятда йил давомида муомалада юрган пулларнинг ўртача миқдори;

$$V = \frac{\sum PQ}{M}$$

(Velocity) – неъматларга айирбошлашдаги пуллар айланишларининг ўртача сони; P – (Price) – ушбу жамиятда сотиб олинadиган ҳар қандай алоҳида товарнинг ўртача сотиш нархи; Q – (Quantity) – товарларнинг жами харид қилинган сони.

Фишер формуласи олтин тангали стандарт шароитида тўғри бўлмайди, чунки у пулларнинг ички қийматини ҳисобга олмайди. Бирок олтинга алмаштирилмайдиган қоғоз пуллар муомала қиладиган шароитда у муайян мазмун касб этади. Бундай шароитда пул массасининг ўзгариши, гарчи И.Фишер товарлар нархларининг мутлоқ эластиклигини назарда тутиб, нарх механизмини маълум маънода идеаллаштира-да, лекин

товарлар нархлари даражасига таъсир кўрсатади. Бошқа неоклассиклар каби Фишер ҳам мукамал рақобатчиликка асосланади ва ўз хулосаларини монополиялар ҳукмронлик қиладиган ва нархлар олдинги эластиклигини жиддий йўқотган жамиятга тегишли деб билади.

Кўпгина ҳозирги иқтисодчилар айирбошлаш тенгламасини бир хиллик, яъни $MV=PQ$ сифатида тавсифлашади. Гап шундаки, бу тенглама $D - T$ айирбошлаш ҳаракатини товарларнинг жами массасига дахлдор деб ифодалашга уринади, яъни товарлар сотиб олинган пуллар суммаси сотиб олинган товарлар нархлари суммасига тенг (бир хил). Бу тавтологиядир ва шунинг учун айирбошлаш формуласи нархларнинг умумий (мутлоқ) даражасини изоҳлаш учун хизмат қила олмайди.

Миқдорий назария тарафдорларининг фараз қилишича, айирбошлаш формуласи мутлоқ катталиқни EQ_0 ни изоҳлайди (айни бир вақтда талаб ва таклиф механизми ундан нисбий тебранишларни изоҳлайди).

И.Фишер ва унинг издошлари шундай нуқтаи назарга амал қилишган. Улар пулларнинг айланиш тезлиги (V) ва ишлаб чиқариш даражаси (Q) муомалада юрган пуллар миқдорига (M) ва нархлар даражасига (P) боғлиқ бўлмаслигини асослашга уринишган. Улар пулларнинг айланиши тезлиги аввало демографик (аҳолининг зичлиги ва ҳоказо) ва техник (транспорт воситаларининг сони ва сифати ва ҳоказо) параметрларга боғлиқ бўлади, деб фараз қилишган. Ишлаб чиқариш даражаси эса асосан меҳнат бозорида юзага келаётган шарт-шароитлар билан белгиланиб, нархлар даражаси ва муомалада юрган пуллар сонига боғлиқ бўлмайди. Шубҳасиз, бозор хўжалиги ҳукмронлик қиладиган шароитда бундай қоидалар яққол нореал тус касб этади.

Пулнинг Джон Мейнар Кейнс назарияси

Иқтисодиётни давлат томонидан таназзулга қарши кредит-пул воситалари ёрдамида тартибга солиш хусусида иккита бир-бирига зид келадиган ёндашув мавжуд. Уларнинг бири неоклассик доктрина билан

боғлиқ. Анъанавий неоклассик йўналиш стихияли бозор механизмини идеаллаштирган. У тўлиқ бандликка асосланади ва пул массасининг ўсиши нархларнинг ўсишида ифодаланади, деб фараз қилади. Натижада пул бирлигининг харид қилиш кучи пасайди ва пулларнинг ўсиши айланиш гирдобидида қолиб кетди. Шундай қилиб, нархларнинг янги, бирмунча юқори даражасида пуллар захирасининг олдинги қиймати яна қайта тикланди. Бундай ривожланиш модели амалда капитализмда таназзуллар ва ишсизликни истисно қилди.

Неоклассикларнинг ёндашуви капиталистик воқеликка зид келди ва бу ҳол 1929-1933 йиллардаги «буюк депрессия» жараёнида алоҳида намоён бўлди. Аҳволни тузатиш иши Ж.М.Кейнснинг зиммасига тушди. У «Бандлик, фоиз ва пулларнинг умумий назарияси» асарида (1936) пулларнинг айланишдан чиқиб кетиши сабабларини аниқлашга уринади, чунки, унинг фикрича, бунинг натижасида ялпи тўловга қобилиятли талаб ҳажми қисқарадики, бу ишлаб чиқариш ривожланишига тўсқинлик қилади. Ж.М.Кейнснинг фикрича, пулларнинг чиқиб кетишининг бош сабаблари «учта фундаментал психологик омиллар»: истеъмолга мойиллик, ликвидлиликни афзал кўриш ва капитал активлардан келадиган бўлғуси даромад тахмини билан боғлиқ.

Пулларга ялпи талаб қуйидаги формула билан белгиланади:

$$M = M_1 + M_2 = L_1(Y) + L_2(r),$$

бунда: M_1 – трансакцион талаб; M_2 – спекулятив талаб; Y – миллий даромад; r – фоиз нормаси; L_1, L_2 – ликвидлилик функциялари.

Неоклассиклар ва Кейнс пуллар такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилади, деб ҳисоблашади. Бироқ неоклассиклар бундай таъсирни нархлар орқали, Кейнс эса – фоиз нормаси орқали кўрсатади. Кейнснинг фикрича, фоиз нормаси инвестицияларга таъсир кўрсатади, инвестициялар эса миллий даромад ўсишининг муҳим омили ҳисобланади.

Кейнснинг капитализмнинг ўзини ўзи тартибга соладиган тизим сифатидаги танқиди қайишқоқ пулларни – неоклассик назариянинг асосий барқарорлаштирувчи омилини тўхтатиб қўйиш йўли билан эришилади. Кейнс шу мақсадда барча иқтисодий кўрсаткичларни иш ҳақининг ўзгармас катталикларида ифодалайди. Лекин нарх омилидан абстракциялаштириш, ўз моҳиятига кўра, айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейин кескинлашган инфляция муаммосини истисно этди. Бу кейнсчиликнинг кескин танқидга учрашини олдиндан белгилаб берди ва пулларнинг неоклассик назарияси вужудга келишининг муҳим шарти бўлди.

Ҳозирги монетаризм назарияси

Кейнснинг бевосита давлат инвестицияларининг ролига ва конъюнктурани тартибга солишнинг бюджет услубларига ортиқча баҳо бериб юборган тавсияларининг қўлланиб бўлинмаслиги инфляция феноменини «соф пуллик асосда» изоҳлашга уринишларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бундай ёндашув Милтон Фридмен (1912 йилда туғилган) бошчилигидаги ҳозирги монетаристлар асарларида амалга оширилди. 60-70-йилларда унинг «Капитализм ва эркинлик», «Қўшма Штатларнинг монетар тарихи. 1867-1970» (А.Шварц билан биргаликда), «Позитив иқтисодий фан очерклари», «Доллар ва дефицит», «Пул назариясидаги контрреволюция» ва бошқа асарлари чоп этилади. 1976 йилда М.Фридменга Нобель мукофоти берилди.

Монетаристлар пулларнинг миқдорий назариясининг янгича талқинини таклиф этишди. М.Фридмен статистик таҳлил асосида қуйидагича формулани таклиф қилди:

$$MV = Py,$$

бунда: M – пул массаси; V – даромаднинг айланиш тезлиги; P – нархлар даражаси; y – реал даромад нормаси (оқими).

Пулларни монетаристлар такрор ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи омилли сифатида кўриб чиқишади, шунинг учун давлатнинг пул-кредит соҳасини нотўғри тартибга солиши, уларнинг фикрича, иқтисодий таназулни келтириб чиқариши мумкин.

Сўнгги йилларда пайдо бўлган ва 2008 йилда юза чиққан жаҳон молиявий –иқтисодий инқирозининг сабабларига ўз эътиборини қаратган Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов И.А.:” Биринчидан, молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, ретсессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвеститсиявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда³” деб алоҳида таъкидлаб ўтди..

Бундай таназулнинг олдини олиш учун, биринчидан, пул массасининг ўсиши суръатларини йилига 3-4% гача пасайтириш зарур (бу АҚШ миллий даромадининг ўртача ўсиш суръатларига тўғри келади). Шуниси характерлики, бундай суръатлар иқтисодий конъюнктуранинг жорий ҳолатидан қатъи назар тавсия этилади, чунки, монетаристларнинг фикрича, қабул қилинган қарорларнинг таъсири жиддий кечикади ва уларнинг бошланғич мақсадига путур етказилади. Иккинчидан, давлатнинг иқтисодий функцияларини чеклаш: давлат сектори миқдорларини камайтириш, давлат харажатларини, шу жумладан, ижтимоий эҳтиёжларга харажатларни қисқартириш керак (бу йирик бизнеснинг манфаатларига объектив хизмат қилади).

1969-1970-йилларда ва 70-йилларнинг иккинчи ярмида АҚШ, Англия, ГФР, Японияда ва бошқа айрим мамлакатларда монетаристик тавсияларни амалда қўлланишга уринишлар бўлди. Ҳисобга олиш ставкаси жиддий

³ И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 5 б.

оширилди (17-20%гача), илгари национализация қилинган корхоналарнинг қисман қайтадан хусусийлаштирилиши ва шу каби тадбирлар амалга оширилди. Бироқ инфляция билан курашда эришилган шубҳасиз ютуқларга қарамасдан капитализмнинг ривожланишидаги таназзулли пасайишларнинг тўлиқ олдини олиб бўлмади – 1980-1982-йиллардаги таназзул шундан яққол далолат берди. Бир қатор мамлакатларда ушбу таназзул урушдан кейинги даврдаги нафақат энг узоқ давом этган, шу билан бирга энг теран таназзул бўлди. Монетаристик чора-тадбирлар, шубҳасиз, меҳнаткашлар реал даромадларининг ҳаракатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, ҳозирги монетаризм қўйилган вазифани тўлиқ ҳал қила олмади. Бу шунинг учун юз бердики, монетаризм капиталистик ишлаб чиқаришнинг туб муаммоларидан, аввало ва асосан кредит-пул муомаласи соҳасидан ажратиб абстраклаштирилди.

1.4. Пул агрегатлари ва пул мультипликатори

Пул агрегатлари пул массасини ўлчовчилардан (кўрсаткичларидан) иборат. Пул агрегатлари статистикада пуллар ҳаракатининг муайян санага бўлган ёки муайян вақт давридаги ўзгаришини таҳлил этиш учун қўлланилади.

Пул агрегатларини куриш учун моддий неъматларнинг ликвидлиги даражасига қараб уларнинг босқичма-босқич жойлаштирилиши асос қилиб олинган. Моддий неъматларнинг ликвидлиги деганда ушбу неъматларнинг тез ва унчалик кўп зарарларсиз пулга айланиши қобилияти тушунилади. Моддий неъматларнинг ликвидлиги вақт билан ўлчанади. Моддий неъматни пулга айлантириш учун қанчалик кам вақт талаб қилинса, унинг ликвидлиги шунчалик юқори бўлади. Нақд пуллар мутлоқ ликвидликка эга, чунки уларни пулга айлантириш учун зарур бўладиган вақт нулга тенгдир.

Муомаладаги нақд пуллар M^0 агрегатини ташкил этади. Нақд пуллар банкноталар, ғазна патталари (билетлари) (агар мамлакатда иккита

эмиссия маркази мавжуд бўлса) ва металл тангалардан иборат бўлади. Металл тангалар нақд пулларнинг жуда кам қисмини (ривожланган мамлакатларда 2%-3% ни) ташкил қилади. Уларни кейинчалик ёмбига айлантириб сотишга йўл қўймаслик учун одатда арзон металллардан зарб қилинади. Шунинг учун танганинг реал қиймати номинал қийматидан бирмунча пастроқ бўлади.

M^0 агрегатини пул базасидан фарқлаш зарур. Пул базаси таркибига тижорат банкларининг марказий банкдаги мажбурий захиралари киради. M^0 агрегатининг таркибига тижорат банкларининг марказий банкдаги мажбурий захиралари расман кирмайди.

M^0 агрегатига камроқ ликвидли маблағларни изчиллик билан қўша бориш билан M^1 , M^2 , M^3 ... M^N гача бўлган агрегатлар олинади.

Пул агрегатларининг сони ва таркиби мамлакат кредит тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва тузилишига ҳамда унинг молия бозорларининг ривожланиш даражасига боғлиқдир.

Пул массаси алоҳида элементлардан иборат бўлиб, бундай элементлар пул массасининг ҳолатини баҳолаш жараёнида қўлланилади ва уни тартибга солиш услублари ва ҳажмларини бирмунча аниқроқ танлашга имкон беради.

Ушбу пул агрегатлари асосан тўловнинг турли шаклларда ифодаланган у ёки бошқа воситаларини ҳисобга олиш асосида ажратилади. Одатда, ҳар бир агрегат номинал рақамга эга бўлади. Рақамнинг ўсиб бориши билан ушбу агрегат ёрдамида ҳисобга олинadиган воситалар сони ҳам ошади. Шундай қилиб, катта сонли коэффициентли агрегат кичик индексли (рақамли) агрегатларда ҳисобга олинган барча пул маблағларини ўз ичига олади. Фақат муомалада бўлган нақд пул маблағларини ҳисобга оладиган M^0 пул агрегати ўз маъноси ва моҳиятига кўра биринчи бўлиб ҳисобланади.

М 1 – муомаладаги нақд пул маблағлари (яъни, М⁰ агрегати), корхоналарнинг ҳисоб-китоб, жорий ва махсус ҳисобварақларидаги маблағлари, суғурта компаниялари маблағлари, аҳолининг тижорат банкларидаги «талаб қилиб олингунгача» ҳисобварақларидаги депозитлари.

М 2 – М 1 агрегати + аҳолининг банклардаги муддатли омонатлари.

М 3 – М 2 агрегати + давлат заёмларининг сертификатлари ва облигациялари.

М 4 – М 3 агрегати + хорижий валютадаги депозитлар.

Шуни ҳисобга олиш керакки, бундай агрегатларнинг белгиланиши турли мамлакатларда турлича амалга оширилади. Ушбу агрегатлар ўз ҳолича мамлакат тўлов обороти соҳасида юз берадиган жараёнлар, жамғармалар ҳажмлари, шунингдек, ушбу жамғармани амалга оширишда қўлланилган воситаларнинг сонли ифодаси воситалари ҳисобланади. Улар иқтисодиётнинг жорий ҳолатини белгилашга имкон беради ва кейинги вазиятни прогноз қилишда кўмаклашади.

Пул массаси агрегатлари, иқтисодиёт монетизацияси коэффициентини ҳисобга олиш ёрдамидаги ҳисоб-китоб энг намунали ҳисоб-китобдир. Монетизация коэффициенти иқтисодиётнинг пуллар билан таъминланиши даражаси ёки товар айланишининг тўлов воситалари билан таъминланиши даражасини акс эттиради. Бундай коэффициент М2 пул агрегати суммаси ва ушбу иқтисодиётда мавжуд бўлган хорижий валютадаги депозитларнинг ЯМИ ҳажмига ўзаро нисбати сифатида ҳисоблаб чиқилади. Ушбу коэффициентни ҳисоб-китоб қилишда суратга бирданига М2 агрегатини ва хорижий валютадаги депозитларни ўз ичига оладиган М4 пул агрегатини қўйиш қулайроқ бўлади. Ушбу коэффициент моҳияти идеалда бирга тенг бўлади. Шунга қарамасдан, 0,7 ёки 0,8 даражасидаги натижалар йўл қўйилиши мумкин моҳиятлар деб ҳисобланади.

Нақд пуллар эмиссияси. Пул мультипликатори.

Пуллар марказий эмиссия банки фаолияти натижасида яратилади. Пулларни яратиш жараёни икки босқичдан иборат бўлади.

Пулларни яратиш жараёнининг **биринчи босқичида** марказий эмиссия банки асосий йўналишлар бўйича, шу жумладан, ҳукуматга, тижорат банклари, чет мамлакатлар, алоҳида корхоналарга бевосита кредитларни бериш йўли билан (агар амалдаги қонунларда шундай тартиб назарда тутилган бўлса), шунингдек, расмий олтин ва валюта захираларини кўпайтириш орқали ўз активларини кўпайтиради.

Марказий эмиссия банки активларининг кўпайтирилиши айна бир вақтда унинг пасивларининг ҳам тегишлича ўсишини англатади, яъни пул базасининг ташкил этилишига олиб келади.

Пул базаси муомаладаги нақд пуллардан, шунингдек, тижорат банкларининг мамлакат Марказий банкидаги мажбурий ва мажбурий бўлмаган (ихтиёрий ва ортиқча) захираларидан иборат бўлади.

Умуман олганда, тижорат банкларининг захиралари деганда, мабодо банк омонатчилари тўсатдан катта миқдордаги тўлов талабларини қўйгани ҳолда, унинг тезкорлик билан муомалага киритадиган активлари тушунилади. Тижорат банкларининг Марказий банкдаги захиралари мажбурий ва мажбурий бўлмаган (ихтиёрий ва ортиқча) захиралардан таркиб топади.

Мажбурий захиралар деганда тижорат банкларининг Марказий банкдаги омонатлари (депозитлари)нинг қонуний тартибда белгилаб қўйиладиган энг кам нормаси тушунилади.

Мажбурий бўлмаган (ихтиёрий, ортиқча) захиралар деганда тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварақларида мажбурий захираларнинг белгиланган нормасидан ортиқ миқдорда сақланаётган маблағлари тушунилади. Тижорат банклари мажбурий бўлмаган захиралар миқдорларини ўз хоҳишига кўра ўзгартириши мумкин. Шу муносабат билан эълон қилинадиган статистикада пул базасини белгилашда бундай

захираларни муомаладаги нақд пуллар таркибида юрибди деб ҳисоблаб, улар ажратиб кўрсатилмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул базасининг қуйидагича таърифни беради:

Пул базаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муомалага чиқарган нақд пуллар ва тижорат банкларининг мажбурий захираларини ўз ичига олади.

Пулларни яратиш жараёнининг **иккинчи босқичида** тижорат банклари ўз мижозлари – корхоналар, ташкилотлар, аҳолини кредитлаш учун марказий эмиссия банкидан олган кредитлардан фойдаланадики, бу пул массасининг яратилишига олиб келади.

Пул массаси тижорат банклари тизимидаги пул базасининг ошиши натижасида вужудга келади ва муомаладаги нақд пуллардан ва мижозлар ҳисобварақларидаги пуллар қолдиқларидан иборат бўлади. Банк мультипликатори пулларнинг бир тижорат банкидан бошқа тижорат банкига ҳаракати даврида тижорат банкларининг депозит ҳисобварақларидаги пулларнинг кўпайиши жараёнидан иборат. Пул массасини кўпайтиришнинг ушбу механизми фақат икки даражали банк тизими (марказий ва тижорат банклари) амал қиладиган ва тўлиқ фаолият юритадиган шароитда ишлаши мумкин. Банк мультипликатори механизмининг амал қилиши жараёнида банклар мижозларининг ҳисобварақларида пул маблағларининг тўпланиши юз беради. Ушбу механизмнинг амал қилиши интенсивлигини ҳисоб-китоб қилиш учун банк мультипликатори коэффициентини ҳисоб-китоб қилиш формуласи қўлланилади:

$1-R \times 100\%$ ёки пул массаси - R, бунда: R – марказий банк белгилаб қўйган мажбурий захиралаш нормаси.

Банк мультипликатори механизми қуйидаги усулда фаолият юритади: Марказий банк қандайдир тижорат банкига кредит беради ва ўз навбатида ушбу тижорат банки ўзининг мижозига кредит беради. Мижоз

ушбу тахминан 10 та бирликдан иборат кредитдан ўз мажбуриятларини тўлаш учун фойдаланади. Пул маблағлари бошқа иқтисодий субъектга бориб тушади ва у бу маблағларни ўзининг тижорат банкидаги депозитли ҳисобварағида жойлаштиради. Банкнинг иккинчи мижозининг ҳисобварағида 10 та бирлик мавжуд. Банк ушбу суммадан мажбурий захиралаш фондига муайян фоизни ажратади. Банкда, масалан, эркин маблағларнинг 8 та бирлиги қолади ва у ушбу маблағларни яна кредитга беради. Бу операция фақат шундай фарқ билан такрорланадики, тўртинчи мижознинг ҳисобварағида энди 8 та бирлик мавжуд бўлади. Бундай операция муайян муддат давомида такрорланади ва натижада мижозларнинг банклардаги ҳисобварақларида Марказий банк биринчи марта берган берган 10 та бирликдан ошадиган сумма (10+8+ ва ҳоказо) пайдо бўлади. Шундай қилиб, мазкур механизм иқтисодиётга тақдим этилган пул массасини муайян суммагача нақд пулсиз шаклда кўпайтиришга имкон беради, ушбу ҳолатда белгилаб қўйилган мажбурий захиралаш нормаси қанчалик юқори бўлса, кредитнинг айланиши шунчалик тез тугайди ва бу механизмнинг амал қилиши натижасида қўшимча равишда иқтисодиётда шунчалик кам миқдордаги пуллар пайдо бўлади.

Пул массаси билан пул базаси ўртасидаги нисбат пул мультипликатори деб аталади.

$$\text{Пул мультипликатори} = \frac{\text{Пул массаси}}{\text{Пул базаси}}$$

Тижорат банкларининг ўз мижозларига (иқтисодиётга) кредитлари билан Марказий банкнинг тижорат банкларига кредитлари ўртасидаги нисбат кредит мультипликатори деб аталади.

$$\text{Кредит мультипликатори} = \frac{\text{Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар}}{\text{Марказий банк томонидан тижорат банкларига берилган кредитлар}}$$

Муомаладаги пуллар миқдорининг ўсиши тўлалигича Марказий банкнинг кредит эмиссияси билан олдиндан белгиланади ва ҳар қандай йўналиш бўйича муқаррар тарзда пул базасининг ўсишига ва мультипликаторнинг таъсирида пул массасининг кўпайишига олиб келади. Пул массасининг кўпайиши инфляция суръатларига таъсир кўрсатади.

Нақд пул маблағларининг эмиссияси эмиссиянинг нақд пулсиз шаклдаги пуллар эмиссиясидан келиб чиқадиган иккиламчи туридир. Эмиссиянинг бу тури Марказий банк томонидан ўтказилади. Эмиссиянинг ушбу шакли марказлаштирилмаган шаклда бўлади ва минтақавий МТМлари орқали амалга оширилади. Ушбу кассалар қабул қилган маблағларнинг ортиқча ҳажми, яъни МТМ берган пуллар миқдори ташкилотлар ва банкларнинг МТМга қайтарган маблағлар суммасидан ортиқ бўлиши керак. Нақд пуллар депозит ҳисобварақларида турган нақд пулсиз шаклдаги пул маблағларидан ҳосил бўлади ва тижорат банкининг банк мультипликатори механизмининг амал қилиши натижасида яратган пул массасининг таркибий қисмидан иборат бўлади.

1.5. Пул муомаласи ва пулларнинг айланиши

Пул муомаласи – бу пулларнинг мамлакатнинг ички иқтисодий айланиши, ташқи иқтисодий алоқалар тизимидаги, товарлар ва хизматларнинг сотилишига, шунингдек, уй хўжалигидаги товарсиз тўловларга хизмат кўрсатадиган нақд пуллик ва нақд пулсиз шакллардаги ҳаракатидир. Товар ишлаб чиқариш пул муомаласининг объектив негизи бўлиб, ундаги товар олами товарларнинг икки турига: товарларнинг ўзига ва товар-пулларга бўлинади. Нақд пуллик ва нақд пулсиз шакллардаги

пуллар ёрдамида товарлар, шунингдек, ссуда ва фиктив капиталларнинг муомаласи жараёни амалга оширилади.

Шундай қилиб, пул муомаласи жараёнларидан пул айланиши тушунчасини ажратиб олиш мумкин.

Пул айланиши - нақд пуллик ва нақд пулсиз шакллардаги пул белгиларининг узлуксиз ҳаракат жараёнидир. Қийматнинг ўзидан ажралганлик ҳозирги пул айланишининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳозирги пул айланиши металл пуллар муомаласи шароитидаги каби қийматли эмас, чунки пул белгисининг қиймати номиналдан анча кам ва унинг аҳамияти бўлмаслиги мумкин.

Пул айланиши пул маблағлари ҳаракатининг муайян йўлларида таркиб топади:

1. маблағларнинг марказий банк билан тижорат банклари ўртасидаги ҳаракати. Бундай ҳаракат пул маблағлари эмиссияси жараёнлари ва тижорат банклари маблағларининг Ёзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захиралаш фондида кўчирилиши билан боғлиқ. Тижорат банкларининг кредитлаш жараёнлари муносабати билан пул маблағларининг кўчирилишини ҳам шунга киритиш мумкин;

2. пул маблағларининг тижорат банклари ўртасидаги ҳаракати. Бу ҳолда ушбу банкларнинг мижозларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ пул кўчиришлар ёки тижорат банкларининг ўзаро кредитлашлари назарда тутилади;

3. фирмалар ва ташкилотлар ўртасидаги ҳаракат. Пул маблағларининг ушбу иқтисодий субъектлар ўртасидаги ҳаракати товарлар айланиши ва бундай товарлар айланишидаги, шунингдек, ўзаро талабларни ҳисобга олишдаги ҳақ тўлаш жараёнлари билан боғлиқ;

4. банклар, фирмалар ва ташкилотлар ўртасидаги ҳаракат. Пул маблағларининг ушбу субъектлар ўртасидаги ҳаракати асосан кредитлаш

ва қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш операциялари, шунингдек, пул маблағларини сақлаш ва кўчиришга доир операциялар билан боғлиқ;

5. банклар ва аҳоли ўртасидаги ҳаракат. Пул маблағлари истеъмолчилик кредитини бериш ва пул маблағларининг аҳолининг даромадларини сақлаш ва кўпайтириш мақсадларидаги ҳаракатига доир фаол жараён сабабли кўчирилади;

6. фирмалар, ташкилотлар ва аҳоли ўртасидаги ҳаракат. Пуллар ҳаракатининг бу йўли маблағларнинг товар айланиши операцияларига ҳақ тўлаш ва уй хўжаликларининг ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаши муносабати билан кўчиб юришидан иборат бўлади;

7. банклар ва молия институтлари ўртасидаги ҳаракат. Пул маблағларининг ушбу иқтисодий муносабатлар субъектлари ўртасидаги ҳаракати ўзаро кредитлаш операциялари ва иқтисодий фойда олишга ёки учинчи субъектларнинг муайян операцияларини расмийлаштиришга ёрдам берувчи бошқа молиявий ҳаракатлар доирасида амалга оширилади;

8. молия институтлари ва аҳоли ўртасидаги ҳаракат. Пул маблағларининг бу ҳолдаги ҳаракати аҳолининг, одатда, ўз даромадларини кўпайтириш мақсадида муайян молия операцияларини бажариши билан боғлиқ;

9. жисмоний шахслар ўртасидаги ҳаракат. Пул маблағлари ҳаракатининг бу йўли энг сезилмайдиган, лекин пул маблағларининг қайта тақсимланиши тизимидаги энг муҳим йўллардан бири ҳисобланади, чунки у маблағларнинг аҳоли ўртасида кўчиб юришидан иборат. Одатда, бундай кўчиб юришнинг мақсади маиший масалаларни ҳал этиш ва ўз оиласи аъзолари фаровонлигининг муайян даражасини тутиб туришдир.

Пул маблағлари ҳаракатининг ҳар бири бўйича муқобил ҳаракат ҳам амалга оширилади. Бошқача айтганда, пулларнинг айланиши кўп йўналишли бўлади ва хўжалик фаолияти субъектларини камраб олади.

Тўлов айланиши ушбу мамлакатда амал қиладиган тўлов воситаларининг узлуксиз ҳаракат қилиш жараёнидир. Бошқача айтганда, пул айланиши деганда тўлов воситаларининг шаклидан қатъи назар бундай барча воситаларнинг мажмуи тушунилади. Бевосита пул маблағларининг ҳаракати ва чеклар, депозит сертификатлари ва векселларнинг кўчиб юриши шунга киради. Пул айланиши тўлов айланишининг бир қисмидир.

Пул айланиши нақд пуллик ва нақд пулсиз шакллардаги пул белгиларининг узлуксиз ҳаракат қилиш жараёнидир.

Ўз навбатида пул айланиши тўлов воситалари муомаласининг икки шаклига: пул муомаласи (ёки нақд пуллар айланиши) ва пул-тўлов айланишига бўлинади.

Пул муомаласи пул айланишининг нақд пул маблағлари муомаласи, пул белгиларининг бир юридик ёки жисмоний шахслардан бошқа шахсларга доимий тарзда ўтиб юриши билан боғлиқ қисмидир. Бошқача айтганда, бу иқтисодий субъектлар ўртасидаги муомалада қатнашадиган бевосита нақд пул массасидир. Шу туфайли пул муомаласини баъзан нақд пулларнинг айланиши деб ҳам аташади.

Пул-тўлов айланиши пул айланишининг бир қисми бўлиб, унда пуллар қандай шаклда тақдим этилганидан қатъи назар тўлов воситаси сифатида фаолият юритади. Бошқача айтганда, бундай ҳолда иқтисодий субъектлар ўртасида нақд пуллик ва нақд пулсиз шаклда айирбошлаш воситаси сифатида амал қиладиган пул маблағлари кўриб чиқилади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, иқтисодиётда пул муомаласи умумий пул айланишида кам қисмни эгаллаши керак, лекин у катта аҳамият касб этади, чунки аҳоли даромадларининг катта қисмининг олиниши ва сарфланишига хизмат кўрсатади. Лекин шунга қарамасдан, ишларнинг бундай аҳволи фақат Россия иқтисодиёти каби ўтиш ёки етарли ривожланмаган иқтисодиётларда кузатилади. Бу шу билан боғлиқки, ривожланган иқтисодиётларда электрон пуллар тобора кўпроқ оммалашган

бўлади. Бундай пул воситалари мижозларнинг банк муассасаларидаги ҳисобварақлари бўйича фақат техник ускуналар ёрдамида ишлатиш мумкин бўлган электрон узатмалардаги ёзувлардир. Бунда ушбу ёзувлар табиий равишда мижозларнинг ҳисобварақларидаги нақд пулсиз маблағлар ҳисобланади. Пластик карта ва ахборотни ўқиш ҳамда банк бўлими билан алоқа тизими техник воситалар ҳисобланади. Амалда товарлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш воситаси сифатида пластик карточкаларни қабул қилиш ва ҳисобга олиш воситаларининг ҳамма жойда оммалашуви иқтисодиётдаги нақд пул маблағлари ҳажмининг камайишига ва нақд пулсиз айланиш ролининг ялпи ошишига олиб келмоқда. Шундай қилиб, банк хизматлари бозори раванқ топган шароитда бундай ҳолат бузилади ва нақд пулларнинг айланиши асосий омил бўлмай қолади.

Нақд пулсиз пул айланиши – банкларда пул маблағларини тўловчилар ва олувчиларнинг ҳисобварақлари бўйича ёзувлар ёрдамида ёки ўзаро талабларни ҳисобга олиш йўли билан амалга ошириладиган пул айланишидир. Шундай қилиб, нақд пулсиз пул айланиши бевосита пул белгисининг бўлмаслигини назарда тутаяди ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишга, тегишлича, нақд пулсиз айланишни шакллантиришга имкон берадиган ривожланган банк тизими амал қилмай туриб бунга эришиб бўлмайди. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконияти иқтисодиётда нақд пулсиз пул айланиши амал қилишининг зарурий шarti ҳисобланади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тамойиллари:

1) улар мижозларга маблағларни сақлаш ва ўтказиш учун очиладиган банк ҳисобварақлари бўйича амалга оширилади;

2) ҳисобварақлардан тўловлар банклар томонидан ҳисобварақлар эгаларининг фармойиши бўйича тўловларнинг улар белгилаган навбатлилиги тартибда ва ҳисобварақдаги маблағларнинг қолдиғи доирасида амалга оширилиши лозим;

- 3) банклар мижозларнинг шартномали муносабатларига аралашмайди;
- 4) тўловнинг шартномаларда, Молия вазирлиги йўриқномаларида назарда тутилган муддатлар асосидаги муддатлилиги;
- 5) тўловнинг таъминланганлиги, тўловчида (ёки унинг кафилида) пулларни олувчи олдидаги мажбуриятларни узиш учун қўлланилиши мумкин ликвидли маблағларнинг мавжудлиги.

Шундай қилиб, нақд пулсиз айланиш тўловнинг ушбу тамойиллари ва шартларининг бажарилишини назарда тутди. Истеъмолчилар билан сотувчилар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг амал қилишига эҳтиёжнинг ошиб бораётганлигини қайд қилиш керак. Бу товар айланиши жараёнида тобора кўпроқ қўлланилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллариининг қулайлигини нисбатан хавфсизлиги билан боғлиқдир. Яна шунга ҳам эътиборни қаратиш керакки, нақд пулсиз айланишнинг ўзида ҳам айрим ўзгаришлар юз берди ва ҳозирги вақтда у нафақат банк мижозларининг ҳисобварақлари бўйича ёзувлардан, шу билан бирга банкнинг компьютердаги маълумотлар базасида у ёки бошқа ҳисобварақдаги ҳолатга тегишли ёзувлардан ҳам иборат. Бундай эволюция нақд пулсиз айланиш шакли сифатидаги электрон пул воситаларининг кенг қўлланилиши билан боғлиқ. Бундай ҳолда пуллар айнан маълумотлар базасидан иборат бўлиб, унга фақат техник воситалар ёрдамида кириб олиш мумкин. Нақд пулсиз айланиш ҳозирги вақтда нафақат корхоналар, шу билан бирга уй хўжаликлари ва давлатларни ҳам қамраб олган. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, нақд пулсиз айланиш иқтисодий муносабатларнинг ҳар қандай субъектининг пул айланишига нисбатан етакчи позицияни эгаллайди.

Нақд пулсиз айланишнинг тўлароқ фаолият юритиши ва ривожланиши учун қуйидаги шартларга риоя этиш зарур:

- 1) ушбу операциянинг легитимлилиги хусусидаги қонуний кафолатларнинг мавжудлиги;

2) пул маблағларини тез ва хавфсиз ўтказишга заруриятнинг бўлиши (яъни, товар муносабатларнинг етарли ривожланганлиги);

3) ривожланган банк тизимининг мавжуд бўлиши (банклар филиаллари, бўлимлари ва улар ўртасидаги вакиллик муносабатларининг мавжудлиги);

4) хўжалик субъектларининг ўз қарорларини эркин қабул қилиши имконияти.

Шундай қилиб, нақд пулсиз пул айланиши иқтисодиётнинг муайян ривожланиш даражасига эришганлигидан далолат беради ва янада раванқ топиш учун қўшимча имкониятларни тақдим этади.

Давлатнинг пул айланишига кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Пул айланиши тузилмаси турли белгилар бўйича белгиланади:

1) унда пулларнинг фаолият юритиши шаклига қараб. Ушбу белгига қараб нақд пулсиз ва нақд пуллик пул айланишини ажратиш мумкин, чунки барча пул белгилари у ёки бошқа шаклга эга бўлади;

2) ушбу пул айланиши хизмат кўрсатадиган муносабатлар тусига қараб. Бу ерда пул-ҳисоб-китоб айланиши, пул-кредит айланиши, пул-молия айланиши ажратиб кўрсатилади;

3) пул маблағларининг ҳаракати юз берадиган субъектларга қараб. Ушбу тасниф бўйича қуйидагилар ажратиб кўрсатилади: пул маблағларининг юридик шахслар ўртасида банклараро, банкларда айланиши, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги айланиш ва, ниҳоят, пул маблағларининг фақат жисмоний шахслар ўртасидаги айланиши.

Шунга тегишлича, иқтисодиётда қўлланиладиган пул айланиши ҳажмига таъсир қиладиган омилларнинг муайян гуруҳини ҳам ажратиш мумкин. Барча омилларни сиёсий, иқтисодий ва техник омилларга ажратиш мумкин. Табиийки, пул айланиши тузилмасини шакллантиришнинг иқтисодий омиллари асосий аҳамиятга ва бевосита таъсир кучига эга бўлади. Бундай омилларга иқтисодиётда ишлатиладиган

пуллар турлари, пул муомаласи тезлиги, товар айланиши миқдори ва шу кабилар киради. Бинобарин, мавжуд пул айланиши миқдорларини вужудга келадиган эҳтиёжларга мувофиқ ўзгартиришга ёки пул айланишининг мавжуд ҳажмларини товар айланишининг реал эҳтиёжларига мувофиқлаштиришга фақат иқтисодий услублар воситасида пул айланиши ҳажмига таъсир кўрсатадиган ушбу омиллар орқали таъсир қилиш мумкин.

Иқтисодиётда фаолият юритадиган, фақат ҳукуматнинг эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган ва иқтисодиётнинг эҳтиёжларидан мустақил пул маблағлари миқдоридаги ўзгаришлар сиёсий омиллар ҳисобланади.

Техник омиллар пул айланиши тузилиши ва ҳажмига фақат билвосита таъсир кўрсатади, лекин шунга қарамасдан, уларни ҳисобга олиш зарур. Бундай омилларга у ёки бошқа ҳисоб-китобни ўтказиш учун талаб этиладиган вақтни камайтириш ёки ҳисоб-китобнинг ўзини амалга оширишга имкон берадиган ҳисоб-китобларнинг техник воситалари киради. Масалан, банк пластик карталарига хизмат кўрсатувчи техник воситаларнинг кенг оммалашганлиги аҳоли ўртасида ушбу тўлов воситасининг оммалашувига ва, бинобарин, нақд пулсиз пул маблағларининг қўлланилишининг ошишига олиб келади. Нақд пулсиз пул маблағлари қўлланилиши частотасининг кўпайиши пул муомаласининг умумий таркибида нақд пулларнинг камайишига ва давлатнинг пул айланишини тартибга солиш асосий услубларининг ўзгаришига олиб келади.

Пул муомаласининг тезлиги пул айланишининг муҳим тавсифномаси ҳисобланади. Бу шу билан боғлиқки, муайян вақт давомида (масалан, йил давомида) ҳар бир пул бирлиги айланишининг сони қанчалик кўп бўлса, иқтисодиётнинг нормал фаолият юритиши учун зарур бўлган пул маблағларининг миқдори шунчалик кам бўлади. Амалда пул массаси муомаласининг тезлиги даромад муомаласининг тезлигини кўрсатади.

Тижорат банки ўз мижозларига турли хилдаги хизматларни кўрсатади. Лекин барибир, агар ҳар қандай тижорат банки ўз мижозига очмоқчи бўлган аниқ ҳисобварақлар ҳақида гапириладиган бўлса, унда вариантлар рўйхати кескин камаяди. Барча банк ҳисобварақлари беш типга: муддатли ёки депозитлар, талаб қилиб олинадиган ҳисобварақлар ва юридик шахсларнинг махсус тижорат ҳисобварақларига бўлинади. Юридик шахсларнинг махсус тижорат ҳисобварақлари талаб қилиб олинадиган ҳисобварақлар шаклида ва ушбу ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китобларнинг махсус шартларига эга ҳисобварақ шаклида ҳам бўлиши мумкин. Лекин барибир, ҳисобварақларнинг асосий кўпчилиги депозитлар ёки талаб қилиб олинадиган ҳисобварақлардан иборат.

Мазкур банкда аниқ муддат давомида, муайян фоиз билан тутиб туриладиган ва ушбу ҳисобварақдаги маблағлардан фойдаланиш юзасидан чекланишлар амал қиладиган ҳисобварақлар депозитлар дейилади. Одатда, ушбу ҳисобварақнинг банкда сақланиши юзасидан тахмин қилинаётган муддатга қараб бу омонат тури бўйича фоизли ставка миқдори белгиланади. Бироқ амалда ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Кўпинча банклар муддатга мутаносиб равишда ошиб борадиган фоизларни белгилашади. Шундай қилиб, омонатлар турлари орасидаги тафовут йўқолади, чунки мижоз айти бир хилдаги муддат учун фоиз сифатида бир хил миқдордаги даромадни олади. Талаб қилиб олинадиган ҳисобварақлар билан депозитлар орасидаги фарқнинг маъноси ушбу ҳисобварақда қўйилган пул маблағларидан фойдаланиш имкониятидан иборатдир.

Талаб қилиб олинадиган ҳисобварақлар амалда ҳеч қандай фойда келтирмайди, лекин банкдан ҳар қандай вақтда ушбу пул маблағларини талаб қилиб олиш имкониятини беради. Одатда, барча пластик карточкалар пул маблағларини талаб қилиб олинадиган ҳисобварақларга жойлаштиришнинг электрон вариантыдир, чунки банкдан ҳар қандай вақтда ушбу пул маблағлари талаб қилиб олиниши мумкин. Шунга

тегишлича, банк жойлаштирилган маблағларнинг бирданига йўқотилиши мумкинлигини компенсация қилишга уринади ва жуда паст нархларни назарда тутди. Бу объектив зарурият билан боғлиқ. Банкнинг ҳисобварағи бўйича фоиз банкнинг ўзи унда жойлаштирилган пул маблағлари жойлашган муддат давомида ундан қанча даромад олиши мумкинлигига боғлиқ бўлади. Бундай ҳолда мижоз пулларни жойлаштириш муддатининг кўп бўлмаслигини, бинобарин, банкнинг ўзи орттирадиган ва ўз мижозларига тўлайдиган потенциал фоизларнинг ҳам юқори бўлмаслигини олдиндан билади. Маблағларнинг депозит омонатларига жойлаштирилиши ҳолатида эса мижознинг пул маблағларини қайтариб олиши муддати омонатга доир шартномада олдиндан айтиб ўтилган бўлади, шунинг учун банк бу пул маблағларини тўла ишонч билан тасарруф қилиши мумкин ва бунда мижоз даромадининг миқдори фақат мазкур банкнинг мижознинг пул маблағларидан фойдаланиш эвазига даромад олишига доир имкониятларига боғлиқ бўлади.

Банк билан пул маблағларини жойлаштириш учун шартнома тузилишида банкнинг ва омонатчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тасдиқлайдиган бир қатор ҳужжатлар расмийлаштирилади. Банк ҳисобварағига доир бундай шартномада контрагентларнинг тўлиқ номлари ва ушбу битимнинг барча шартлари ёзиб қўйилади. Бундай шартларга: омонатни сақлаш муддатлари, фоизларни ҳисоблаш ва фойдаланиш шартлари, мазкур шартноманинг амал қилиш муддатларини ўзгартириш ёки узайтириш мумкинлиги киради.

Ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шакли иқтисодий контрагентлар ўртасидаги битимларнинг амалга оширилишидаги энг кўп қўлланиладиган шаклдир. Бу нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ҳисоб-китобни амалга оширишдаги хавфсизлиги ва пул маблағларини ташиш учун трансакцион харажатларнинг қисқариши (чунки бунда ушбу маблағларнинг ўзи бўлмайди) каби жиҳатлари билан боғлиқдир. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар

банк ташкилотлари воситачилигида амалга оширилади, улар бир иқтисодий субъектдан бошқа субъектга пул маблағларини етказишнинг ушбу шакли бўйича барча операцияларни бажарадилар. Бундай операцияларни фақат турли банк тузилмалари ўртасида вакиллик муносабатлари ўрнатилган шароитда амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, банклар мижознинг амалга оширилган битим учун ҳисоб-китоб қилиши керак бўлган амалий шериғига яқин жойда ўз филиаллари ёки бўлимларига эга бўлса, ҳисоб-китобларни бундай суръатларда бажариши мумкин. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бир давлатнинг иқтисодий субъектлари ўртасида ва турли мамлакатлар корхоналари ўртасида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бошқача айтганда, ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шакли халқаро амалиётда фаол қўлланилмоқда. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари деганда ушбу тўловни амалга оширишнинг мавжуд усуллари ва уни амалга оширишда қўлланиладиган воситалар туркуми тушунилади. Иқтисодий контрагентлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- 1) инкассо операциялари воситасидаги ҳисоб-китоблар;
- 2) аккредитивлар ёрдамидаги ҳисоб-китоблар;
- 3) бўнак тўловлари шаклидаги ҳисоб-китоблар;
- 4) очилган ҳисобварақ бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар;
- 5) векселлар ва чеклар шаклида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар.

Чек, вексель, банк траттаси ва пул ўтказмаси нақд пулсиз тўловларни амалга оширишнинг асосий воситаларидир.

Шундай қилиб, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг иқтисодий контрагентлар ўртасида ҳар бир муайян вақт оралиғида ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг энг қулай услубини танлашга имкон берадиган турли-туман шакллари мавжуд. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг энг қулай услубини белгилаш мавжуд шарт-шароитларни баҳолаш йўли билан амалга оширилади. Масалан, товар турининг ўзини ҳисобга олиш зарур,

чунки бу товарга ҳақ тўлаш услубларининг қайси бири сотувчига ва қайсиниси харидорга кўпроқ фойдали бўлишига шунга боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, айрим товарлар ҳақ тўлашнинг фақат бир усулини амалга ошириш бўйича объектив имкониятни назарда тутаяди, чунки бошқача бўлса, бундай товарни ишлаб чиқариш ёки ташиш жараёнини бажариш мумкин бўлмайди. Битим объектини ҳисобга олиш нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш услубини танлашга таъсир қиладиган яна бир зарур омил бўлиб, у ҳисоб-китобнинг потенциал эҳтимол тутилган шакллари рўйхатига ва ушбу операцияни амалга ошириш муддатларига таъсир қилади. Бундан ташқари, бозорда ушбу товарга мавжуд бўлган талаб ва таклиф даражаси ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш услубини танлашга таъсир қиладиган яна бир муҳим омилдир. Бундай омил битим қатнашчиларидан қайси бири – етказиб берувчи ёки харидорнинг битимни тузишда ўз шартларини ўтказиши мумкинлигини белгилайди. Шунга тегишлича, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг битимнинг у ёки бошқа қатнашчисига кўпроқ фойдали бўладиган шакли танланади.

Ҳозирги вақтда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Иқтисодиётнинг бошқа субъектлари билан савдо-сотик ёки ресурсларни харид қилиш борасида муносабатларга киришадиган корхоналар учун нафақат қулай ва ишончли бўладиган, шу билан бирга пул оқимларини назорат қилиш, шунингдек, пул маблағларини ўтказиш билан боғлиқ қўшимча харажатларни камайтиришга имкон берадиган ҳисоб-китоб воситасини топиш айниқса муҳимдир. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказиш вариантларидан бири – тўлов топшириқномалари орқали ҳисоб-китоб қилиш ҳисобланади.

Тўлов топшириқномалари орқали ҳисоб-китоблар – нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли бўлиб, бунда тўловчи унга хизмат кўрсатадиган банк муассасасига ўзининг ҳисобварағидан маблағларни олувчининг

ҳисобварағига муайян суммани ўтказиш ҳақидаги топшириқни ўз ичига оладиган ҳисоб-китоб ҳужжатини тақдим қилади. Шундай қилиб, ҳисоб-китобнинг бундай шаклини амалга ошириш учун банклар ўртасида вакиллик алоқалари ёки ҳамкорлик қилиш учун потенциал имконият мавжуд бўлиши керак ва корхона, одатда, доимий тарзда амал қиладиган ўз ҳисобварағига эга бўлиши лозим. Шунини қайд қилиш керакки, бундай услуб корхоналарга пул маблағларини ўтказиш шартлари ва уларнинг муддатлари хусусида банкларни бу ишга аралаштирмасдан ўзаро келишиб олиш имкониятини беради. Масалан, битим қатнашчилари товарни етказиб беришдан кейин ҳақ тўлаш ёки товарнинг харидорга бевосита етиб келишигача, шунингдек, битим имзоланиши ҳамон ҳақ тўлаш тўғрисида келишишлари мумкин. Бу шу билан боғлиқки, банк шерикларнинг ҳаракатларини назорат қилмайди, балки ўз миждозининг пул маблағларини унинг бевосита топшириғига биноан кўрсатилган ҳисобвараққа ўтказиши.

Лекин шунга қарамасдан, тўловнинг ушбу турини амалга оширишга нисбатан муайян талаблар ҳам амал қиладигани, улар банкнинг ҳаракатларини ва ушбу ҳисоб-китоб услуби ёрдамида тўловни амалга оширувчи бизнесдаги шерикларнинг хоҳиш-истакларини тартибга солади. Тўлов топшириқномалари орқали ҳисоб-китоблар ҳақидаги асосий қоидалар қуйидагичадир:

- 1) тўлов топшириқномалари орқали ҳисоб-китобларда банк тўловчининг топшириқномаси бўйича ҳисобварақда турган маблағлар ҳисобига тўловчи кўрсатган шахснинг ушбу ёки бошқа банкдаги ҳисобварағига қонунда кўрсатилган муддатда ёки мабодо банк ҳисобварағига доир шартномага биноан ёхуд банк амалиётида қўлланиладиган амалий айланиш одатларига кўра бирмунча қисқа муддат назарда тутилмаган бўлса қонунга кўра белгиланган муддатларда муайян пул суммасини ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

2) ушбу параграф қоидалари, мабодо қонунга кўра ёки қонунга биноан белгиланган банк қоидаларига мувофиқ бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса ёки муносабатлар моҳиятидан бошқача қоида келиб чиқмаса, пул маблағларини ушбу банкда ҳисобвараққа эга бўлмаган шахсининг бу банк орқали ўтказиши билан боғлиқ муносабатларга нисбатан қўлланилади;

3) тўлов топшириқномалари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби қонун билан ёки қонунга биноан белгиланган банк қоидаларига ва банк амалиётида қўлланиладиган амалий айланиш одатларига кўра тартибга солинади.

Бу ўринда шуни қайд қилиш керакки, бу тўловни амалга ошириш муддатларини белгиладиган нормалар турли мамлакатларда қарор топган анъаналарга мувофиқ турлича бўлиши мумкинки, бу хорижлик контрагентга тўловни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Тўлов талабномалари-топшириқномалари ёрдамидаги ҳисоб-китоб иқтисодий контрагентлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг яна бир услуби ҳисобланади. Ушбу ҳисоб-китоб шакли камида учта субъект: етказиб берувчи, харидор ва ушбу субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китобни амалга оширадиган банкнинг мавжуд бўлишини назарда тутаяди. Бундан ташқари, агар корхоналар турли банкларнинг хизматларидан фойдаланадиган бўлса ёки ҳудудий жиҳатдан турли мамлакатларда жойлашган бўлса, унда субъектлар-битим қатнашчилари сони пул маблағларини етказиб берувчининг банкка етказиш учун зарур банклар сонига кўпаяди.

Ҳисоб-китобларнинг бу шакли шуни назарда тутаядики, банк битим қатнашчилари ўртасидаги шартларнинг барча жиҳатлари кўрсатилган ҳужжатларга эга бўлади. Шундай қилиб, корхоналар банкка оддий топшириқномани беришдаги каби ҳақ тўлаш муддатларини танлашда унчалик эркин бўлишмайди. Бундай ҳолда битимга доир муайян кафолат афзаллик ҳисобланади, чунки банк одатда ушбу битимнинг

имкониятларини текширади ва тўловни энг кулай тарзда амалга оширади: етказиб берувчи билан тўловчи ўртасидаги расмийлаштирилган шартномага биноан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли – тўлов талабномалари-топшириқномаларини расмийлаштиради.

Ушбу операцияни бажаришда банк самарадорлигининг катта роль ўйнаши натижасида банк хатоларидан ҳимояланиш бўйича муайян тизим қарор топади. Бундай тизим мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича банк операцияларини назорат қилиш ва ноинсофликдан ҳимоя қилиш учун зарур. Банк Фуқаролик кодексига мувофиқ топшириқноманинг ижро этилмаслиги ёки лозим даражада ижро этилмаслиги учун қуйидагича масъулиятни ўз зиммасига олади:

1) банк мижознинг топшириғини ижро қилмаганида ёки лозим даражада ижро қилмаганида қонунда назарда тутилган асослар бўйича ва миқдорларда жавобгарликни ўз зиммасига олади;

2) мижознинг топшириғи ижро қилинмаслиги ёки лозим даражада ижро қилинмаслиги ҳоллари тўловчининг топшириғини ижро этиш учун жалб этилган банк ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш қоидаларини бузганлиги билан боғлиқ бўлган ҳолларда, бунинг учун жавобгарлик суд томонидан шу банк зиммасига юкланганида;

3) агар банкнинг ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш қоидаларини бузиши пул маблағларининг ноқонуний ушлаб қолинишига олиб келса, унда банк қонунда назарда тутилган тартибда ва миқдорларда фоизларни тўлаши шарт.

Шундай қилиб, банк ўз мажбуриятларини бажармаган, деб эътироф қилиниши мумкин ва бундай ҳолда пул маблағларини қайтарилишини ёки зарарнинг ўрнини қоплашни кафолатлайди.

Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг энг кўп қўлланиладиган шаклларида бири инкассо бўйича ҳисоб-китоблардир. Бундай шакл

камида учта иқтисодий контрагент: харидор, сотувчи ва ушбу операцияни амалга оширадиган тижорат банкининг мавжуд бўлишини назарда тутди. Агар халқаро битим (яъни, турли мамлакатларга мансуб контрагентлар қатнашувчи битим) бўйича тўловларни амалга оширишда ҳисоб-китобнинг бу услуги танланган бўлса, унда мазкур операцияни бажариш жараёнида, одатда, иккита банк: экспортчи банки ва импортчига хизмат кўрсатувчи банк иш олиб боради.

Инкассо операциясининг амалга оширилишида банк ўз мижозининг топшириғига кўра унинг бизнес бўйича шеригидан юклаб жўнатилган товар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловни олади. Банк бу маблағларни экспортчининг ҳисобварағига ўтказди. Ушбу ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши учун иқтисодий контрагентлар муайян товарларни товар харидорининг манзилига юклаб жўнатишга доир битимни тузиши зарур. Шундан сўнг сотувчи ўзига хизмат кўрсатадиган банкка бу битимни тасдиқловчи ва банкни иқтисодий контрагентлар тузган битимнинг муддатлари, шартлари ва ҳажмлари ҳақида хабардор қиладиган ҳужжатларни тақдим этади. Банкка тақдим этилиши зарур бўлган ҳужжатларнинг муайян туркуми мавжуд. Бундай рўйхат аниқ банкнинг талабларига ва шу давлат банк тизимининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ тузилади. Турли банклар ҳудудида жойлашган бир неча банклар ҳақ тўлашни амалга оширишида бошқа давлатдаги банклар қўядиган талабларни ҳисобга олиш зарур. Бундай талаб шу билан боғлиқки, ушбу инкассо операциясини ўтказишнинг навбатдаги босқичи харидор банки билан сотувчи банки ўртасида тегишли ҳужжатларнинг берилишидан иборат. Шундан кейин харидор банки ҳужжатларга мувофиқ суммани сотувчи банкка ўтказди, сотувчи банки пул маблағларини бевосита товарни сотувчининг ҳисобварағига ўтказди.

Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар икки турда: оддий инкассо ва ҳужжатли инкассо бўлади.

Оддий инкассо тўловнинг шундай тизимики, унда тўловнинг ундирилиши инкассо шартлари асосидаги битимнинг тузилганлигини тасдиқлайдиган молия ҳужжатлари олинганида амалга оширилади.

Ҳужжатли инкассо тўловнинг олувчига ҳақи тўланган товарнинг етказиб берилиши юзасидан айрим кафолатлар бериладиган тизимга киради. Бундай кафолатлар тўловнинг ўтказилиши амалга оширилишида фақат инкассо шартлари асосидаги битимнинг тузилганлигини тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатлар ва юк билан бирга юбориладиган тижорат ҳужжатлари олинганида берилди. Шундай қилиб, инкассо бўйича ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши шартлари амалий шерикларнинг бир-бирига ишониши даражасига қараб ўзгариши мумкин. Бундан ташқари, товарнинг ўзига хос хусусияти ҳам фақат товар юк билан бирга юбориладиган ҳужжатлар харидорга етиб келганидан кейин тўлашнинг объектив зарурлигини келтириб чиқариши мумкин. Бу ушбу товарни сақлаш муддатларининг чекланганлиги ва ташиш шароитларининг оғирлиги билан боғлиқ бўлади. Масалан, товар етказиб бериладиган йўл ўтадиган ҳудудда жинойтчилик даражаси юқори бўлганида шундай қилиниши мумкин.

Банклараро ҳисоб-китоблар

Банклараро ҳисоб-китоблар молия тизимида асосий ўрин тутди, чунки кўпчилик молия операцияларини амалга ошириш ва иқтисодий контрагентлар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг барча шаклларини ўтказишга имкон беради. Ҳолбуки, банклараро ҳисоб-китоблар ёпиқ тизим ҳисобланади, чунки уларга мустақил ташкилотлар сифатидаги банкларнинг тижорат сирига риоя қилиш зарурати юкланади.

Миллий иқтисодиётлар интеграциясининг ўсиб бориши ва турли мамлакатларга мансуб ва ҳар хил банклар хизмат кўрсатадиган шериклар ўртасидаги битимлар сонининг кўпайиши сабабли жаҳон валюта бозорида

банклараро ҳисоб-китобларнинг ягона тизимини шакллантириш зарурати ошмоқда.

Бугунги кунда банклараро ҳисоб-китобларнинг глобал тизими жорий этилмоқда. Янги ташкил этилган тизимдаги марказий роль дунёнинг 36 та етакчи банклари таъсисчилари бўлган Нью-Йоркда махсус таъсис этилган «узлуксиз боғланган ҳисоб-китоблар» банки зиммасига юкланган. Янги ҳисоб-китоб маркази етита марказий банк, АҚШ Федерал захира тизими, Европа марказий банки, Токио банки ва Англия банки билан бевосита боғланган. Бундай тизим валютанинг олди-сотди операцияларига доир ҳисоб-китоблар вақтини 5 соатгача қисқартиради. У жаҳон бозоридаги валюта савдосининг анъанавий схемаси ўрнини босади: эски схемага кўра бошқа мамлакат валютасига оид битимлар бўйича барча ҳисоб-китоб операцияларига вакил-банк воситачилигида 2 кунга яқин муддат талаб қилинарди.

Банклараро ҳисоб-китоблар нафақат халқаро операцияларда, шу билан бирга мамлакат ичидаги операцияларда ҳам муҳим бўғин ҳисобланади. Банклараро ҳисоб-китобларга зарурат бошқа банклар билан ўзаро ишларни максимал қисқа муддатларда амалга оширишга имкон берадиган дастурий таъминотга эҳтиёжни шакллантиради. Шакллантирилаётган кичик тизимлар тўловни ишлаш босқичига мувофиқ келадиган ҳисоб амалларининг бажарилишини ўз ичига оладиган эркин форматдаги электрон тўлов ҳужжатлари билан алмашилиш учун воситаларни беради.

Асосий функционал имкониятлари:

- 1) кўп валютали иш режими;
- 2) миллий ва чет эл валюталаридаги ҳисоб-китоблар учун вакил-банклар билдиргичини юритиш;
- 3) ҳар бир хабарнинг параметрларини созлаш имкониятига эга хабарлар шакллари билдиргичини юритиш;

4) кўпгина минтақалар ва МДХ мамлакатлари ХКМлари форматларидаги хабарлар билан алмашилиш;

5) SWIFT(Payments, инг. SWIFT-Society for World-Wide Interbank Financial Telecommunications)-тўловларни позициялаштириш форматларида хабарлар билан алмашилиш;

6) жўнатилган ва қабул қилинган тўлов ҳужжатларини вакиллик ҳисобварағи бўйича кўчирмалари билан бирга автоматик ва қўлда квитовкалаш;

7) транзит тўловлар билан ишлаш;

8) комиссиялар суммаларини автоматик белгилаш;

9) бухгалтерлик ўтказмаларини автоматик шакллантириш;

10) ҳисобга олиш операцияларини тўловлар билан ишлаш босқичлари бўйлаб жойлаштириш;

11) барча бухгалтерлик ўтказмаларини кўздан кечириш;

12) вакиллик ҳисобварақлари ва позициялар ҳисобварақлари ҳолатини назорат қилиш;

13) кириб келадиган ва чиқиб кетадиган тўловлар архивини юритиш;

14) хабарлар экспорти ва импорти сеанслари журналани юритиш.

Шундай қилиб, банклараро ҳисоб-китоблар ҳисоб-китоб ва ўтказиш операцияларини тартибга солиш ва такомиллаштириш юзасидан банклар ўртасидаги ўзаро амал қилиш тизими ҳисобланади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш истиқболлари.

Иқтисодий контрагентлар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг пул маблағларини ўтказишнинг нақд пулсиз тизимлари ёрдамида амалга оширилиши бир қатор ёрқин афзалликларга эга бўлиб, улардан бири ушбу операцияни пул маблағларини ташишга ортиқча харажатлар сарфламасдан анча тез ўтказишдан иборат. Динамик ривожланаётган бозор нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш сифатини оширишни ва бундай операцияни ўтказиш тезлигини пасайтиришни талаб қилади. Нафақат

юридик шахсларга хизмат кўрсатувчи ва шу тариқа бевосита тадбиркорлик билан боғлиқ бўлган банклар, шу билан бирга жисмоний шахслар ўртасида пул маблағларининг нақд пулсиз ўтказилишини амалга оширувчи банк ташкилотлари ҳам бундай эҳтиёжларни тобора кўпроқ ҳисобга олиши керак бўлмоқда.

Мамлакатимиздаги бундай эҳтиёж ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан юритувчи тадбиркор сифатида иш олиб бораётган тадбиркорлар сонининг ўсаётганлиги ва ўзининг пул маблағларини нафақат сақлаш, шу билан бирга пул маблағларини ўтказиш жараёнларини фаоллаштираётган аҳолининг даромадлари даражасининг ошаётганлиги билан боғлиқдир. Бундан ташқари, чегараларнинг очилиши иқтисодий субъектларнинг бутун дунё бўйлаб фаол кўчиб юришига сабаб бўладики, бу чет эллардаги банклар билан вакиллик муносабатларини йўлга қўйиш заруратини келтириб чиқаради.

Натижада нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимида иккита принципиал муҳим вазифа шаклланади:

1) нақд пулсиз операцияларни ўтказиш муддатлари ҳажмининг камайиши;

2) потенциал шериклар сонининг кўпайиши.

Бундай вазифалар асосан замонавий техника ютуқларини қўлланиб ҳал этилади, ихтисослашган ва ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган электрон алоқа тизимлари ана шундай ютуқларга киради.

Турли хилдаги алоқа тизимлари вужудга келмоқда ва фаол ишламоқдаки, улар ахборотларни шунчаки узатиб қолмасдан, бундай ахборотларни барча зарур ҳимоя воситалари билан биргаликда етказишга имкон беради. 1963 йилдан бери SWIFT(SWIFT-Society for World-Wide Interbank Financial Telecommunications) ҳисоб-китоб тизими амал қилади. Бу тизим бутунжаҳон банклараро тизими бўлиб, унда банклар ўртасидаги молиявий операциялар нисбатан хавфсиз амалга оширилиши мумкин.

Шуни ҳисобга олиш керакки, бу тизимдан ташқари ҳозирги вақтда кўпгина банк операциялари бевосита Интернет тармоғида бажарилиши мумкин. Интернетда битимларни амалга оширишдаги минус жиҳатлардан бири ундан ҳамманинг ҳам фойдаланиши мумкинлиги ва тижоратчилик сирига риоя қилинадиган қандайдир махфий файлларни ўрнатиб бўлмаслигидир. Шундан келиб чиқиб, Интернет глобал тармоғи воситасида битимларнинг тузилишини ўтказишда тегишли ахборотнинг кодлаштирилиши тижоратчилик сирини ҳимоялашнинг энг истиқболли усули бўлади. Бундай усул алоқа канали ҳар қандай даражада очик бўлганида ҳам ҳар қандай ҳажмдаги ахборотларни шифрлаштириш ва уларни ўз шеригига етказишга имкон беради.

Нақд пуллик айланиш тушунчаси

Иқтисодиётда амал қиладиган умумий тўлов айланишининг таркибий қисмларидан бири нақд пуллик айланиш ҳисобланади. Кўпинча пул маблағлари айланишининг бу қисмини пул муомаласи дейилади.

Пул муомаласи пул айланишининг нақд пул маблағларининг муомаласи, пул белгиларининг бир юридик ва жисмоний шахслардан бошқа шахсларга доимий тарзда ўтиб юриши билан боғлиқ қисмидир. Бошқача айтганда, бу иқтисодий субъектлар ўртасидаги пуллар муомаласи жараёнининг фақат нақд шаклда бўладиган қисмидир. Нақд пул айланиши, одатда, товарлар ва хизматларга ҳақ тўланиши эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, бошқа тижоратчилик битимларининг тузилиши ва уларга ҳақ тўланиши жараёнлари билан боғлиқ эмас. Бошқача айтганда, нақд пул айланиши жараёнида ҳар сафар маблағларнинг нисбатан кичик суммаси қатнашади. Бу қўшимча кафолатларнинг таъминланиши, пул маблағларининг йирик суммаларини бир хўжалик юритувчи субъектдан бошқа субъектга ўтказишдаги ташишнинг мураккаблиги ва трансакцион харажатларни тежашнинг зарурлиги билан боғлиқдир. Шундай қилиб, нақд пуллар муомаласи иқтисодиёт субъектларининг маиший эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган товар алмашиниши жараёнини пул маблағларининг

нисбатан кичик суммасини ишлатган ҳолда таъминлайди. Одатда, пул айланишининг ушбу типи хизматлар учун ҳақни бевосита у ёки бошқа ташкилотнинг кассасига тўлайдиган уй хўжаликлари ва кичик корхоналарда асосий ўрин тутади. Ҳар бир киши нақд пул айланиши билан боғлиқ, чунки ҳамма ҳам ҳар куни нақд пул белгилари ёрдамида товарлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаб туради. Иқтисодиётнинг бошқа субъектлари пул айланишининг ушбу типидан жуда кам фойдаланишади ва, одатда, бундай тип фақат фаол қўлланиладиган нақд пулсиз айланишга қўшимча шаклида амал қилади.

Шуни қайд қилиш керакки, нақд пуллик айланиш бир қатор афзалликларга эга:

- 1) маблағларнинг тез етказиб берилиши;
- 2) ҳисоб-китобларнинг ўтказилиши тўғрилигини зудлик билан текшириш мумкинлиги;
- 3) мавжуд ресурслар миқдори юзасидан аниқ ахборотнинг мавжудлиги;
- 4) қарзларнинг пайдо бўлиши имкониятининг истисно қилиниши.

Бундан ташқари, ушбу ҳисоб-китоб воситасининг тўлов айланишининг умумий таркибидаги улуши иқтисодий тизим ривожланганлигининг ёрқин кўрсаткичи ҳисобланади. Масалан, натура хўжалиги ҳукмронлик қилганида нақд пуллик ҳисоб-китоблар кичик улушни эгаллайди ва ҳисоб-китобни амалга оширишнинг ушбу турининг ўсиб бориши бозор иқтисодиётига ўтиш ва товар иқтисодиётдан узоклашишдан далолат беради. Бозор иқтисодиёти ҳукмронлик қилганида ҳисоб-китобни амалга оширишнинг бу тури энг устун ўринни эгалламасада, лекин тўлов воситаларидан фойдаланишнинг умумий ҳажмининг катта қисмини ташкил этади. Ва, ниҳоят, постиндустриал иқтисодиётга ўтишда нақд пул маблағлари аслида иқтисодиётда амал қилмай қўяди, уларнинг ўрнини ҳисоб-китоблар ҳамма жойда электрон пул воситаларидан фойдаланиш орқали бажариладиган нақд пулсиз шакл эгаллайди. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда мамлакатларнинг кўпчилиги иқтисодий

контрагентлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг бу шаклидан секин-аста воз кечиш жараёнини бошдан кечиришмоқда.

Иқтисодиётда нақд пуллар айланишини ташкил қилиш тамойиллари ва нақд пуллар оқимлари ҳаракатининг схемаси

Нақд пул айланишини ташкил қилиш аслида молия тизимининг қурилиши билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, ҳисоб-китоб воситалари ушбу шаклининг тўлиқ фаолият юритиши учун нафақат бу тўлов воситаларидан фойдаланишга тайёр бўлган субъектлар мавжудлиги, шу билан бирга буни амалга оширишга имкон берадиган муайян тузилма ҳам зарур бўлади. Хусусан, нақд пул маблағлари эмиссия қилиниши (босилиши) керак. Одатда, эмиссия жараёнида ҳар бир пул белгисига нафақат муайян ташқи кўриниш, шу билан бирга сохта белгилар ясалишидан ҳимоялаш учун ўзининг ҳимоя воситалари қўйилади. Бундай ҳимоя воситалари икки хилдаги аҳамиятга эга. Бир томондан, улар банк учун ортикча, унга мансуб бўлмаган пул белгиларининг пайдо бўлмаслигига кафолат бўлади, бошқа томондан – иқтисодий субъектга ҳақиқий пул белгиларини сохта белгилардан ажратиб фақат ҳақиқий пул белгиларидан фойдаланиш имконини беради.

Шундан кейин нақд пул айланишини ташкил этиш учун эмиссия тизимининг барча бўғинлари: марказий банк ва ҳисоб-китоб-касса марказларининг (ёки нақд пул маблағларини айланишга чиқаришга имкон берадиган бошқа тузилмаларнинг) амал қилиши зарур.

Нақд пуллар айланишининг амал қилишига доир қуйидагича асосий тамойиллар ажратиб кўрсатилади:

- 1) молия муассасалари-эмитентларнинг мавжудлиги;
- 2) бозор қатнашчиларининг маблағларни сарфлаш юзасидан иқтисодий эркинлиги;
- 3) таъсис этилган миллий пул бирлигининг амал қилиши;
- 4) назорат қилувчи органлар олдида тушумлар ва харажатлар ҳажмлари учун ҳисоботчиликни амалга ошириш мумкинлиги;
- 5) пул маблағларига эгалик қилишнинг легитимлиги.

Нақд пул маблағларининг тўлақонли айланиши имкониятига эга бўлиш учун иқтисодий тизим ривожланишнинг муайян даражасига эришган бўлиши керак. Хўжаликда нақд пуллар оқимлари ҳаракатининг муайян каналларини ажратиш мумкин:

1) пул маблағларининг марказий банкдан минтақалардаги ҳисоб-китоб-касса марказларига ва у ердан яна марказий банкка кўчирилиши. Бундай кўчириш пул маблағларини эмиссия қилиш, уларни муомаладан олиб қўйиш ёки яроқсиз ҳолга келган купюраларни янгилари билан алмаштириш жараёнларини амалга ошириш зарурлиги билан боғлиқ;

2) пул маблағларининг ҳисоб-китоб-касса марказлари кассаларидан банкларга ёки корхоналар кассаларига кўчирилиши. Бу иш ҳақини нақд пуллар билан бериш ёки бошқа операцияларнинг бажарилиши билан боғлиқ. Одатда, бундай кўчиришдан олдин ушбу ташкилотларнинг ҳисобварақлари бўйича пул маблағларининг нақд пулсиз ўтказилиши амалга оширилади;

3) пул маблағларининг корхоналар кассалари, банклар ва бошқа муассасалардан иқтисодиётнинг бошқа субъектларига: уй хўжаликларига иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, нафақалар ёки корхоналарга хизматлар, товарлар учун ҳақ тўлаш сифатида кўчирилиши;

4) нақд пул маблағларининг товарлар сотиб олинганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлиги, шунингдек, муайян молиявий операцияларнинг (биржадаги ўйин, суғуртанинг харид қилиниши, хусусий пенсия фондларига ажратмалар ва ҳоказо) ўтказилганлиги муносабати билан уй хўжаликларидан корхоналар ва муассасаларга кўчирилиши;

5) нақд пул маблағларининг ресурсларнинг қайта тақсимланиши, уларнинг оиланинг турли аъзолари ўртасида янада самарали фойдаланилиши учун бир хўжалик ичида кўчирилиши.

Пул тизими пул муомаласини ташкил этишнинг тарихий жиҳатдан қарор топган ва қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган шаклидир. Бошқача айтганда, бу пул муомаласининг аниқ бир мамлакатда муайян вақт ичида қўлланиладиган қоидалари ва нормалари мажмуидир.

Миллий валюта тизими пул тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Пул маблағлари иқтисодиётда амал қиладиган шаклга қараб пул маблағларининг икки типи: металл пуллар муомаласи тизими ва пул белгилари муомаласи тизими фарқланади.

Металл пуллар муомаласи тизимлари пуллик товар (олтин ва кумуш) бевосита муомалада бўлган шароитда амал қилган. Бунда мазкур металл пулларнинг барча функцияларини бажарган, мавжуд кредит пуллар эса металлга эркин алмаштирилган.

Металл пул белгиларининг муомаласи тизимида биметаллизм даври ва монометаллизм даври фарқланади. Бундай ҳолда биметаллизм иқтисодий жараёнларда иккита асл металлларнинг бир вақтда фойдаланиши билан тавсифланади, монометаллизм эса умумий эквивалент сифатида бир металлга ўтишни англатади. Бунда биметаллизм ҳолатида қуйидагича хиллар ажратиб кўрсатилади:

1) параллел валюта тизими – олтин билан кумуш ўртасидаги ўзаро нисбат бозорда стихияли равишда белгиланади;

2) қўшалок валюта тизими – икки металл ўртасидаги ўзаро нисбат давлат томонидан ушбу металлларга бўлган талабга, шунингдек, ушбу давлатдаги иқтисодий ва сиёсий вазиятга қараб белгиланади;

3) нуқсонли валюта тизими – металллар иқтисодий тизимда мавжуд бўладию, лекин тенг ҳуқуқларга эга бўлмайди. Одатда, давлат кумуш валютанинг зарб қилиниши ва фойдаланишига чеклашлар киритади.

Фақат бир металлнинг амал қилиши тизими сифатидаги монометаллизмда ҳам айрим ўзгаришлар юз берди:

1) олтин тангали стандарт – тўлақонли олтин валютанинг амал қилиши, унда товарларнинг қиймати ҳам ушбу валюта билан ҳисобланади;

2) олтин ёмбили стандарт – олтин муомалада булмайди, лекин унга катта миқдорлардаги (ёмби миқдорида) алмашилиш амалга оширилади;

3) олтин валютали (олтин девизли) стандарт – пулларнинг алмашилиши фақат олтин ёмбили стандартли мамлакатларнинг валюталарига амалга оширилади.

Ҳамма кўринишлардаги олтин стандартнинг бекор қилинганидан кейин кредит белгилари муомаласи тизими ўрнатилади ва **Бреттон-Вудс** ва **Ямайка тизимлари** изчиллик билан шакллантирилади. Асосий фарқ потенциал олтин таркибга эга валюталарнинг билвосита алоқасининг идрок этилишидадир. **Бреттон-Вудс тизими** яна олтин захираларининг номинал ролини ҳам ҳисобга олади ва халқаро ҳисоб-китобларда олтинга эквивалент ролини бағишлайди, **Ямайка тизими** эса олтин металлга нисбатан ҳар қандай боғланишни мутлақо инкор қилади. Пуллар бўйича ўзаро муносабатларнинг янги тизими қуйидагилар билан тавсифланади:

1) ўзлаштириш бўйича махсус ҳуқуқларнинг (ЎМХ) жаҳон пуллари ва жаҳон ҳисобга олиш бирлиги сифатида эълон қилиниши;

2) ЎМХ курсини ҳисоб-китоб қилиш тизимида АҚШ долларининг катта роль ўйнаши;

3) олтин ўзининг пуллик ролини бутунлай йўқотади, лекин давлатнинг захираси ва бошқа мамлакатларнинг валюта бирликларини сотиб олиш усули сифатида қолади.

Қисқа хулосалар.

Пул - бу шундай махсус товарки, у ҳамма бошқа товарлар учун эквивалент вазифасини бажаради. Пул умумий товарларни айирбошлашда асосий вазифани бажаради.

Тижорат банклар томонидан ўз мижозларига берадиган кредитлар иқтисодиётда янги пулни яратишга яъни нақд пул хажмини кўпайишига олиб келмайди. Лекин тижорат банкларида ўз мажбурий захиралари орқали мамлакатдаги муомалада мавжуд бўлган нақд пул хажмини ўзгаришга таъсир эта олади.

Пул массасини ўлчов кўрсаткичлари бўлиб пул агрегатлари ҳисобланади.

Ҳар бир мамлакатдаги пул агрегатлари сони ҳамда уларнинг таркиби мамлакатдаги кредит тизими ва унинг молия бозорини ривожланиши билан белгиланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Пул нима?
2. Пул функциялари ва уларга тавсиф.
3. Пул мультипликатори қандай ҳисобланади?
4. Пул массаси ва унинг тузилиши.
5. Пул тизимлари, турлари ва уларнинг элементлари.
6. Пулнинг номинал назарияси нима?
7. Жамғарма нима?
8. Бартер нима?
9. Пул назарияси нимадан иборат?
10. Пул агрегатлари ва уларни тузилиши.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 56 б.
2. Дон Патинкин. Денги, процент и цены. –М.: Экономика, 2004. – 375 стр.
3. Миляков Н.В. Финансы. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 543 стр.
4. Моляков Д.С., Шохин Е.И. Теория финансов предприятий. Учеб. пособ. – М.: ФиС, 2001. – 300 стр.
5. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул, кредит ва бошқалар.-Т.: «Махптint”. 2008. 454 б.
6. Свиридов О.Ю. Финансы, денежное обращение, кредит. Экспресс справочник для студ. вузов. –М.: ИКЦ Март, Ростов н/Д. изд. Сентр Март, 2004. – 179 стр.

II-БОБ. КРЕДИТ НАЗАРИЯСИ

1.1. Кредит зарурлиги ва мохияти

Жамият фаолиятининг ута муҳим жиҳати - бу ишлаб чиқаришдир. Ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий ресурслар ишлатилади, маҳсулотлар ва хизматлардан иборат ҳаётини неъматлар яратилади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини моддий ва меҳнат омиллари таъминлайди. Ишлаб чиқариш бу омиллар билан ҳар доим ҳам бир текисда таъминлана олмайди.

Кредит товар-пул муносабатлари мавжуд шароитдаги такрор ишлаб чиқариш кредит муносабатлари вужудга келишининг табиий асоси ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишидаги ва фондларнинг бир марта айланишидаги кийматнинг ҳаракати қисқа муддатли кредит муносабатлари пайдо бўлишининг иқтисодий асосидир.

Бизга маълумки, пул маблағларига қуп ҳолларда кредитларга олинган маблағлар, корхоналарнинг ҳисоб варақасида маблағлар ва нақд пуллар, айланма маблағлар ва молиявий маблағлар киради.

Бу иқтисодий категориялар ташқи томондан ухшагани билан, уларни ички хусусиятлари жуда хилма-хил ва бир-бирига ухшамайди.

Кредит-бу вақтинча буш турган пул маблағларини маълум муддатга, ҳақ тулаш шартин билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йигиндиси.

Кредит ёрдамида товар - моддий бойликлари, турли машина ва механизмлар сотиб олинади, истеъмолчиларни маблағлари етарли бўлмаган шароитда тўловни кечиктириб товарлар сотиб олишлари ва бошқа ҳар-хил тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

Кредит иқтисодий категория бўлиб, иштимой муносабатларнинг аниқ бир кўриниши сифатида юзага чиқади.


Кредит хар кандай ижтимоий муносабат эмас, балки ижтимоий ишлаб чиқариш махсули, кийматнинг харакати, қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодаловчи категориядир.

Кредитнинг мохияти унинг ички белигларини очиб беришга каратилган. Кредитнинг мохиятини очиш - бу унинг сифатларини, кредитнинг мухим томонларини, унинг иқтисодий муносабатлар тизимининг бир элементи сифатида курсатувчи асосларни билиш демакдир.

Иқтисодий категория сифатида кредитнинг мохияти купгина иқтисодчи олимлар томонидан урганилиб чикилган ва улар томонидан кредитнинг мохияти буйича фикрлар билдирилган.

Кредитнинг мохиятини тушуниш учун аввалом бор, унинг таркиби нимадан иборат эканлигини тушуниб олиш зарур. Кредит муносабат бўлиши учун унинг зарур муносабатлари - кредитнинг объекти ва субъектини билиш зарур.

1-чизма⁴.



Республикамизнинг кузга кўринган олималаридан бири Ш. Абдуллаева узининг "Пул, кредит ва банклар"⁵ номли китобидан кредит муносабатларида субъектлари икки хил бўлишини курсатиб утади:

⁴ Ш.З. Абдуллаева. "Пул кредит банклар". Тош.: "Молия" -2000 й. 121 бет.

кредит (қарз берувчи)

қарздор

Бундан ташқари, кредит кредит муносабатлари таркибининг элементи сифатида кредитнинг объекти юзага келади.

Бунда қарзга берилган маблағ уз кийматини саклаб қолиши кредитнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Кредит таркиби унинг элементлари бирлигини ифодалайди.

Кредитнинг ҳаракат босқичлари ҳам уни муҳим белгиси ҳисобланади. Қарзга берилувчи киймат ҳаракатини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$B_k - O_{kz} - I_k - B_p - +_k - \Phi_{kc}$$

B_k - кредитнинг берилиши;

O_{kz} - кредитни қарз олувчи томонидан унинг вақтинчалик эҳтиёжини кондириш учун олиниши;

I_k - кредитни ишлатилиши қарз олувчининг кредитни нима мақсадда олинганлиги билан узвий боғлиқ бўлади;

B_p - қарз олувчининг ҳужалигида қарзга олинган кийматнинг айланиши тугалланишини ресурсларнинг айланишдан чиқарилишини ифодалайди;

K_k - кредитни қайтариш;

Φ_{kc} - вақтинчалик берилган кийматни кредитор қулига қайтиб келиши (фоиз билан).

Кредит моҳиятининг таҳлили узлуксиз жараён. Бунда таҳлил жараёнида янгидан янги белигилар, хусусиятлар юзага чиқиши мумкин.

2.2. Ссуда капитали манбаси ва ҳаракат қилиш шакллари

⁵ Ш.З. Абдуллаева. “Пул кредит банклар”. Тош.: “Молия” -2000 й. 121 бет.

Ссуда капитали- бу фаолият курсатувчи капитал айланишига хизмат килувчи ва фоиз келтирувчи ссудага (қарзга) бериладиган пул капиталидир.

Ссуда капиталининг манбалари- бу саноат ва савдо капиталлари айланиши жараёнида буш коладиган пул капиталидир. Пул капиталининг бушаши қуйидаги омилларга асосан юзага келади:

- асосий капитал оборотининг (айланишининг) характеридан. Товарларни сотгандан сунг асосий капиталнинг эскирган кисми амортизация захираси сифатида асосий капиталнинг янгиланиш муддати келгунга кадар йигилиб туради;

- оборот (айланма) капиталнинг доимий кисми айланиш характеридан. Тайёр товарларни сотиш ва хом ашё ва материалларни янги товарлар ишлаб чиқариш максатида харид килиш оралигида маълум бир муддат утади. Шунинг учун тайёр товарларни сотишдан тушган пул тушуми вақтинчалик буш пул капитали сифатида буш бўлиб колади;

- товарларни сотиш даври (вақти) билан шу хақини тулаш даври орасидаги вақтинчалик узилишнинг мавжудлиги;

- ишлаб чиқариш хажмини кенгайтириш талаблири даражасида зарур булган пул шаклидаги кушимча кийматни жамгариш (йигиш) зарурати ва бошқа холатлар.

Шундай килиб вақтинчалик пул капиталининг бушаши объектив заруриятдир. Бирок бундай холда бекор турадиган пуллар доимий харакатда бўладиган капитал киймати талабига карши иштирок этади. Бундай карама-каршилиқ кредитларни бериш орқали хал килинади, яъни вақтинчалик булмайдиган пул капиталини қарзга берилади.

2.3.Кредитнинг асосий функциялари ва ташкил килиш асослари

Хар кандай иқтисодий категория узининг функцияларига эга булгани каби кредит ҳам узининг бир катор функцияларига эга. Ижтимоий

иқтисодий тизимида кредитнинг урни ва роли у бажараётган функциялари билан ианикланади. Кредитнинг функцияси - бу кредитнинг иқтисодиётда фаолиятнинг муаян равишда намоён бўлишидир.

Кредитни тахлил қилишда, унинг функцияси мохияти ва роли ўртасидаги оралик бугин сифатида қуриб чиқилади.

Кредит томонидан бажариладиган функциялар турли адабиётларда турлича берилди. Қупгина адабиётларда кредитнинг 4та функцияси курсатилган ва асосланган бўлиб улар қуйидагилар:

- капиталларни қайта тақсимлаш ва фойда нормасини текислаш (тенглаштириш);

- муомала харажатларини тежаш;

- капитални марказлашуви;

- капитални йигилиши ва жамғариш функцияси.

Бирок бошқа қупгина китобларда кредитнинг бошқа 4та функцияси курсатилгандир.

Бу функциялар;

- қайта тақсимлаш функцияси;

- қайта такрор ишлаб чиқариш функцияси;

- муомаладаги хақиқий нақд пул маблағларини кредит муомала воситалари билан алмаштиради;

- рағбатлантириш функцияларидир.

Бу юқорида кўриб утилган функциялар ёрдамида кредит мамлакатдаги тақсимланган ва буш турган моддий ва пул маблағлари уз эгаларидан вақтинчалик бошқа мулк эгаларига харакат қилишлари учун имкон яратади . Кредитнинг қайта тақсимлаш функцияси 2 кўринишда пул ва товар шаклларида амалга оширилиши мумкин.

Кредитнинг такрор ишлаб чиқариш функциясида эса кредит 2 хил кўринишда намоён бўлади:

- қарз олувчи томонидан олинган кредитлар уларга керакли капитал хажмини таъминлайди, тадбиркорлик фаолиятини олиб боришига имкон яратилади.

- турли корхоналарга кредит берилиши натижасида жамият микёсида ишлаб чиқариш учун яхши ва ёмон ҳолатлар (шароитлар) вужудга келиши мумкин. (сифат, таннарх, баҳо)

Муомаладаги хакикий ва нақд пул маблағларини кредит тўлов воситалари билан алмаштириш функциясида хакикий (олтин) пуллар пул белгилари (банкноталар) билан алмаштирилади. Бу уз навбатида давлатни қарз мажбуриятини билдиради ҳамда олтин киймат белгаларини белгилайди. Шу билан бирга нақд пул белгилари айланиши жараёнида пул белгилари уз навбатида кредит муомала воситалари- вексель, чек, пластик карточкалари билан алмаштирилиши мумкин.

Кредитнинг рағбатлантириш функциясида- кредит ишлаб чиқариш ва муомалага микро ва макро даражада таъсир курсатади. Бунинг натижасида маблағлардан тежамли фойдаланишга асос яратади. Кредит қарз олувчидан олган кредитларининг самарали, даромад оладиган даражада фойдаланишига, уз вақтида ишлатиб тулик кайтарилишига мажбур килади.

Давлат микиёсида эса кредит микдорини купайтириш ёки камайтириш орқали иқтисодиётга салбий уки ижобий таъсир ўтказиши мумкин. Чунки кредит микдорини камайиши, купайиши унинг икки томонлама таъсирини билдиради.

Кредитнинг бу функциялари хакида олимлар ўртасида ягона фикр йук.

Масалан Россия иқтисодчиси О.И. Лаврушиннинг фикрича, кредитнинг функцияларини тахлил килишда иккита ечилмаган муаммо мавжуд:

функцияни тушунишнинг услубий асослари;

функцияларнинг таркиби ва структураси.

Кредитнинг таркибий кисмидан келиб чиққан холда унга қуйидаги муносабатлар хосдир.

кредиторнинг қарз олувчи ва қарзга бераётган киймат билан муносабати орқали;

қарз олувчининг кредитор ва қарзга берилувчи киймат билан муносабати орқали;

қарзга берилувчи киймат билан кредитор ва қарз олувчининг муносабати орқали.

Кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги муносабат шундай аникланадики, бунда кредитор қарз олувчига ресурсларни таклиф қилади, қарз олувчи бу ресурсларни ишлатилади ва бунда қарзга берилувчи киймат кредитор ва қарз олувчи ўртасида айланади. Бу ердан кредитнинг биринчи функцияси келиб чиқади:

Қарзга берилувчи қийматни вақтинча фойдаланишга бериш функцияси.

Кредит ва пул маблағлари ўртасидаги муносабатлардан келиб чиққан холда, кредитнинг хақиқий пулларни кредит пуллари билан алмаштириш функция олдинга сурилган. Лекин бу функция хозирги кунда иқтисодий муносабатлар "сахнадан" чиқиб кетган.

Кредитнинг ташқи муҳит билан алоқаси унинг иккинчи функциясини келтириб чиқаради.

Қайта тақсимлаш функцияси.

Кредит қайта ишлаб чиқариш жараёнининг барча тармоқларига - ишлаб чиқариш, тақсимлаш, муомала ва истеъмога хизмат курсатади.

Қайта ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ холда кредит, ишлаб чиқариш, тақсимлаш ёки истеъмол жараёнида кечадиган функциялардан фарқли уларок қайта тақсимлаш функциясини бажаради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ссуда капитали бозори вақтинча буш турган молиявий ресурсларни бир фаолият жабҳасидан бошқасига йуналтирувчи ва натижада кечадиган функциясини бажаради.

Қайта таксимлаш функцияси ёрдамида корхоналар, ташкилотлар, давлат ва шахсий секторнинг буш пул маблағлари ва даромадлари ссуда капиталига айлантирилади ва вақтинча фойдаланишга, давлат ва шахсий секторнинг буш пул маблағлари ва даромадлари ссуда капиталига айлантирилади ва вақтинча фойдаланишга, муайян тўлов асосида берилади. Бу функция ёрдамида ишлаб чиқаришдаги пропорциялар ва пул капитали харакати бошқарилиб турилади.

Турли тармоқлардаги даражасига кура, кредит иқтисодий стихияли макробошқарувчиси сифатида намоён бўлади. Баъзи холларда бу функциянинг амалга оширилиши бозор тизимида номуносивбликни чуқурлашувига олиб келиши мумкин. Худди шундай холат МДХ давлатларида бозор иқтисодига утиш босқичида намоён булмокда шунинг учун кредит тизимини давлат томонидан бошқаришнинг мухим вазифаларидан бири бу иқтисодий устунликни оқилона тавсифлаш ва кредит ресурсларини у ёки бу тармоққа жалб килишни рағбатлантиришдан иборат.

Муомала харакатларини тежаш функцияси.

Кредит вужудга келиши даврдан бошлаб хакикий пулларни (олтин, кумуш) кредит пуллари - векселлар, банкноталар, чеклар билан алмашишини таъминлаб келган. Лекин, олтиннинг монетар роли йуқолиши туфайли кредит бу функцияси ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириб, ҳисоб-китобларни тезлигини ва кам харажатлилигини таъминламокда. Капиталнинг муомалада бўлиш вақтининг тежалиши унинг ишлаб чиқаришда бўлиш вақтини оширади ва бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, фойданинг ортишига олиб келади.

Бу функциянинг амалга ошиши кредитнинг иқтисодий мохиятидан келиб чиққан. Унинг манбаи саноат ва савдо капиталининг доиравий

айланиши жараёнида вақтинча бушаган молиявий маблағлар ҳисобланади. Хужалик субъектлари пул маблағларининг келиб тушиши ва ишлатилиши ўртасидаги вақт буйича фарк фақатгина ортиқча мабалағлар ҳажмини эмас, балки молиявий маблағларнинг етишмовчилигини ҳам аниқлаб беради. Шунинг учун корхона ва ташкилотларнинг уз айланма маблағларининг вақтинчалик ектишмовчилигини тулдириш учун ссудалар олиш кенг таркалиб борган.

Капитал тупланишининг жадаллашуви ва концентрациялашуви функцияси.

Капитал тупланиши жараёни иқтисодий ривожланишнинг барқарорлашуви ва хужалик юритувчи ҳар бир субъектнинг уз максадига эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, шу билан бирга қушимча фойда олишга қарз маблағларидан фойдаланиш имконини яратади. Шунини таъкидлаб утиш зарурки, иқтисодий инкироз даврида бу ресурсларнинг қимматлилиги купчилик хужалик фаолияти жабхаларида капитал тупланишини жадаллаштириш масаласини ҳал қилишда тускинлик қилади. Шунга қарамадан, қуриб чиқилаётган функция ҳозирги шароитда режали иқтисодиёт даврида ривожланмаган ва маблағлар билан таъминланмаган фаолият жабхаларини молиявий мабалағлар билан таъминлаш жараёнини сезиларли тезлаштиради.

Муомала тўлов воситаларини чиқариш функцияси.

Бу функциянинг амалга ошиш жараёнида кредит фақатгина товар эмас, балки пул муомаласининг жадаллашувига, ундан нақд пулларни сиқиб чиқариб, тўловлар айланишининг тезлашувига ижобий таъсир қурсатади. Кредит туфайли пул муомаласи доирасига векселлар, чек, кредит карточкалари каби воситалар киритилиб, нақд пулли ҳисоб-китобларни нақд пулсиз операциялар билан алмаштиради. Бу эса ички ва халқаро бозордаги иқтисодий муносабатлар механизмини осонлаштиради ва тезлаштиради. Бу

масалани хал этишда тижорат кредити замонавий товар алмашишининг керакли элементи сифатида мухим урин тутади.

Фан техника тараккиётининг жадаллашуви ҳам кредит орқали самарали амлага оширилиши мумкин. Урушдан кейинги йилларда фан-техника тараккиёти хар бир мамлакат ёки алохида хужалик юритувчи субъект иқтисодий ривожининг хал килувчи омилига айланган. Кредитнинг фан техника тараккиётини жадаллаштиришдаги ролини фан-техника билан шугулланувчи ташкилотларнинг фаолиятини молиялаштиришда кредит ресурслари ишлатилиши мумкин. Илмий тадқиқот ишларини олиб борувчи марказларнинг нормал ишлаб туришини таъминлаш учун ҳам, улар фаолиятини молиялаштиришда кредит ресурслари ишлатилиши мумкин. Шунингдек, кредит инновацион жараёнларда ишлаб чиқаришга илмий тадқиқот натижаларини жорий килиш ва ишлаб чиқариш технологиясини узгартириш жараёнларини амалга ошириш учун зарур.

2.4. Кредитнинг асосий тамойиллари

Кредит муносабатлари иқтисодиётда мавжуд аниқ услубий асосларга таянади. Унинг асосий элементлари булган ссуда капитали бозори операциялари маълум тамойиллар асосида олиб борилади. Бу тамойиллар кредит ривожланишининг биринчи босқичида кузга ташланган эди. Кейинчалик эса улар умумдавлат ва халқаро кредит конунчилигида яккол уз аксини топди. Иқтисодий категория сифатида кредит бир неча тамойилларга эга. Булар кредитнинг кайтариб беришлилиги, кредитнинг муддатлилиги, кредитнинг таъминланганлиги, мақсадлилиги ва тўловлилик тамойилларидир.

Кредитнинг кайтариб беришлилик тамойили.

Бу тамойил кредитнинг мустикал иқтисодий категория эканлиги шартидир, кайтиб беришлик кредитнинг умумий белгиси ҳисобланади, кайтиб беришлилик уз-уздан вужудга келмайди: у моддий жараёнларга,

кийматнинг айланишини тугашига асосланади. Аммо доиравий айланишнинг тугаши – бу кайтариб бериши эмас, фақат кайтариб бериш учун замин тайёрлашдир. Кредитни кайтариш айланишдан чиққан маблағлар қарз олувчига пул маблағларининг кайтариш имкониятини берган тақдирда кайтарилади, кайтариб беришлилик икки ёклама жараёни ифода этади, у кредитор учун ҳам, қарз олувчи учун ҳам бир хил даражада муҳимдир.

Қийматни кайтарувчи ҳаракатида ҳуқуқий томони ҳам муҳимдир. Муайян бир муддатга бериладиган қийматга эгаллик ҳуқуқи кредитордан қарз олувчига утмайди.

Қарзга бериладиган қиймат фақат муайян бир муддатгина уз эгаси кулидан узоклашади, лекин эгасини узгартирмайди.

Буш турган ресурсларни аккумуляция қилувчи банклар бу ресурслардан уз ресурслари сифатида фойдалана олмайди. Банк қарзга берувчи маблағнинг эгаси бўлиб корхона, ташкилот, алоҳида шахслар ҳисобланади.

Қайтариб беришлилик муайян шартномада узининг урнини топади.

Қайтариб беришлилик объектив белги ҳисобланади. Кредитни кайтариб беришлилик томони уни бошқа иқтисодий категориялардан, шу жумладан, молиядан фарқ қилиш имконини беради.

Кредитдан самарали фойдаланиш асосидаги кайтариб беришлилик – бутун банк фаолиятининг марказий пункти ҳисобланади. Кредитнинг бу тамойили амалиётда кредит ва ундан фойдаланганлик учун фоиз суммасини кредит берган муассаса ҳисобига қучириш йули билан туланади. Шу йул билан банклар кредит ресурсларининг қайта тикланишини таъминлайдилар. Собик иттифок даврида марказлашган режали иқтисодиёт шароитида кредитлашнинг «кайтирилмаган ссуда» деб аталадиган норасмий тушунчаси бор эди. Кредитлашнинг бу шакли халқ хужалигининг қуп тармоқларида айникса қишлоқ хужалиги соҳасида қенг тарқалган эди. Кредит давлат банки томонидан қарз олувчининг молиявий аҳволини ҳисобга олмаган ҳолда берилар эди. Ўзининг иқтисодий моҳиятига қура қайтарилмайдиган ссудалар

бюджет субсидияларини кушимча шакли сифатида намоён бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида «кайтирилмас кредит» тушунчаси бозор иқтисодиёти тамойилларига ёт бўлиб бундай кредитнинг амалиётда бўлиши иқтисодиёт учун жуда хавфли ҳисобланади.

Кредитнинг муддатлилиги.

Бу тамойил кредит берувчидан олинган кредитни уз вақтида кайтариб бериш муддатини, яъни кредитнинг кандай муддатга берилганлиги билан характерланади. Бунда шу муддатлилиқ тамойилига кура узок ва киска муддатли кредитларга булинади.

Кредитнинг муддатлилиқ тамойили қарздор учун кулай булган хар кандай вақтда эмас, балки кредит битимида курсатилган маълум муддатда кредитни кайтарилиши зарур эканлигини билдиради. Кредитнинг муддатлилиги хар иккала томон, кредитор ва қарз олувчи учун муҳимдир. Агар кредитор фоизни билан уз вақтида кайтариб олса, уни эгасига кайтариш ёки яна кредитга бериш имкониятига эга бўлади. қарз олувчи кредитни самарали ишлатиб, уни уз вақтида кредиторга кайтариш ва шу билан шартномадаги жазо чораларидан кутулишидан манфаатдор. Кредитнинг муддати буйича кредит шартномада курсатилган шартларнинг бузилиши натижасида қарз берувчи қарз олувчига иқтисодий чоралар (жарималар шаклида, кредит буйича фоиз даражасини ошириш, кредитни муддатини кискартириш ва бошқа) ни куллаш мумкин. Бу чоралар ҳам ёрдам бермаган холларда қарз берувчи молиявий талабларни хужалиқ суди орқали ундириб олиши мумкин. Кредитнинг муддатлилиги келиб тушувчи бойликлар тежамли ва кайта ишлаш муддатига, ишлаб чиқарилган маҳсулотни жунатиш муддатига, товарларни сотиш муддатига ва пировард натижада айланма фондларнинг доиравий айланишининг тезлигига боғлиқдир.

Кредитнинг таъминланганлиги.

Бу таъмойил ёрдамида халқ хужалигининг ривожланишида киймат ва моддий ишлаб чиқариш ўртасида бўлиши зарур булган пропорцияларнинг

бир меёрда бўлиши таъминланади. Бу тамойилнинг асосий мохияти шундаки, бунда хужалик айланишида иштирок этувчи банк маблағларининг хар бир сумига муайян бойликларнинг бир суми карама-карши туриши керак. Банклар томонидан халк хужалиги тармоқларига берилган кредитлар тулик товар моддий бойликлари ва маълум харажатлар билан таъминланган бўлиши керак. Тармоқларга таъминланмаган кредитларнинг берилиши банк кредитларининг банкка кайтиб келмаслигига асос ҳисобланади. Бу уз навбатида банкнинг ликвидлигига ва пул муомаласига катта таъсир курсатади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти шароитида банклар томонидан бериладиган кредитларнинг товар моддий бойликлар ва харажатлар билан таъминланган бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги шароитда бу жараённинг амалга оширилишини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Кредит олаётган корхона банкка товар ёки товар хужжатларини, бошқа бирор шаклдаги мулкни гаровга қуяди ва банк берган кредит қарз урнини қоплаш ҳуқуқига эга бўлади. Баъзида кредит варрант асосида ҳам берилиши мумкин (Варрант – гаров учун хизмат килувчи хужжат). Бунда кредиторнинг бераётган кредити товар-моддий бойликлар билан таъминланганлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Банк ссудаларини товар-моддий бойликлар билан тулик таъминланганлиги пул муомаласини барқарорлигини таъминлайди чунки банкда пулларнинг нақд пулга ва аксинча айланиши трансформацияланиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, кредитнинг таъминланганлик таъмойили қарз олувчи узига олган мажбуриятларни бузиш шароитида қарз берувчининг мулкдорлик манфаатларини химоя қилишни таъминлайди ва узининг амалий аксини кредитни бирор гаров ёки молиявий қафолат асосида беришда топади. Бу умумиқтисодиёт барқарорликка эришиш даврида айникса муҳимдир.

2008 йилда юзага чиққан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабабларидан бири ҳам айнан кредитнинг таъминланганлик тамойилини бузилиши ҳисобланади. Ушбу ҳолатга эътиборини қаратган Ўзбекистон Президенти Каримов И.А.:”Бу Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди”⁶ деб алоҳида таъкидлаганлар. Албатта бу омил кредитнинг таъминланганлик тамойилини аҳамиятини янада оширади.

4. Тўловлилик тамойили.

Бу тамойил айланма фондларнинг доиравий айланишини, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи тўлов ресурслари суммасини аванслаштириш заруриятидан келиб чиқади.

Бу тамойилга асосан корхоналар фойдаланилган қарз маблағлари учун кредиторга фоиз шаклида тўловни ўтказадилар. Кредитнинг тўловлиги уни тулик суммада уз эгасига кайтарилишинигина эмас, шу билан кредит учун фоиз шаклидаги тўлов билан кайтарилишини ифодалайди. Демак, кредитор уз маблағларини ҳеч вақт уз хажмида кайтариб олиш шарти билан бермайди, бунда у маблағни қарзга берганлиги учун муайян тўлов талаб қилади. (фоизсиз имтиёзли кредитлар бундан мустасно).

Кредитнинг тўловлиги нафақат банклар фаолиятининг максадига, балки корхоналарнинг бевосита фойдасига боглик бўлади ва ижобий таъсир курсатади.

Кредит учун ҳақ тулашнинг иқтисодий мохияти қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги қушимча олинган фойданинг таксимланишини кайд қилишда намоён бўлади. Қуриб чиқилаётган тамойилнинг амалиётида учта

⁶ И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 4 б.

асосий функциясини бажарувчи банк фоизи нормасини урнатиш жараёнида намоён бўлади:

Хукукий шахслар фойдасининг ва жисмоний шахслар даромадининг таксимланиши;

Ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва ссуда капиталининг таксимланиши орқали тармоқ, тармоқлараро ва халқаро миқиёсда айланиш;

Иқтисодиёт ривожланишининг инкирозли босқичида банк мижозларининг пул маблағларини инфляциядан химоялаш ва бошқалар;

Ссуда фозининг ставкаси ссуда капиталидан олинган йиллик даромад суммасининг берилган кредит суммасига нисбати билан аникланиб, кредит ресурсларини баҳоси сифатида намоён бўлади.

5. Кредитнинг мақсадлилиги.

Бу тамойилнинг мохияти шундаки, қарз олувчи томонидан олинган кредитлар аниқ бир мақсадни амалга оширишга йуналтирилган бўлиши зарур. Кредитнинг қайси мақсадга йуналтирилганлиги, масалан, товар моддий бойликлар сотиб олишга ёки бирор ишлаб чиқариш харажатларини қоплашга ва ҳақозо аниқ бирор объектга мақсадли йуналтирилганлиги корхона билан банк ўртасида тузиладиган кредит шартномада курсатилган бўлади. Корхона олган кредитини факатгина кредит шартномада курсатилган ишни бажаришга сарфлаши керак.

Бунда кредит муайян, аниқ объектга: ишлаб чиқариш харажатларига, ишлаб чиқариш захираларига, тайёр маҳсулотга, жунатилган товарларга, ҳисоб-китоб ҳужжатларига ва ҳақозоларга берилади.

Юкорида келтирилган тамойиллар кредитнинг иқтисодий категория сифатида мавжуд бўлиши ва ҳаракат қилишининг муҳим томонларини узида ифодалайди.

Бизнинг фикримизча бозор иқтисодиёти шароитида кредитнинг юкорида келтирилган тамойилларидан ташқари, кредитдан оқилона фойдаланишни ифодаловчи тамойил кредитнинг самарадорлиги тамойилини

киритишимиз зарур. Бу тамойил нафакат кредит ва фоиз суммасини банкка кайтариб тулашни, ундан ташкари шу кредит ёрдамида кредитланадиган ёки молиялаштириладиган соха, тармоқ, корхона канча самарадорликка эришишини ифодалаши зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида бериладиган кредитлар маълум бир лойихаларининг бажарилишига йуналтирилган бўлади. Банклар лойихаларни кредитлаш ёки молиялаштиришдан олдин лойихани бажариш учун йуналтириладиган маблағларни самарадорлигини ҳисоблаб чиқишлари зарур. Агар биз бозор иқтисодиёти юкори ривожланган мамлакатларда кредитлаш ва лойихаларни молиялаштириш амалиётига эътибор берадиган булсак, бу мамлакатларда корхона, ташкилотларга кредит беришдан олдин ажратиладиган маблағларнинг самарадорлиги ҳисоб-китоб килиб чиқилади. Агар лойихага қуйиладиган маблағлар самара берадиган булсагина, шу лойиха учун маблағ ажратилади.

Кредитнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида дунёнинг ривожланган мамлакатлари амалиётида кредитлашнинг биз учун янги коидаси кулланилади. Бу коида кредитлашда «5 «С» лар коидаси» деб юритилади.

«5 «С» лар коидаси» га асосан хар бир «С» буйича корxonанинг фаолияти тахлил килиб чиқилади ва корхона фаолияти талабга жавоб берсагина корхонага кредит берилади. +оидага асосан «С» харфлари корxonанинг хужалик фаолиятини қуйидаги жихатларини ифодалайди.

Character – қарз олувчининг характерини баҳолаш, ҳамда бозордаги обриси;

Capacity – қарз олувчининг бошлаган ишини охирига етказа олиш, тегишли даромад олиш, ҳамда банк кредитларини кайтариб бериш қобилияти;


Capital – қарз олувчининг сармоясини етарлилиги;

Conditions – шартлар. Бунда иқтисодий муҳим ва мазкур бизнесни ривожланиши назарда тутилади.

Collateral – гаров (кафолат, кафиллик, сугўрта полиси, товар моддий бойликлар) ва бошқалар.

Шундай қилиб банклар томонидан бериладиган кредитларнинг асосий тамойилларини қуйидаги схемада курсатиш мумкин.

2 - чизма.⁷



2.5. Ссуда фоизи: мохияти, турлари ва уларга таъсир қилувчи омиллар

Ссуда капитали узига хос товар сифатида гавдаланар экан, у холда ундан фойдаланишда туланидиган фоиз капитал «баҳо»си бўлиб иштирок этади. Аммо бу узига хос баҳо, товарнинг пул шаклидаги қийматини акс эттирмайди, балки капитални товар шаклидаги истеъмол қийматини-фойда келтириш қобилиятини акс эттиради.

Фоиз нормаси- ссуда капиталига олинадиган йиллик даромадни, қарзга (ссудага) берилган капитал суммасига нисбатидир. Масалан, 100 минг сумлик капитал ссудага берилган булса, йиллик фоиз даромади 4 минг сумга тенг булса, у холда фоиз нормаси 4%фоизга тенг бўлади.

2.6. Кредитнинг асосий шакллари ва турлари

Капиталистик формацияга қадар кредитнинг судхурлик шакли кенг тарқалган бўлиб- бу қарз олувчига маълум фоиз асосида қайтариб бериш

⁷ Ш.З. Абдуллаева. “Пул кредит банклар”. Тош.: “Молия” -2000 й. 134 бет.

шарти асосида бериладиган пуллик ссудадир. Судхурлик кредитининг объекти бўлиб судхурлик капитали ҳисобланади.

Судхурлик кредити ибтидоий тузилманинг йуколиб (таркаб) кетиши ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликни пайдо бўлиши, ҳамда жамиятда мулк дифференцияцияси натижасида товар- пул муносабатларининг ривожланиши даврида вужудга келмасдир.

Судхурлар кредити ер гарови асосида натура ва пул шаклида берганлар. Кредиторлик тузуми даврида ссудхурлик кредити янада ривожланди. Феодализм даврида эса кредитнинг пул шаклига утиши тулатукис амалга оширилди. Пул бойликларини судхурлар кулида тупланиши капиталнинг бирламчи жамгарилишига туртки (сабабчи) бўлди. Судхурлик кредитида қарз олувчилар бўлиб - асосан махаллий товар ишлаб чиқарувчилар- дехконлар ва хунармандлар, яъни кредитдан узларининг зарурий истеъмол товарларини ва ишлаб чиқариш воситаларига булган талабларини, кредитор ва савдогарларга солиқларни ва қарзларни тулаш жараёнида фойдаланганлар. Бу қарз ва тўловлар храмларга, монастирларга, черковларга туланган. Судхурлик капиталининг характерли белгиси бўлиб- қарздорлар томонидан ссудаларни ноишлаб чиқариш кўринишида фойдаланиш устивор йуналиш бўлиб ҳисобланган ва ссуда фоиз юкори даражада булган. Ундан сунг кредитнинг бошқа шакллари (кўринишлари), яъни пул шаклидаги кўринишлари ривожлана бошлаган. Кредитнинг бу шакллари ссуда капиталининг харакатини билдириб- пул капитали сифатида намоён булган. Пул капитали кайтариб беришлик, тўловлилик ва фоиз ставкаси асосида берилган. Бундай кредитларнинг хусусиятлари бўлиб:

- қарздорлар бўлиб савдо - саноат ишлаб чиқарувчи шахслар иштирок этганлар;

- қарз маблағлари- капитал сифатида, яъни кушимча киймат олиш воситаси сифатида фойдаланилган;

- ссуда фоизи манбаси бўлиб- ёлланма ишчиларнинг ҳақ туланмаган меҳнати қиймати ҳисобланади.

Бу даврда кредит турли шаклларни эгаллайди (олади). Улар асосан катнашувчиларнинг турига, ссуда объектига, кредит фоизи ҳажмига ва ҳаракат қилиш муҳитига қараб фарқланади (гурӯхланади). Шунга қура кредит бир неча шаклларга булинади.

Тижорат кредити. Тижорат кредити- бу фаолият курсатувчилар томонидан бир-бирларига узаро тўловни кечиктириш шарти билан товар шаклида бериладиган кредитдир.

Тижорат кредитини объекти- товар капитали ҳисобланади.

Тижорат кредитида кредитор ва қарздорлар бўлиб фаолият курсатувчилар (ишлаб чиқарувчилар) ҳисобланадилар.

Тижорат кредитининг чекланишлари мавжуд бўлиб улар:

- фаолият курсатувчиларнинг захира капиталлари ҳажми билан чекланганлиги, яъни унга ҳозирги даврда оборот (муомала) учун зарур булмаган капитал билан чекланганлиги;

- йуналишига қура, уни ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи тармоқлар ишлаб чиқариш воситаларини истеъмол қилувчиларга бериши мумкин, аммо тесқариси бўлиши мумкин эмас.

Тижорат кредитидан фарқли уларок банк кредити нафакат товарлар муомаласига хизмат курсатади, балки янада кенгрок муҳитда фаолият курсатади.

Банк кредити - пул эгалари, банклар ва бошқа кредит институтлари томонида ишлаб чиқарувчиларга, ҳамда бошқа қарз олувчиларга пул шаклида бериладиган ссудалардир.

Банк кредитининг объекти- пул капиталидир.

Банк кредитида ишлаб чиқарувчи шахслар (фаолият курсатувчилар) нафакат қарз олувчи сифатида иштирок этадилар, кредиторлар бўлиб эса ссуда капитали эгалари ҳисобланадилар.

Банк кредити жамият барча синфларини пул даромадлари ва жамгармаларини капиталга айлантириб капитални жамгарилишига сабабчи бўлади.

Тижорат кредити вексель билан хужжатлаштирилади. Тижорат кредитининг фоизи, товарлар пагонасига ва вексель суммасига кушилади ва у банк кредити фоизидан паст бўлади. Банк кредит фоизининг мақсади ссудалар ҳисобига даромад (фойда) олишдир.

Тижорат кредити ва банк кредитининг баъзи бир умумлаштирилган томонларини узида акс эттирувчи кредит бу истеъмол кредитидир.

Истеъмол кредити - асосан товарларни сотиш жараёнида уларни тўловини кечиктириб тулаш ҳукуки берилишидир. Шу билан бирга истеъмол кредити банклар ёки махсус кредит институтлари томонидан истеъмол товарларни сотиб олиш ва хизматларни тулаш ҳолларида берилди.

Унинг объекти - узок муддатли фойдаланиладиган товарлар ва хизматлар ҳисобланади. Истеъмол кредити - товар ва пул шаклида намоён бўлиши мумкин. Истеъмол кредити фоизи - узининг юкори даражада эканлиги билан ажралиб туради ва миллий даромадни кайта таксимлашнинг иккиламчи шакли сифатида аҳоли даромадлари ҳисобидан туланади.

Давлат кредити ва хусусий кредит. Давлат кредитида қарз олувчи ёки кредитор бўлиб давлат иштирок этади. Давлат кредити давлат заёмлари шаклида казначей (газна) мажбуриятларини чиқариш орқали, жамгарма ташкилотлари жамгармалари колдикларини Давлат қимматли қоғозларига жойлаштириш орқали амалга оширилади.

Ривожланган мамлакатларда давлат заёмлари (қарзлари) Давлат бюджети харажатларини молиялаштиришнинг асосий усули бўлиб хизмат қилади. Давлат заёмларини ишлатишнинг якуний натижаси бўлиб давлат

қарзининг усиши, янги заёмларни чиқариш хажмига нисбатан фоиз суммасининг кайтариш хажми ушиб кетади.

Давлат кредити маблағлари ишлаб чиқариш капитали такрор ишлаб чиқаришда иштирок этмайди, яъни у моддий кийматликлар ишлаб чиқаришда катнашмайди, фақат бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида фойдаланилади.

Хусусий кредит давлат кредитидан тамомила фарк килади. Чунки хусусий кредитида кредитор ва қарз олувчилар бўлиб хусусий юридик ва жисмоний шахслар иштирок этадилар.

Халқаро кредит. Бу кредитларни пайдо бўлишига объектив асос бўлиб хужалик ҳаётининг байналминаллашуви ва халқаро давлат шакллариининг вужудга келиши сабаб бўлди.

Халқаро кредит- бу ссуда капиталини халқаро иқтисодий муносабатлардаги ҳаракатидир. Бунда бир давлат томонидан уларнинг банклари, юридик шахслари томонидан бошқа давлат ҳукуматиға, банкларига ёки бошқа юридик шахсларига муддатли, ҳамда тўловлилик асосида бериладиган кредитлар тешилилади.

Халқаро кредит куйидаги белгилари билан ажралиб туради;

-кредиторлар ва қарз олувчилар бўлиб хусусий юридик шахслар (банклар, компаниялар ва фирмалар), давлат ташкилотлари ва халқаро валюта кредити институтлари бўлиши мумкин;

-қарз маблағлари қарз олувчи мамлакатда фоиз келтирувчи капитал сифатида ишлатилади;

-ссуда фоизи бўлиб манбаси бўлиб қарздор-мамлакатдаги ёнланма ишчилар меҳнати ҳисобланади.

Халқаро кредит ички кредит билан узвий алоқалар бўлади ва киймат шакллариини алмашилиш жараёнидаги капитал ҳаракатининг барча босқичларида иштирок этади.

Халқаро кредит халқаро иқтисодий муносабатлар муҳитида ссуда капиталининг ҳаракатидан келиб чиққан ҳолда узига хос функцияларни бажаради;

-кенгайтирилган такрор ишлар чиқаришни таъминлаш мақсадида мамлакатлар орасида капитални қайта таксимлайди;

-турли валюталарга асосланган нақд пулсиз тўловларни ривожлантириш орқали халқаро ҳисоб-китоблар муҳитида муомала харажатларини тежайди.

Капитални марказлашуви ва жамгарилишини кучайишига хизмат қилади.

Халқаро хусусий ва фирма кредитлари халқаро иқтисодий муносабатлардаги тижорат кредитларининг бир кўриниши бўлиб бир мамлакат фирмаси томонидан иккинчи мамлакат фирмасига товарларни кечиктириб тулаш ҳуқуқини беради. Бундай кредит ўтказувчан вексель (тратта) билан ҳужжатлаштирилади. Фирма кредитлари очик ракам олрқали ҳам ҳисоб-китоб қилиниши мумкин. Бугунги кундаги фирма кредитлари замонавий шакли экспортёрлардан импортерларига бериладиган кредит шакли ҳисобланади.

Фирма кредитларининг фоиз ставкалари бозор ставкаларига нисбатан паст бўлади, чунки экспортни кредитлаш тизими давлат томонидан субсия қилинади.

Халқаро банк кредити - бир мамлакат томонидан бошқа бир мамлакатга (давлатга, юридик ва жисмоний шахсларга) қиска ва ўрта узок муддатга вақтинчалик фойдаланишга бериладиган кредит шаклидар. Банк кредитлар қарз олувчилар томонида ҳоҳлаган мақсадларига ишлатилиши мумкин. Бугунги кунда халқаро банк кредитининг кўринишларидан бири бу экспорт банк кредитидир. Бундан ташқари халқаро кредитларнинг халқаро давлат кредити кўп тармоқли халқаро заём ва кредитлар, евро

кредитлар, евро бозорлар ва халқаро молия кредит институтларининг турли кредитлари мавжуддир.

2.7. Кредит назариялари танқиди

Турли даврлардаги яшаб ижод қилган иқтисодчилар кредитни иқтисодиётда, ҳамда такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги урнига турлича баҳо бериб келганлар, уларнинг айримлари кредитга юксак баҳо берганлар, иккинчи гуруҳ иқтисодчилари уни урнини кейинги даражага қуйиб келганлар.

Кредит тугрисидаги назарияларни икки гуруҳга булинади. Уларнинг биринчиси кредитнинг натуралистик назарияси деб номланади. Бу назариянинг асосчилари бўлиб А.Смит ва Д.Рикардолар ҳисобланадилар.

Бу назарияга асосан кредитнинг аҳамияти пасайтирилади, яъни кредит фақат жамиятда таксимланган капитални алоҳида ишлаб чиқарувчилар ўртасида қайта таксимлаш шакли бўлади ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш омили була олмайди.

Бу назариянинг асосий йуналишлари қуйидагилардан иборат:

- кредит моддий қийматликларни бир кулдан иккинчисига ўтказишда техник восита (курол) бўлиб ҳисобланади.

- кредит объекти бўлиб натурал (ишончсиз) ашёвий бойликлар ҳисобланади;

- ссуда капитал хақиқий капиталга тенглаштирилади ва уни ҳаракати ишлаб чиқариш капитал ҳаракатига мос келади;

- банклар моддий қийматликларни бир мулк эгасидан иккинчи мулкдорга ўтказиб берувчи воситачи сифатида иштирок этади.

Юқорида қуриб утилган кредит назарияси йуналиш намоёндалари томонидан кредит тугрисида ва уни такрор ишлаб чиқариш жараёнида нотугри хулосага келганликларини билдиради. Чунки улар кредитни (ссуда капиталини) ҳаракатини, ишлаб чиқариш капитали, товар

капиталини харакатини нотугри курсатиб берадилар. Хаттоки кредитни кайта таксимлаш функциясини ҳам охиригача олиб бера олмайдилар. Бу назария тарафдорларининг камчилиги шунки улар кредитни ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ, лекин ишлаб чиқариш у ҳеч қандай ижобий таъсирини курсатиб бера олмаганлар. Ҳақиқатда эса кредит ссуда капиталининг харакатини натижаси бўлиб, икки хусусиятга эга, яъни кредит кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга таъсир курсатиши, ёки унда карама- каршиликларни ҳам вужудга келтириши мумкин.

Аммо натуралистик назариётчиларнинг камчиликларига карамай уларнинг карашларида ҳам нозитив фикрлар (мулохазалар) бор. Масалан, бу назария тарафдорлари фикрига кура кредит ҳақиқий капитални яратмаслиги, балки фақат ишлаб чиқариш жараёнига таъсир курсатиши, яъни кредитни бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ эканлигини билиб бера олганлар.

Кредитни ролини (урнини) бурттириб курсатадиган назария бу- кредитни капиталини яратиш назариясидир. Бу назария асосчилари- инглиз иқтисодчилари Дж. Ло (XVIII) ва Г. Маклеод (XIX) ҳисобланадилар. Бу назариянинг негизи шуки-кредит ҳеч қандай ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ эмас ва у иқтисодиётда ҳал қилувчи уринни эгаллайди. Улар кредитни пул ва бойликлар билан бир қаторга қуядилар. Капитални яратиш назариясининг асл маъноси буйича банклар кредитни бериш орқали капитал яратадилар, кредит ҳажми банкларнинг узлари ишлаб чиқарадиган кредит сиёсатига боғлиқ. Шунинг учун банклар қанчалик чегараланмаган микдорда кредитни кенгайтиришлари ва бу йул билан ишлаб чиқаришни кенгайтиришга асос яратишлари мумкиндир.

Банклар «кредит фабрикаси» деган тушунча шу назария тарафдорлари томонидан вужудга келтирилгандир.

Кредитнинг капиталини яратиш назарияси тарафдорлари банклар томонидан берилётган кредит ҳажми банк хохишига эмас балки, такрор

ишлаб чиқариш жараёнининг объектив заруриятдан (хохишидан) келиб чиқиши, ҳамда кредитни хақиқий капитал билан алмаштириб юборадилар.

Кредитнинг бу назариясининг давомчилари бўлиб, австралия профессори И. Шуметер, немис банкири А. Тан ва инглиз иқтисодчилари Дж. М. Кейнс ва Р. Хоутри ҳисобланадилар.

Шуметер ва Танлар банкларнинг куч-қудратини ошириб юборадилар, ва ҳеч қандай чегарасиз бериладиган кредитлар такрор ишлаб чиқариш жараёнини ҳамда иқтисодий ўсишнинг асосий капитали бўлиб ҳисобланадилар деб қарайдилар. Шунга қура бу қарашлар кредитнинг «экспансион кредит назарияси» номи билан оламга машҳурдир. Ушбу назария орқали иқтисодчилар мамлакатдаги инфляцияни оқламоқчи бўладилар.

Бирок кредитнинг бу назария буйича давомчиси булган Дж. Кейнс ўзида керакли булган қарашлардан яхши (ижобий) томонларини олган ҳолда кредитни иқтисодиётни тартибга солиш воситаси деб қарайди ва исботлаб беради. Чунки банклар томонидан кредитлаш иқтисодиёт талабига асосан берилиши, талаб ошса таклиф ҳам ошиши мумкинлигини эътироф этади. Бунга тарихий мисоллар етарли. Масалан, мамлакатда иқтисодий ривожланиш ўзгариши натижасида кредитга булган талаб ҳам ошади ва аксинчадир. Кредитнинг ортикча бериб юборилиши бозор иқтисодиёти шароитида қушимча кредитларнинг инфляциянинг вужудга келишига сабабчи бўлиб келиши мумкиндир.

Қисқа ҳулосалар.

Кредит товар-пул бозор муносабатлари мавжуд шароитидаги такрор ишлаб чиқариш кредит муносабатлари вужудга келишининг табиий асоси ҳисобланади.

Кредит-бу вақтинча буш турган пул маблағларини маълум муддатга, ҳақ тулаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йигиндиси.

Ссуда капитали- бу фаолият кўрсатувчи капитал айланишига хизмат килувчи ва фоиз келтирувчи ссудага (қарзга) бериладиган пул капиталидир.

Кредит муносабатлари иқтисодиётда мавжуд аниқ услубий асосларга таянади. Унинг асосий элементлари бўлган ссуда капитали бозори операциялари маълум тамойиллар асосида олиб борилади.

Ссуда капитали ўзига ҳос товар сифатида гавдаланар экан, у ҳолда ундан фойдаланишда тўланадиган фоиз капитал “баҳо”си бўлиб иштирок этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Кредит нима?
2. Кредитнинг моҳияти.
3. Кредитнинг зарурлиги.
4. Кредит функциялари.
5. Кредит иттифоқлари.
6. Кредитнинг муддатлилиги.
7. Кредитнинг таъминланганлиги.
8. Тижорат кредит.
9. Иппотека кредити.
10. Хусусий кредит нима?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 56 б.
2. Дон Патинкин. Денги, процент и цены. –М.: Экономика, 2004. – 375 стр.
3. Моляков Н.В. Финансы. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 543 стр.

4. Моляков Д.С., Шохин Е.И. Теория финансов предприятий. Учеб. пособ. – М.: ФиС, 2001. – 300 стр.
5. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул, кредит ва бошқалар.-Т.: «Махртинт”. 2008. 454 б.
6. Свиридов О.Ю. Финансы, денежное обращение, кредит. Экспресс справочник для студ. вузов. –М.: ИКЦ Март, Ростов н/Д. изд. Сентр Март, 2004. – 179 стр.

3-БОБ. МОЛИЯ ВА МОЛИЯ ТИЗИМИ

3.1. Молиянинг ижтимоий иқтисодий моҳияти

Аксарият ҳолларда аҳоли ўртасида ва айрим мутахассислар ҳам «молия» тушунчасини «пул» тушунчаси билан аралаштириб юбордилар. Ҳақиқатда эса бундай эмас, аммо пулсиз молиянинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Ушбу саволни ҳал этиш учун молия категориясининг тарихий ривожланиш босқичларини ёритиш керак бўлади.

Молия тарихий категория сифатида давлатнинг функциялари ва эҳтиёжлари ортиб бориши таъсирида товар-пул муносабатлари шароитида юзага чиқди. «Молия» тушунчаси латинча «financia» сўзидан олинган бўлиб, битимлардан ундириладиган тўлов, даромад маъносини англатади. Илк бор молия тушунчаси XIII-XV асрларда Италиянинг йирик савдо ва банк хизматлари маркази ҳисобланган – Флоренция, Венеция ва Генуяда муомалага кирган. Кейин ушбу тушунча халқаро кўламда кенг ишлатила бошланиб, у давлат зиммасига юклатилган сиёсий ва иқтисодий функцияларни бажариши учун мамлакат аҳолиси ўртасида пул ресурсларини жалб қилиш билан боғлиқ пул муносабатлари тизимини ўзида мужассамлаштира бошлади. Ушбу омил эса молия категориясининг ўзида қуйидаги махсус хусусиятларнинг акс эттиришини таъминлайди:

-молия икки субъект ўртасидаги пул муносабатлари ҳисобланади, яъни пул ушбу муносабатларнинг моддий асоси бўлиб хизмат қилади;

-молиявий муносабатлар жараёнидаги иштирокчи субъектлар турлича ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади, улардан бири ҳисобланган давлат ўзига хос бўлган ҳукмронлик ваколатига эгадир;

-молиявий муносабатлар жараёнида умумдавлат пул маблағлари фонди ҳисобланган бюджет шаклланади;

-давлат бюджетининг даромад қисмига етарли маблағларнинг мунтазам ва тўлиқ келиб тушишини таъминлаш мақсадида солиқлар,

йиғимлар, божлар ва бошқа тўловларга давлат мажбурий характери берилди ҳамда буни амалга ошириш учун давлатнинг ҳуқуқий фаолиятини амалга оширадиган махсус ваколатларга эга фискал аппарат ташкил этилди. Ушбу ҳолатни ҳозирги вақтдаги Ўзбекистонга таққосласак, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасини кўрсатишимиз мумкин.

Молия умумиқтисодий категория сифатида давлатнинг фаолият кўрсатиши учун моддий асосни ташкил этади. Молия давлатга юклатилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни амалга ошириш, жамиятда кенгайтирилган ишлаб чиқаришни таъминлаш учун керакли пул маблағларини етказиб беради. Ушбу фаолиятни амалга оширишда солиқлар, тўловлар, божлар, давлат кредитини жамлаган молия давлат учун объектив ва зарур хусусиятга эга бўлади.

Юқорида қайд этилган хусусиятларнинг барчаси молиянинг тарихий категория сифатида вужудга келишига бевосита таъсир этган омиллардан ҳисобланади. Бу омилларни ўзига хос хусусиятлари асосида гуруҳга ажратсак улар қуйидагилардан иборат бўлади:

- жамиятда меҳнат тақсимотининг амалга оширилиши ва жамиятни турли ижтимоий гуруҳларга бўлиниб кетиши;

- товар-пул муносабатларининг ривожланиши ва шу асосда ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳамда, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг кўпайиши;

- жамиятда керакли пул маблағларини яратувчи турли мулк шаклидаги мустақил фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектларининг юзага келиши;

- марказлашган давлатнинг ташкил топиши.

Молия муносабатларида пулнинг мустақил ҳаракати натижасида марказлашган ва марказлашмаган пул фондлари ташкил топади. Бу ҳолат эса молиянинг моддий моҳиятини англатади. Лекин молия пул муносабатларини ўзида акс эттирсада, жамиятдаги барча пул

муносабатлари молияга тегишли бўлмайди. Биз қуйида молия ва пул муносабатларини таққослаб, улар ўртасидаги фарқларни кўрсатишга ҳаракат қиламиз:

1. Пул жамиятда умумий эквивалент ролини ўйнайдиган махсус товар ҳисобланиб, унинг ёрдамида барча харажатлар ҳисобга олинади. Молия ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлайдиган, қайта тақсимлайдиган иқтисодий дастак бўлиб, у орқали пул маблағлари фондларининг ташкил этилиши ҳамда сарфланиши назорат қилинади;

2. Пул ўзига хос бешта функцияни: қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғарма воситаси, тўлов воситаси ва жаҳон пули функцияларини бажаради. Молия бу функциялардан сифатан ва миқдоран фарқ қилувчи ўзига хос функцияларни бажаради. Биз кейин бу функцияларни тўлиқ ёритамиз;

3. Пул молиядан олдин пайдо бўлган, молия эса тарихий категория сифатидан пулдан кейин пайдо бўлган;

4. Пул молияга нисбатан кенг иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради. Молия марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини шакллантириш билан боғлиқ нисбатан тор доирадаги иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради.

Молиянинг пулдан фарқини соддароқ қилиб очиб беришга ҳаракат қиламиз. Ходим ўзи ишлаётган ташкилотдан меҳнат ҳақи олди. Бу ерда молия муносабати юзага чиқади. Чунки ташкилот меҳнат ҳақини бериш жараёнида давлат солиқларини ва бюджетдан ташқари жамғарма учун тўловларни ҳисоблаб, уни ундириб олади. Демак, ходим ва давлат ўртасидаги молия муносабати амалга ошди. Кейинги мисол, талабага дадаси пул берди. Бу ерда пул муносабати амалга ошди, лекин молия муносабати амалга ошмади. Чунки, бу пул муносабатини давлат тартибга солмайди ва назорат этмайди. Бундай пул муносабатларини харидорлар ва

сотувчиларнинг бозорда юзага чиқадиган муносабатлари мисолида кўрсатишимиз мумкин.

Шундай қилиб, молия –доимо пул муносабатларидир, лекин жамиятдаги барча пул муносабатлари молия муносабатларини ташкил этмайди. Пул муносабатларига нисбатан молия муносабатларини ажратиб турадиган кўринишлар мавжуд. Молия муносабатлари ҳуқуқий асосга эга ва тартибга солиб туриладиган пул муносабатларидир. Пул муносабатлари эса бундай ҳуқуқий асосга эга эмас. Бундай жараён иштирокчилари миқдор ва шартларни ўзаро келишилган ҳолда белгилайди.

Ишлаб чиқариш субъекти ўзининг ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида муомалага облигация чиқарди. Бу жараёнда субъект амалдаги қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунга асосан фаолият олиб боради. Муомалага эса ўзининг шаклланган устав капиталининг 100 фоизи миқдорида облигация чиқариш ҳуқуқига эга. Муомалага чиқарилган облигациялар учун юридик ва жисмоний шахслардан пул маблағлари жалб қилади. Бу ерда пул муносабатлари юзага келган, лекин молия муносабати юзага чиқмади. Иккинчи мисол, худди шу субъектнинг ишлаб чиқариш маҳсулотининг экспорт ҳажмини орттириш мақсадида давлат бюджети харажатлари қисмидан субсидия ажратилади. Бу ерда молия муносабатлари юзага чиқди. Чунки, хўжалик субъектига давлат томонидан давлат бюджетида тасдиқланган ва мақсадли субсидия берилди. Бу пул муносабатлари молия қонунчилиги асосида тартибга солиниб турилади.

Жамиятдаги пул муносабатларининг асосий қисми эквивалент хусусиятларга эга бўлади. Бу муносабатларда бир томондан пул ресурслари оқими, иккинчи томондан товарлар ёки хизматлар оқими ҳаракат қилади. Бу муносабат орқали иштирокчилар ўзларининг иқтисодий эҳтиёжини қондирадилар. Молия муносабатида пул ҳаракати ноэквивалент характерга эга бўлади. Бу ерда, бир томондан пул оқими,

иккинчи томондан товар ёки хизматлар ҳаракати оқими қарши чиқолмайди. Масалан, бунга мисол қилиб қуйидагини келтирамиз. Маълумки, давлат бюджети тақчиллигини қоплашнинг ҳалқаро амалиётда қуйидаги йўналишлари мавжуд:

- 1) Марказий банк томонидан қўшимча пул эмиссиясини амалга ошириш;
- 2) Давлат бюджети харажатларини қисқартириш;
- 3) Давлат бюджети даромадларини кўпайтириш (солиқлар ставкасини ошириш, янги солиқ турларини киритиш);
- 4) Муомалага қимматли қоғоз чиқариш ёрдамида давлат кредитини олиш.

Бу ҳолатларни Ўзбекистон Республикасига таққосласак, юқоридагилардан тўртинчи йўналишни амалга оширилаётганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳозирги вақтда ҳукумат номидан муомалага давлат қисқа муддатли облигацияларини ва давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятларини чиқариб, уларни юридик шахслар орасида жойлаштиришни амалга оширмоқда. Бу орқали мавжуд давлат бюджети тақчиллиги қисқармоқда, инфляция суръати паст ҳолда сақланиб турибди, лекин бир томондан товар оқими эмас, балки давлат қарз мажбурияти юзага чиқмоқда.

Умуман олганда, молия – ҳамиша пул муносабатларини ташкил этиб, ушбу муносабатда иштирок этувчи томонлардан бири албатта марказий давлат, маҳаллий ҳокимият ёки унинг ваколатига эга бирон бир орган бўлиши шарт.

Молиянинг ижтимоий- иқтисодий моҳиятини очиш учун унга қуйидаги таърифни бериш мумкин. Молия - давлат томонидан ташкил этиладиган пул муносабатларининг йиғиндиси бўлиб, унда умумдавлат пул маблағлари фондларини ташкил этиш ва давлатнинг иқтисодий,

ижтимоий ва сиёсий вазифаларини бажариш учун тақсимланиш ҳамда сарфланиш амалга оширилади.


Давлатнинг марказлашган пул маблағи фондларини ташкил этишда солиқларнинг аҳамияти каттадир. Солиқлар ёрдамида эса давлат жамиятда яратилган миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашни амалга оширади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, солиқлар давлатнинг қайси тузумга эга бўлишидан қатъий назар мавжуд бўлади. Чунки, давлат жамиятни бошқариш (у давлат демократик тизим, тоталитар тизим бўлишидан қатъий назар) учун ўзининг олдида турган вазифаларини бажариш мақсадида зарур бўлган молия маблағларини айнан солиқлар ҳамда солиқ функцияларини бажарувчи бошқа мажбурий тўловлар ёрдамида шакллантиради.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатлари шароитида ҳеч қандай давлат солиқларни бекор қила олмайди. Фақатгина асосий муаммо солиқ турлари, уларнинг ставкалари ва солиққа тортиш объектларини белгилаш ҳисобланади. Оқилона ва пухта ишлаб чиқилган солиқ сиёсатигина жамиятда солиқ тўловчилар ўртасидаги келишмовчиликларнинг олдини олади. Ҳаёт тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, мамлакатда юридик ва жисмоний шахслар учун кўп турдаги ва юқори ставкалар амал қилиши натижасида солиқ тўлашдан қочиш ҳамда турли йўллар билан солиқ объектларини яшириш ҳолатлари юзага келади ва кучайиши амалга ошади.

Биз бу ҳолатни АҚШлик иқтисодчи олим Ар. Лэффер эгриси ёрдамида ёритишимиз мумкин.

Ар. Лэффер ўз изланишида мамлакатдаги солиқ ставкалари юқорилиги ва давлат бюджетига улар орқали келиб тушадиган солиқлар миқдори ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилган. Таҳлил натижасида Ар. Лэффер қуйидагиларнинг гувоҳи бўлган: давлат томонидан солиқ ставкасини оширишнинг дастлабки босқичида бюджетга солиқ тушумлари миқдори ортади. Лекин солиқ ставкаси маълум чегара M дан ортгандан

сўнг, бюджетдасолиқ тушумларининг камайиши кузатилади. Чунки, солиқ ставкасининг ортиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришни қаноатлантирмайди. Бунинг натижасида давлат бюджетига келаётган солиқ тушумлари камаяди.



1-чизма. Лэффер эгриси.⁸

Ар Лэффер эгрисига асосан, юқори ставкадаги N нуқтасидан солиқ тушумлари миқдори билан L паст ставкадаги солиқ тушумлари миқдори билан тенг. Лекин N нуқтадаги солиқ ставкалари ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантирмайди ва бунинг акси L нуқтадаги солиқ ставкалари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга асос яратади ва бунинг натижасида мамлакатда яратилаётган миллий даромад ортади. Ўзбекистон Республикасида ҳам бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, иқтисодиётни ривожлантириш натижасида солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ҳамда баъзи солиқ турларининг бекор қилиниши амалга оширилмоқда. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу солиқ

⁸ Манба: Мамедов О.Ю. Современная экономика. –Ростов Д.: Феникс. 1998.

ставкаларининг пасайтирилишига қарамай, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг тақчиллиги қисқармоқда.

Мамлакатимизда 2005 йилдан бошлаб давлат бюджети белгиланган тақчиллик ўрнига профицит билан бажарилиб келинмоқда. Ушбу ҳолат Президентимизнинг асарларида қуйидагича тарзда ёритиб берилган. “Давлат бюджети ортиғи билан бажарилди, кўзда тутилган дефицит ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорида профицитга эришилди”⁹.

Тарихан давлат ўзининг ривожланиш босқичларида харажатларнинг сарфланишида асосан тўрт йўналишга, яъни, давлатнинг бошқарув харажатлари, харбий харажатлар, иқтисодий ривожлантириш харажатлари ҳамда ижтимоий соҳа харажатларига йўналтирилган. Харажатлар таркибида у ёки бу йўналиш харажатларининг эгаллаган улуши давлатдаги мавжуд сиёсий тузумга, иқтисодий ривожланиш даражасига, техник, табиий, демографик ҳолатига ҳамда унинг чегарадош мамлакатлар ва умумжаҳон ҳамжамиятидаги ҳодисаларга асосан турлича бўлган ва бўлиб келмоқда. Давлатнинг шакланган, марказлашган бу маблағлари фондларини алоҳида ҳудуд, иқтисодийнинг алоҳида олинган тармоғи ёки хўжалик субъектлари иқтисодий манфаатларини қондириш мақсадида сарфламасдан, балки жамият ижтимоий-иқтисодий манфаатларини тўлиқ мос келадиган харажатларини молиялаштиришга сарфланади. Ушбу йўналишда ҳудудларда аҳолини иш жойлари билан таъминлаш, демографик ҳолатни ҳисобга олган ҳолда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш каби умумжамият эҳтиёжлар ҳисобга олинади. Харажатлар адресли бўлишини амалга ошириш мақсадида марказлашган пул маблағлари фондларининг турли тадбирларни молиялаштиришга мўлжалланган фондларга ажратиш

⁹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этининг йўллари ва чоралари. –Т.: “Ўзбекистон”. 2009. 15 б.

амалиёти мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунига асосан мамлакатимизда қуйидаги марказлашган мақсадли пул фондлари ташкил этилади: Давлат бюджети, Республика йўл жамғармаси, давлат бандлик жамғармаси, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитасининг махсус фонди. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, бу мақсадли марказлашган пул фондларини яна бир ўзига хос томони шундан иборатки, улардаги ҳаражатларнинг сарфланиши фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тўлиқ ихтиёрида бўлади.

Жамиятда марказлашган пул фондларидан ташқари марказлашмаган пул фондлари ташкил этилади. Марказлашмаган пул фондларининг марказлашган пул фондларидан асосий фарқи шуки, улар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш фаолиятини амалга ошираётган хўжалик субъектларининг ихтиёрида шакллантирилади, ҳамда фақатгина ана шу хўжалик субъектларининг ижтимоий - иқтисодий ҳаражатларини молиялаштиришга йўналтирилади. Марказлашган пул фондларига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: иш ҳақи фонди, амортизация фонди, фан -техникани ривожлантириш фонди, моддий рағбатлантириш фонди, захира фонди ва бошқалар.

Молиянинг иқтисодий категория сифатида бошқа иқтисодий категориялардан ажратиб турувчи ўзига хос бўлган белгилари қуйидагилардан иборат:

- молия-ҳуқуқий асосга эга ва тартибга солиб туриладиган пул муносабатлари;
- молия-пул муносабатлари иштирокчиларидан бири турли ҳуқуқий ваколатга эга давлат органи бўлган муносабатлар;
- молия-пул маблағлари фондларини (марказлашган ва марказлашмаган) ташкил этувчи пул муносабатлари;

-молия-жамиятда яратилган ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатлари;

-молия-иқтисодий жиҳатдан доимо ноэквивалент хусусиятга эга муносабатлар.

Ушбу юқорида таъкидлаб ўтилган белгилар молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ва унинг мазмунини очиқ беришга хизмат қиладиган хусусиятлар ҳисобланади. Улар ҳар бир жамиятда яратилган ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида у ёки бу кўринишда юзага чиқади ҳамда амал қилади. Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини янада кенгроқ очишда унинг бажарадиган функцияларининг таҳлили ёрдам беради. Биз қуйида молиянинг функцияларини ёритишга ҳаракат қиламиз.

3.2. Молиянинг функциялари

Ҳар қандай иқтисодий категория сифатида молия ҳам ўз функцияларига эга. Иқтисодий категория бажарадиган функциялар ушбу категориялар моҳияти ва у бажарадиган мажбуриятларда намоён бўлади. Функциялар объектив ва мўътадил (стабил) бўлиб, у иқтисодий категорияларни жамиятдаги мақсадини очиқ беришга хизмат қилади. Молиянинг ҳам туб моҳияти у бажарадиган функциялар орқали намоён бўлади. Шунини таъкидлаш лозимки, иқтисодий адабиётларда олимлар ўртасида ҳозирга қадар молиянинг функциялари миқдори ва унинг тузилиши тўғрисида тортишувлар мавжуд, ҳамда ушбу асосда масала тўғрисида ягона бир қарор йўқ. Масалан, молия фанида етакчи ва машхур иқтисодчи олимлар ҳисобланган профессорлар Э.А. Вознесенский ва А. Александровлар молиянинг қуйидаги уч функциясини ажратиб кўрсатадилар:

1. Пул даромадлари ва фондларини шакллантиради.
2. Пул даромадлари ва фондларидан фойдаланади.

3. Назорат.

Академик Г.Б. Поляк ва Л.А. Дробозиналарнинг таъкидлашича¹⁰, молия қуйидаги учта функцияни бажаради:

- 1.Тақсимлаш функцияси;
- 2.Назорат функцияси;
- 3.Тартибга солиб туриш функцияси.

Молиянинг бажарадиган функциялари тўғрисида профессор А.И.Архиповнинг¹¹ фикрича молия қуйидаги функцияларни бажаради:

- 1.Тақсимлаш функцияси;
- 2.Назорат функцияси;
- 3.Рағбатлантириш функцияси.

Молиянинг функциялари тўғрисида Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг ҳам қарашлари мавжуд. Масалан, иқтисод фанлари доктори Н. Хайдаровнинг фикрича, ҳозирда молиянинг икки функцияси, яъни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси ҳамда назорат функциялари мавжуддир.¹²

Биз юқоридаги қарашларни таҳлил этсак, у ҳолда молия функциялари миқдори тўғрисидаги қарама-қаршиликларга қарамасдан, молиянинг қуйидаги умумий хусусиятлари тўғрисида тортишув йўк:

-молия иқтисодий категория сифатида ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқдир;

-молия жамиятдаги товар-пул муносабатлари ва давлат билан боғлиқдир;

-молия бу қиймат(пул) кўринишидаги категориядир;

-молия ёрдамида ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад тақсимланиши ҳамда қайта тақсимланиши амалга оширилади;

¹⁰ Поляк Г.Б. и др. Финансы. Денежное обращение. Кредит- М.: ЮНИТИ, 2004.

¹¹ Сенчагов В.К. Финансы, денежное обращение и кредит -М.: Проспект, 2004.

¹² Н.Хайдаров. «Молия» Т.: «Академия». 2001.

-молия ҳақиқий пул маблағлари фондларида намоён бўлади. Биз молиянинг туб моҳиятини тўлиқ очиб бера оладиган таниқли иқтисодчи олимлар ва етакчи амалиётчилар фикрларидан таҳлилий хулоса чиқариб, ҳозирда молия асосан уч функцияни бажаради деб ҳисоблаймиз. Улар қуйидагилардан иборат:

- 1) тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси;
- 2) назорат функцияси;
- 3) тартибга солиб туриш функцияси.

Молиянинг тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси жамиятнинг барча соҳаларида: моддий ишлаб чиқариш, номоддий ишлаб чиқариш ва муомала соҳаларида амалга ошади. Ушбу функциянинг бўлиб, мамлакатда яратилаётган ва пул шаклидаги ялпи ижтимоий маҳсулот ҳамда миллий даромад ҳисобланади. Тақсимлаш ва қайта тақсимлаш субъектлари микродаражада мамлакатда фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари ва аҳоли ҳисобланса, макродаражада-давлат ҳисобланади.

Молиянинг бу функцияси ёрдамида мамлакатда яратилаётган янги қиймат микродаражада тақсимланади ва ушбу қиймат макродаражада қайта тақсимланади. Биз фикримизни кенгрок билдирсак, яъни тақсимлаш объектининг микроиқтисодий кўрсаткичи бўлиб тушум, даромад ва фойда ҳисобланса, макроиқтисодий кўрсаткич бўлиб ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад ҳисобланади.

Молиянинг тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси ўзаро боғлиқ бўлган уч босқични ўз ичига олади. Бу босқичлар қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакатда турли пул маблағлари фондларининг ташкил топиши. Бу жараёнда микроиқтисодий даражада хўжалик субъектларининг фаолияти учун зарур бўлган молия ресурслари ва макродаражада давлатнинг марказлашган пул маблағлари фондлари ташкил этилади.

2. Ташкил этилган пул маблағлари фондларининг турли молия дастаклари ёрдамида тақсимланади. Микродаражада тақсимланишда хўжалик субъектларининг марказлашмаган пул маблағлари фондлари (устав фонди, иш ҳақи фонди, амортизация фонди, моддий рағбатлантириш фонди ва бошқалар) ташкил этилади. Тақсимланишнинг макродаражасида давлатнинг турли даражадаги бюджетлари ҳамда бюджетдан ташқари фондлари шаклланади.

3. Ташкил этилган пул маблағлари фондларининг тақсимланиши ва сарфланиши. Бу жараёнда микродаражада хўжалик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва жамоа аъзоларининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга сарфланади. Макродаражада эса мамлакат иқтисодиёти таркибий тузилмасини оптимал даражада сақлаб туриш ва аҳолининг умумдавлат томонидан ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга сарфланади.

Мамлакатда яратилган ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиши натижасида жамиятнинг даромадлари шаклланади. Микродаражадаги бирламчи тақсимланишда асосий ёки бирламчи даромадлар вужудга келади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида бирламчи даромадларга қуйидагилар киради:

- хўжалик субъектининг фойдаси (даромади);
- хўжалик субъекти ишчи ва хизматчиларининг даромадлари (иш ҳақи, мукофот ва турли тўловлар);
- ижтимоий ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар.

Юқоридаги бирламчи тақсимланишни Ўзбекистон Республикасига нисбатан кўриб чиқамиз. Хўжалик субъекти ўз ихтиёрига келиб тушган тушумни иш ҳақи ва моддий харажатларни қоплашга сарфлайди. Амалдаги қонунчиликка асосан меҳнат ҳақини ҳисоблашда турли бюджетдан ташқари фондларга, яъни давлат бандлик фонди, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва ижтимоий суғурта фондига мажбурий тўловларни

ажратади. Бу тўловлар ва ажратмаларни тўлагандан сўнг хўжалик субъекти ихтиёрида фойда қолади. Ушбу фойдадан ўрнатилган солиқлар ва тўловларни давлат бюджетига тўлайди. Тақсимланиш амалга ошгандан сўнг бирламчи тақсимланиш ўрнига макродаражада қайта тақсимланиш ёрдамида миллий даромаднинг қайта тақсимланиши амалга ошади.

Мамлакатда яратилган миллий даромаднинг қайта тақсимланиши қуйидаги омилларга бевосита боғлиқдир:

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадлари ва жамғармаларидан оқилона ва самарадорлик билан фойдаланиш мақсадида миллий даромадни иқтисодийнинг тармоқлараро ва ҳудудлараро қайта тақсимланишига эҳтиёжининг мавжудлиги. Республикамизда иқтисодий, сиёсий ва демографик сабаблар туфайли ҳудудларнинг ривожланиш даражаси турлича. Баъзи ҳудудларда, яъни Қорақалпоғистон Республикасида, Сирдарё, Жиззах ва Хоразм вилоятларида иқтисодий ривожланиш даражаси суст ривожланган ва аксинча, Тошкент шаҳри, Фарғона, Тошкент ва Навоий вилоятларида иқтисодий ривожланиш даражаси юқори даражада. Бу омил эса бюджет даромадларининг етарлилигига бевосита таъсир кўрсатади. Иқтисодий томондан суст ривожланган ҳудудларда истиқомат этувчи аҳолининг ижтимоий неъматлар билан таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари бу ҳудудда яратилган даромаддан кўпдир. Бундай ҳолатни олдини олиш мақсадида мамлакатимиз давлат бюджетидан бу ҳудудларнинг маҳаллий бюджетларига етарли маблағлар (субвенция, дотация шаклида) берилади;

2. Жамиятда икки соҳанинг, яъни моддий ва номоддий соҳа (соғлиқни сақлаш, маориф, фан, ижтимоий таъминот, муҳофаа, бошқарув) ларнинг мавжудлиги. Маълумки, номоддий соҳада миллий даромад яратилмайди, лекин номоддий соҳанинг зарурати ва уни жамият учун кераклигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги вақтларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш

ва маорифни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Бунга мамлакатимизда 2005 йилнинг «Сихат саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги, 2009 йилни эса “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши мамлакатимизда қишлоқларни ва қишлоқ аҳолисини ижтимоий таъминлашга кенг имкон яратилганлигидан дарак беради;

3. Жамиятда, яъни аҳоли ўртасида турли ижтимоий гуруҳларнинг мавжудлиги. Инсоният ривожланиши, яъни демографик ҳолати аҳолининг ижтимоий гуруҳларга бўлинишига ҳам таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида жамиятда кўп фарзандли оилалар, нафақахўрларнинг мавжудлиги объектив омилдир. Бундай гуруҳларни ижтимоий томондан ҳимоя қилиш давлатнинг бурчи ҳисобланади. Буни амалга оширишда давлат энг аввало бюджет маблағларидан фойдаланади.

Жамиятда яратилган ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни молия ёрдамида қайта тақсимланиши натижасида умумдавлат фондлари, яъни бюджетлар ҳамда бюджетдан ташқари фондлар шакллантирилади. Бундай қайта тақсимлаш натижасида номоддий соҳада банд бўлган шахслар молия маблағлари билан таъминланади.

Жамиятда яратилган миллий даромадни қайта тақсимлаш натижасида иқтисодиёт тармоқлари таркибининг манфаатлари ҳисобга олинади. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини (қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт) жадал ривожлантиришга эътибор қаратилади. Ушбу ҳолатни Ўзбекистон Республикасига таққосласак, ҳозирда мамлакатимизда 60 фоиз аҳоли қишлоқ жойларида истиқомат қилиши ва экспорт таркибида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосий улушни эгаллаши сабабли қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади.

Юқоридаги фикрларимизни умумлаштириб, молиянинг тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси қуйидагиларни амалга оширишга имконият яратади деб хулоса қилишимиз мумкин:

- хўжалик субъектлари ва давлат миқёсида пул фондлари ташкил этилади;

- фақат мақсадли пул фондлари ташкил этилади;

- иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ўртасида молия маблағларининг қайта тақсимланиши амалга оширилади;

- мамлакат аҳолисининг турли ижтимоий гуруҳлари ўртасида молия маблағлари қайта тақсимланади;

- хўжалик субъектлари ва давлат миқёсида зарур захира фондлари ташкил этилади.

Молиянинг назорат функцияси эса жамиятда яратилган ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни тегишли фондлар бўйича тақсимланиши ҳамда мақсадли фонд маблағларининг сарфланишини назорат қилиш билан боғлиқдир. Назорат функцияси молиянинг тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси билан уйғунлашган ҳолда амал қилади. Молия назорати миллий даромад яратиладиган моддий ишлаб чиқариш соҳасини ва номоддий ишлаб чиқариш соҳасини қамраб олади. Молия назоратининг мақсади моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, ортиқча харажатларни қисқартириш ҳамда хўжасизликнинг олдини олишдир. Молия назоратининг асосий вазифаси хўжалик субъектларининг ўзаро ҳисоб-китоблари мажбуриятларини, қонунчиликдаги бюджет тизимини ва солиқ хизматлари олдидаги молия мажбуриятларини бажаришга риоя этилишини таъминлаш ҳисобланади. Ушбунинг юзага чиқиши қуйидагиларда намоён бўлади:

- тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни бошланишидан аввал турли бюджетлар ва молия дастурларини ишлаб чиқишда;

- шакллантирилган турли пул маблағлари фондларини, яъни бюджет, смета ва молия режаларини сарфланишида;

- пул маблағлари фондларининг бажарилишини баҳолашда ва фаолият натижаларини якуний ҳисоб-китоб қилишда.

Молия назоратини амалга ошириш субъектлари назорат этиш объектлари, мулкчилик шакли ва фаолиятидан келиб чиққан ҳолда турлича бўлади. Молия назоратининг ким томонидан олиб борилишига қараб қуйидаги шакллари мавжуд:

- 1) умумдавлат молия назорати;
- 2) тармоқ молия назорати;
- 3) хўжалик ичидаги молия назорати;
- 4) жамоат молия назорати;
- 5) мустақил (аудиторлик) молия назорати.

Умумдавлат молия назоратини ваколатли давлат органлари амалга оширади. Молия тизими ва солиқ хизмати ходимлари давлат бюджети даромадлари ҳамда харажатларининг бажарилиши назоратини олиб борадилар. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги назорат тафтиш департаменти ва унинг вилоятдаги бўлимларига давлат бюджети маблағларининг мақсадли ва тўлиқ сарфланаётганлигини назорат қилиш ваколати берилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларига мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектларда давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва тушумни назорат этиш ваколати берилган.

Тармоқ молия назорати иқтисодиётнинг маълум тармоқ миқёсидаги (вазирлик, концерн, компания, холдинг) назоратини ўз ичига олади. Ушбу назорат маълум олинган тармоқ бошқаруви ташкил этилган махсус молия бошқармаси томонидан амалга оширилади. Бу бошқарма тармоқ таркибига кирувчи хўжалик субъектларининг амалдаги бюджет-солиқ қонунчилигига ва ички меъёрий низомларга риоя этаётганлигини назорат қилиб боради.

Хўжалик ичидаги молия назоратини алоҳида олинган хўжалик субъектлари қошида ташкил этилган молия бўлинмалари амалга оширади.

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги вақтларда давлат мулкани хусусийлаштириш ва акциядорлик жамиятларига айлантириш жараёни натижасида кўплаб турли мулкчилик шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар ташкил этилмоқда. Бу ҳолат хўжалик ичидаги молия назоратининг аҳамияти ошишига олиб келмоқда. Ушбу корхоналарда ишчи-хизматчилар сонининг камлиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг камлиги (масалан, кичик бизнес соҳаси) сабабли уларда молия назоратини олиб бориш ваколати бош ҳисобчи зиммасига юклатилган. Бундай корхоналарда молия назоратини олиб борувчи бош ҳисобчининг асосий вазифаси молия-хўжалик фаолиятини назорат этиш, бюджет солиқ қонунчилигига риоя этиш ҳамда бошқа корхоналар билан ўзаро тўлов мажбуриятларини олиб бориш ҳисобланади.

Жамоат молия назоратини акциядорлик жамиятларида акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган алоҳида жисмоний шахслар олиб боради. Айрим бошқа мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектларида ушбу назоратни ихтиёрий равишда масъулиятни олган жисмоний шахслар олиб боради. Жамоат назоратининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у фақат аниқ бир корхонанинг хўжалик – молия фаолиятини назорат қилади.

Молия назоратининг яна бир шакли мустақил (аудиторлик) назорат ҳисобланади. Ушбу назоратнинг энг асосий хусусияти шундаки, аудиторлик фаолиятини олиб борувчи фирма ўз фаолияти учун махсус лицензияга эга бўлиши билан бирга унда ишловчи хизматчилар ҳам махсус шаходатномага эга бўлиши шарт. Аудиторлик молия назоратининг объекти барча хўжалик субъектларининг хўжалик–молия фаолияти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка асосан, мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар бир фаолият юритувчи хўжалик субъекти йиллик хўжалик-молия фаолиятининг аудиторлик молия назоратини ўтказиши шарт.

Молияни тартибга солиб туриш функциясининг моҳияти давлат томонидан мавжуд молия дастаклари орқали жамият учун зарур алоҳида олинган корхоналар ва баъзан бутун иқтисодиётнинг айрим тармоқларини ривожлантиришга таъсир этилиши ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу функцияда молиянинг рағбатлантириш ёки сўндириш йўналиши ҳам мавжуд. Давлат молия дастаклари орқали иқтисодиётдаги айрим соҳаларни ривожлантиришга ва ўз вақтида айрим соҳалар фаолиятини чеклаб туришга эришади. Фикримизча, молияни тартибга солиб туриш функцияси қуйидаги кўринишда юзага чиқади:

4. Давлат бюджети орқали. Бюджет маблағларининг айрим соҳа, ёки корхоналарни ривожлантиришга (субсидия) ажратилиши орқали амалга оширилади.

5. Солиқлар орқали. Давлат иқтисодиёт фаолиятини тартибга солиб туришдаги энг таъсирли дастак солиқлар ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун паст даражадаги солиқларнинг ўрнатилиши ушбу фаолиятни ривожлантиришга имконият яратади ва бунинг акси юқори даражадаги солиқ ставкаларининг ўрнатилиши бу соҳа фаолиятининг ривожланишини чеклаб туради. Бу соҳага яққол далил сифатида 1994-1998 йилларда мамлакатимизда тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш мақсадида, улар солиқлардан озод этилиб, ҳисобланган солиқлар тижорат банкларининг моддий-техника базасини ривожлантиришга сарфланганлигини келтиришимиз мумкин.

6. Баҳолар ва тарифлар орқали. Иқтисодиётнинг бозор муносабатлари шароитида давлат томонидан иқтисодиётнинг айрим соҳалари нарх-наво ва тарифларнинг белгиланишида фаол иштирок этади. Бу омил эса иқтисодиётнинг айрим соҳаларидаги хўжалик субъектларининг молия ҳолатига турлича таъсир кўрсатади.

4. Экспорт- импорт божлари орқали. Ушбу йўналишда давлат томонидан хўжалик субъектлари олиб борадиган экспорт-импорт

операцияларига ўрнатилган паст ёки юқори даражадаги бож ставкалари ушбу фаолиятнинг ривожланишига ёки тўхтатиб қўйилишига олиб келиши мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилганларни умумлаштирган ҳолда, молиянинг тартибга солиб туриш функцияси қуйидаги даражада юзага чиқади:

-микроиқтисодий даражада (хўжалик субъектлари даражасида). Бунда фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида турли пул фондларини ташкил этади;

-макроиқтисодий даражада (давлат даражасида). Бунда давлат томонидан иқтисодиётни ривожлантириш учун давлат бюджети харажатларидан солиқлар, бошлар, тарифлар орқали фойдаланиш амалга оширилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, давлат молия дастакларининг ҳар бир турини ёки бир нечтаси қўлланиши ёрдамида иқтисодиётнинг барча соҳаларига кучли таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Фикримизча, бу омил молиянинг тартибга солиб туриш функциясини мустақил функция деб мулоҳаза қилинишига асос бўла олади.

3.3. Молия сиёсатининг моҳияти ва мазмуни

Ҳар бир давлат ўзига юклатилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни бажариш учун энг аввало иқтисодий сиёсатдан, шу жумладан ушбу сиёсатнинг пойдевори бўлган молия сиёсатидан самарали фойдаландилар. Молия сиёсатининг моҳияти ва мазмуни тўғрисида иқтисодий адабиётларда турли иқтисодчи олимлар ўртасида ҳар хил илмий фикрлар мавжуд. Академик Г.Б. Поляк ва В.В. Карчевскийларнинг фикрича¹³ молия сиёсати - давлат зиммасига юклатилган функцияларни бажариш учун молия муносабатларидан фойдаланиш юзасидан ташкил этиладиган чора-тадбирларининг йиғиндиси. Ушбу фикрни

¹³ Поляк Г.Б. и др. Финансы. Денежное обращение. Кредит. - М.: ЮНИТИ, 2004.

ривожлантирган ҳолда ва «молия муносабатлари» атамаси кенгайтирилган ҳолда и.ф.д., РТФА академиги В.К. Сенчагов¹⁴ молия сиёсатига ўз фикрини билдиради. Унинг фикрича молия сиёсати - давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми сифатида амалдаги қонунчиликка асосан иқтисодий сиёсатининг стратегияси ва тактикасига асосан давлат молия ресурсларини шакллантириш ҳамда уларнинг сарфланиши юзасидан ваколатга эга давлат молия тизими институтлари бюджет-солиқ ва бошқа молия дастакларининг йиғиндисидан иборатдир. Олимнинг фикрича молия сиёсати механизмида давлат молия дастакларининг ягоналиги таъкидланади. Бунинг асосий омили сифатида жамиятда молия дастакларини фақатгина ваколатли давлат молия институтлари амалга ошириши келтирилади.

Моҳияти жиҳатдан молия сиёсати жуда мураккаб ҳамда нозикдир. Молия сиёсатини ишлаб чиқишда мамлакатдаги пул-кредит сиёсати, валюта муносабатлари ҳамда фонд бозоридаги фаолият ҳам ҳисобга олинади. Агар молия сиёсатидаги турли тамойиллар умумлаштирилса, у ҳолда асосий тамойиллар қуйидагилардан иборат бўлади:

-ҳар бир жамиятда объектив иқтисодий қонунларнинг мавжудлиги ва уларнинг доимий равишда ҳаракатда бўлиши;

-молия сиёсатининг умумий концепциясини ишлаб чиқиш, унинг асосий йўналишлари, мақсади ва вазифаларининг аниқлаб олиниши;

-давлат молия фаолиятини ва иқтисодиётнинг бошқа субъектлари фаолиятини бошқариш ҳамда бу соҳада юксак ривожланган давлатларнинг тажрибаси ва маҳаллий тажрибани оқилона уйғунликда олиб борилишга эришишни таъминлаш;

-адекват молия механизмини ташкил этиш.

¹⁴ Сенчагов В.К. и др. Финансы, денежное обращение и кредит- М.: Проспект, 2004.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, молия сиёсати иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиши билан бир қаторда унинг ҳар бир тамойили мақсадлилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун молия сиёсатининг асосий вазифаларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

-жамиятда имконият даражасида кўп миқдордаги молия ресурсларини шакллантиришга эришиш;

-давлат миқёсида молия ресурсларининг тақсимланиши ва сарфланишида оқилона ҳамда самарадор тизимини шакллантириш;

-жамиятдаги иқтисодий ривожлантириш ва ижтимоий жараёнларни тартибга солиб туриш ҳамда рағбатлантиришда молия усулларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш;

-жамиятдаги муҳим ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш мақсадида молия ресурсларининг марказлашувини амалга ошириш;

-молия тизимида барча бўғиндаги бюджетларнинг даромад ва харажатларини мувозанатлантириш ҳамда бюджет профицитига эришиш;

-иқтисодий ривожлантириш бўйича давлат сиёсатидаги стратегия ва мақсадларнинг ўзгариши асосидаги фаол молия механизмини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

-молия тизимидаги ўзгаришларни ўз муддатида англаб оладиган, ишчан ва тажрибали мутахассислар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш орқали самарадор молияни бошқариш тизимини ташкил этиш.

Молия сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу сиёсатда иқтисодиётни ривожлантириш йўналишлари аниқлаштирилади, молия ресурсларининг умумий миқдори, уни ташкил этадиган манбалари, шаклланган молия ресурсларининг тақсимланиши ва сарфланиши ҳамда ушбу жараёнда молия усулларидан фойдаланиш ўз аксини топади. Шунини таъкидлаш лозимки, молия сиёсати давлатнинг фаолият кўрсатишида нисбатан мустақил соҳа ҳисобланади.

Амалга оширишда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг хусусияти ҳамда юзага чиқариш муддатларига асосан молия сиёсатини икки йўналишдаги сиёсатга ажратиш мумкин:

1. Стратегия йўналишидаги молия сиёсати.
2. Тактик йўналишидаги молия сиёсати.

Молия сиёсатининг асосини стратегик йўналишдаги молия сиёсати ташкил этади. Ушбу сиёсат молия сиёсатини узоқ ва ўрта муддатли йўналиши ҳисобланиб, у давлатнинг иқтисодий ривожланиш фаолияти ҳамда мамлакат ижтимоий соҳасининг хусусиятларидан келиб чиқиб келажакда кўзда тутилган асосий вазифаларнинг амалга оширилишини молия ресурслари билан таъминланиши юзасидаги молия чора-тадбирларининг йиғиндисидир.

Давлат ўз вақтида молия сиёсатининг стратегик йўналишларини амалга ошириш мақсадида молия муносабатларининг тактик йўналишларидан фойдаланади. Молия сиёсатининг тактик йўналиши ўз моҳиятига кўра қисқа муддатли бўлиб, унинг ёрдамида давлат молия ресурсларини жалб этишлик, ушбу ресурслардан оқилона ва тежамкорлик билан сарфланишини, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солиб туриш ҳамда иқтисодиётнинг айрим соҳаларини ривожлантиришни ўз ичига олувчи чора-тадбирларнинг йиғиндисидир. Бу чора-тадбирлар ўзаро бир-бирини тўлдириб турувчи ҳисобланади.

Давлат молия сиёсатини ишлаб чиқишда жамиятдаги тарихий ривожланишнинг аниқ хусусиятларидан келиб чиқмоғи шарт. Молия сиёсатининг стратегик йўналишида давлатнинг мавжуд ҳақиқий иқтисодий ва молия имкониятлари ҳамда халқаро ҳолатлар ҳисобга олиниши лозим. Жорий хусусиятлар эса молия сиёсатининг тактик йўналишида амалга ошириладиган чора-тадбирлар орқали босқичма-босқич, самарали ҳамда тежамкорлик йўлидан фойдаланиб амалга оширилади.

Биз молия сиёсатидаги стратегик ва тактик йўналишларнинг узвий боғлиқ ҳолда олиб борилишини Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ривожлантириш тажрибасида кўришимиз мумкин. Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида ғоят муҳим ва биринчи даражали чора-тадбирлар ҳамда устувор йўналишлар сифатида қуйидагилар илгари сурилди.

Молия ва солиқ сиёсати соҳасида:

-қаттиқ молиявий сиёсатни амалга ошириш, давлат бюджетидаги тақчилликни иложи борича камайтириш, бюджетдан бериладиган дотациялар ва субсидияларнинг барча турларини босқичма-босқич қисқартириб бориш;

-бюджет маблағлари даромад тушганидан кейингина тақсимлаштириладиган йўлдан оғишмай бориш, биринчи даражали, энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгина бюджетдан маблағ ажратиш;

- иқтисодиёт тармоқларини, айрим корхоналарни ривожлантириш учун бюджетдан пул билан қайтарилмайдиган қилиб таъминлаш амалиётидан воз кечиш ва ана шу мақсадлар учун инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш;

- солиқ тизимини такомиллаштириш, бюджет даромадлари барқарор суръатда тўлдириб турилишини таъминлайдиган, кичик ва хусусий корхоналарнинг, чет эл капитали иштирокидаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарадиган кўшма корхоналарнинг ривожланишини рағбатлантирадиган пишиқ пухта солиқ сиёсатини олиб бориш.

Албатта, бу юқорида таъкидлаб ўтилган чора-тадбирлар, иқтисодиётнинг ўша давридаги ривожланиш ҳолатига, мамлакат аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида маблағларни шакллантириш учун солиқлар ставкаларининг юқорилиги, ҳамда сифатан янги иқтисодиёт тармоқларини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатларни

керакли молия маблағлари билан таъминлаш учун зарур бўлган мажбурий чора-тадбирлар эди.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишининг кейинги босқичларида иқтисодиётнинг устувор соҳалари ҳисобланган Бухородаги «Қоровулбозор» нефтни қайта ишлаш бирлашмаси, Асакадаги «УзДЭУ» енгил автомобиллар ишлаб чиқариш корхонаси, Самарқанддаги «Самкўчавто» юк ва йўловчи ташувчи автомобиль ишлаб чиқариш корхонаси, Қашқадарёдаги «Шўртангаз» кимёсаноат комплексларининг ишга туширилиши натижасида, давлат бюджетига қўшимча пул маблағларини келиб тушишини таъминлади. Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигига эришиши натижасида эса хориждан ғалла маҳсулотлари импорт қилиш салмоғи кескин камайди ва бу омил валюта маблағларини тежашга олиб келди. Мамлакатимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тез суръатлар билан ривожланиши нафақат давлат бюджетига қўшимча маблағларнинг келиб тушиши билан бирга аҳолини қўшимча иш ўринлари билан таъминлади.

Бу юқоридаги омиллар билан бир қаторда давлат бюджети сарфларининг омилкорлик ва манзилли сарфланиши жараёнлари ҳам амалга оширила бошлади. Ушбу ижобий ўзгаришлар давлатимизнинг молия сиёсатига ўз таъсирини кўрсатди. 2007 йил 30 ноябрда тасдиқланган ва 2008 йил 1 январдан кучга кирган «Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси» ва 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимиздаги молия сиёсатининг сифатан янги даражага кўтарилганлигидан далолат беради.

Давлат олиб бораётган молия сиёсати жамият иқтисодий манфаатлари ва аҳолининг айрим ижтимоий гуруҳларининг талабларидан келиб чиқадиган мақсад ҳамда вазифалар ҳал этилиши билан боғлиқдир. Шунинг учун молия сиёсатини олиб боришда молия механизмининг

аҳамияти каттадир. Биз мазкур ўқув қўлланмамизнинг кейинги параграфда молия сиёсатини амалга оширишда молия механизмининг моҳияти ва ўрнини ёритишга ҳаракат қиламиз.

3.4.Молия сиёсатини амалга оширишда молия механизмининг моҳияти ва ўрни

Давлат молия сиёсатини ташкил этувчиси молия механизми ҳисобланади, чунки у орқали давлатнинг молия муносабатлари соҳасидаги бутун фаолияти амалга оширилади.

Молия механизми ўзининг моҳиятига кўра давлат томонидан жамиятда молия муносабатларини ташкил этишдаги шакл, турлар ҳамда усулларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Молия механизми–молия амалиётида юзага чиқадиган молиянинг таркибидаги элементларни мужассамлаштирган. Молия ресурсларининг шакллари, уларни шакллантириш усуллари, қонунчилик асосидаги меъёр ва уларнинг тизими, бюджет тизимини ташкил этиш, хўжалик субъектларининг молияси ҳамда қимматли қоғозлар бозори ушбу элементларга киради. Шунини таъкидлаш лозимки, молия механизмининг элементлари ўзаро боғлиқликда фаолият кўрсатади.

Молия механизми бу молия сиёсатининг аксари ҳолларда ўзгариб турувчи қисми ҳисобланади. Давлат томонидан жамиятдаги жорий иқтисодий ҳолатни ҳамда мамлакат ижтимоий ҳолатини ҳал этишдаги қўйилган тактик вазифаларнинг ҳал этилиши хусусиятларига асосан молия механизми ўзгариб туради. Давлат қонун чиқарувчи ва ижрочи орган сифатида молия муносабатларини турлича ташкил этиши мумкин. Масалан, бундай молия муносабатлари ваколатли давлат органлари ҳамда фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари ўртасида давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш мақсадида улардан турли солиқлар тўловларини ундириш асосида ташкил этилиши мумкин. Давлат

томонидан солиқ тизимини ташкил этишда умумдавлат ва маҳаллий солиқларни, бевосита ва билвосита солиқларнинг турларини, ҳар бир солиқ тури бўйича объекти, субъекти, солиқ ставкалари, солиқлар бўйича имтиёзларнинг рўйхатини ҳамда амалдаги солиқ қонунчилигининг ўзгариш юзасидаги бошқа элементларни ҳисобга олиши зарур. Бунинг учун давлат органлари барча иқтисодий қонунларни жуда пухта ўрганиши ҳамда молиянинг ривожланишини мукаммал аниқлаши лозим.

Молия механизми ўз моҳиятига кўра асосан иккига бўлинади: директив молия механизми; тартибга солиб турувчи молия механизми.

Директив молия механизмида асосан давлатнинг ваколатли органлари томонидан молия муносабатлари ишлаб чиқилади. Ушбу молия муносабатларига солиқлар, йиғимлар, давлат кредити, бюджет харажатлари, бюджетдан молиялаштириш, бюджет тузилмасини ташкил этиш, бюджет жараёни, бюджетлараро муносабатлар ҳамда молиявий режалаштириш киради.

Директив молия механизмида давлатнинг ваколатли органлари жамиятда молия муносабатларининг барча иштирокчилари учун бажарилиши мажбурий бўлган тартиб-қоидалар тизимини жуда пухта ва мукаммал ҳолда ишлаб чиқади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, баъзи ҳолатларда ишлаб чиқилган директив молия механизми давлат бевосита иштирок этмайдиган молия муносабатларини ўз таркибига киритиши мумкин. Бу ҳолат жамиятда молия сиёсатини амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлган соҳаларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Бундай соҳага корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Тартибга солиб турувчи молия механизми давлат манфаатларига тўғридан-тўғри таъсир этмайдиган молия муносабатларининг аниқ сегментида фаолиятни тартибга солиб туради. Таъкидлаб ўтганимиздек,

молия механизми тузилиши жиҳатдан мураккаб тизим ҳисобланиб, унинг таркибий қисми хилма-хил молия муносабатларидан ташкил этиши ҳисобланади. Бундай ҳолатларда давлатнинг ваколатли органлари томонидан бундай хўжалик субъектлари учун улар барча солиқлар ва йиғимларни тўлаб бўлганидан сўнг улар ихтиёрида қоладиган молия ресурсларидан фойдаланишнинг фақат умумий тартиб-қоидаларини ўрнатади. Хўжалик субъектлари эса ихтиёрида қолган молия ресурсларидан фойдаланишнинг шакллари, пул жамғармалари турларини мустақил тарзда ишлаб чиқадилар.

Молияни бошқаришда давлат томонидан пухта ва мукамал ишлаб чиқилган фаолият олиб боришликни, ҳамда бу фаолиятда молия механизмидан оқилона фойдаланишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтиши, иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви ҳамда мулкчиликни давлат тасарруфидан чиқариш ва акциядорлик жамиятларига айлантириш жараёни натижасида молия механизми бир қатор ўзгаришларни амалга оширди. Бунга қуйидаги омиллар бевосита таъсир кўрсатди:

1. Бюджетлараро муносабатлар сифатан ўзгаришининг амалга оширилиши. Маҳаллий бюджетлар харажатларнинг сарфланишида катта ваколатга эга бўлишди, улардаги мавжуд бюджет тақчиллиги (дефицити) давлат бюджети таркибига киритилди.

2. Давлат бюджетининг тақчиллиги асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан муомалага давлатнинг қисқа муддатли облигациялари ва давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятларини чиқариш ёрдамида қопланиши амалга оширилмоқда.

3. Давлат бюджетидан ташқари мақсадли бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этилди (Республика йўл жамғармаси, давлат

бандлик жамғармаси, пенсия жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қўмитасининг махсус фонди).

4. Мамлакатда молияни бошқаришда ўзгаришлар амалга оширилди. (Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси, Ҳисоб палаталари ташкил этилди).

5. Давлат ва хусусийлаштирилган хўжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар солиқ тўлаш асосига ўтказилди.

6. Миллий қимматли қоғозлар бозорининг ташкил этилиши натижасида хўжалик субъектларини муомалага корпоратив қимматли қоғозларни чиқариш тартиб-қоидаси ўзгарди ва бу жараён қаттиқ назоратга олинди.

Юқоридаги омиллар эса иқтисодиётнинг бозор муносабатлари шароитига ўтиш даврида бу жараёнлар талабига жавоб берадиган оқилона молия сиёсати олиб боришликни талаб этади. Молия сиёсати олиб борилишида молия механизми мохиятининг жуда катталигига гувоҳ бўлди. Оқилона ташкил қилинган молия механизми хўжалик субъектларида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва мамлакат минтақаларининг моддий манфаатдорлигини оширишга ҳамда бюджет маблағлари тежамкорлик билан сарфланишини тўғри йўлга қўйишига хизмат қилади.

3.5. Молия тизими ва унинг бўғинларига тасниф

Иқтисодий адабиётда «молия тизими» тушунчаси икки хил маънода талқин этилади. Улардан биринчиси асосан пул операциялари билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари (тижорат банклари, инвестиция фондлари ва компаниялари) фаолиятининг йиғиндисидан иборатлигини англатади. Иккинчиси эса бутун молия муносабатлари тизимидан иборатлигини англатади, лекин бу «тизим» тушунчаси ўзаро боғлиқликни билдиради. Бунга асосан алоҳида олинган молия муносабатлари, унинг иштирокчилари ва бўғинларига ваҳоланки молия

тизимига таъриф бериш мумкин. Молия тизими - турли молия муносабатларининг йиғиндиси ҳисобланиб, бу муносабатлар жараёнларида хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг пул маблағлари жамғармалари турли шакллар ҳамда усуллар ёрдамида шаклланади, тақсимланади ва сарфланади.

Молия тизимини молия муносабатлари иштирокчиларининг ўзига хос хусусиятига асосан қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин. Чизма кейинги бетда берилган.

Чизмадан кўриниб турибдики, молия тизими икки асосий ва ўзаро боғланган бўғиностидан иборат. Биринчисига, марказлашган молия кириб, у иқтисодиёт миқёсида кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжларини ва жамият аҳолисининг ижтимоий гуруҳларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун керакли молия маблағлари билан таъминлаш вазифасини амалга оширади. Иккинчисига хўжалик субъектларининг молияси кириб, у алоҳида олинган субъектларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини пул маблағлари билан таъминлашни амалга оширади.

Молия тизимининг марказлашмаган молия бўғиности молия тизимининг асоси ҳисобланади, чунки хўжалик субъектларининг молиясида, яъни асосан моддий ишлаб чиқариш соҳасида молия ресурсларининг асосий қисми шаклланади. Хўжалик субъектларининг молияси, молия тизимининг бўғини сифатида мамлакатдаги пул маблағлари жамғармаларининг манбаи ҳисобланган миллий даромад яратилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, марказлашмаган молия пул маблағларининг ҳолатидан мамлакатнинг молия ҳолати бевосита боғлиқдир. Чунки марказлашмаган молия бўғиностида яратилган миллий даромаднинг миқдори қанчалик кўп бўлса, марказлашган молия бўғиностига кўп маблағ тушиши амалга ошади.

Ўзбекистон Республикасида Молия тизими¹⁵.

¹⁵ Чизма муаллиф томонидан тузилган

Хўжалик субъектлари ўзининг фаолияти асосида ўзига хос гуруҳлардан, яъни саноат, савдо, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, транспорт ва бошқа соҳалардан ташкил топган. Ўз вақтида хўжалик субъектлари ўзларининг мулкчилик шаклига асосан гуруҳларга бўлиниб кетади, яъни давлат корхоналари, давлат унитар корхоналари, очиқ акциядорлик жамиятлари, ёпиқ акциядорлик жамиятлари, хорижий сармоя иштирокидаги кўшма корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар ва хусусий корхоналар молиясидан иборатдир. Агар биз хўжалик юритувчи субъектларнинг тармоқ соҳасига ва ташкил этилишининг мулкчилик шакли бўйича эмас, уларни фаолиятини тижорат асосида юритишига кўра асосида гуруҳларга бўлсак, бу ҳолатда:

- тижорат асосида фаолият юритаётган субъектларнинг молияси;
- нотижорат асосида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг молияси;
- жамоат (хомийлик асосида) субъектларнинг молиясига ажратишимиз мумкин.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида жуда кўп хўжалик субъектлари ўз фаолиятини тижорат асосида ташкил этадилар. Уларнинг моддий харажатлари, меҳнат жамоаларини ижтимоий ривожлантириш харажатларини қоплашнинг ягона манбаи фойда ҳисобланади. Бундай омиллар таъсирида давлат ваколатли органларининг асосий манфаати фойда кўриб фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектларини ривожлантиришга ёрдам бериш ҳисобланади. Ушбу хўжалик субъектларининг фаолияти натижасида миллий даромад яратилади. Улар ихтиёрида жуда катта пул маблағлари жамғармалари айланиши амалга оширилди. Натижада марказлашган молия бўғинлари керакли пул маблағлари (солиқлар, турли йиғимлар шаклида) билан таъминланади.

Молия тизимининг асосий бўғини, марказлашган молия ҳисобланади. Бунда моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлаш ҳамда қайта

тақсимлаш натижасида марказлашган пул маблағлари ресурслари шакллантирилади. Давлат ихтиёрида бундай марказлашган пул маблағлари ресурсларининг жамланиши энг аввало уни мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш фаолияти билан боғлиқдир. Марказлашган пул маблағлари ресурсларининг шакллари бюджет, бюджетдан ташқари ҳар хил жамғармалар ҳамда давлат кредити ҳисобланади.

Давлат бюджети бутун молия тизимининг асосий бўғини ҳисобланади. Давлат бюджети тўлиқ давлат мулкчилиги ҳисобланиб, у Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни ва «Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси» асосида ташкил этилади. Давлат бюджети ўзаро боғлиқ икки қисмдан, даромадлар ва харажатлардан иборат. Давлат бюджетининг даромадлар қисмида пул маблағларининг манбалари ҳамда уларнинг миқдорий таснифи кўрсатилади. Даромадлар таркибий тузилишида асосан солиқлар, турли йиғимлар, божхона божлари ва бошқа тушумлар акс эттирилади. Давлат бюджетининг харажатлар қисмида бюджет маблағларининг сарфланиши соҳаси ва уларнинг миқдорий таснифи берилди. Харажатлар таркибида иқтисодиётни ривожлантириш, ижтимоий-маданий тадбирлар, давлат органларини сақлаш ҳамда мудофаа харажатларини кўрсатишимиз мумкин. Давлат бюджети харажатлари таркибидаги у ёки бу соҳанинг улуши бу давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, аҳолининг моддий ҳаёти ҳолатига бевосита боғлиқдир.

Давлат бюджетининг таркибий тузилиши эса ҳар бир давлатнинг конституциявий тизимига боғлиқ. Федерал давлатларда (АҚШ, ГФР, Россия, Хиндистон, Швейцария ва бошқалар) уч бўғинли бюджет тизими ташкил этилган, унитар давлатларда (Япония, Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқалар) эса икки бўғинли бюджет тизими амал қилади.

Ҳар бир мамлакатда турли даражадаги бюджетлардан ташқари мақсадли жамғармалар ташкил этилади. Ушбу бюджетдан ташқари

жамғармалар солиқ тўловчиларининг мажбурий ажратмалар ҳисобидан ташкил этилади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан қуйидаги бюджетдан ташқари жамғармалар мавжуд:

- Республика йўл жамғармаси;
- Давлат бандлик жамғармаси;
- Республика пенсия жамғармаси;
- мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қўмитасининг махсус фонди.

Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар молия захираси ҳисобланади. Чунки уларнинг маблағлари фақатгина аниқ мақсадга сарфланади. Масалан, Республика пенсия жамғармасидан фақатгина пенсиялар тўлашга, ногиронлик нафақасига, боқувчисини йўқотгани учун нафақага, ижтимоий нафақалар тўлашга сарфланади. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромад қисми ҳам аниқ ажратмалар ҳисобига шакллантирилади. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил учун тасдиқланган бюджетда мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига нисбатан қуйидаги ажратмаларни тўлайдилар:

- Республика пенсия жамғармасига-24,2 %;
- Давлат бандлик жамғармасига-0,5 %;
- Ўзбекистон Республикаси касаба уюшма кенгашига-0,3 %.

Лекин шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида йилдан-йилга юридик шахслар ва аҳолидан олинadиган солиқлар ва йиғимларнинг ставкалари пасайтириб келинмоқда. Бунга мисол қилиб, 2000 йилда Республика пенсия жамғармасига ажратма ставкаси 37,3 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2006 йилда 25,0 % ни ташкил этди ва бошқаларни келтиришимиз мумкин.

Марказлашган молиянинг асосий қисми давлат кредити ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, кейинги вақтда давлат кредитининг аҳамияти ўсиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби ҳар бир алоҳида олинган давлатнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжи ҳисобланади. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мувозанатининг йўқлиги, бюджет тақчиллигининг мавжудлиги натижасида давлат катта миқдордаги пул маблағларига эҳтиёж сезади. Юзага чиққан салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида, ваколатли давлат органлари пул эмиссиясининг олдини олиш, инфляцияни зарур даражада ушлаб туриш мақсадида давлат кредитидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги муомалага давлат кредитининг шакли ҳисобланган давлат қисқа муддатли облигациялари (ДКМО) ва давлат ўрта муддатли ғазна мажбуриятлари (ДЎМХМ) чиқармоқда ва уларни фақатгина юридик шахслар ўртасида жойлаштиришни амалга ошириб келмоқда.

3.6. Молияни бошқаришнинг ҳозирги замон тизими

Молияни бошқариш тизими муҳим аҳамиятга эга бўлади, чунки у мамлакат иқтисодиётини бошқаришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирги даврда иқтисодиётнинг муваф-фақиятли ривожланиши оқилона йўлга қўйилган ва бошқарилиб турувчи молия тизими ҳамда фонд бозорисиз мумкин эмас. Молия тизими моддий ва маънавий неъматлар яратиладиган реал иқтисодиёт негизида фаолият кўрсатади. Ўз вақтида молия тизими бу реал иқтисодиётнинг фаолият кўрсатиш шарт-шароитларини белгилаб беради. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни таркибий қайта қуришда, моддий ва номоддий ресурсларни

тақсимлашда ҳамда пул оқимлари оқилона сарфланишида молия тизими муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда молия тизими реал иқтисодиётни ривожлантириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирлар, дастаклар ҳамда молия институтларининг барча бўғинлари фаолиятининг йиғиндисидан иборат. Шунинг учун жамиятни жамоат – сиёсий ҳаётида оқилона мувозанатни сақлаб туриш, уни ривожлантиришда, давлат органларининг барча бўғинлари ўртасида муносабатларни йўлга қўйишда молияни бошқариш жуда мураккаб ҳамда пухта ишлаб чиқилган молия тизимини талаб этади.

Мамлакатимизда молияни бошқариш энг аввало давлатимизнинг олий қонунчилик органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан молияни бошқариш олий қонунчилик органлари ҳисобланган Олий Мажлиснинг икки палатасига, яъни Сенат ва Қуйи Қонунчилик Палатасига юклатилган. Бундай бошқарув энг аввало давлат бюджетини кўриб чиқиш, уни тасдиқлаш ҳамда бюджет ижросини тасдиқлашда юзага чиқади. Олий Мажлис бундан ташқари солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрисидаги қонунларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Молияни бошқаришда олий қонунчилик органларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликка асосан Президент девони томонидан мамлакатдаги молия сиёсатини олиб бориш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда солиқлар бўйича имтиёзлар бериш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини қабул қилиш учун таклифлар киритади.

Молияни бошқаришда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб Палатаси муҳим ўринга эга. Ушбу органга асосан давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг ҳаракатини мақсадли назорат

қилиш юклатилган. Бундан ташқари қабул қилинган қонунларни молиявий нуқтаи назардан экспертиза қилишни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан мамлакатимизда молияни бошқаришда жуда катта ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юклатилган. Ушбу ваколатли орган томонидан давлат бюджетини ишлаб чиқиш, унинг ижросини назорат этиш ҳамда мамлакатимизда молия, пул, кредит ва фонд бозорида ягона сиёсат олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мамлакатдаги барча вазирликлар ва идораларнинг молия фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб туради.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган молияни бошқаришдаги умумий бошқарувдан ташқари уни аниқ амалга оширувчи тезкор(оператив бошқарув) молия аппарати мавжуд. Мамлакатимизда молияни бошқаришни жойларда ижро этувчи барча ташкилий тузилмаларнинг жамламаси молия аппаратини ташкил этади. Агар биз молияни бошқаришнинг умумий ва тезкор соҳаларини умумлаштирсак, у ҳолда молияни бошқариш тизимини шакллантириб уни қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин.

Молия тизимида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги муҳим ўринни эгаллайди. Бунинг асосий сабаби, Молия вазирлиги нафақат молия сиёсатини ишлаб чиқиб, уни амалга оширади, балки ўз вақтида давлат ижроия органлари томонидан бажарилишини бевосита назорат этади. Молияни бошқаришда Молия вазирлигига амалдаги қонунчиликка асосан қуйидаги вазифаларни бажариш юклатилган:

-манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда миллий иқтисодиётни ривожлантириш юзасидан қисқа ҳамда узоқ муддатли режа-тахминларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

-мамлакат олий ижроия органлари билан биргаликда давлатнинг марказлашган пул маблағлари ресурсларига бўлган эҳтиёжини аниқлайди

ва уни давлат ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

4-чизма

Ўзбекистон Республикасида молияни бошқариш тизими



Манба. Чизма муаллиф томонидан тайёрланган.

- давлат бюджетининг лойиҳасини тайёрлаш юзасидан ишни ташкил этади, маҳаллий бюджетлар учун умумдавлат солиқларидан ажратмалари меъёрлари лойиҳасини ишлаб чиқади, ажратиладиган субвенция ҳамда дотацияларнинг миқдорини белгилайди;

- давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ижросини таъминлайди;

- Давлат Солиқ Қўмитаси билан биргаликда солиқ тизими ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

- манфаатдор вазирликлар, идоралар ва компаниялар билан биргаликда нарх-наво сиёсатини (тарифлар, имтиёзлар) аниқлашда иштирок этади;

- Давлатнинг қисқа ҳамда узоқ муддатли облигацияларни муомалага чиқариш ва уларни жойлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

- миллий қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;


- мамлакатда суғурта фаолиятини такомиллаштириш юзасидан олиб бориладиган ишларда иштирок этади ва назорат қилади;

- Вазирлар Маҳкамасининг топшириғи ва ваколати бўйича халқаро молия ташкилотлари (Халқаро Валюта фонди, Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки ва бошқалар) билан ҳамкорликни амалга оширади;

- Ўзбекистон Республикасининг ташқи давлат қарздорлиги юзасидан дастурлар лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўзига юклатилган вазифаларни ўзининг таркибий бўғинлари орқали амалга оширади. Биз бу таркибий тузилишни қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг таркибий тузилиши.



Манба. Чизма муаллиф томонидан тайёрланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги бўғинлари ўз фаолиятини «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунига асосан ташкил этади ҳамда амалга оширади.

Мамлакат янги солиқ қонунининг қабул қилиниши натижасида давлат даромадларида солиқлар ва йиғимларнинг аҳамиятини оширишга таъсир кўрсатди. Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ва давлат бюджетига даромадлар тушумини ошириш мақсадида Молия вазирлиги таркибидан махсус ваколатга эга бўлган марказлашган солиқ органлари тизимини ташкил этишга катта эҳтиёж сезилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йил 14 июнда «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органлари тўғрисидаги низом»ни тасдиқлади. Ушбу низомга асосан Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 12

августда 217-сонли «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қонунчилик асосида солиқ органларининг мустақил давлат солиқ хизмати сифатидаги фаолияти бошланди. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг мақоми, унинг асосий вазифалари, функцияларининг доираси ва фаолиятининг кенгайтириши натижасида 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат бош солиқ бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасига айлантириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартда «Ўзбекистон республикаси Давлат солиқ қўмитасини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши масалалари тўғрисида»ги 114-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжатга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси мамлакатимизда солиқ ва божхона сиёсатини амалга ошириш ҳамда давлатнинг иқтисодий манфаатларини ва мулк ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш соҳасидаги давлатнинг ваколатли органи эканлиги белгилаб қўйилди.

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб бориши ва бу ўзгаришларга солиқ сиёсатини мослаштириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида 1997 йил 29 августда «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги 474-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 14-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжатларда мамлакатимиздаги давлат солиқ органларининг амалга оширадиган асосий функция ва вазифаларининг доираси кенгайтирилди ҳамда аниқлаштирилди.

Молияни бошқаришда Давлат Солиқ Қўмитасига амалдаги қонунчиликка асосан қуйидаги вазифаларни бажариш юклатилган:

-мамлакатда солиқ қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши, солиқлар тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш;

-солиқ қонун ҳужжатларига риоя этишда зарур шартларни таъминлаш, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш;

-мамлакатда солиқ сиёсатини амалга оширишда бевосита иштирок этиш;

-солиққа тортиш субъектлари ва объектларини тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олишни таъминлаш;

-солиққа доир ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф қилиш;

-назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишларнинг ҳаммасини мувофиқлаштириш;

-жисмоний ва юридик шахсларни, бюджетга солиқлар ва бошқа тўловларни тўловчиларни, юридик ва жисмоний шахсларнинг солиққа тортиш объектларини ҳисобга олишнинг тўлақонли базасини яратиш;

-ягона телекоммуникация тизимини яратиш;

-ташкилий ҳамда кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш ва кучайтириш;

-меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, солиқларни йиғиш ва мажбурий тарзда ундириш функцияларини бирлаштириш;

-белгиланган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ бюджетга тўловларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш;


-солиқ тизимининг унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш, салбий таъсир ва хатар даражасини пасайтириш;

-ўтказиладиган иқтисодий ислохотларнинг боришига хуфия иқтисодиётнинг роли ва таъсирини камайтириш.

Юқорида таъкидлаб ўтган вазифаларни Давлат Солиқ Қўмитаси қуйида келтирилган чизмада ўзининг таркибий бўғинлари орқали амалга оширади.

6-чизма

Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг таркибий тузилиши



Манба. Чизма муаллиф томонидан тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси» ва бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномаларига амал қилган ҳолда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг у ўзининг божхона чегарасига эга бўлди. Мустақил Ҳамдўстлик

Давлатлари ва узоқ хориж мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларнинг фаоллашуви, мамлакатлараро экспорт-импорт ҳажмининг ортишига олиб келди. Ушбу омиллар асосида божхона ишини ташкил этишни такомиллаштириш, ягона божхона сиёсатини ўтказиш, республика божхона органлари фаолиятининг тезкорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг мамлакат иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлашдаги ролини кучайтириш, шунингдек божхона иши соҳасида халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитасининг ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-1815-сонли фармони қабул қилинди. Ушбу фармонни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлда 374-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитаси ташкил этилди.

Юқорида таъкидланган қонунчиликка асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитасига мамлакатимиздаги божхона божларини ундириш мажбурияти юклатилган. Ушбу мажбуриятни амалга ошириш мақсадида Давлат Божхона Қўмитаси қуйидаги вазифаларни бажаради:

-мамлакатдаги божхона органлари томонидан солиқларнинг тўғри ва ўз муддатида ундириш юзасидан солиқ текширувларини ўтказиш;

-жойлардаги солиқ органлари томонидан солиқларни ҳисоблаш ва ундириш бўйича барча ҳужжатларни текширишдан ўтказиш;

-солиқ тўловларининг амалдаги солиқ ва божхона қонунчилигини бузганлиги ёки мажбуриятларини бажармаганлиги сабабли уларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича барча операцияларни тўхтатиб қўйиш;

-амалдаги солиқ ва божхона қонунчилигида кўзда тутилган солиқлар бўйича боқимандалар ҳамда жарималарни ундириш.

Умуман олинганда, божхона органлари Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан ўтадиган товарлар юзасидан амалдаги божхона солиқлари, валюта ҳамда божхона қонунчилигига амал қилиниши, божхона божларининг тўғри ҳисобланиши, ундирилишини назорат қилади.

Молияни бошқаришда ўзига хос ўринни хўжалик юритувчи субъектлардаги молия хизмати эгаллайди. Бундай бошқарувни олиб боришда давлатнинг ваколатли органлари иштирок этмайди ва бошқарувни манфаатдор томонлар олиб боради. Молия бошқарувини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- ички(корпоратив);
- акциядорлар бошқаруви;
- тижорат банклари томонидан;
- аудитор фирмалари томонидан олиб бориладиган бошқарувлардир.

1. Ички бошқарув. Бундай бошқарувни хўжалик юритувчи субъектларидаги ташкил этилган молия хизмати, молия бўлимлари, молия менежменти ва молия фаолиятига тааллуқли бошқа хизматлар олиб борадилар. Бундан фаолиятда ўзлик ва жалб этилган пул маблағлардан мақсадли ҳамда самарадорлик билан фойдаланишни назорат этиш, молиявий ҳолатни таҳлил этиш, давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар, тижорат банклари ва бошқа мижозлар олдидаги мажбуриятларни бажариш, дебиторлик-кредиторлик қарздорларни назорат қилиш ва бажариш амалга оширилади.

2. Хўжалик субъектларининг акциядорлари, асосан йирик акциядорлар кузатуви ўз сармояларини самардорлик билан фойдаланишини ҳамда шу асосда дивиденд олиш мақсадида молияни бошқаришда бевосита иштирок этади.

3. Тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларга кредит бериш ва унинг ўз муддатида қайтарилишида молиянинг мақсадли бошқарувида иштирок этадилар.

4. Аудитор фирмалари хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик-молия фаолиятини назорат қилиш вақтида ва шартнома асосида молия бошқарувида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишда иштирок этадилар.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги ижобий молиявий натижалар бу ерда молияни бошқаришда самарадор қоида ва услублардан фойдаланилаётганидан далолат беради. Бунинг акси, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги салбий молиявий натижалар (зарарлар) бу ерда молияни бошқаришда самарасиз услублардан фойдаланилаётганлигидан далолат беради ҳамда қатъий чора-тадбирлар кўрилишини талаб этади.

3.7. Молиявий бошқарувда молиявий назоратнинг моделлари, шакллари ва усуллари

Молиявий назорат молияни бошқариш жараёнининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, у молияни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ҳамда назорат функцияси билан бевосита боғлиқдир. Унинг моҳияти барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалдаги қонунчиликда белгиланган қонуний-ҳуқуқий меъёрларга амал қилишлик, бўлажак молиявий қонунбузарликларнинг олдини олиш ва мамлакат молия тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш билан изоҳланади. Чунки мамлакатда яратилаётган ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида юзага чиқадиган улкан пул оқимларининг мақсадли сарфланиши унинг устидан назоратни талаб этади. Ушбу назоратни амалга ошириш эса махсус ихтисослаштирилган ташкилотларни ва улардаги юқори малакали ҳамда тажрибали мутахассисларнинг жалб қилинишини талаб этади. Буларни

умумлаштирсак молиявий назорат тушунчаси юзага келади. Молиявий назорат -махсус ваколатга эга текширув ташкилотлари ва текширувчиларнинг (аудиторлар) иқтисодиётдаги барча хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини амалдаги молиявий қонунчилик ва молиявий интизомга риоя этилиши юзасидан турли шакл ҳамда усулларни қўллаш орқали олиб бориладиган фаолияти ҳисобланади.

Молиявий назорат унинг объектлари, субъектлари, ўтказиш муддатлари, ўтказиш регламентига асосан турли моделлар, шакллар ва усулларга бўлиниб кетади. Биз қуйида уларни ёритишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки ҳар қандай молиявий назоратнинг маҳсулдорлиги ва таъсирчанлиги унда аниқланган турли молиявий қонунбузарлик ҳолатларига нисбатан қўлланиладиган жазо чораларига боғлиқдир. Халқаро амалиётда молиявий назорат орқали қўлланиладиган жазо чоралар даражасига асосан икки модел шаклланган:

1. Молиявий назоратнинг англосаксон модели.
2. Молиявий назоратнинг француз модели.

Молиявий назоратнинг англосаксон модели қўлланиладиган мамлакатлардаги назорат органининг фаолиятида ўзи олиб борган молиявий назоратнинг яқунлари ҳамда унда аниқланган қонунбузарлик тўғрисида фақатгина ҳисобот тайёрлаш билан чекланган. Ушбу назоратда аниқланган молиявий қонунбузарликка йўл қўйилган шахсларга нисбатан қандай молиявий жазо қўлланилиши масаласи маъмурий ва суд органлари томонидан кўриб чиқилади. Бу органларнинг расмий жазо тўғрисидаги ҳукмигина жазонинг қўлланилишига асос бўлади.

Молиявий назоратнинг француз моделини қўллаётган мамлакатлардаги назорат органининг фаолиятида ўзи олиб борган молиявий назорат яқунларида аниқланган молиявий қонунбузарликка йўл қўйган шахсларнинг айбдорлик даражасини аниқлаш ҳамда улардан йўл қўйилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи берилган. Бу

мамлакатларда молиявий қонунбузарликка йўл қўйган шахсларга жазо қўллаш учун суд органларининг ҳукми керак эмас.

Молиявий назоратнинг олиб борилиши, муддатлари, регламенти, назорат объекти ва субъектига асосан қуйидаги асосий шаклларда таснифлаш мумкин:

1. Молиявий назоратнинг субъектига асосан—давлат ваколатли органлари, хўжалик субъекти ичидаги, тармоқ, жамоа ва аудиторлик назорати.

2. Молиявий назоратнинг объектига асосан—солиқ, кредит, валюта, божхона, бюджетдан ташқари фондлар ва суғурта.

3. Молиявий назорат ўтказилиши регламентига асосан—ички ва ташқи (мажбурий) назорат.

4. Молиявий назоратнинг ўтказилиш муддатига асосан—дастлабки, жорий ва даврий назорат.

Давлат молия назоратини умумдавлат бошқарув органлари ва тезкор молия бошқарув органлари (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитаси) томонидан амалдаги қонунчиликка асосан олиб борилади.

Хўжалик ичидаги молиявий назорат алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектнинг ичида ташкил қилинган молия хизмати, молия бўлими ёки бухгалтерия ходимлари томонидан олиб борилади.

Молиявий назоратнинг тармоқ назорати турли вазирликлар, компаниялар, ассоциациялар ва холдингларнинг таркибида ташкил этилган махсус молия тафтиш органлари томонидан олиб борилади.

Молиявий назоратнинг жамоа назорати акциядорлик жамиятларида акциядорлар орқали ташкил этилган махсус молия тафтиш органлари томонидан олиб борилади.

Молиявий назоратнинг мустақил, яъни аудиторлик назорати эса ўз фалоияти учун махсус лицензияга эга ҳамда малакали аудиторлари мавжуд аудиторлик фирмалари томонидан олиб борилади.

Молиявий назоратнинг объектини асосан амалдаги қонунчиликка асосан хўжалик субъектининг алоҳида олинган фаолият турини фақат ваколатли назорат органи назорат этади. Масалан, солиқ органлари солиқ қонунчилигига риоя этилишини, тижорат банклари берилган кредитлар бўйича олиб боради.

Молиявий назоратнинг ўтказилиш регламентига асосан ҳар бир хўжалик юритувчи субъект доимий равишда ички назоратни амалга оширади. Юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий фаолиятини ташқи (мажбурий) назоратининг ўтказилиши амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган. Масалан, юридик шахслар хўжалик-молия фаолиятининг йиллик яқунлари мажбурий тарзда аудитор фирмалари ва солиқ органлари томонидан назорат қилинади.

Дастлабки молиявий назорат хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг хўжалик молия фаолиятининг бошланишидан олдин олиб бориладиган назорат шаклидир. Бу назорат шакли юридик ва жисмоний шахслар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади, унда уларнинг молия режалари, касса режалари, сметаларни ишлаб чиқиш ва уни кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш жараёнини ўз таркибига олади. Дастлабки молиявий назорат орқали келажакда амалдаги бюджет-солиқ қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатларда келтирилган тартиб ва қоидалар бузилишининг олди олинишига хизмат қилади.

Жорий молиявий назорат хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик-молия фаолиятида молиявий операциялар ва пуллик битимлар тузилаётган вақтда амалга оширилади. Молиявий назоратнинг ушбу шакли маълум ҳисобот даври (масалан ҳар декада, ой, квартал) назорат қилинадиган жараён, муомала ва хатти-ҳаракат тугагандан сўнг унинг миқдор ва сифат

тавсифига мувофиқ бажариладиган назоратдан иборат. Жорий молиявий назорат учун маълумот манбаи режадаги тезкор-техник, статистика ва бухгалтерия ахбороти хизмат қилади. Жорий молиявий назорат хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик-молия фаолиятида молиявий интизом бузилишининг олдини олиш ҳамда пуллик битимларни ўз вақтида тузилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Даврий молиявий назорат-муайян ҳисобот даври учун тузилган режалар, сметалар, меъёрлар ва бухгалтерия ҳужжатлари, ишлаб чиқариш, ҳисоботларнинг маълумотлари, ҳисоб регистрлари, ҳисоботлар ҳамда бошқа манбалардаги маълумотлар асосидаги текширишдир. Амалдаги қонунчилик, шу жумладан солиқ тўғрисидаги қонунлардаги талабларга риоя этилаётганини, хўжалик муомалалари тўғри, ўз муддатида ва мақсадга мувофиқ олиб борилаётганлигини аниқлаш, назорат этилаётган объект (жисмоний, юридик ва мансабдор шахс) фаолиятидаги камчиликлар ва қонунбузарликларни очиб ташлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларини кўриш мазкур назорат шаклининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Молия назорати ўзининг амалга ошириш усуллари бўйича ҳам турли гуруҳларга ажратилади, улар қуйидагилардан ташкил топган:

1. Ҳужжатли ва камерал текшириш.
2. Ўрганиб чиқиш.
3. Назорат.
4. Молиявий ҳолатини таҳлил этиш.
5. Мониторинг (кузатиш).
6. Тафтиш.

Ҳужжатли ва камерал текшириш жараёнида алоҳида олинган хўжалик субъектларининг баланси, ҳисоботи ва харажат ҳужжатлари асосида маълум муддатдаги хўжалик-молия фаолиятининг алоҳида масалалари кўриб чиқилади. Ушбу текшириш жараёнида хўжалик

субъектининг хўжалик-молия фаолиятида молия интизомининг йўл қуйилган нуқсонлари аниқланади ҳамда бу нуқсонларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Молиявий назоратнинг ўрганиб чиқиш усули ҳужжатли ва намерал текшириш усулига нисбатан кенг масалаларни қамраб олади. Ушбу усулда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари, унинг иқтисодий потенциали кўрсаткичлари чуқур ўрганиб чиқилади ҳамда келажакда бўлажак ривожлантириш йўналишлари белгиланади.

Иқтисодиётда хўжалик юритувчи айрим субъектларнинг фаолиятини тартибга солиб туриш учун махсус лицензиялар талаб этилади. Бунга мисол қилиб, аудиторлик фаолияти учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, банк фаолияти учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг махсус лицензияларини келтириш мумкин. Махсус лицензия олган хўжалик субъектлари учун ўрнатилган тартиб-қоида ҳамда меъёрларга амал қилиниши ушбу лицензия берган органлар томонидан назорат қилинади. Шунини таъкидлаш лозимки, ўрнатилган тартиб-қоидалар ва меъёрларга амал қилмаган хўжалик субъектларининг махсус лицензияси қайтариб олинади ва у фаолиятини тўхтатиши шарт.

Молиявий ҳолатни таҳлил этиш молия назоратининг энг кенг тарқалган ҳамда устувор усулидан бири ҳисобланади. Ушбу усулда хўжалик юритувчи субъектнинг даврий ва йиллик молиявий ҳисоботлари чуқур ўрганиб чиқилади. Бундан асосий мақсад хўжалик-молия фаолиятининг натижаларига умумий баҳо бериш, ўз капитали билан таъминланганлик даражаси ҳамда ундан омилкорлик ва самарадорлик билан фойдаланиш йўналишлари белгиланади. Бу эса келажакда харажатларни имкони борича камайтириш ва фойдани кўпайтиришга хизмат қилади.

Мониторинг (кузатув) усули кредиторлар, асосан тижорат банклари томонидан қўлланилади. Тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларга берилган кредитларни ўз муддатида ва фоизи билан қайтарилиши мақсадида кредитни мақсадга мувофиқ ишлатилиши устидан доимий назорат-мониторинг олиб борадилар. Мониторинг жараёнида хўжалик юритувчи субъект томонидан олинаётган кредитдан самарасиз фойдаланиши аниқланган ҳолатда кредит шартномасидаги шартлар ўзгартирилиши ёки кредитни муддатидан олдин қайтарилиш талаби қўйилиши мумкин.

Тафтиш молия назоратининг энг чуқур ва кенг қамровли усули ҳисобланади. Ушбу усулда хўжалик юритувчи субъект хўжалик-молия фаолиятининг амалдаги қонунчиликка мослиги, мақсадлилиги, тўғрилиги ва самарадорлиги йўналишлари комплекс равишда тўлиқ ўрганиб чиқилади. Шунини таъкидлаш лозимки, тафтиш бу жуда масъулиятли ва мураккаб молия назорати ҳисобланади. Шунинг учун амалиётда тафтишни ўтказиш учун махсус тайёргарлик кўрилади ва у олдиндан ишлаб чиқилган махсус дастур асосида амалга оширилади. Дастурда ўтказиладиган тафтишнинг мақсади, тафтиш объекти ва кўриладиган асосий масалаларнинг рўйхати акс эттирилади. Ўтказиладиган тафтиш мақсадига кўра тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган, режа асосида ва режадан ташқари, мавзули ва комплекс бўлиши мумкин.

Амалга оширилган тафтиш яқунлангандан сўнг унинг натижалари асосида далолатнома тузилиб у расмийлаштирилади. Далолатномада хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик-молия фаолиятидаги аниқланган камчиликлар, амалдаги қонунчиликда белгиланган молия интизоми бузилганлиги учун қўлланиладиган жазолар, юзага келган камчиликларни баргараф этиш чора-тадбирлари кўрсатилади. Расмийлаштирилган далолатнома асосида хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти ўзларини ваколатлари доирасида зарур қарорларни қабул қиладилар.

3.8. Давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти

Дунёнинг ҳар бир давлатида, у қандай сиёсий тизимга асосланган бўлмасин, турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти натижасида ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад яратилади. Жамиятнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган миллий даромад кейинги босқичларда доимий равишда тақсимланиш ва қайта тақсимланиш жараёнидан ўтади. Худди шу яратилган миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ҳамда унинг мақсадли сарфланишида жуда муҳим ўринни давлат бюджети эгаллайди. Миллий даромаднинг қайта тақсимланиши жараёни натижасида унинг маълум қисми пул шаклида давлат бюджетига келиб тушади ва марказлашган молия маблағларининг фоизини ташкил этади.

Иқтисодий адабиётда давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятига, уни иқтисодиётнинг ривожланишидаги ўрни юзасидан жуда кўплаб иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазалари мавжуд. Россиялик иқтисодчи олим, иқтисод фанлар доктори, профессор Погосов И.А.нинг фикри- «давлат бюджети мамлакатнинг асосий молия режаси ҳисобланади ва ҳар қандай давлатнинг фаолият юритиши учун мажбурий шартлар асосида марказлашган пул маблағлари жамғармаларининг ташкил этиш, тақсимлаш ва уни сарфлашни таъминлашдан иборатдир».¹⁶ Россиялик етакчи иқтисодчи олим, иқтисод фанлари доктори, академик Поляк Г.Б. нинг фикрича «давлат бюджети – давлатга юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга оширишнинг молиявий таъминлашга мўлжалланган пул маблағлари фондларини ташкил этилиш ва сарфланиши шаклини ифода этади».¹⁷

¹⁶ Сенчагов В.К. Финансы, денежное обращение и кредит - М.: Проспект, 2004.

¹⁷ Поляк Г.Б. и др. Финансы. Денежное обращение. Кредит.-М.: ЮНИТИ, 2004.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Жумаев Н.С. ва Бурхонов У.А.ларнинг фикрича «Давлат бюджети–умумжамият харажатларини молиялаштириш мақсадида тузиладиган, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи олий органи томонидан тасдиқланадиган давлатнинг марказлаштирилган пул фондларидир»¹⁸

Ўзбекистон Республикасида 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 158-П сонли «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунга асосан, «Давлат бюджети – давлат пул малағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг), марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадларнинг манбалари ва улардан тушумларнинг миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратилган маблағлар сарфининг йўналишлари ва миқдорини назарда тутди».

Ҳар бир давлатнинг молия тизимида давлат бюджети етакчи ўринни эгаллайди. Бюджет ўзида молия маблағларининг умумдавлат жамғармаларини шакллантирилиш ва ишлатилиши билан боғлиқ бир томондан ваколатли давлат ҳамда иккинчи томондан хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли ўртасидаги тақсимлаш муносабатларининг асосий қисмини ифодалайди.

Давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ҳар қандай жамият тарихий ривожланишининг маълум босқичида давлат бажарадиган вазифалар ва функцияларга бевосита боғлиқдир. Бюджетнинг шаклланиши эса бевосита мамлакатдаги миллий даромаднинг ривожланганлик ҳамда уни қайта тақсимла-ниш даражасига боғлиқдир. Мамлакатда яратилган миллий даромаднинг қайта тақсимлашнинг асосий молия услублари қуйидагилардан иборат:

1. Турли пул жамғармаларининг (фойда, даромад, акциз солиқлари, қўшилган қиймат солиғи, бюджетдан ташқари жамғарма тўловлар) ташкил топиши ва уларнинг сарфланиши;

¹⁸ Жумаев Н., Бурханов У. Молиянинг долзарб муаммолари–Т.: Янги аср авлоди. 2003.

2. Солиқлар ва солиққа тортишни ташкил этиш;
3. Миллий иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш;
4. Умумжамият истеъмол жамғармалари, суғурта ва захира жамғармаларининг ташкил топиши ва уларнинг сарфланиши.

Биз юқорида қайд этган жараёнларнинг барчасида давлат бюджетининг аҳамияти ва ўрни каттадир. Давлат бюджети орқали марказий ва маҳаллий давлат бошқарув органлари бошқарув аппаратини сақлаб туриш, ижтимоий-маданий чора-тадбирларни амалга ошириш, иқтисодий ривожлантириш юзасидан вазифаларни бажариш учун зарур бўлган молиявий маблағлар билан ўз муддатларида таъминлайдилар.

Давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятига асосан уни маълум иқтисодий моҳиятига асосан уни маълум иқтисодий муносабатларини ўзида ифода этадиган иқтисодий категория сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Давлат бюджети орқали ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун бевосита молиявий маблағлар билан таъминлашнинг дастаги сифатида фойдаланиш билан бир вақтда мамлакатда иқтисодий ҳамда ижтимоий сиёсатни амалга оширишда ҳам муҳим дастак сифатида фойдаланилади.

Бюджет муносабатлари иқтисодий категория сифатида мамлакатдаги молия муносабатларининг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, ушбу омилга асосан давлат бюджети молиянинг асосий функцияларига ўхшаш қуйидаги функцияларни бажаради:

- мамлакатдаги миллий даромадни қайта тақсимлаш;
 - миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиб туриш ва рағбатлантириш;
 - мамлакатда ижтимоий соҳани молиявий таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш;
-

- мамлакатда марказлашган пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш ва унинг сарфланиши устидан назорат олиб бориш.

Давлат бюджетининг миллий даромадини қайта тақсимлаш функцияси марказлашган пул маблағлари жамғармаларини марказий ва маҳаллий давлат бошқарув органлари даражаси меъёрида ташкил топиши ва уларнинг сарфланишида намоён бўлади. Шунини таъкидлаш лозимки, дунё иқтисодиёти ривожланган мамлакатларида (АҚШ, Германия, Франция, Япония ва бошқалар) турли даражадаги бюджетлар орқали миллий даромаднинг 30 % -50 % қайта тақсимланиши амалга оширилади. Ҳар бир мамлакатда марказий ҳукумат давлат бюджети ёрдамида миллий иқтисодиётнинг фаолиятини, иқтисодий муносабатларни тартибга солиб туради ҳамда иқтисодиётнинг айрим тармоқларини, ҳудудларни ривожлантириш мақсадида бюджет маблағларини йўналтиради. Иқтисодий муносабатларни ушбу тартибда ушлаб туриш орқали давлат мақсадли равишда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ёки секинлаштириш, капиталлар ва хусусий жамғармаларнинг ўсишига ҳамда таклиф ва талаб таркибини тубдан ўзгартиришга эришиши мумкин.

Мамлакатда миллий даромаднинг давлат бюджети орқали қайта тақсимлаш жараёни бир вақтнинг ўзида амалга ошадиган ва узлуксиз фаолият кўрсатадиган икки ўзаро узвий боғлиқ жараёнларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- а) давлат бюджетининг даромадларини ташкил этиш;
- б) давлат бюджетининг харажатларини амалга ошириш.

Мамлакатда давлат бюджети даромадларининг ташкил топиши ва бюджет маблағларининг сарфланиши жараёнларида миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиб туриш ва рағбатлантириш функцияси амалга оширилади.

Давлат бюджетининг даромадлари – бир томонда ваколатли давлат органлари ва иккинчи томондан турли мулкчилик шаклида хўжалик

юритувчи субъектлар ҳамда мамлакат аҳолиси ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида давлат бюджетининг даромадлари – марказий ва маҳаллий давлат бошқарув органларининг ихтиёрига келиб тушадиган пул маблағлари ҳисобланади. Давлат бюджети даромадларининг шаклланиши жараёнларида мамлакатда яратилган миллий даромаднинг маълум қисми мажбурий тарзда давлат фойдасига ундирилади, натижада давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда мамлакат аҳолиси ўртасида молиявий муносабатлар вужудга келади.

Давлат бюджети мамлакатда фаолият юритаётган турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдасини тақсимлашда фаол иштирок этади. Шунини таъкидлаш лозимки, хўжалик субъектларининг фойдасидан давлат бюджетига ундирилиш шакли, ҳажми ҳамда корхоналар фаолиятининг натижаларига моддий манфаатлари ўртасида маълум ўзаро боғлиқлик мавжуд. Фойдадан давлат бюджетига ундириладиган шаклнинг ривожланганлиги ва ҳажмига асосан хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш захираларидан оқилона фойдаланиши, рентабеллик даражасининг ошиши ҳамда энг асосийси фойданинг кўпайиши амалга ошади.

Давлат бюджети харажатлари – бир томондан давлатнинг ваколатли органлари ва иккинчи томондан ташкилотлар, муассасалар ҳамда мамлакат аҳолиси ўртасидаги мамлакатдаги марказлашган пул маблағлари жамғармаларининг ишлатилиши жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларнинг йиғиндисидир. Мамлакатнинг Марказий ҳукумати давлат бюджети орқали унда молиявий маблағларини марказлашган тарзда шакллантириш ва у орқали умумдавлат эҳтиёжлари ҳисобланган – миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларини жадал суръатлар билан ривожлантириш, малакали ишчи кучларини вужудга келтириш, илм-фанни ривожлантириш, ижтимоий-маданий чора-тадбирларни амалга ошириш

ҳамда мамлакат муҳофаа қудратини сақлаб туришни пул маблағлари билан етарли миқдорда ҳамда белгиланган муддатларда таъминлаб туради.

Мамлакатда давлат бюджети орқали яратилган миллий даромаднинг ҳудудлар бўйича, шу жумладан жамиятнинг моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳалари бўйича қайта тақсимланиши амалга оширилади. Бунинг натижасида давлат бюджети ҳисобидан сақлаб туриш ва муҳофаа эҳтиёжларини пул маблағлари билан молиялаштириш мақсадида жамғармалар ташкил этилади. Давлат бюджети орқали моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида уларнинг оқилона ва самарали ривожланиши мақсадида бюджет молиялаштириши ёрдамида молия маблағларининг қайта тақсимланиши амалга оширилади.

Мамлакатда яратилган миллий даромадни қайта тақсимлашда асосий қурол ҳисобланган давлат бюджети ёрдамида Марказий ҳукумат иқтисодиётнинг устувор тармоқларига ва иқтисодий ҳудудларга молиявий маблағларни йўналтиради, бундан ташқари давлат бюджети ёрдамида ҳудудлараро ва тармоқлараро миллий даромаднинг қайта тақсимланиши амалга оширилади. Бу билан эса, мамлакатнинг иқтисодий ривожлантиришдаги манфаатлари ва ҳудудларнинг тамойилларига риоя этилади.

Мамлакатда давлат бюджети орқали янги техника ва технологияларни вужудга келтириш ҳамда фанни ривожлантириш йўналишларида фаолият кўрсатаётган илмий-тадқиқот муассасаларини молиялаштириш амалга оширилади. Мамлакатнинг Марказий Ҳукумати давлат бюджети орқали илм-фаннинг энг замонавий ва устувор тармоқларини молиялаштириш ҳисобига миллий малакали ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришни таъминлайди. Ушбу ҳолат эса давлат иқтисодий ҳаётини муқобиллаштириш, иқтисодиётнинг барча тармоқлари ўртасида пул ва моддий ресурсларни оқилона жойлаштириш, шу асосда

техник тараққиётни ривожлантиришга ҳамда мамлакат иқтисодий қудратини оширишга имконият яратади.

Мамлакат ҳудудларида иқтисодий ва маданий қурилишда катта ўринни бюджет маблағлари орқали тартибга солиб туриш асосида жуда кенг маънода маблағларни ҳудудлараро тақсимлаш, маҳаллий давлат бошқарув органларининг молиявий асоси ҳисобланган маҳаллий бюджетларни керакли даромадлар манбаи билан таъминлаш амалга оширилади.

Ривожланган хорижий мамлакатларда давлат бюджети ёрдамида жалб этилган маблағ умумжамият истеъмол жамғармаларини (умумжамият истеъмол жамғармалари умумий суммасининг 85 % гача) ташкил этиш ва уларнинг сарфланишида биринчи навбатдаги аҳамиятга эгадир.

Давлат бюджети мамлакатда марказлашган пул фондларини ташкил этиш ва унинг сарфланиши устидан назорат функциясини бажаради. Бу функцияни бажаришда давлат бюджетига бюджет маблағларининг келиб тушиши ҳамда уларнинг мақсадли сарфланиши устидан давлат ваколатли органларининг имкониятлари ва мажбуриятлари асосий ўринни эгаллайди.

Хулоса қилиб айтганда, давлат бюджети ҳар бир мамлакатнинг асосий молия режаси ҳисобланади ва у марказий ҳамда маҳаллий давлат бошқарув органларига бошқарув ваколатларини амалга оширишлари учун ҳақиқий иқтисодий имконият яратиб беради. Давлат бюджети ўзида давлат фаолияти учун керакли бўлган молия ресурсларининг ҳажмини ифода этади ва шу орқали мамлакатда олиб бориладиган солиқ сиёсатини белгилаб беради. Давлат бюджети орқали ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг қайта тақсимланиши, бюджет маблағларининг аниқ мақсадларга сарфланиши қайд этилади ва бунинг натижасида мамлакатдаги иқтисодий ҳамда ижтимоий жараёнларнинг тартибга солувчиси сифатида майдонга чиқади.

3.9. Бюджет тузилмаси ва бюджет тизими

Бюджет тузилмаси ўз моҳиятига асосан – давлат бюджети ва мамлакат бюджет тизимини ташкил этиш, бюджет тизимига кирувчи алоҳида бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, турли даражадаги бюджетларнинг фаолият кўрсатишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, бюджетларнинг тузилиши ва таркиби, бюджетларнинг даромадларини шакллантириш ҳамда бюджет маблағларининг сарфланиши жараёнларини ўзида акс эттиради.

Ҳар бир давлатда давлат бюджети тузилмасининг асоси, ушбу давлатнинг сиёсий тизими, ундаги асосий қонунчилик ҳужжатлари ва жамиятнинг қайта ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий жараёнларидаги давлат бюджетининг эгаллаган мавқеи ҳисобланади. Бюджет тузилмасининг асосий таркибий қисми бюджет тизими ҳисобланади.

Бюджет тизими – турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди. Ўз вақтида бюджет тизими давлатнинг молия тизимининг энг асосий бўғини ҳисобланади.

Ҳар бир мамлакатда бюджет тизимининг ташкил топиши энг аввало давлатнинг сиёсий тизими ва унинг маъмурий-ҳудудий тузилмасига бевосита боғлиқдир. Халқаро амалиётда ҳукумат бошқарув ваколатларининг марказий ҳукумат ҳамда маъмурий-ҳудудий бўлимлари ўртасида тақсимланиши асосида барча давлатлар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- унитар тизимдаги давлатлар;
- федератив (иттифок) тизимдаги давлатлар;
- конфедератив тизимдаги давлатлар.

Юқорида қайд этилган барча тизимдаги давлатларнинг моҳиятини кўриб чиқамиз.

Унитар (ягона) тизимдаги давлат – давлатнинг сиёсий тизимида маъмурий – ҳудудий бўлинмаларидан ҳеч бири мустақил давлатчилик ёки автономия ҳуқуқига эга бўлмаган давлат тизими ҳисобланади. Бундай давлатларда ягона Конституция амал қилади, барча тизим учун умумий ҳуқуқлар, ягона давлат бошқарув органи мавжуд ҳамда мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни марказлашган тартибда бошқарув амалга оширилади. Унитар тизимдаги давлатда бюджет тизими икки бўғиндан, яъни марказий ва маҳаллий бюджетлардан ташкил топади. Дунёнинг унитар давлатлари қаторига Япония, Чехия, Польша, Бельгия, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва бошқа давлатларни киритиш мумкин.

Федератив тизимдаги давлат – давлат тизимида баъзи маъмурий-ҳудудий бўлинмалар ўзларининг мустақил давлатчилигига эга ва улар давлат бошқарувида марказий Ҳукумат ўртасида ваколатларнинг бўлинишида бир қатор сиёсий мустақилликка эга бўлган давлатлардир. Федератив тизимдаги давлатларда бюджет тизими уч бўғиндан, яъни федерал бюджет, федерация аъзоларининг бюджетлари ва маҳаллий бюджетлардан иборат бўлади. Дунёнинг федератив тизимидаги давлатлар қаторига АҚШ (штатлар ва муниципалитетлар), Германия (ерлар), Россия (республикалар ва ўлкалар), Ҳиндистон (штатлар) ва бошқаларни киритиш мумкин.

Конфедератив тизимдаги давлат – ягона иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий мақсадларга эришиш учун мустақил давлатларнинг доимий иттифоқига асосланган давлат ҳисобланади. Ушбу давлатда бюджет тизими конфедеренцияга кирувчи аъзо давлатларнинг бюджетларидан ташкил топади. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда дунёда конфедератив тизимдаги давлатлар жуда кам учрайди. Бунга ёрқин мисол

қилиб Швейцарияни келтиришимиз мумкин. Швейцария давлат тизими унинг бўлинмалари ҳисобланган кантонлардан иборат бўлиб давлат бюджети эса конфедерацияга аъзо бўлган кантонларнинг бадал ажратмалари ҳисобига ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий тузилмасига асосан унитар давлат ҳисобланади. Унда ягона Конституция амал қилади ва барча учун бир хил қонунлар мавжуд. Мамлакатимизда бюджет тизими ташкил топишининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни ташкил этади. Ушбу қонунчиликка асосан республикамизнинг бюджет тизими икки бўғиндан иборат:

1. Республика бюджети.
2. Маҳаллий бюджетлар.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги давр бюджет тизимини қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин. Бунда биз Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимини «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунига асосан ва унда кўзда тутилган моддаларнинг таснифи бўйича чизмани тайёрладик ва уни таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Қуйидаги чизма маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан ташқари бир неча бюджетдан ташқари жамғармаларни: республика йўл жамғармасини, давлат бандлик жамғармасини, республика пенсия жамғармасини ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк Қўмитасининг махсус фондини ўз таркибида бирлаштиради. Бюджет тизими тўғрисидаги қонунга асосан маҳаллий бюджетларга Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Тошкент шаҳар ва вилоятларнинг бюджетлари киради. Вилоятлар бюджети ўз таркибига вилоят бюджети, туманлар бюджети ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларнинг бюджетини олади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг тизими



Манба. Чизма муаллиф томонидан тайёрланди.

«Бюджет тизимидаги» Қонунга асосан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларнинг бюджети ўз таркибига вилоят бюджети, туманлар бюджетлари ва улар ҳудудида жойлашган йирик sanoat марказлари ҳамда республика аҳамиятига эга шаҳарларнинг бюджетларини ўз ичига олади.

3.10. Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари

Давлат ўзига юклатилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни бажариш учун доимий равишда пул маблағларига эҳтиёж сезади. Худди шу эҳтиёж давлат бюджетининг даромадлари ҳисобидан қондирилади. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунга асосан давлат бюджети даромадлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шаклланади:

1. Солиқлар, йиғимлар, божлар ва қонунчиликда ўрнатилган бошқа мажбурий тўловлар.

2. Давлатнинг молия ва бошқа активларининг жойлаштириши, фойдаланишга берилиши ва сотишдан келган даромадлар.

3. Амалдаги қонунчиликка асосан мерос, совға қилиш ҳукуқи асосида давлат мулкчилигига ўтган мулкчиликдан пул тушумлари.

4. Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий давлатлар, томонидан беғараз бериладиган тарздаги пул тушумлари.

5. Резидент- юридик шахслар ва хорижий давлатларга берилган бюджет ссудалари ҳисобидан тушумлар.

6. Қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа даромадлар.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини солиқлар ташкил этади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахслардан қуйидаги солиқлар ундирилмоқда:

-даромад (фойда) солиғи – ставкаси 12 %;

-микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ - ставкаси 7 %;

-жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ-амалдаги фоиз ставкаларига асосан ундирилади;

-қўшилган қиймат солиғи – ставкаси 20 %;

-акциз солиғи – акциз солинадиган маҳсулотлар бўйича дифференциал ставкаларда;

-сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ер солиғи;
- мол-мулк солиғи;
- ижтимоий инфратузилмани ривожлантирганлик учун солиқ;
- махаллий солиқлар ва йиғимлар.

Биз қуйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадларининг таркибида билвосита солиқларнинг (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи) улуши юқори бўлиб, 2005 йилда давлат бюджетининг даромадларида уларнинг улуши 13,9 % ни ташкил этган. Бевосита солиқларнинг эгаллаган улуши 8,0 % ни, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи 5,3 % ни, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 0,6 % ни ва бошқа солиқлар 1,3 % ни ташкил этган.

1- жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлар таркиби
(ЯИМга нисбатан фоизларда)

Т.Р	Кўрсаткичлар	2000 й.	2001 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
1	Даромадларнинг жами шу жумладан:	28,5	26,0	22,5	22,6	20,7	21,8
2	бевосита солиқлар	7,5	7,4	6,4	6,5	6,0	6,2
3	билвосита солиқлар	16,0	13,5	12,6	10,5	9,7	10,3
4	ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	2,8	2,4	2,6	4,5	3,5	3,5
5	ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	0,3	0,3	0,5	0,4	1,4	0,7
6	бошқа солиқлар ва йиғимлар	1,9	2,4	0,9	1,1	1,4	1,7

Манба. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунга асосан давлат бюджетининг харажатларига қуйидагилар киради:

1. Бюджет маблағларини олувчилар учун жорий харажатлар;
2. Жорий бюджет трансфертлари;
3. Капитал харажатлар. Ушбуга қуйидагилар киради:
 - давлат эҳтиёжлари учун хорижда ер ва бошқа мол-мулкни сотиб олиш;
 - давлат эҳтиёжлари учун ерга ва бошқа номоддий активларга ҳуқуқларни сотиб олиш;
 - давлат заҳираларини ташкил этиш.
4. Юридик шахслар учун капитал мақсадидан харажатларни қоплашга йўналтирилган бюджет трансфертлари:
 - резидент-юридик шахслар ва хорижий давлатларга бюджет ссудалари;
 - бюджет дотациялари ва давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари;
 - амалдаги қонунчиликда ман этилмаган бошқа харажатлар.

Биз Ўзбекистон Республикасида 2008 йилдаги давлат бюджети харажатларининг таркибида ижтимоий соҳа (таълим, фан, маданият, спорт) харажатлари асосий ўринни эгаллаб турибди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг улуши эса 2,2 % ни ташкил этмоқда. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш харажатларининг улуши 3,4 % ни ташкил этмоқда ва марказлашган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари улуши 3,7 % ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари таркиби
(ЯИМга нисбатан фоизда)

Т.Р.	Кўрсаткичлар	2000й.	2001й.	2004й.	2005й.	2006й.	2007й.
1.	Харажатлар жами Шу жумладан:	29,5	27,0	25,8	24,6	24,6	26,2
2.	ижтимоий соҳа	10,4	10,2	9,8	9,3	9,3	9,2
3.	ижтимоий ҳимоя	2,3	2,1	2,0	2,1	1,8	2,2
4.	иқтисодиётни ривожлантириш харажатлари	3,0	2,3	2,3	3,0	3,1	3,4
5.	марказлашган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари	6,0	5,0	4,7	3,3	2,7	3,7
6.	Давлат бошқарув органлари, бошқарув ва суд органларини сақлаш харажатлари	0,6	0,6	0,5	0,5	0,5	0,5
6.	бошқа харажатлар	7,2	6,8	6,5	6,4	5,6	6,1

*Манба. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида тайёрланди.

Амалдаги қонунчиликка асосан, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўйилмайди, шунинг учун давлат бюджети учун бюджет тақчиллиги кўзда тутилади. Масалан, мамлакатимизда 2005 йил учун давлат бюджети тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,0 % қилиб белгиланган эди. Ўзбекистонда олиб борилган оқилона бюджет-солиқ сиёсати натижасида 2005 йилда давлат бюджети

ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 % профицид (даромадларнинг харажатлардан кўплиги) билан бажарилди, бюджетнинг даромад қисми эса

прогноз кўрсаткичларидан 39 % зиёд бўлди. Биз қуйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2000-2005 йиллардаги ижро даражасини кўришимиз мумкин.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси
(ЯИМга нисбатан фоизларда)

№	Кўрсаткичлар	2000й.	2001й.	2002й.	2003й.	2004й.	2005й.
1.	Бюджет тақчиллиги	- 1,0	- 1,0	- 0,8	- 0,4	- 0,4	-
2.	Бюджет профицити	-	-	-	-	-	+0,1

*Манба. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида тайёрланди.

Юқоридаги жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда давлат бюджетининг тақчиллиги 2005 йилгача доимий равишда сақланиб келинган. Агар 2000 йилда давлат бюджетининг тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,0 % миқдорида ташкил топган бўлса, ушбу кўрсаткич 2004 йилда 0,4 % миқдорини ташкил этди. Фақатгина, мамлакатимиз иқтисодиётида ижобий ўзгаришлар, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7,0 % ни ташкил этиши, шу жумладан саноат ишлаб чиқариши 7,3 % га, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш эса 6,2 % га ўсиши натижасида, ҳамда инфляция даражаси 7,8 % ни ташкил қилиши туфайли 2005 йилда давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 % профицит билан бажарилди.

2006 йилда Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни либерализация ва модернизация қилиш, хўжалик юритувчи субъектлардан солиқ юкини камайтириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш йўналишида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу ҳолат эса, мамлакатимизда давлат бюджетининг даромадлари кўпайишига

ҳамда солиқ тўловчилар сони ортишига ижобий таъсир кўрсатади деб ҳисоблаймиз.

3.11. Солиқ тушунчаси ва унинг объектив зарурлиги.

Инсонлардан солиқлар ундириш, бизнинг фикримизча асримиз каби узоқ ўтмишга эгадир. У ёки бу шаклларда солиқлар тўғрисидаги тушунчанинг пайдо бўлиши эрамыздан аввалги биринчи минг йилликка бориб тақалади, яъни қулдорлик тузумидан бошлаб мавжуддир. Ўтмишнинг классик давлатлари ҳисобланган Рим, Афина ва Спартада, одатда солиқлар ундирилмаган ва уларни ундирувчи доимий муассаса бўлмаган. Озод фуқоролар ўз шахсий маблағларини сарфлаганлар. Лекин шунини таъкидлаш лозим-ки, у давлатларда бозорларда, шаҳар дарвозаси олдида ва портларда барчадан турли йиғимлар ва божлар ундириш мавжуд бўлган.

Солиқларнинг юзага келишини одатда давлатнинг пайдо бўлиши: давлат органларининг ташкил этилиши, давлат аппаратига жамиятни бошқариш бўйича ижтимоий-сиёсий вазифаларни юкланиши, давлат харажатларини ортиши ва марказлашган молиявий ресурсларни шаклланиши каби омиллар билан изоҳланади. Давлат ўзига юклатилган ижтимоий-сиёсий вазифаларни бажариш учун маълум харажатларга эҳтиёж сезади. Ушбу эҳтиёжни қондиришда эса солиқлар асосий ўринни эгаллаган.

Солиқ моҳияти ҳамда солиқ тушунчасини очишда, бизнинг фикримизча энг аввало асосий икки аспект муҳим аҳамиятга эгадир. Улардан биринчиси бўлиб, солиқ бу – объектив иқтисодий категория ҳисобланади ва солиқ ўзининг ички (объектив томондан) моҳиятига эга. Иккинчиси бўлиб, солиқларни ҳақиқий иқтисодий ҳаётда фойдаланиш жараёнида унинг ички моҳиятининг аниқ ҳуқуқий шаклларда юзага чиқишидир. Биз таъкидлаб ўтган бу икки аспект ўзаро боғлиқ ва бир-

бирини тўлдириб туради, ҳаётда улар ягоналикда қўлланилади. Лекин ушбу аспектлар ўртасидаги тафовутларни ажрата билиш лозим.

Солиқлар объектив иқтисодий категория сифатида солиқларнинг асосий моҳиятларини ўзида акс эттирувчи асосий тушунчадир. Асосий категория сифатида у ўзида объектив иқтисодий муносабатлар йиғиндисининг ҳосиласи ҳисобланади. Солиқларнинг объектив томонидан аниқ иқтисодий ҳаёт ҳолатига боғлиқлиги эмас, балки ушбу категорияни вужудга келтирган омиллар билан аниқланади.

Солиқларнинг субъектив томонидан, яъни уларнинг аниқ шакиллари, ставкалари ва бошқалар, солиқларнинг амал қилишининг ташқи томонидан кўриниши билан аниқланади. Бу ерда жуда муҳим аҳамиятга эга омиллар мавжуд. Ушбу омилларга қуйидагилар киради: давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси; маълум давлатдаги солиқ тизимидаги миллий анъаналар; жамиятни маълум вақт доирасида ҳал этиладиган вазифалар мақсади ҳамда кенглиги ва бошқалар. Демак, солиқларнинг субъектив томонидан кўриниши унинг ҳақиқатда қўлланилиши жараёнида юзага чиқади.

Давлатнинг ривожланиши, унга юклатилган вазифаларни доирасини кенгайтириши натижасида солиқларнинг аҳамияти ошиб борди. Давлат ўз фаолиятида энди нафақат солиқлар ва улар билан бир қаторда турли йиғимлардан ҳам фойдалана бошлади. Биз солиқлар ва йиғимлар тушунчасига таъриф бериб, улар ўртасидаги фарқни ёритишга ҳаракат қиламиз.

Солиқ дейилганда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслардан уларга мулкчилик, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарув ҳуқуқида тегишли бўлган пул маблағларини давлат ва (ёки) муниципал тузилмаларни молиявий таъминлаш мақсадида бегоналаштириш шаклида ундириладиган мажбурий, яқка тартибдаги қайтариб берилмайдиган тўлов тушунилади.

Йиғим деганда тўланиши йиғим тўловчилар манфаатларини кўзлаб давлат органлари, махаллий ўз-ўзини бошқарув органлари, бошқа ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан амалга ошириладиган юридик аҳамиятга молик ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилишининг шартларидан бири бўлиб ҳисобланадиган, юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган мажбурий бадал тушунилади, бунга муайян ҳуқуқларни тақдим этиш ёки махсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш ҳам киради.

Демак солиқлар бу пул муносабатларини ифода этувчи ва ушбу муносабатлар бир томондан ваколатли давлат органлари ва иккинчи томондан солиқ тўловчилар, яъни мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда аҳоли туради. Бу муносабатларнинг асосий кўриниши ҳисобланган мажбурийликдан ташқари қайтариб олмаслик ҳам юзага чиқади.

Солиқларнинг моҳиятини очишда биз энг аввало унинг мажбурий тўлов эканлигини юқорида эътироф этдик. Лекин бу мажбурийлик демократик тамойилга эгадир. Ҳар бир мамлакатда солиқнинг ҳар бир шакли давлатнинг қаттиқ талаблари ва жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳолатни эътиборга олган ҳолда фақатгина юқори давлат органи (сенат, парламент, дума ва бошқалар) томонидан қабул қилинадиган қонун билан амалиётга киритилади ва тартибга солиб турилади. Бу омил эса солиқларнинг ҳуқуқий асосга ва демократик меъёрларга эга эканлигидан далолат беради.

Шуни таъкидлаш лозим-ки, солиқлар ўз моҳиятига асосан ҳамда йиғимлардан фаркли равишда узоқ йиллар фаолият кўрсатиши мўлжалланган мажбурий муносабатлар ҳисобланади. Амалиётга киритилган ҳар бир солиқ хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун тушунарли бўлиши ҳамда солиқ тўловчилар бу солиқларни тўлашни

билишлигини талаб этади. Солиқ тўловчилар ҳар бир солиқ бўйича маълум муддат ўтгандан сўнг муайян тажриба ва тушунчага эга бўлади.

Биз солиқларнинг моҳиятини очишда унинг демократик тўлов эканлигига эътибор қаратишимиз лозим бўлади. Давлат томонидан амалиётга киритилаётган солиқ энг аввало уни ким томонидан ва қанча миқдорда тўланишига асосланади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият турига қараб солиқ тури ва унинг ставкаси ажратилади. Мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектлар бир хил солиқ ва бир хил ставкада тўламайди. Демократик тўлов сифатида солиқ тури уларнинг фаолият турига қараб ундирилади. Масалан қишлоқ хўжалик соҳаси учун бир хил солиқ тури, тижорат банклари учун бошқа хил солиқ тури ва ставкаси қўлланилади. Мамлакат аҳолиси учун ҳам солиқ ундиришда демократик тамойиллар мавжуд. Агар фуқароларнинг даромади кам бўлса унга нисбатан раст солиқ ставкаси ва бунинг акси фуқаронинг даромади юқори бўлса юқори солиқ ставкаси қўлланилади. Бундан ташқари солиқ ундирилишида турли солиқ бўйича имтиёзлар тизимидан фойдаланилади ва бу омил ҳам солиқларнинг демократик тўлов эканлигидан далолат беради.

Солиқ тўлангандан сўнг солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар ўз мажбуриятларини бажарадилар. Ушбу мажбуриятни бажаргандан сўнг ҳар қандай солиқ тўловчи давлат томонидан солиқларни қайтариб бериш мажбуриятини бажариш юзасидан фаолиятига ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга бўлмайдилар. Шунини таъкидлаш лозим-ки, давлат бюджети томонидан солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига у ёки бу кўринишда тўловларни тўланиб келиниши биз таъкидлаб ўтган солиқларни қайтариб бермаслик тамойили моҳиятини ўзгартирмайди. Бу ҳолатларда солиқ тўловчи амалдаги қонунчилик асосида давлат бюджетидан белгиланган тўловларни олих билан бир вақтда белгилаб қўйилган солиқларни ўз муддатида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаши

мажбурийдир. Солиқларни маълум қисмини ҳар хил кўринишдаги тўловлар шаклида қайтариб беришлик бу доимий иқтисодий муносабатлар эмас, балки жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ва маълум муддатга мўлжалланган ҳолат ҳисобланади.

Солиқлар объектив тақсимлаш муносабатлари орқали жамиятда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида иштирок этиш ва ишлаб чиқариш муносабатларига айланади. Бу ҳолат эса, солиқлар ўз моҳиятига асосан иқтисодий базисни ифодалайди. Шу асосда иқтисодиётда турли солиқлар ёрдамида ишлаб чиқаришни қизиқтириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва истеъмолни кенгайтириш ёки бунинг акси, баъзи соҳалар фаолиятини чеклаш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлади. Бу эса энг аввало давлатнинг маълум даврдаги солиқ сиёсатидан келию чиқади.

Солиқлар ўз моҳиятига асосан фақатгина давлат ихтиёридаги тўлов ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир давлатда амалиётга киритилган солиқлар фақатгина давлат марказлашган пул фондлари ҳисобланган давлат (республика ва маҳаллий бюджетлар) бюджетига келиб тушади. Солиқлар бошқа бюджетдан ташқари фондларга тушмайди. Давлат бюджетига келиб тушган солиқлар эса бюджет даромадлар қисмида асосий улушни эгаллайди.

Солиқлар моҳиятини чуқурроқ очишда улар бажарадиган функцияларни ёритиш лозим бўлади. Биз қуйида солиқлар бажарадиган функциялар ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

3.12. Солиқларнинг функциялари

Маълум-ки, ҳар қандай иқтисодий категориянинг фақат ўзи бажарадиган функциялари мавжуд бўлади. Амалиётда функциясиз, яъни бажарадиган функцияси бўлмаган иқтисодий категория бўлмайди. Чунки функция иқтисодий категориянинг амалиётдаги ҳаракати ҳисобланади ва у

орқали категориянинг моҳияти чуқур очиб берилади. Шунинг учун иқтисодий адабиётда иқтисодий категория функцияси дейилганда, ушбу категориянинг ҳаётда кўп марталаб қайтарилиб туриладиган ва такрорланиб туриладиган хатти-харакатлари тушунилади.

Иқтисодий категория сифатида солиқларнинг ҳам фақат ўзига хос функциялари мавжуд. Шунини таъкидлаш лозим-ки, биринчи навбатда солиқларнинг қиймат дастаги сифатида даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаши амалга оширилади. Иқтисодий адабиётда иқтисодчи олимлар ўртасида солиқларнинг функциялари тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас. Лекин уларнинг барчасини солиқларнинг фискаль (ғазна) функцияси тўғрисида ягона фикр мавжуд. Солиқларнинг бошқа функциялари эса ҳозирги даврда давлат бажарадиган функцияларни кўпайганлиги билан бевосита боғлиқдир. Бунга ёрқин мисол қилиб, ҳозирда давлат ўзининг анъанавий функцияларидан ташқари жамиятда, биринчи навбатда иқтисодиётда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш ва тартибга солиб туриш функциясини кўрсатишимиз мумкин.

Ҳозирда кўп иқтисодчи олимлар солиқларнинг қуйидаги функцияларини ажратиб кўрсатадилар: фискаль, тартибга солиб туривчи, тақсимловчи, рағбатлантурувчи (сўндирувчи) ва назорат функциялари. Бу соҳада Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар эса солиқларнинг икки функциясини ажратиб кўрсатадилар: тақсимлаш ва назорат функциялари. Иқтисодий адабиётда солиқлар бажарадиган функциялар тўғрисида иқтисодчи олимларнинг фикрларини ўрганиш ва ҳозирги вақтдаги солиқларни иқтисодиётдаги ўрнини янгича таҳлил этган ҳолда солиқлар бажарадиган функциялар тўғрисида ўз фикримизни билдирамиз. Бизнинг фикримизча солиқлар қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Фискаль (ҳазина) функцияси;
2. Тақсимлаш функцияси;
3. Рағбатлантириш (сўндириш) функцияси;

4. Назорат функцияси.

Солиқларнинг фискаль (ҳазина) функцияси орқали давлат ўзига юклатилган вазифалар: иқтисодий, ижтимоий, муҳофаа ва бошқаларни бажариш учун зарур бўлган молиявий ресурсларни давлат бюджети даромадлари қисмида жамланиши амалга оширилади. Солиқларнинг фискаль функциясининг асосий мақсади бу – давлат молиявий ресурсларини ўз муддатида ва тўлиқ шакллантириш ҳисобланади. Бу функцияни юқори даражада амалга оширилиши, яъни солиқ тушумларини кўпайиши давлат фаолияти учун кўшимча молиявий имконият яратади. Бунинг натижасида солиқлар ўзларининг фискаль функцияси ёрдамида давлатнинг иқтисодий қудрати ортиши амалга ошади.

Солиқларнинг тақсимлаш функцияси ёрдамида давлат иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солиб туришни амалга оширади. Бу функцияни амалга оширишда солиқлар даромадлар, баҳолар, фоизлар, акциялар курси динамикаси ва тарифлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатади. Ушбу жараёнда солиқлар мамлакат миллий даромадини, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда аҳоли даромадларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашда асосий дастак бўлиб ҳисобланади. Солиқларнинг тақсимлаш функцияси нафақат даромадларни тақсимлашда, балки капиталлар ва инвестиция ресурсларини тақсимлашда ҳам иштироқ этади. Шунини таъкидлаш лозим-ки, солиқлар тақсимлаш функциясида баъзи солиқлар ставкасини юқори даражада ўрнатилиши орқали амалга оширади. Солиқларнинг тақсимлаш функцияси ёрдамида давлат мамлакат иқтисодиётидаги ҳамда жамият ижтимоий-иқтисодий жараёнларига бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, давлат солиқлар ёрдамида юқори рентабеллик фаолият турларидан маълум даромадларни ундириб, уларни иқтисодиётни паё рентабеллик ёки зарар кўриб фаолият кўрсатувчи лекин ўз фаолият билан жамият хаёти учун зарур бўлган соҳаларга сарфлаши мумкин. Мамлакат аҳолиси учун даромадлари бўйича прогрессив шкала

ёрдамида юқори даромад топадиган тоифадан юқори ставка ёрдамида уларни даромадларини қайта тақсимлаш имкониятига эга бўлади.

Солиқларнинг рағбатлантириш (сўндириш) функцияси ўз моҳиятига асосан қоридида қайд этилган фискаль ва тақсимлаш функциясининг ҳосиласи ҳисобланади. Солиқларнинг бу функциясини кўп иқтисодчи олимлар макроэкономик даражада тартибга солиш деб ҳисоблашади, чунки бу функция барча хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқороларнинг ҳамда давлатнинг иқтисодий манфаати билан бевосита боғлиқдир.

Амалиётга киритиладиган ҳар бир солиқ ўз киритилиши мақсадидан қатъий назар ўз моҳиятига асосан бир вақтни ўзида солиққа тортилмайдиган фаолият турлари учун рағбатлантирувчи ва аксинча солиққа тортиладиган фаолият турлари учун сўндирувчи сифатида таъсир кўрсатиши мумкин. Иқтисодиётга янги солиқ турини киритилиши хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобида баъзи қонунбузарликка сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Ҳар бир рағбатлантирувчи (сўндирувчи) функция сифатида у ўзига хос рағбатлантирувчи шакллар ва элементлар ҳисобланган солиқ бўйича имтиёзлар тизими ва рағбатлантириш, чекловчи ставкалар ҳамда фаолиятни тўхтатиб қўйиш каби дастаклардан фойдаланади.

Шуни таъкидлаш лозим-ки, баъзи иқтисодчи олилар солиқларнинг рағбатлантириш (сўндириш) функциясини доимий характерда эмас деган қараш асосида уни мустақил функция сифатида тан олишмайди. Уларни фикрича, мамлакатда давлат бюджети тақчиллиги (дефицити) шароитида солиқларнинг бу функцияси амал қилмайди. Биз иқтисодиётни ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш тажрибасини таҳлил этган ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожланиш ыоқичларини ўрганиб чиқиб юқоридаги фикрга ўз эътирозимни билдиришга асос мавжуд деб ҳисоблаймиз. Бунга мисол қилиб Ўзбекистон Республикасида 1994-1997 йилларда банк тизимини ривожлантириш

мақсадида тижорат банклари бир неча солиқ тури тўлашдан озод этилиб, ҳисобланган солиқ суммалари тижорат банкларини моддий-техника базасини такомиллаштиришга йўналтирилди. Худди шу йиллари мамлакатимизда давлат бюджети тақчиллиги (дефицити) мавжуд эди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермер хўжаликларни ривожлантириш учун солиқлар бўйича берилган имтиёзлар бизнинг фикримизча кўшимча асос ҳисобланади.

Солиқларнинг назорат функцияси ўз моҳиятига кўра химоя функциясини, яъни давлат ва солиқ тўловчилар ўртасидаги солиқ муносабатларини олиб борилишини таъминлаш ҳамда ваколатли давлат органларининг амалдаги қатъий фаолиятини бажарилишини амалга оширади. Солиқларнинг назорат функциясиз унинг бошқа функцияларини амалга оширилиши ўз маъносини йўқотади.

Шуни таъкидлаш лозим-ки, солиқларнинг назорат функцияси амалдаги қонунлар ва ҳуқуқларга асосланган ҳолда солиқ тўловчиларни қонунчиликка бўйсунушига, унга риоя қилинишини қонун кучи остида мажбурий амалга оширади. Мамлакатда давлат ҳокимиятини кучсизланиши солиқларнинг назорат функциясини кучсизланишига олиб келади. Ўз навбатида, солиқларнинг назорат функциясини кучсизланиши давлат ҳокимиятини кучсизланишига омил бўлиши мумкин.

Солиқларнинг назорат функцияси аниқ кўринишида солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ қонунчилигига қатъий амал қилинишида, солиқларни ўз муддатида ва тўлиқ давлат бюджетига тўланишида, молиявий жазо чораларини самарадорлигида намоён бўлади.

Солиқларнинг назорат функцияси ёрдамида ваколатли давлат органлари мамлакатдаги яратилган ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад қийматини ҳамда ундаги солиқларнинг улушини ҳисоб-китоби ва назоратини олиб борилади. Ушбу назорат орқали давлат бюджетига солиқ тушумларини келиб тушушини миқдорий ўлчови амалга ошади, уларни

давлатни молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжига таққосланиш бажарилади ҳамда шу асосда амалдаги солиқ қонунчилигига, яъни солиқлар киритилиши, солиқ ставкаларини ўзгартирилиши ва имтиёзлар тизимига қўшимчалар киритилишига имконият яратилади. Булардан хулоса қилиш мумкин-ки, солиқларнинг назорат функциясининг қонуний кучлилиги ва унинг самарадорлиги унинг бошқа функциялари амал қилишини аниқлаб беради. Шунинг учун, агар солиқларнинг назорат функцияси амалда кучсизланса, ўз навбатида унинг бошқа функциялари самарадорлиги пасайиши мумкин.

3.13. Солиқларнинг турлари ва уларга тасниф.

Маълум-ки, ҳозирда дунё мамлакатларида жуда хилма-хил ва кўп миқдордаги солиқлар амал қилади. Ҳар бир алоҳида олинган мамлакатда ўзига хос солиқлар амал қилади. Баъзи мамлакатларда амал қилаётган солиқлар бошқа мамлакатлар солиқларига ўхшаб кетади, бошқаларга умуман фарқ қилади. Солиқларни амал қилиши мамлакатнинг тарихий, географик, иқтисодий ва ижтимоий ҳолатидан келиб чиқади.

Ҳалқаро амалиётда солиқларни таснифлаш учун турли мезонлардан фойдаланиладилар. Ҳозирги замон солиққа тортиш амалиётида солиқларни гуруҳларга ажратишда қуйидаги тамойиллардан кенг фойдаланиладилар.

Солиқларнинг ундирилиши даражасига (бюджет тизими бўғинига ўтказиш) асосан – умумдавлат ва маҳаллий солиқлар. 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси тўғрисида»ги қонунига асосан умумдавлат солиқларга қуйидагилар киради:

1. юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи;
2. жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
3. қўшилган қиймат солиғи;

4. акциз солиғи;
5. ер ости бойликоаридан фойдаланганлик учун солиқ;
6. экология солиғи;
7. сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

Махаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради:

1. мол-мулк солиғи;
2. ер солиғи;
3. реклама солиғи;
4. автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ;
5. савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;
6. юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим;
7. автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим;
8. ободончилик ишлари учун йиғим.

Биз юқорида таъкидлаб ўтканимиздек, солиқ тизими доимо ривожланиб ва такомиллашиб боради. Давлат ўз манфаатларидан келиб чиқиб баъзи солиқ турларини бекор қилади ва ўз вақтида мақсадли янги турларини амалиётга киритади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш даражасига асосан ва бюджет даромадларини кўпайтириш мақсадида амалиётга қуйидаги янги солиқ турлари киради:

1. ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш учун солиқ;
2. жисмоний шахслардан бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт учун газ истеъмоли учун олинадиган солиқ;
3. мактаб таълими фонди учун мажбурий ажратмалар.

Бу юқорида киритилган солиқлар ва йиғимлар сабабли қуйидаги солиқлар ва йиғимлар бекор қилинди:

1. реклама солиғи;
2. автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ;

3. экология солиғи;

4. савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим (бу йиғим фақатгина алкоголь махсулотлар билан улгуржи савдо-сотиқ ва қимматбаҳо тош ҳамда қимматбаҳо метал махсулотлари билан савдо-сотиқ ҳуқуқи учун сақланиб қолган).

Умумдавлат солиқлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан жорий этилади ва республиканинг бутун ҳудудида ундирилади. Махаллий солиқлар ва йиғимлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этилади. Бу махаллий солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг энг қори миқдорлари Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка асосан махаллий бюджетлар даромад ва харажатларини тенглаштириш мақсадида умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибга белгиланадиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Солиқ солиш объекти бўйича – бевосита ва билвосита солиқлар. Бу ерда муаллиф солиқларнинг бу атамаси бўйича ўз фикрини билдиради. Иқтисодий адабиётда солиқларни объекти бўйича гуруҳлашда кўп иқтисодчи олимларимиз тўғри ва эгри солиқлар деган атама тарафдорлари ҳисобланади. Бизни бунга ўз эътирозимиз мавжуд. Буни исботлашга ҳаракат қиламиз. Россия Федерациясида иқтисодчи олимлар солиқларни солиқ солиш объекти бўйича гуруҳлаганларида солиқларни «прямые и косвенные налоги» деган атамадан фойдаланадилар. агарда бу атамаларни русчадан ўзбек тилига тўғридан-тўғри ўгирсак у ҳолда ҳақиқатда тўғри ва эгри солиқлар деган атама юзага чиқади. Лекин бизнинг фикримизча бир томондан ўзбек тили жуда бой тил ва иккинчи томондан солиқлар ўз мохияти жиҳатидан тўғри ёки эгри бўлмайди. Агарда солиқ тўловчи ўзи тўлайдиган солиқнинг номини, унинг ставкаси, тўлаш муддатларини

билган ҳолда тўласа, яъни солиқ объектини англаб етса бу солиқларни, бизнинг фикримизча бевосита солиқлар деб аталса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Агарда солиқ тўловчи ўзи тўлайдиган солиқни номини, унинг ставкасини, тўлаш муддатларини билмаган ҳолда, яъни солиқ объектини англамасдан тўласа бундай солиқларни билвосита солиқлар деб аталса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунини таъкидлаш лозим-ки, билвосита солиқларнинг охириги навбатдаги ва ҳақиқий тўловчиси мамлакат аҳолиси ўзи сотиб олаётган истеъмол товарларини қайси бирида ва қанча миқдорда солиқ мавжудлигини билмайди. Албатта бу билдирган фикрлар муаллифнинг шахсий фикрлари ҳисобланади, шунинг учун биз ўз фикримизни исботлашга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган солиқлардан қуйидагилар билвосита солиқлар ҳисобланади: қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона бождари, жисмоний шахслардан ягона божхона тўлови ва жисмоний шахслардан бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт учун газ истеъмоли учун олинадиган солиқ. Республикада амал қилаётган барча бошқа солиқлар солиқ солиш объекти асосан бевосита солиқлар ҳисобланади. Бевосита солиқларнинг объекти бўлиб ялпи даромад, ер майдони, мол-мулки қиймати ва бошқалар ҳисобланади.

Солиқ солиш субъекти бўйича-юридик ва жисмоний шахслар. Зиммасига Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ тегишли солиқлар ва (ёки) йиғимларни тўлаш мажбурияти юкланган юридик ва жисмоний шахслар солиқ тўловчилар ва йиғим тўловчилар деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддасига асосан ўз мулкида, хўжалик юриштида ёки оператив бошқаришда алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла

оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахс мустақил баланс ёки сметага эга бўлиши керак. Амалдаги қонунчиликка асосан юридик шахслар турли мулкчилик шаклида ташкил этилиши мумкин. Улар очик акциядорлик жамиятлари, ёпиқ акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, қўшма корхоналар, маъсулияти чекланган жамиятлар, унитар корхоналар ва давлат корхоналари шаклида бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 16-моддасига асосан жисмоний шахслар деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади. Жисмоний шахснинг ҳуқуқ лаёқати фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларига эга бўлиш лаёқатидир. Улар барча фуқаролар учун тенг даражада эътироф этилади. Солиққа оид ҳуқуқ лаёқатини шахсларнинг ўз ҳаракатлари билан солиқ солишга имкон яратадиган, яъни даромад олиш шароитини яратиш лаёқати деб белгилаш мумкин. Юридик меъёрларга мувофиқ бу лаёқат 18 ёшда яъни балоғат ёшига етганда юзага келади.

Жисмоний шахслар ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади: резидент ва норезидент жисмоний шахслар. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 45 моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки молия йилига бошланадиган ёки тугайдиган ўн икки ойгача бўлган исталган давр мобайнида 183 кун ёки ундан кўпроқ муддатда Ўзбекистонда турган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб қаралади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлиш жисмоний шахсларга уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек, ундан ташқаридаги фаолияти манбаларидан олинган даромадлари бўйича солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлмаган жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолиятидан олинган даромадлар бўйича солиқ солинади.

Солиқларнинг мақсадли сарфланиши бўйича умумий (бюджет харажатларига функционал боғлиқ эмас) ва мақсадли (бюджет харажатларига функционал боғлиқ). Солиқларнинг бундай гуруҳланиши солиқларни давлат бюджетининг маълум харажатларини молиялаштириш билан изоҳланади. Шунини таъкидлаш лозим-ки, ҳозирда Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган барча солиқлар ўз моҳиятига асосан умумий солиқлар ҳисобланади ва улар фискаль функцияни, яъни давлат бюджети даромадларини шакллантирадилар. Мақсадли йиғимлар ва ажратмалар мавжуд, яъни бюджетдан ташқари нафақа жамғармасига, бюджетдан ташқари ер фонди ва бюджетдан ташқари бандлик фондлари. Бу фондлар учун ажратма ва йиғимлар ўз мақсадига мувофиқ сарфланади.

Солиқ тўлаш манбаига асосан – даромад, фойда, ер майдони, сотилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қиймати ёки мавжудлиги сабабли солиқ тўловчида солиқ тўлаш мажбурият пайдо бўладиган, қийматга оид, миқдорий ёки жисмоний тавсияга эга бўлган бошқа иқтисодий асос солиқ солиш манбаари бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Мамлакатимизда амалиётга киритилган ҳар бир солиқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ белгиланадиган мустақил солиқ солиш манбаига эгадир.

Солиқ тўланиш усулига асосан – манбаига асосан ва солиқ декларациясига асосан. Солиқ тўловчилар солиқ базасини ҳар бир солиқ даврининг якунлари бўйича бухгалтерия ҳисоби регистрлари маълумотлари асосида ва (ёки) солиқ солинадиган ёки солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқадилар.

Жисмоний шахслар бир жойда ишласалар, уларнинг иш ҳақидан (солиқ манбаидан) бухгалтерия томонидан автомат тарзда ҳисобланиб бюджетга ўтказилади. Жисмоний шахслар икки ёки ундан кўп иш жойида ишласалар, бундан ташқари даромад олиш (савдо, иш, хизмат) билан

боғлиқ бир галги операцияларни амалга оширганда, фуқороларга махаллий ҳокимият органларида якка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар сифатида рўйхатга турмай, даромад тўғрисидаги бир галги декларация топшириш ҳуқуқи берилади.

Дунёнинг баъзи давлатларида фуқороларнинг даромадлари солиққа тортишда турли усулларида фойдаланадилар. Буюк Британияда фуқороларни даромад шедуляр (shedule) тизим асосида, яъни даромадни манбаига нисбатан алоҳида тўланади. Шедуляр тизим беш шедулдан А, В, С, D, Е ва F дан иборат. Шедулдаги А – кўчмас мулкдан келадиган даромад, В – ўрмонлардан тижорат мақсадида фойдаланганликдан даромад, С – давлат қимматли қоғозларидан даромад, D – савдо ва саноатдан фойда, Е – меҳнат даромадлар, иш ҳақи, нафақа ва F – Британия компания қимматли қоғозлардан дивидендлар. Британия фуқоролари ҳар бир шедуль буйича алоҳида даромад солиғи тўлайдилар, яъни бу давлатда фуқоролар жами даромадидан солиқ тўлайдилар.

Солиқларнинг бундай гуруҳланиши ҳар бир солиқ турини давлат бюджети даромадларини шакиллантиришдаги ўрни, уларнинг солиқ тизимидаги мақсадли йўналишини ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришдаги аҳамиятини очиб беради. Бундан ташқари, солиқларни таснифлашни зарурияти солиқ тизимини мураккаблашиб бориши ва солиққа солиш жараёнларининг бошқаришни такомиллаштириш билан бевосита боғлиқдир.

3.14. Солиқ элементлари ва уларга тасниф.

Солиқнинг моҳиятини очишда уни таркибига кирувчи ва ўзаро боғлиқ бўлган элементларни ёритиш лозим бўлади. Фақатгина қонунчиликда барча солиқ элементларини кўзда тутилишигина солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўлаш мажбуриятини юклайди. Ҳар бир

солиқ ўзида мажбурий элементларни ифода этади. Иқтисодий адабиётда солиқ элементларини қуйидаги турлари ажратилади:

1. Солиқ ҳуқуқи – молия ҳуқуқининг ҳуқуқий институтларидан бири ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасида солиқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб туради ва назорат қилади. Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтиш шароитида ушбу фаолият маҳсус иқтисодий қонунлар билан белгиланган, улар сифатан янги мазмундаги солиқ сиёсатини ўтказиш заруриятини шарт қилиб қўйди.

Солиқ ҳуқуқи ўз ичига ҳуқуқий меъёрлари солиқ тизимини борпо қилишнинг асосий қоидаларини мустаҳкамлаган қонунлар ва қонуности меъёрий ҳужжатларини, солиқ ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва маъсулиятларини, тўлов турлари, шунингдек назарий қоидалар, ҳолатлар ва атамаларни олади.

2. «Ким» солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади, яъни солиқ солиш субъекти. Солиқ тўловчилар бу – зиммасига солиқлар, турли йиғимлар ва божлар тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан меросхорлар ҳисобланади. Солиқ агентлари бу амалдаги қонунчиликка асосан солиқ тўловчилардан солиқларни ҳисоблаш, ундириш ва тегишли бюджетга ўтказиб бериш мажбурияти юклатилган шахслар ҳисобланади. Демак, ваколатга эга бўлган солиқ идоралари ва солиқ тўловчилар муносабатлар субъектларидир.

3. Солиқ солиш объекти бўлиб «нима» ҳисобланади. Солиқ тўловчиларнинг даромадлари, муайян товарлар (кўрсатилган хизматлар, қилинган ишлар), мол-мулк қиймати, табиий ресурслардан фойдаланганлик, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар, мерос ва ҳоказолар, яъни пул ва мол-мулк шаклларида мавжуд бўлган моддий неъматлар солиқ элементининг объекти ҳисобланади.

4. Солиқ қайси «манбаига» асосан тўланади. Ҳар бир солиқ амалдаги қонунчиликка асосан аниқ белгилаб қўйилган манбаига асосан

тўланади. Солиқ солиш манбаи бўлиб ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақлари, дивидендлар, фойда, даромад ва бошқалар бўлиши мумкин.

5. Солиқ базаси бу - солиқ объектининг миқдорий кўрсаткичини ифода этади. Солиқ базаси солиқ солиш объектининг қийматига оид, жисмоний ёки бошқа тавсифидан иборат. Солиқ базасини ўрнатиш учун солиқ базасини ўлчов бирлигини билиш зарур бўлади.

6. Солиқ базасини ўлчов бирлиги солиқ базасини миқдорий ифодасини аниқлайди. Ўлчов бирлиги солиқ солиш объектининг моҳиятидан келиб чиқади ва у пул ёки моддий шаклларда мавжуд бўлиши мумкин. Масалан . жисмоний шахслардан даромад солиғи, хўжалик юритувчи субъектлардан даромад ёки фойда солиғи – мамлакат пул бирлигида, чеклар, сотих – ер солиғида қўлланилади.

7. Солиқ ставкаси бу – солиқ солиш базасининг бирлигига нисбатан солиқ ҳисоблашнинг миқдори ҳисобланади. Солиқларни ҳисоблашда солиқ ставкаси муҳим ўринни эгаллайди. Амалиётда солиқ ставкалари қатъий белгиланган ва фоизларда белгиланиши мумкин. Солиқ ставкасининг қатъий белгиланган ставкаси солиқ солиш объектидан ундириладиган абсолют суммадаги кўринишда намоён бўлади. Бу ставка асосан акциз солиғи ва ер солиғини ундиришда кенг қўлланилади.

Солиқ ставкасини фоизларда белгиланиши солиқ солиш объектининг қийматига нисбатан белгиланган солиқ улушларида намоён бўлади. Солиқнинг фоиз ставкалари ўз моҳиятига асосан қуўидаги турларга бўлинади: баравар, пропорционал, прогрессив ва регрессив ставкалар. Солиқларнинг фоиз ставкаларини ўзгариши асосан солиқ базасини ортиши асосида белгиланади.

Солиқ ставкасини баравар солиқ солиш ставкаси усулида ҳар бир солиқ тўловчи учун бир хил суммадаги солиқ тўловчининг моддий ҳолати ҳисобга олинмайди ва фақатгина фавқулотдаги ҳолларда амалиётга

киритилади. Масалан, жон солиғи ёки энг кам иш ҳақиға нисбатан фоизларда белгиланган мақсадли солиқларни кўрсатишимиз мумкин.

Солиқ солишнинг пропорционал ставкаси усулида ҳар бир солиқ тўловчи учун ягона солиқ ставкалари ўрнатилади. Белгиланган пропорционал солиқ ставкаси солиқ солиш базаси миқдорига боғлиқ эмас. Масалан, хўжалик юритувчи юридик шахслар ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни кўрсатишимиз мумкин. Бунда солиқ ставкаси мол-мулкни қийматига нисбатан ягона фоиз ставкасида кўрсатилади.

Солиқ солишнинг прогрессив усулида солиқ базаси кўпайиши билан солиқ ставкаси ҳам ортиб боради. Бунга мисол қилиб фуқороларнинг даромад солиғига нисбатан қўлланиладиган прогрессив солиқ ставкасини келтиришимиз мумкин. ушбу усулда фуқоролар даромади кўпайиши асосида солиқ ставкаси ҳам кўтарилиб боради.

Солиқ солишнинг регрессив ставкаси ўз моҳиятига асосан прогрессив ставканинг тескараси ҳисобланади. Бу усулда солиқ базасини кўпайиши билан солиқ ставкаси миқдори пасаяди. солиқ ставкасининг регрессив ставкаси асосан билвосита солиқларни, яъни қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва божхона бождарини ундиришда қўлланилади.

8. Солиқ даври солиқларни маълум даврида амал қилишини таъминлайди. Солиқ даври бу – ҳар бир солиқларга нисбатан қўлланиладиган, уни тугаши билан солиқ базаси белгиланадиган ва тўланиши керак бўлган сумма ҳисобланадиган календарь даври тушунилади.

9. Ҳар бир солиқ учун уларни ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари ўрнатилади. Солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари календарь йил, квартал, ойлар, декада, ҳафта ва кунлар билан ҳисобланадиган вақт даври тугаши билан, шунингдек бошланиши ёки юз бериши керак бўлган ёки содир этилиши керак бўлган воқеани кўрсатиш билан белгиланади.

Солиққа оид ҳуқуқий муносабатларнинг иштироқчилари томонидан ҳаракатларни амалга ошириш муддатлари амалдаги солиқ қонунчиликка асосан белгиланади.

10. Солиқ оклади – бунда солиқ органлари томонидан солиқ тўловчи учун ҳар бир солиқ тури бўйича амалда белгиланган ставкалар асосида ҳисоблаб чиқилган солиқ бўйича давлат бюджети олдидаги мажбуриятлардир. Солиқ оклади бу – солиқ тўловчи томонидан бир солиқ тури бўйича давлат бюджетига тўланган солиқ суммаси ҳисобланади. Солиқ окладида мажбурий шарт бўлиб солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларга ўз муддатида ўрнатилган ва ҳисобланган солиқ оклади бўйича керакли хужжатни (ҳисоб-фактурани, талабномани ва бошқалар) топшириш ҳисобланади.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган солиқ элементларидан ташқари иқтисодий адабиётда факультатив элементлар ҳам мавжуд. Солиқларнинг факультатив элементларига солиқлар бўйича имтиёзлар, нотўғри ундирилган солиқ суммасини ҳисоблаш ва қайтариб бериш ҳамда солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъсулият ва жавобгарлик киради. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига асосан солиқнинг факультатив элементлари ҳар бир солиқ бўйича қонунларда белгилаб қўйилади.

Солиқлар бўйича имтиёзлар амалдаги солиқ қонунчилигига асосан мавжуд солиқ солиш объекти бўйича солиқлар тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод этиш ҳамда солиқ солиш бўйича айрим юмшатишларни қўлланилиши ҳисобланади. Солиқ бўйича имтиёзлар ҳар бир солиқнинг муҳим элементи ҳисобланади ва у фақатгина ўзига хос таснифга эгадир.

Солиқ бўйича имтиёзларнинг асосий мақсади бўлиб солиқ тўловчи учун солиқ мажбуриятини қисқартириш ёки уни бўлиб-бўлиб тўлаш муайян асослар, яъни марказий ҳукуматнинг махсус қарорлари мавжуд бўлганида солиқ тўлаш муддатини ўзгартиришни белгилайди.

Солиқлар бўйича имтиёзлар деганда солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тутилган афзалликлар берилиши, шу жумладан солиқни тўламаслик ёхуд кам ҳажмда тўлаш имконияти тушунилади.

Солиқлар бўйича имтиёзлар бўйича тасниф мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Солиқ элементи таркибига асосан, яъни солиқ объекти, солиқ базаси, солиқ оклади ва солиқ солиш бўйича имтиёзлар уч гуруҳга ажратилади: солиқларни ундириш, солиқлар бўйича чегирмалар (скидка) ва солиқ бўйича кредитлар;

2. Солиқ ишлаб чиқаришда унинг субъектларига ва бошқа элементларига асосан тўрт гуруҳга ажратилади: солиқ объекти (ундириш, чегирмалар) бўйича, солиқ тўлашнинг муддатлари бўйича (муддатни кечиктириш, солиқ кредити), солиқ субъектлари алоҳида тоифалари бўйича ва солиқ ставкалари бўйича (ставкаларни пасайтирилиши).

Солиқ бўйича имтиёзларнинг солиқ субъектларини алоҳида тоифалари бўйича гуруҳи фақатгина баъзи солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилади ва унда солиқ ставкасини пасайтирилиши ҳамда солиқ тўлаш муддатини кечиктирилиши ҳамда солиқ бўйича таътиллар бериш усулларидан фойдаланишлик мумкин. Солиқ бўйича имтиёзларнинг қолган уч гуруҳи барча солиқ тўловчиларга нисбатан ҳамда баравар шартлар асосида қўлланиши мумкин.

Солиқ бўйича имтиёзлар қуйидаги шаклларда берилиши мумкин: баъзи солиқ тўловчи шахсларни солиқ солишдан озод этиш, солиқ бўйича таътиллар, солиқ ставкаларини аниқ шартлар асосида пасайтириш. Солиққа тортилмайдиган энг кам даромадни ўрнатиш (бу ерда жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишда энг кам иш ҳаққи миқдорида солиққа тортилмайдиган даромад назарда тутилади), солиқ солинадиган базалар солиқ тўловчиларнинг айрим харажатларини чегириб

ташлаш, солиқ тўлаш муддатини кечиктириш ва олдин тўланган солиқ суммасини қайтариб беришлик қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ҳар бир солиқ тури бўйича биз юқорида қайд этилган имтиёзларнинг зарур шакллари қўлланиши қонунан белгилаб қўйилган. Солиқ бўйича имтиёзлар ҳар йили мамлакатимиз ҳокимиятини юқори органи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан янги календарь йили учун давлат бюджети қабул қилинаётган ва тасдиқланаётганда қайта кўриб чиқилади ҳамда у қонуний кучга эга бўлади.

Солиқ тўловчилар ўртасидаги ижро интизоми солиқларни барқарор тарзда йиғиб олиш ва давлатимиз молия тизимининг барқарорлигини таъминлашда энг муҳим омил ҳисобланади. Ушбу йўналишда муваффиқиятга эришиш солиқ қонунчилиги ҳуқуқий меъёрлари устидан назоратнинг ягона тизими, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши, республика бюджет тизими бўғинларига ўз муддатида ва тўлиқ миқдорда келиб тушиши билан белгиланади. Солиқ тўловчилар томонидан амалдаги солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Солиқ Қўмитаси томонидан Давлат Солиқ Қўмитаси томонидан «Давлат Солиқ хизмати тўғрисида», «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисида» ги қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси ва бошқа меъёрий ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Солиқ тўловчилар томонидан амалдаги қонунчиликка асосан улар учун белгиланган мажбуриятларни бузганликлари учун солиқ идоралари молиявий жазо чораларини қўллашга ҳақлидар.

Қисқача хулосалар

Молия –давлат томонидан ташкил этиладиган пул муносабатларининг йиғиндиси бўлиб, унда умумдавлат пул маблағлари

фондларини ташкил этиш ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларини бажариш учун тақсимланиш ҳамда сарфланиш амалга ошади.

Молия сиёсати – давлат зиммасига юклатилган функцияларни бажариш учун молия муносабатларидан фойдаланиш юзасидан ташкил этиладиган чора-тадбирларнинг йиғиндиси.

Молия тизими реал иқтисодиётни ривожлантириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирлар, дастаклар ҳамда молия институтларининг барча бўғинлари фаолиятининг йиғиндисидан иборат

Давлат бюджети- давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг), марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратилган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади

Назорат учун саволлар

1. Молия категориясининг қандай хусусиятлари мавжуд?
2. Молиянинг қандай функциялари мавжуд?
3. Молия сиёсатининг моҳияти нимадан иборат ва унинг ўзига хос хусусиятлари нима?
4. Молия сиёсатининг асосий тамойилларига тавсиф беринг.
5. Молия сиёсатини олиб боришнинг қандай йўналишлари мавжуд?
6. Молияни бошқариш моҳияти нималардан иборат?
7. Ўзбекистон Республикаси молияни бошқариш тизимининг таркиби нималардан иборат?
8. Давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ёритинг
9. Давлат бюджети даромадларининг хусусиятлари нималардан иборат?

10. Давлат бюджети харажатларининг хусусиятлари нималардан иборат?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.

2. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. -Т.: Ўзбекистон, 2005.

3. Алимов И.И. Молия. –Т.: ТДИУ. 2007.

4. Ковалёва А. Финансы и кредит.- М.: Финансы и статистика, 2006.

5. Жумаев Н., Бурхонов У. Молиянинг долзарб муаммолари -Т.: Янги аср авлоди, 2003

6. Мамедов О.Ю. Современная экономика. - Ростов-на Дону. Феникс, 1998.

7. Поляк Г.Б. и др. Финансы. Денежное обращение. Кредит.- М.:ЮНИТИ, 2004.

8. Сенчагов В. К др. Финансы, денежное обращение и кредит.-М.: Проспект, 2004.

9. Соколова О. и др. Финансы, деньги и кредит. –М.: ЮРИСТ, 2001.

10.Сабанти Б. Теория финансов. – М.: Финансы и статистика, 2004.

11.Хайдаров Н. Молия. -Т.: Академия, 2001.

12. Яхёев К. Ўзбекистон солиқ тизими.-Т.: Меҳнат, 1998.

13.“WWW. Phoenix.ic.ru”- «Феникс» нашриёти сайти.

12 “WWW. Prospekt.ru.” – «Проспект» нашриёти сайти.

13.“WWW. Finstat.ru” – «Финансы и статистика» нашриёти сайти.

14. .“WWW.m.f.uz” Молия Вазирлигининг сайти

IV БОБ. КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ

4.1. Корхоналар молиясининг моҳияти

Молия умумиқтисодий категория сифатида давлатнинг фаолият кўрсатиши учун моддий асосни ташкил этади. Молия давлатга юклатилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни амалга ошириш, жамиятда кенгайтирилган ишлаб чиқаришни таъминлаш учун керакли пул маблағларини етказиб беради. Ушбу фаолиятни амалга оширишда солиқлар, тўловлар, божлар, давлат кредитини жамлаган молия давлат учун объектив ва зарур хусусиятга эга бўлади. Ушбу жараёнда корхоналар молияси алоҳида ўрин эгаллайди.

Корхоналар молияси мамлакат молия тизимининг асосий бўғини ҳисобланади ва у ялпи ижтимоий маҳсулот ҳамда миллий даромадни яратилиши, тақсимланиши ва сарфланиши билан боғлиқ жарёнларни ўз ичига олади. Корхоналар молияси ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаднинг асосий қисми яратиладиган моддий соҳада фаолият кўрсатади.

Корхоналар молияси ўз моҳиятига кўра корхонанинг тадбиркорлик фаолияти натижасида хусусий капитал, мақсадли марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини шаклланиши, уларни тақсимланиши ҳамда сарфланиши билан боғлиқ молиявий ёки пул муносабатларидан иборатдир.

Корхоналар молиясининг иқтисодий моҳиятига асосан барча молиявий муносабатларнинг йўналишларини қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) Корхоналарни ташкил этишда хусусий капитални ва устав капиталини шакллантиришдаги таъсисчилар ўртасидаги муносабатлар. Устав капиталини шакллантиришнинг аниқ усуллари корхона фаолият кўрсатишининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига бевосита боғлиқдир. Бу ерда

корхоналар очик ҳиссадорлик жамияти, ёпиқ ҳиссадорлик жамияти, маъсулияти чекланган жамият, хусусий корхона ва бошқа мулкчилик шаклида фаолият кўрсатиши мумкин. Корхоналар устав капитали ишлаб чиқариш фондларини, моддий ва номоддий активларни шакллантиришдаги бирламчи молиявий манба бўлиб ҳисобланади;

2) Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш билан боғлиқ бўлган алоҳида корхоналар ўртасидаги молиявий муносабатлар. Ушбу молиявий муносабатларга хом-ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотлар етказиб берувчи таъминотчи ҳамда сотиб олувчи корхоналар ўртасидаги, инвестиция фаолиятини олиб боришдаги қурувчи ташкилотлар ўртасидаги, юкларни етказиб бериш билан боғлиқ транспорт ташкилотлари ўртасидаги, алоқа ва божхона муассасалари ўртасидаги муносабатларни киритиш мумкин. Ушбу муносабатлар корхоналар молиясини ташкил этиш ва унинг тижорат фаолиятидаги молиявий натижасининг асоси ҳисобланади;

3) Корхоналар ва унинг ташкилий бўғинлари (филиаллар, цехлар, бригадалар, бўлимлар) ўртасидаги харажатларни молиялаштириш, фойдани ва айланма маблағларни сарфланиши билан боғлиқ муносабатлар. Ушбу муносабатлар корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг бир маромда фаолият кўрсатишига бевосита таъсир этади;

4) Корхоналар ва унинг ишчилари ўртасидаги иш ҳақини тўлаш, солиқларни тўлаш, фойдани тақсимлаш ва сарфланиши, акциядорлик жамиятида акцияларни чиқариш ва уларни жойлаштирилиши, акциялар бўйича дивидендларни тўлаш, жарималарни тўлаш билан боғлиқ муносабатлар. Ушбу муносабатлар уларда мавжуд меҳнат ресурсларидан самарадорлик билан фойдаланишга таъсир кўрсатади;

5) Корхоналар ва юқори ташкилотлар, молия-саноат бирлашмалари, холдинглар, уюшмалар ва ассоциациялар ўртасидаги муносабатлар. Ушбу муносабатлар корхоналар ўзлари аъзо ҳисобланган юқори ташкилотлар ўртасидаги марказлашган мақсадли пул фондларини ва захираларни

шакллантириши, тақсимланиши ва уларни сарфланиши, илмий-тадқиқот ишларини тармоқ бўйича маркетинг тадқиқотини ўтказиш, инвестиция фаолиятини олиб боришда қайтариб бериш шарти асосидаги молиявий ёрдам кўрсатиш, айланма маблағларини тўлдириш билан боғлиқ муносабатларни ўз ичига олади. Муносабатларнинг ушбу гуруҳи тармоқ ичидаги корхоналарни ишлаб чиқаришини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш билан бевосита боғлиқ пул маблағларини қайта тақсимлаш ҳамда уларни ишлатилиши билан боғлиқ муносабатлардан иборат;

6) Тижорат ташкилотлари ва корхоналар ўртасидаги қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва уларни жойлаштириш, ўзаро кредитлаштириш, қўшма корхоналарни ташкил этишда муассис сифатида иштироқ этиш билан боғлиқ муносабатлар. Ушбу муносабатлар корхоналарни ўз фаолиятини молиялаштиришдаги қўшимча молиявий манбаларни жалб этиш билан боғлиқ фаолиятга бевосита боғлиқдир;

7) Корхоналар ва давлат молия тизими ўртасидаги бюджетга солиқлар ва йиғимларни тўлаш, бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ўтказиш, солиқлар бўйича имтиёзлар бериш, молиявий жазо чораларини қўллаш ҳамда бюджетдан молиялаштириш билан боғлиқ муносабатлар;

8) Корхоналар ва тижорат банклари ўртасидаги банкларда пул маблағларини сақлаш, кредитлар олиш ва уларни тўлаб бериш, банк кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш, хорижий валюталарни сотиш ва сотиб олиш, турли банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ муносабатлар;

9) Корхоналар ва суғурта ташкилотлари ўртасидаги мол-мулкни, ходимларини айрим тоифаларини, тижорат ва тадбиркорлик қалтисиликларини (рискларни) суғурта қилиш билан боғлиқ муносабатлардан иборат;

10) Корхоналар ва инвестиция институтлари ўртасидаги қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш, инвестицияларни жойлаштириш, хусусийлаштириш билан боғлиқ- муносабатлар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган молиявий муносабатларнинг ҳар бир гуруҳи ўзига хос хусусиятларига эга ва қўлланиши соҳаси бўйича ажралиб туради. Лекин уларнинг барчаси икки томонлама характерга эга бўлиб, уларнинг моддий асоси бўлиб пул маблағларининг харакати ташкил этади. Корхонанинг пул фондлари маблағларини харакати устав капиталини шакллантириши билан бошланади ва фойдани шаклланиши, тақсимланиши ҳамда уни сарфланиши билан тугайди.

Корхоналар молияси бажарадиган функциялар умумдавлат молияси бажарадиган функцияларига ўхшаш ва улар қуйидагилардан иборат:

- 1) тақсимлаш функцияси;
- 2) назорат функцияси.

Ушбу юқорида қайд этилган функциялар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради. Биз қуйида молиянинг функцияларини тўлиқ ёритишга харакат қиламиз.

Умумдавлат молияси ўзининг тақсимлаш функциясини макродаражада амалга оширса, корхоналар молияси ўзининг тақсимлаш функциясини микродаражада амалга оширади. Корхоналар молияси тақсимлаш функцияси ёрдамида бирламчи капитални шакллантириш, ишлаб чиқаришни молиявий манбалар билан таъминлаш, даромадни ва молиявий ресурсларни тақсимлаш, мажбуриятни ўз муддатида ҳамда тўлиқ бажариш, хўжалик юритувчи субъектларининг ва давлатнинг манфатларини оқилона даражада сақлаб туриш амалга оширилади. Тақсимлаш функцияси орқали корхонанинг даромадларини тақсимлаш натижасида мақсадли пул фондлари ва захиралари шакллантирилади. Бундай фондларга устав капитали, қўшилган капитал, захира фонди, жамғарма фонди, истеъмол фонди, валюта фонди ва бошқаларни киритиш мумкин.

Корхоналар молиясининг тақсимлаш функцияси ўз моҳиятига асосан нафақат жамиятнинг умумий манфатларини, балки ўз вақтида алоҳида олинган хўжалик субъектларининг, таъсисларнинг, турли акциядорларнинг, ишчи-ходимларнинг, кредит ва суғурта институтларининг манфатларини оқилона ўзида жамлаши лозим.

Корхоналар доирасида шакллантириладиган молиявий маблағларнинг хажми, керакли капитал қўйилмаларини молиялаштириш, айланма маблағларни тўлдириб туриш ва кўпайтириш, ҳамма турдаги молиявий мажбуриятларни амалга ошириш, ижтимоий характердаги эҳтиёжларни таъминлаш имкониятларни аниқлайди. Ушбу фаолиятни амалга оширишда унинг хўжалик-молия фаолиятини тахлил этиш асосий аҳамиятга эгадир.

Корхоналар молиясининг назорат қилиш функциясини объектив асоси бўлиб маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажаришдаги харажатларнинг қиймат томондан ҳисобга олиниши ва бунинг натижасида даромадларни шаклланиши ҳамда пул фондларини тақсимланиши ташкил этади. Молия тақсимлаш муносабатлари сифатида ишлаб чиқаришни молиялаштиришни молия манбалари билан таъминлайди ва шу асосда у ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини, яъни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, истеъмолни ўз ичига олади. Шунини таъкидлаш лозимки, корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни амалга ошириш, хизматлар кўрсатиш натижасида келиб тушадиган даромаднинг миқдоридан ортиғини тақсимлай олмайди. Олинма даромаднинг миқдорини ошириш учун эса ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, харажатларни камайитириш ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишга бевосита боғлиқдир. Худди шу жараёнларда назорат функцияси алоҳида аҳамиятга эгадир. Корхоналар молиясининг назорат қилиш функцияси қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1) Корхоналар томонидан бевосита молиявий кўрсаткичларни ҳар томонлама таҳлил этиш, молия режаларини бажарилиши юзасидан тезкор назоратни олиб бориш, товар-моддий қийматларини етказиб берувчилар, буюртмачилар, тижорат банклари, давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар ва бошқа контрагентлар олдидаги мажбуриятларни бажариш жараёнида олиб борилади;

2) Корхоналарнинг таъсисчилари ва акциядорлари олдида пул маблағларини самарадорлик билан жойлаштириш, фойда топиш ҳамда дивидендлар тўлаш юзасидаги назорат олиб борилади;

3) Ўзбекистон Республикаси Далват Солиқ Кўмитаси ваколатидаги давлат солиқ инспекторлари томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар, божлар, йиғимлар ҳамда тўловларни ўз муддатида тўлиқ тўланиши юзасидан назорат олиб борилади;

4) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ваколатидаги молия бўлимлари томонидан ўзларининг молия-хўжалик фаолиятида давлат бюджети маблағларидан фойдаланаётган корхоналарда ушбу маблағларни мақсадли фойдаланаётганлигини назоратини олиб борадилар;

5) Тижорат банклари томонидан корхоналарга кредитлар бериш, уни ўз вақтида ва фоизи билан қайтарилишини ҳамда бошқа банк хизматларини кўрсатиш юзасидан назорат олиб борадилар;

6) Мустақил аудиторлик фирмалари томонидан корхонанинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувдан ўтказиш орқали олиб борадилар.

Корхоналар ичидаги молия назоратини алоҳида ташкил қилинган молия бўлимлари амалга оширади. Корхоналарда ишчи-хизматчилар сонининг камлиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг камлиги сабабли уларда молия назоратини олиб бориш ваколати бош ҳисобчи зиммасига юклатилган. Корхоналар молия-хўжалик фаолиятида ижобий молиявий натижаларнинг мавжудлиги ушбу корхонада молия назоратини юқори

даражада ташкил этилганлигидан ҳамда молия ресурсларини бошқаришда самарадор шакл ва услублардан фойдаланилаётганлигидан далолат беради. Ўз вақтида бунинг акси, корхона молия-хўжалик фаолиятида салбий молиявий натижаларнинг мавжудлиги, ушбу корхонада молия назоратини суи даражада ташкил этилганлигидан далолат беради ҳамда ушбу ҳолат корхонанинг молиявий томонидан «синиши»га олиб келиши мумкин.

4.2. Корхоналар молиясининг ташкил этишнинг тамойиллари

Корхонанинг молиявий муносабатлари уларнинг хўжалик юритиш фаолияти асосида маълум тамойилларга асосан ташкил этилади. Ушбу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- хўжалик юритиш фаолиятидаги мустақиллик;
- ўз-ўзини молиялаштириш;
- моддий манфатдорлик;
- молиявий захиралар билан таъминланганлик.

Хўжалик юритиш фаолиятидаги мустақиллик тамойили корхонанинг молия соҳасидаги мустақилликсиз амалга оширилиши мумкин эмас. Ушбу тамойил мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг иқтисодий фаолият соҳасини, унинг молиялаштиришни манбаиларини, даромад олиш мақсадида пул маблағларини капитал қўйилмаларига йўналтиришни мустақил тарзда белгилашларида амалга оширилади. Ушбу фаолиятнинг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектлар ишчи-ходимларининг моддий фаровонлигини янада оширишдан иборат бўлади.

Бозор муносабатлари корхоналардан истеъмолчиларнинг талабларига асосан самарадор ва оқилона ишлаб чиқаришни ташкил этишга, маҳсулот ва хизматларнинг сифатини оширишга ундайди. Корхоналар ўз фаолиятида қўшимча даромад олиш учун асосий фаолиятдан ташқари қимматли қоғозлар бозорида давлатнинг, бошқа

хўжалик субъектларининг қимматли қоғозларига қисқа ва узоқ муддатли инвестициялар қилишлари мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, корхоналарнинг хўжалик юритиш фаолиятидаги мутлоқ мустақиллик тўғрисида фикр юритиш мумкин эмас, чунки ваколатли давлат органлари томонидан уларнинг фаолият юритишларининг айрим томонлари қонун асосида тартибга солиниб турилади. Масалан, корхоналар ва турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонун асосида қатъий белгилаб қўйилади. Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар ўз фаолияти асосида қонун асосида берилган солиқларни, ўрнатилган ставкаларда тўлаб бориб турли даражадаги бюджетларни шакллантирадилар. Давлат томонидан корхоналар учун амортизация сиёсатини белгилайди. Акциядорлик жамиятлари учун эса молиявий заҳираларни ташкил этиш ва уларнинг миқдори қонунан белгиланади.

Ўз-ўзини молиялаштириш тамойилини амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятининг асосий шартларидан келиб чиқади. Ўз-ўзини молиялаштириш тамойили корхоналар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш харажатларини тўлиқ қоплаш, ишлаб чиқаришни шахсий пул маблағлари билан таъминлаш ҳамда зарур бўлганда тижорат банклари кредитларидан фойдаланишни англатади.

Иқтисодиётни ривожланган мамлакатларида корхонанинг ўз-ўзини молиялаштириш соҳасида уларни шахсий маблағлари жуда юқори даражада яъни 70% дан ортиғини ташкил этади. Корхоналар фаолиятининг молиялаштиришни асосий шахсий манбаларига фойда, амортизация ажратмалари ва таъмирлаш жамғармалари киритилади.

Моддий манфатдорлик тамойилининг объектив зарурлиги мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналарнинг пировард мақсади бўлиб даромад топишлигинидан келиб чиқади. Корхоналар

томонидан ўз фаолиятининг ижобий натижаларига эришишликдаги манфатдорлик нафақат уни иштироқчилари учун эмас, шу жумладан давлат ҳам манфатдордир. Корхоналарнинг ишчи-ходимлари доирасида ушбу тамойил юқори даражадаги иш хақи миқдори билан амалга оширилади. Моддий манфатдорлик тамойили корхоналар миқёсида давлат томонидан оқилона солиқ сиёсатини олиб бориши натижасида уларнинг фаолиятини кўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун иқтисодий шарт-шароитлар яратиш ва пировард натижада даромадни кўпайтириш билан амалга оширилади.

Корхоналар томонидан ушбу тамойилни амалга оширилиши янги яратилган қиймат, шахсий капитал ўртасида оқилона тақсимотни олиб бориш ва жамғарма ҳамда истеъмол фондларини шакллантириш асосида юзага чиқади. Давлатнинг манфаатдорлиги эса корхоналар фаолиятида рентабелликни таъминлаш, ишлаб чиқаришни ўсиши ва солиқ интизомига қатъий риоя этишликлари асосида юзага чиқади. Ушбу тамойилни амалга оширишда корхоналар фаолиятида молия-хўжалик юритиш ва унинг пировард натижалари ҳамда шахсий капитал сақлашлари учун моддий жавобгарликни мавжудлиги билан амалга оширилади. Моддий жавобгарлик учун молиявий усуллар республика қонунчилиги асосида тартибга солиниб турилади ва амалга оширилади. Хўжалик юритиш фаолиятида шартнома мажбуриятларини, тўлов интизомини, солиқ қонунчилигини бузган корхоналар учун турли молиявий чоралар қўлланиши мумкин. Рентабелсиз фаолият кўрсатаётган корхоналар учун эса улар ўз мажбуриятларига жавоб бера олмайдиган ҳолатларда давлат органлари томонидан банкротлик жараёни қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига асосан амалдаги солиқ қонунчилигини бузган корхоналарнинг раҳбарларига нисбатан маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган корхонанинг ишчи-ходимлари учун меҳнат интизомини бузган, ишлаб чиқаришда бракга йўл қўйилган ҳолатларда

мукофотдан маҳрум қилиш, иш ҳақидан ушлаб қолиш, зарур ҳолатларда ишдан бўшатиш кўзда тутилган. Ушбу йўналиш жуда кўп корхоналарда амалиётга киритилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг тадбиркорлик фаолиятида маълум қалтисликлар (рисклар) туфайли бизнес учун қўйилган маблағларни қайтмаслиги ҳолатларининг мавжудлиги улар томонидан молиявий заҳираларни ташкил этишларини талаб этади. Ҳозирги шароитда барча қалтисликлар ўз номидан ва ўз ҳисобидан ихтиёрий равишда ўз фаолиятини олиб бораётган тадбиркорлар зиммасига тушади. Харидорлар учун иқтисодий рақобат шарт-шароитларида тадбиркорлар баъзи ҳолатларда ўз маҳсулотларини, хизматларини олдиндан тўловсиз етказиб берадилар. Корхоналар томонидан қимматли қоғозларга қилган капитал қўйилмалари нафақат даромад келтириши балки капитални йўқотиш қалтислиги билан боғлиқ. Ниҳоят, корхоналар томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий дастурларда самарасиз ҳисоб-китоблар ҳам мавжуд. Бу салбий ҳолатларни олдини олиш, жуда зарур ҳолатларда молиявий жихатдан қўллаб-қувватлаш учун молиявий заҳираларни ташкил этиш зарурияти юзага чиқади.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар, мажбурий тўловларни тўлагандан қолган соф фойда ҳисобидан молиявий заҳираларни шакллантиришлари мумкин. Акциядорлик жамиятлари учун эса имтиёзли акцияларга дивиденд тўлашлари учун молиявий заҳираларни шакллантириш қонунда белгилаб қўйилган.

Ҳозирги вақтда амалиётда кўплаб корхоналар ўзларининг молиявий имкониятларини чекланганлиги сабабли барқарор молиявий ҳолатни сақлаб туришлари учун керакли миқдорда молиявий заҳираларни ташкил эта олмаяптилар.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган корхоналар молиясининг ташкил этувчи тамойиллар доимий равишда ва узвий боғлиқликда ривожланишдадир. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, ишчи кучларини ҳолати, иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгаришига асосан тамойилларининг турларини амалиётда қандай миқдорда, қайси шакл ҳамда усулларда қўлланишига бевосита таъсир кўрсатади.

4.3. Корхонанинг молия ресурслари

Корхонанинг молия ресурслари бу–корхоналар ихтиёрида бўлган пул тушумлари ва пул даромадларидан иборатдир. Уларнинг қўлланилишини мақсади бўлиб давлат бюджети, тижорат банклари, суғурта ва бошқа корхоналар олдидаги молиявий мажбуриятларини пул маблағлари билан таъминлаш ҳисобланади. Молия ресурслари ишлаб чиқаришни барқарорлигини сақлаб туриш, уни кенгайтириш ва корхона ишчи-ходимларининг моддий рағбатлантириш учун асосий манба бўлиб хизмат қилади. Корхоналарнинг молия ресурсларини манбаи бўлиб уларнинг хусусий маблағлари ва турли манбалардан жалб этилган маблағлар ташкил этади.

Молия ресурсларини бирламчи ресурсларини шакллантирилиши корхонанинг ташкил этиш жараёнида унинг устав фондини шакллантиришда амалга ошади. Бунда корхона томонидан муомалага оддий ва имтиёзли акциялар чиқариб, улар акциядорлар орасида жойлаштирилади. Устав фондининг миқдори ташкил этилаётган корхонанинг мол-мулки, асосий ва айланма фондларнинг миқдорига бевосита боғлиқдир.

Корхона молия ресурсларининг шаклланишининг кейинги жараёни фойда ва амортизациядан ажратмалар ҳисобига амалга оширилади. Амалиётда ушбу ажратмалардан ташқари корхоналар молия ресурсларининг манбалари бўлиб қуйидаги хизмат қилади:

- ишлаб чиқаришга яроқсиз мол-мулкни сотишдан келган тушум;
- қурилишда ички ресурсларни жалб қилиш;
- хорижий валюта курс ўзгаришидан келадиган тушум;
- бошқа тушумлар.

Янги ташкил этилаётган корхоналар молия ресурслари таркибида молия бозорида муомалага турли қимматли қоғозлар чиқариш ёрдамида (облигациялар) маблағ жалб қилиш ҳам алоҳида ўрин эгаллаши мумкин. Корхона молия ресурсларини шакллантиришда жалб этилган маблағлар, яъни тижорат банкларидан олинган кредитлардан ҳам фойдланишлари мумкин.

Биз юқорида таъкидлб ўтган молия ресурсларидан ташқари корхоналар ўзлари кирадиган ассоциациялар, концернлар, холдинглар ўртасида фойдани қайта тақсимланиши, суғурта компаниялар томонидан зарарни қоплаш учун тўловларни тўлаш орқали ҳам қўшимча маблағларни олишлари мумкин. Биз корхоналар молиясининг ресурслари ва манбаларини чизма ёрдамида ёритишга ҳаракат қиламиз. Чизмада халқаро амалиётда корхоналар молия ресурслар ва уларни ташкил этишнинг барча манбаиларини келтирамиз.

Корхоналар турли манбалари ҳисобига жалб этилган молия ресурсларидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни техникавий қайта жиҳозлаш, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда фойдаланадилар.

Корхоналар молия ресурсларининг тартиби ва унинг манбалари.



Манба. Чизма муаллиф томонидан тайёрланган.

Корхоналар ишлаб чиқариш харажатларини молиявий таъминлаш қуйидаги уч шаклда амалга оширилиши мумкин:

1. Ўз-ўзини молиялаштириш;
2. Кредитлаш;
3. Давлат томонидан молиялаштириш.

Ўз-ўзини молиялаштириш корхоналар ўз фаолиятини хусусий ресурсларидан фойдаланишга асосланади. Ушбу ҳолатда корхоналар маблағлар етишмай қолганда молия бозорида қимматли қоғозларни муомалага чиқариш орқали қўшимча маблағлар жалб этишлари мумкин.

Кредитлаш шаклида корхоналар ўзларининг ишлаб чиқаришда юзага чиққан вақтинчалик молия ресурсларига бўлган эҳтиёжларини тижорат банкларидан мақсадлилиқ, таъминланганлик, тўловлилиқ, қайтариб беришлиқ ва муддатлилиқ тамойиллари асосида кредит олиш натижасидан қондиришлари мумкин.

Давлат томонидан молиялаштиришда корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан қайтариб бермаслик асосида пул маблағлари билан таъминланиши амалга оширилади. Молиялаштиришнинг ушбу шакли ёрдамида давлат мақсадли равишда иқтисодиётнинг моддий ва номоддий соҳалари, тармоқлар, худудлар, хўжалик субъектлари ва аҳолининг айрим тоифалари ўртасида молия ресурсларини қайта тақсимланишини амалга оширади.

Амалиётда корхоналар молия ресурсларини ташкил этишда молиялаштиришнинг уч шаклидан бирданига фойдаланиш мумкин. Бундан асосий мақсад улар ўртасидаги оқилона мувозанатни сақлаш ҳисобланади. Бундай оқилона мувозанатга эришиш корхона молия хизматининг фаол молия сиёсатини олиб боришга бевосита боғлиқдир.

Корхоналар молия ресурсларининг сарфланиши турли йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Ушбу йўналишларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- капитал қўйилмалар, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техникавий қайта жихозлаш харажатлари;
- молия ва банк тизимидаги ташкилотлар олдидаги молия мажбуриятларини бажариш (давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари

фондларига солиқлар тўлаш, кредитдан фойдаланганлик учун тўловларни амалга ошириш);

- молия бозорида қимматли қоғозларга инвестиция қилиш харажатлари;
- корхона ишчи-ходимларига иш ҳақи, мукофотлар тўлаш;
- молия ресурсларидан хомийлик учун маблағлар ажратиш ва бошқалар.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксизлигини таъминлашда молиялаштиришни амалга оширишда улар томонидан молиявий заҳираларни ташкил этишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий заҳираларнинг аҳамияти янада ошади. Корхоналар фаолиятида кўзда тутилган омиллар натижасида йирик миқдорда зарар кўриш ҳолати юзага чиққанда ишлаб чиқаришни узлуксизлигини зарур молия ресурслари билан таъминлашда молиявий заҳиралар катта аҳамиятга эгадир. Молия заҳиралари корхоналар томонидан фойдадан ажратмалар ҳисобига, юқори ташкилотларига норматив ажратмалар ҳисобига, суғурта ташкилотларига бадаллар тўлаш ҳисобига ва давлат томонидан заҳира фондлари ташкил этиш ёрдамида шакллантирилиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолиятини молия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш ва уларни оқилона бошқаришда молия хизмати фаолияти қандай савияда ташкил этилиши жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзлик ва жалб этилган молия ресурсларидан молия хизмати томонидан фаолияти халқаро амалиётда «молиявий менежмент» деб номланади. Корхонанинг молиявий барқарорлиги айнан молиявий менежментнинг қандай йўлга қўйилганлигига бевосита боғлиқдир.

4.4. Корхона асосий фаолиятининг таҳлили

Ҳозирги замон корхоналари доимий равишда ўзгариб турувчи бозор муносабатлар шароитида ва рақобат асосида ўз фаолиятини олиб борадилар. Корхоналар асосий фаолиятининг пировард мақсади нафақат

даромад олиш ва шунинг билан бир қаторда шахсий капитални сақлаб туриш, уни кўпайтириш ҳамда тадбиркорликнинг бир маромда ушлаб туриш ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш жараёнида корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулот сотиш, ишларни амалга ошириш, хизматлар кўрсатиш, шахсий молия ресурсларини шакллантириш, ташқи манбаиларидан маблағлар жалб қилиш, уни тақсимлаш ва сарфланиши билан бевосита боғлиқ молиявий муносабатлар юзага чиқади. Бу таъкидлаб ўтилган барча молиявий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатга олинган 1-сонли шакл «Бухгалтерия балансида» акс эттирилади.

Корхоналарнинг бухгалтерия баланси ўз моҳиятига кўра аниқ бир муддатдаги корхонанинг мулкӣ ва молиявий ҳолатида акс эттирган жадвалдан иборат. Бухгалтерия баланси асосан икки қисмдан актив ва пассив қисмдан ташкил топган. Балансинг актив қисмида корхонанинг мол-мулки, номоддий ва жорий активлари, пассив қисмида эса корхонанинг ўз маблағлари манбаилари ҳамда мажбуриятлари акс эттирилади. Биз қуйида корхонанинг бухгалтерия балансини таркибини ёритамиз.

Қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона активларининг тартибда товар-моддий заҳиралар асосий ўринни эгаллаб турибди. Уларнинг актив таркибидаги улуши йил бошида 92,8 % ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич йил охирида 88,6 % ни ташкил этди. Баланс таркибида асосий воситаларнинг эгаллаган улуши йил бошига 4,1 % ни ташкил этган бўлса, йил охирига келиб ушбу кўрсаткич 2,0 % ни ташкил этди.

Корхона бухгалтерия балансининг актив қисмини таркиби

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Ҳисобот йили бошига	Ҳисобот йили охирига
Активлар		
Узоқ муддатли активлар	-	-
Асосий воситалар	9230	4354
Номоддий активлар	1290	944
Узоқ муддатли инвестициялар	-	-
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари	-	465
1 бўлим бўйича жами	10520	5763
Жорий активлар		
Товар-моддий захиралар	211318	194113
Дебиторлар	1736	9309
Пул маблағлари	4072	9990
2 бўлим бўйича жами	217126	213412
Баланс активи бўйича жами	227646	219175

Манба: Танлаб олинган корхона баланси.

Корхонанинг пул маблағларининг активлар таркибидаги улуши йил бошига 1,8 % ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич йил охирига 4,6 % ни ташкил этди. Корхона балансининг активлар таркиби унинг асосий фаолият турига бевосита боғлиқдир. Биз таҳлил этган корхонанинг асосий фаолияти – улгуржи савдо бўлганлиги сабабли, унинг активлари таркибида товар-моддий захираларининг улуши асосий ўринни эгаллаб турибди. Улгуржи савдонинг асосий мақсади товар-ларни сотиб олиш. Уни сақлаш ва уни харидорларга қайта сотиш ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, улгуржи савдо корхоналари ўзларининг фаолиятини амалга оширишда шахсий ва ижара олинган асосий воситалардан фаол фойдаланиладилар.

Корхона ўз фаолиятини олиб боришда молия ресурсларини шакллантиришлари лозим. Корхона балансининг пассив қисмида корхонанинг ўз маблағлари ва унинг мажбуриятлари акс эттирилади. Биз танлаб олинган корхонанинг бухгалтерия баланси пассив қисмини таҳлил этамиз.

2 жадвал

Корхона бухгалтерия балансининг пассив қисмини таркиби (минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Ҳисобот йили бошига	Ҳисобот йили охирига
Пассивлар		
1. Ўз маблағлари манбалари	-	-
Устав капитали	12448	12448
Кўшилган капитал	11206	11523
Резерв капитал	3112	3112
Тақсимланган фойда	90378	6491
Мақсадли тушумлар	3954	3565
1 бўлим бўйича жами	121098	37139
2. Мажбуриятлар		
Жорий мажбуриятлар шу жумладан:	106548	182036
Жорий кредиторлик қарзлари	106548	182036
Мол етказиб берувчиларга қарз	93213	158526
Шўъба корхоноларга қарз	8715	4875
Олинган	2220	2555
Бюджетга тўловлар учун қарз	1400	750
Қисқа муддатли қарзлар	-	10000
Бошқа кредиторлик қарзлар	1000	5330
2 бўлим бўйича жами	106548	182036
Баланс пассиви бўйича жами	227646	219175

Манба: Танлаб олинган корхона баланси.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, корхона бухгалтерия балансининг пассив қисмининг асосий ўринни жорий мажбуриятлар эгаллаб турибди. Уларнинг пассив қисмидаги эгаллаган улуши йил бошига 46,8 % ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич йил охирига келиб 83,0 % ни ташкил этди. Корхонанинг жорий мажбуриятлари таркибида эса мол етказиб берувчиларга бўлган қарздорлик асосий ўринни эгаллаб турибди. Бу кўрсаткичнинг пассив қисмидаги улуши йил бошига 40,9 % ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич йил охирида 72,3 % ни ташкил этди. Ўз мажбуриятларини бажариш учун корхона тижорат банкидан 10000,0 минг сўм миқдорида кредит олган. Корхона пассив қисмида устав капитали йил бошига 5,5 % ни ташкил этган бўлса, йил охирига келиб бу кўрсаткич 5,6 % ни ташкил этди. Биз танлаб олган корхонанинг давлат бюджети олдидаги қарздорлиги йил бошига 1400,0 минг сўмдан йил охирига келиб 750,0 минг сўмгача камайган. Биз юқорида таъкидлаб ўтканимиздек, корхона бухгалтерия балансининг асосий фаолияти билан бевосита боғлиқ. Агарда корхонанинг асосий ишлаб чиқариш бўлган тақдирда балансининг асосий қисмини асосий воситалар эгаллаган бўлар эди. Биз танлаб олган корхонанинг асосий фаолияти улгуржи савдо бўлганлиги сабабли, унинг балансининг пассив қисмида асосий ўринни жорий мажбуриятлар, яъни мол етказиб берувчиларга бўлган қарздорлик эгаллаб турибди.

4.5. Корхонанинг молиявий натижаларининг таҳлили

Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида янги қиймат яратилади. Ушбу қиймат маҳсулотни сотиш, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун баҳо асосида аниқланади. Корхона ҳисоб рақамига маҳсулотни сотишдан, кўрсатилган

хизматлар ва бажарилган ишлар учун келиб тушадиган маблағ тушум деб аталади. Амалдаги қонунчиликка асосан корхоналар учун тушумнинг ҳисоботини олиб боришда икки усул мавжуд:


1. тайёр маҳсулотни жўнатиш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) асосида харидорларга ҳисоб хужжатларини тақдим этишлик;
2. тайёр маҳсулот учун (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) харидорлардан келиб тушган маблағлар асосида.

Корхоналар ўз фаолиятида солиққа тортишни амалга ошириш учун юқорида қайд этилган усуллардан бирини мустақил тарзда танлайдилар ва уни амалга оширадилар.

Корхонада маҳсулот сотишдан (хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш) келган тушумнинг тақсимотини қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин.

Маҳсулот сотишдан (ишларни бажаришдан, хизмат кўрсатишдан) келган тушумнинг асосий манбаи бўлиб харидорлардан келиб тушган пул маблағлари ва бўлган тўловлари ҳисобланади. Корхоналар ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағлари ўзининг дастлабки тақсимланиши амалга оширилади. Корхона ўзига келиб тушган тушумдан энг аввало хом-ашё, материаллар, ёқилғи, электроэнергия учун тўловларни амалга оширади. Тушумдан маҳсулот таннархидаги билвосита солиқлар ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи ва акцизни давлат бюджетига ўтказадилар. Ушбу харажатларни тўлагандан сўнг корхона ихтиёрида ялпи даромад қолади. Корхона ялпи даромадидан иш ҳақи, унга тўловларни, фойдадан солиқни ва молиявий фаолият билан боғлиқ бошқа тўловларни амалга оширадилар.

Маҳсулот сотишдан, ишларни бажаришдан ва хизмат кўрсатишдан келган тушумнинг тақсимланиши.



Манба. Чизма муаллиф томонидан тайёрланган.

Ушбу харажатларни амалга оширгандан сўнг корхона ихтиёрида соф фойда қолади. Амалдаги қонунчиликка асосан корхона соф фойдадан ўрнатилган солиқларни тўлайди, муомалага чиқарилган

акциялар учун дивидендларни тўлайдилар. Барча таъкидлаб ўтган тўловларни амалга оширилгандан сўнг корхона ихтиёрида қолдиқ соф фойда қолади.

3 жадвал

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот

(минг сўмда)

	Кўрсаткичлар номи	Даромадлар	Харажатлар
1	Маҳсулот товар, иш ва хизматларни сотишдан соф тушум	137750	-
2	Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) таннархи	-	134376
3	Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишда ялпи фойда	3374	-
4	Давр харажатлари жами шу жумладан:	-	79800
	а) сотиш харажатлари	-	12573
	б) маъмурий харажатлари	-	39719
	в) бошқа операцион харажатлар	-	27508
5		10214	-
6	Асосий фаолиятнинг бошқа даромади	-	66212
7	Асосий фаолиятнинг зарари Молиявий фаолият даромадлари Шу жумладан:	91816	-
	а) валюта курсидан олинган даромад	1437	-
	б) молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	90379	-
8	Молиявий фаолият бўйича харажатлар Шу жумладан:	-	14763
	а) валюта курсидан фарқланган зарарлар	-	14338
	б) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	-	425
9	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	10841	-
10	Даромад (фойда) солиғи Ҳисобот даврининг соф фойдаси	-	4350

Манба : Танланган корхонанинг баланси.

Корхоналар ушбу соф фойдани тақсимлашда махсус жамғармаларни ташкил қилиш асосида тақсимлашлари мумкин. Бу фондларга жамғарма ва истеъмол фондларини ҳамда захира жамғармаларини киритиш мумкин.

Ушбу фондлар корхоналарнинг хўжалик-молия фаолияти натижаларига асосан ташкил этилади.

Биз корхонанинг молиявий натижаларини юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкин. Жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, биз танланган корхонанинг молия натижалари таркибида маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси 3374,0 минг сўмни ташкил этган бўлса, молиявий фаолиятнинг даромади 31816,0 минг сўмни ташкил этган. Биз қуйидаги жадвалда корхонанинг пул оқимларини таҳлил этамиз.

4 жадвал

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот

(минг сўмда)

	Кўрсатқичлар номи	Кириш	Чиқим
	Операцион фаолият:		
1	Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан пул	171963	-
2	маблағлари		
	Товар ва маҳсулот етказиб берувчиларга	-	154152
3	тўланган пул маблағлари	-	16631
4	Ишчи –ходимларга тўланган пул маблағлари	5220	5301
	Операцион фаолиятининг бошқа тушумлари	1099	-
5	Операцион фаолиятдан соф пул кирими		
	Инвестицион фаолият		
6	Асосий воситаларни сотиш ва сотиб олиш	-	150
	Молиявий фаолият		
7	Қисқа муддатли банк кредити	10000	-
	Солиққа тортиш		
8	Тўланган даромад (фойда) солиғи	-	5014
9	Тўланган бошқа солиқлар	6032	11243
	Жами молиявий-хўжалик фаолиятининг соф пул кирими	722	-
10	Йил бошидаги пул маблағлари	-	1012
11	Йил охиридаги пул маблағлари	-	1734

Манба: Танланган корхона баланси.

Корхонанинг пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, йил молиявий натижасига асосан корхонанинг операцион фаолиятдан соф пул кирими 1099,0 минг сўмни ташкил этган. Натижада корхона ўзининг молия фаолиятини олиб бориш мақсадида тижорат банкларида 10000,0 минг сўмлик кредит олган. Биз қуйида корхонанинг давлат бюджети билан муносабатларини таҳлил этамиз.

5 жадвал

Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот

(минг сўмда)

	Кўрсатқичлар номи	Ҳисоб бўйича тўланади	Ҳақиқатдан тўланган
1	Даромад (фойда) солиғи	-	-
2	Жисмоний шахслардан даромад солиғи	3636	3636
3	Ялпи даромад солиғи	4350	3617
4	Мол-мулк солиғи	281	285
	Жами бюджетга тўловлар	8267	7538

Манба: Танланган корхона баланси

Юқоридаги жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, биз танлаган корхона ўзининг фаолияти асосида бюджетга ялпи даромад тўлайди. Ушбу солиқ бўйича йил натижаларига асосан 4350,0 минг сўмлик ялпи даромад солиғи ҳисобланган. Амалда эса бюджетга 3617,0 минг сўм ўтказган ва бунинг натижасида бюджетдан 733,0 минг сўм қарз бўлиб қолган. Ишчи-ходимлардан 3636,0 минг сўмлик даромад солиғи ҳисобланган ва у тўлиқ бюджетга ўтказилган. Корхона ўзининг мол-мулки учун 281,0 минг сўмлик солиқ ҳисобланган ҳолда бюджетга 285,0 минг сўм ўтказиб берган.

4.6. Корхоналарда молия ишларини ташкил этишнинг хусусиятлари

Бозор муносабатларининг ривожланишига бевосита боғлиқ ҳолда корхоналарда молия ишлари сифат жиҳатдан янги мазмунга эга бўлмоқда.

Иқтисодиётда бозор муносабатларининг такомиллашиб бориши билан корхоналар молия хизматининг муҳим вазифаси бўлиб нафақат давлат бюджети, тижорат банклари, харидорлар, мол етказиб берувчилар, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ва ўзларининг ходимлари олдидаги мажбуриятларини бажаришни амалга ошириш билан бир қаторда ўзларида молиявий менежментни оқилона ташкил этиш ҳам ҳисобланади. Молия менежменти ўз моҳиятига асосан олинанинг фойда кўпайтириш мақсадида корхонанинг молия-хўжалик фаолияти жараёнида юзага келадиган пул оқимларини оқилона ва самарадорлик билан бошқаришни англатади. Молия менежментида бошқарувнинг объекти бўлиб корхоналарнинг пул айланмалари ҳисобланади. Молия менежменти молиявий ҳисоботларни чуқур таҳлил этиш, хўжаликнинг активлари ва пасивлари таркибини ўзгаришига асосан пул оқимларининг (тушумлар ва тўловлар) истиқболни белгилаш асосида корхонанинг молиявий стратегия ва тактикасини ишлаб чиқади. Ушбу омиллар маълум корхонанинг умумий бошқаруви тизимида молия хизматининг таркиби ва унинг аҳамияти тўғрисидаги тушунчага ўзгартиришлар киритади. Молия хизматининг аниқ таркибий тузилмаси ва бажарадиган вазифалари аниқ олинган корхонанинг хўжалик юритишдаги ташкилий-ҳуқуқий шаклига, корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми, пул айланмасининг миқдори ва ишчи ходимларининг сонига бевосита боғлиқ.

Халқаро амалиётда корхоналарнинг молия хизмати қуйидаги асосий вазифаларини бажарадилар:

- корхона бизнес-режасини ишлаб чиқиш ва уни бажаришда иштирок этиш;
- асосий, молия ва инвестиция фаолияти натижасида юзага келадиган пул оқимларини бошқариш;
- корхонани ривожлантиришнинг молиявий дастурини ишлаб чиқиш;
- оқилона кредит сиёсатини ишлаб чиқиш;

- молиявий режалаштириш;
- мол етказиб берувчилар, харидорлар, бюджет, тижорат банклари ва бошқа хўжалик субъектлари ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- молиявий ва бошқа қалтисликлардан (рисклар) суғурталашни таъминлаш;
- корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини доимий равишда чуқур таҳлил этиш;
- пул маблағларидан мақсадли ва самарадор фойдаланишни қатъий назорат қилиш ва бошқалар.

Корхоналарнинг миқдори, ходимлар сони, тармоқ соҳаси, ишлаб чиқаришда олдинга қўйилган мақсадлар асосида биз юқорида таъкидлаб ўтган вазифалари кенгайтирилиши ва янада аниқлаштирилиши мумкин.

Корхоналарда молиявий қарорларни қабул қилишда кўплаб ходимлар иштироқ этадилар. Энг муҳим молиявий қарорлар фақатгина корхонанинг юқори бошқаруви раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

6 жадвал

Молия хизмати бошлиғи ва бош ҳисобчи мажбуриятларининг тақсимооти

№	Молия хизмати бошлиғи	Бош ҳисобчи
1	Тижорат банклари билан ишни ташкил этиш	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини олиб бориш
2	Пул маблағлари ҳисобрақамларини бошқариш	Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш
3	Молиялаштириш манбаларини жалб қилиш	Ички аудитни амалга ошириш
4	Кредит ва валюта сиёсатини олиб бориш	Иш ҳақини беришни амалга ошириш
5	Дивиденд сиёсатини олиб бориш	Сметаларни тузиш
6	Суғуртани амалга ошириш	Ҳисоботларни тартибга солиш ва сақлаш
7	Солиқларни режалаштириш	Солиқларни тўлаш

Манба: Муаллиф томонидан тайёрланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, корхоналарда муҳим молиявий қарорларни ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилишда энг фаол ходимлар бўлиб молия хизмати бошлиғи ва бош ҳисобчи ҳисобланади.

Корхона молия-хўжалик фаолиятини юритишда молия хизмати бошлиғи ва бош ҳисобчи ўз ваколатлари доирасида вазифаларни ўзаро тақсимлаб оладилар. Корхоналарда улар ўртасидаги вазифалар тақсимотидан умумлаштирган ҳолда гуруҳларга ажратиш мумкин. Биз буни юқорида келтирилган жадвалда келтириб ўтдик.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган тақсимот ишлаб чиқариш хажми йирик корхоналарда учрайди. Бундай корхоналарда ўз хизмат мажбуриятини амалга оширишда бош ҳисобчи молия хизмати бошлиғига бевосита бўйсунди. Амалиётда ишлаб чиқариш хажми кичик, ходимлар сони кам бўлган кичик бизнес субъектларида молия хизмати ташкил этилмайди. Молия-хўжалик фаолиятини юритишдаги барча молиявий вазифаларни бажариш бош ҳисобчи зиммасига юклатилган.

Қисқача хулосалар

Корхонал молияси ўз моҳиятига кўра корхонанинг тадбиркорлик фаолияти натижасида хусусий капитал, мақсадли марказлашган ва марказлашмаган пул фондларини шаклланиши, уларни тақсимланиш ҳамда сарфланиши билан боғлиқ молиявий ёки пул муносабатларидан иборат.

Корхоналар молияси тақсимлаш ва назорат функциясини бажаради.

Корхоналар молиясини ташкил этишнинг хўжалик юритиш фаолиятидаги мустақиллик, ўз-ўзини молиялаштириш, моддий манфаатдорлик ва молиявий захиралар билан таъминланганлик тамойиллари мавжуд.

Таянч сўзлар

Пул, корхоналар молияси, тақсимлаш ва назорат функцияси, хўжалик юритиш фаолиятида мустақиллик, ўз-ўзини молиялаштириш,

моддий манфаатдорлик, молиявий захиралар, пул ресурслари, хусусий капитал, жалб этилган маблағлар, молиявий ҳисобот, бухгалтерия баланси, молиявий менежмент.

Назорат учун саволлар

1. Корхоналар молиясининг моҳияти нима?
2. Корхоналар молияси қандай функцияларни бажаради?
3. Корхоналар молиясини ташкил этишнинг қандай тамойиллари мавжуд?
4. Корхоналар молиявий ресурслари таркиби нималардан иборат?
5. Корхоналарни молиявий таъминлашнинг қандай шакллари мавжуд?
6. Корхоналар бухгалтерия балансининг актив қисмини таркиби нималардан иборат?
7. Корхоналар бухгалтерия балансининг пассив қисмини таркиби нималардан иборат?
8. Корхонанинг маҳсулот сотишдан келган пул маблағлари қандай тақсимланади?
9. Корхонада молиявий менежментнинг моҳияти нима?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
2. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
3. Алимов И.И. Молия. –Т.: ТДИУ. 2007.
4. Ковалёва А. Финансы и кредит. – М.: Финансы и статистика, 2006.
5. Миляков Н.В. Финансы. Учебник. – М.:ИНФРА-М, 2004.

6. Моляков Д.С., Шохин Е.И. Теория финансов предприятий. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2001.

7. Сенчагов В.К. и др. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. – М.: ПРОСПЕКТ, 2006.

8. Рашидов О.Ю ва бошқалар. Пул, кредит ва банклар.-Т.: “Мах-PRINT”. 2009. 456 б.

9. Поляк Г.Б. и др. Финансы. Денежное обращение. Кредит. – М.: ЮНИТИ, 2004.

10. “WWW. Prospekt. Ru” – «Проспект» нашриёти сайти.

11. “WWW. Finstat. Ru” – «Финансы и статистика» нашриёти сайти.

V-БОБ. БАНКЛАР ВА УЛАРНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

5.1. Банкларнинг мохияти ва асосий функциялари

Кредит - банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши - иқтисодий ислохатларни амалга оширилишининг ажралмас белгиларидан (хусусиятларидан) биридир. Бу шу билан таъкидланадики, банк тизими ҳар қандай турдаги иқтисодиётнинг марказий тизимини ташкил қилувчи унсурларидан ҳисобланади. Банк тизими вақтинчалик буш турган пул маблағларини аккумуляция қилиш функциясини амалга оширади. Банк тизимининг мувоффақиятли ишидан иқтисодиётни самарали фаолият қурсатиши, умуман олганда мамлакатдаги иқтисодий узиш боғлиқ бўлади.

«Банк тизими» тушунчаси биринчи навбатда «Банк ва тизим» каби ташкилий тузилмани ташкил қилувчи тушунчаларни аниқлашни талаб этади.

Банк нима? деган савол олдиндан қаралганда оддий ҳисобланади, бироқ у оддий тушунчадан иборат эмас. Халқ орасида банк бу - пул омбори деган тушунча билан юради. Ҳақиқатда эса банкни бу тушунча билан мохиятини очиқ бўлмайди ва банкнинг халқ ҳужалигидаги тулик урнини қурсатиш мумкин эмас. Бироқ янада кенгрок маънода банк мохиятини билиш учун банк тушунчасининг турли қарашларини урганишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан банк - тижорат муассасаси бўлиб, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг буш турган пул маблағларини жалб қилиш ва уларни ўз номидан, тўловлилик, муддатлилик, қайтиб бериш шарти асосида жойлаштириш операцияларини ва бошқа банк операцияларини бажаради.

Баъзи адабиётларда «банк - бу қорхона», деб ҳам изоҳ берилади. Маълумки, банк яхлит олинган қорхона сифатида ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширмайди. Тижорат банкларининг фаолиятини

корхона фаолиятига шу жихатдан ухшатиш мумкинки, тижорат банклари ҳам корхоналар сингари уз фаолиятини, уз даромадини купайтиришга ва шу асосда биринчидан, уз асосчилари - акциядорларининг манфаатларини, иккинчидан, уз мижозларининг манфаатларини химоя килишни таъминлашдан иборат.

Тижорат банкларини бизнинг фикримизча шунчаки «корхона» эмас, «махсус корхона» деб караш зарур. ×унки тижорат банклари ссуда капитали харакатини амалга оширади ва шу асосда банк уз акциядорларига, пайчиларига фойда олишни таъминлайди.

Тижорат банклари банк тизимининг мухим бугини бўлиб, кредит ресурсларнинг асосий кисми шу банкларда йигилади ва бу банклар хукукий, жисмоний шахсларга уз хизматларини курсатади.

Банклар - товар-пул хужалигининг ажралмас атрибутидир. Тарихан булар ёнма-ён ривожланиб келдилар. Шунинг учун кийматнинг пул шаклининг муомаласининг бошланиши банк ишининг бошланиши деб ҳисоблаш, ҳамда банк фаолиятининг ривожланишидаги етуклиги доимо иқтисодиётдаги товар-пул алоқаларининг ривожланиш даражасига мос келган.

Банклар-молиявий бозорнинг ташкилий тузилишининг бир кисми булган кредит ташкилоти бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик буш турган пул маблағларини жамгариш, йигиш, жамланган (аккумуляция килинган) маблағларни уз номидан кайтариб беришлилик, муддатлилик асосида бериш ҳамда мижозларнинг топширигига кура, тўловларни амалга ошириш вазифаларини амалга оширадилар.

Бу «банкнинг илк» белгилари бўлиб, улар аслида тарихан банкларнинг шаклланишидаги 3 асосий йуналишни узида акс эттиради. Маълум бир шартлар асосида ушбу йуналишларга черковларнинг узларига топширилган пул маблағларини саклаб беришни таъминлаш фаолиятини, ссудхурлик кредитларини, кейинчалик уларнинг тижорат кредитига

айланишини, алмаштирув (меняли) «столларининг» идораларининг «ҳисоб-китоб» ва валюта билан фаолиятларини мумкин. Ҳақиқатда эса охириги йуналиш бу ташкилотларга ном бериш учун асос бўлиб хизмат килди.

Купгина мамлакатларнинг конуний актларида (ҳужжатларида) «банк» тушунчаси-жамгармаларни қабул килувчи, ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва киска муддатли кредитлар берувчи ташкилотдир. Бирок банкнинг ягона умумий қабул килинган тушунчаси мавжуд эмас. Масалан, Францияда 1984 йилдан бошлаб кредит ташкилотлари орасида фарқлар киритилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир. Кредит ташкилотлари икки гуруҳга булинган, биринчи тоифа кредит ташкилотларига талаб килиб олгунча депозитларни ва икки йилгача муддатли депозитларни қабул килиш ҳуқуқига эга булган, ҳамда бу ҳуқуқдан махрум кредит ташкилотларидир.

Буюк Британия ҳукумати эса 1979 йилдан банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, ҳамда «лицензияли депозит ташкилотлари»ни фарқлашга яъни уларни узаро ажратишга ҳаракат килдилар. Аммо энг аввалидан бошлаб институтларни таснифлашда барча мумкин булган чеклашларни амалга оширишга ҳаракат килдилар. 1986 йилдан эса бу тизимдан ҳақиқатда воз кечишларига тугри келди, чунки бу тизим нафакат самарасиз, балки кредит тизими ва молиявий бозорлар устидан Марказий банк назоратини амалга оширишда ишончсиз, асоссиз ҳамда ноқулайликларга олиб келди.

Ўзбекистонда тижорат банкларини яратиш ва фаолият курсатиши Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелида қабул килишча «Банклар ва банк фаолияти тугрисида»ги Конунга биноан олиб борилади. Ушбу конунга асосан банк- бу тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

- юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;

- тўловларни амалга ошириш.

Банкнинг тарихан аниқ пайдо бўлган санаси йук. Банк фаолияти унсурларининг у ёки бу микдорда ривожланиши Италияда, Грецияда, Мисрда ва бошқа мамлакатларда янги даврга қадар қайд қилинган. Барламчи банклар тангаларни сотиш, сотиб олиш, алмаштириш, муддатли келгунча мажбуриятларни ҳисобга олиш, миждозларнинг мулкларини (молиясини) бошқариш, кредитларни бериш, ипотека ва ломбард операцияларни, далолатномаларни тузиш ҳамда бошқа операцияларни амалга оширганлар. Кейинчалик эса уз миждозларининг фармоишига асосан кредиторлар ҳисоб-китоблар ва бошқа операцияларни амалга оширишни бошладилар.

Ишлаб чиқариш ва муомаланинг усиши муносабатда барча мамлакатларда банкларни аҳамияти кутарилди. Юкорида куриб утилган функцияларга янгилар, масалан, фоиз келтирирадиган капитални бошқариш функциялари кушилди.

Шундай қилиб банклар-бу кредитнинг ривожланиши натижасидир. Шунинг учун кредит банкга нисбатан асос бўлиб ҳисобланади.

Таъкидлаш мумкинки -банк бу кредит ишининг шундай ривожоланиш босқичи, унда кредит, пул ва ҳисоб-китоб операциялари мажмуасида бир марказда йигилади. Умуман олганда яқун қилиб айтиш мумкинки:

Банк - бу пул маблағларини жамлаш ва уларни уз номидан қайтариб беришлик, тўловлилик ва муддатлилик асосида тарқатиш учун яратилган ташкилотдир.

Банкларнинг асосий мақсади пул маблағларини кредиторлардан қарз олувчиларга ва сотувчилардан харидорларга ўтказишда воситачилик қилишдир. Банклар билан бир қаторда, бозорларда пул маблағларни ўтказишни бошқа молиявий ва кредит - молиявий ташкилотлар: инвестицион фондлар, сугўрта компаниялари, брокерлар, демир фирмалари ва хоқозолар бажарилишлари мумкин. Бирок банклар,

молиявий бозор субъекти сифатида бошқа субъектлардан қуйидаги белгилари билан ажралиб туради.:

Биринчидан, банклар учун қарз мажбуриятларининг икки томонлама алмаштириш характерлидир (хосдир): улар узларининг мажбуриятларини (депозит) шакллантирадидлар ва жалб килинган маблағларни қарз мажбуриятларига, қимматли қоғозларга (бошқаларнинг чиқарган қоғозларига) жойлаштирадидлар;

Иккинчидан банклар узларига юридик ва жисмоний шахслар олдидаги каътий белгиланган сумма буйича шартсиз мажбуриятларни оладидлар.

Аммо шуни назарда тутиш зарурки, бугунги кунда аниқ олинган банк ташкилоти амалиётида барча санаб утилган банк операциялари амалга оширилмайди ёки деярли мавжуд эмас.

Юкорида куриб утилганларга асосан , айтиш мумкинки банкларни норма фаолият курсатиши ва яшаши учун аниқ асосий фаолият «туплами» мавжуддир.

Бундай операцияларга қуйидагилар киради:

- Депозитларни кабул килиш
- Пул тўловлари ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- Кредитларни бериш.

Банк мохиятини туликрок (туларок) унинг функцияларини очиб беради.

Тижорат банкларининг иқтисодий роли унинг фаолият доирасининг кенг бўлишига олиб келади.

Тижорат банклари қуйидагиларни бажаради:

-вақтинча буш турган пул маблағларни йигиш ва уларни капиталга айлантириш;

-корхона, ташкилотлар ва аҳолини кредитлаш;

-муомалага кредит пуллар (муомаланинг кредит воситалари) ни чиқариш;

-халқ хужалигида ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш;

-молия - валюта бозорида фаолият курсатиш;


-иқтисодий-молиявий ахборотлар бериш ва маслаҳат хизматларини курсатиш.

Банкнинг бирламчи ва асоай функцияси бюулиб, вақтинчалик буш пел маблағларини аккумуляция килиш, йигиш функцияси ҳисобланади. Аккумуляциясининг узига хос тамойилларни ҳисобга олиш зарурдир. Банклар буш пул маблағларини йигиш ва уларни капиталга айлантириш функциясини бажара туриб мавжуд буш пул даромадлари ва жамгармаларни йигади. Чунки банклар нафакат узларининг, балки бегоналарнинг вақтинчалик буш пул маблағларини йигадилар. Жамланган пул маблағлари банкларнинг узларининг исьмелига эмас, балки бегоналарнинг (бошқа) исьтемомл учун фойдаланилади. Жамгарувчи (буш пул маблағи эгаси) уз маблағларини банкка ишониб топширгани учун ва банк бу маблағлардан фойдалангани учун маълум фоиз ҳисобида даромад оладилар. Жамланадиган ва кайта таксимланадиган маблағларининг мулк хукуки бирламчи кредитор (банк мижози) да сакланиб қолади. Буш пул маблағлари ҳисобидан ссуда капитали фонди вужудга келади ва бу фонд халк хужалиги тармоқларини кредитлаш учун ишлатилади

Банкларнинг иккинчи функцияси- пул муомаласини тартибга солиш функцияси. Банклар турли хужалик субъектлар орқали утадиган тўлов муомаласи (оборот) нинг маркази сифатида чиқадилар. Ҳисобкитоблар тизими орқали банклар узларининг мижозларига айирбошлашни амалга оширишни, пул маблағлари ва капитални айланиши учун шароит яратиб берадилар. Банклар орқали алохида олинган субъектлар ва бир бутун мамалакат иқтисодиётидаги оборот(айланиши) утади. Муомалага кредит пулларни чиқариш функцияси тижорат банкларни бошқа молия институтларидан ажратиб туради. Тижорат банклари депозит-кредит эмиссия килганида, ссудалар берганида пул массаси ошади ва ссуда банкка кайтарилганда муомалада пул массаси камаяди.

Тижорат банклари кредит пулларни яратишнинг эмитенти ҳисобланади. Тижорат банк томонидан мижозга берилган кредит унинг ҳисоб ракамига ўтказилади ва банкнинг қарз мажбурияти ортади. Мижоз бу маблағнинг маълум кисмини нақд пул шаклида ҳисоб ракамидан олиши мумкин.

Замонавий тижрат банкларининг функциялари.¹⁹



Бу ҳолда муомалада пул массасининг миқдори ошади. Шунинг учун ҳам тижрат банклар фаолияти устидан Марказий банк назорат олиб боради.

Тижрат банкларнинг муҳим функцияларидан бири-ҳисоб-китобларни олиб боришдир. Ҳисоб-китобларни олиб боришда банк мижозлар ўртасида воситачи бўлиб хизмат килади. Банкларнинг бу функцияси- воситачилик функцияси бўлиб, бунга асосан банкларнинг тўловларидаги воситачилиги фаолияти тушинилади. Банклар орқали корхона, ташкилот ва аҳолининг тўловлари ўтказилади. Иқтисодий ҳаёт марказида жойлашган банклар бу функцияси орқали бу хужалик талабларидан келиб чиққан ҳолди капитални муддати, ҳажми ва йуналишини узгартиришга имкон олади. Банкларнинг бу функцияси купрок маблағларни ўтказиш функцияси сифатида намоён бўлади.

¹⁹ Роуз Питер «Банковский менеджмент», М. Дело ЛТД. 1995

Тижорат банклари яна қимматли қоғозлар чиқариш ва жойлаштириш билан шугулланиши мумкин.

Тижорат банклари иқтисодий ахволни назорат кила бориб, мижозларга хар-хил ахборотлар, маслахатлар бериши мумкин. Жуда катта уз сармоясига эга булган тижорат банклари йирик инвестор сифатида чиқишлари, яъни умуман халк хужалиги ривожига бевосита таъсир курсатишлари эҳтимол тутилган таркибий кайта куриш ишларига аралаштишлари ва хатто иқтисодиет шуъбаларининг истикболларини белгилашлари мумкин.

Мулкни бошқариш ва сармоя хосил килишнинг анча хатто микёслардаги акциядорлик-хукукий шакли макomini тижорат банклари олар экан, молия бозорларига жиддий таъсир курсатиши куплаб холдинглар шуъба фирмалар ва корхоналар ташкил этиш, шунингдек катнашувчининг турли шаклларини ривожлантириш асосида уз фаолиятини анча диверсификациялаши мумкин бўлади.

Шундай килиб, банк, бу хукумат, корхона, ахолига ва бошқа банкларга пуллик ва қимматли қоғозлар билан турли операцияларни амалга оширувчи ҳамда молиявий хизматларни курсатувчи молиявий ташкилотдир.

Банклар маълум тамойиллар асосида фаолият курсатади. Банкларни биринчи ва асосий тамойили бу уларни хакикий (реал) мавжуд булган маблағлар хажмида фаолият курсатишидир. Бу тамойил банкларни уз маблағларини нафакат микдори бериладиган микдори буйича кредит хажмига тугри келишини, балки банк активларини хусусиятлари билан жалб килинадиган маблағлар хусусиятларини тугри келишини таъминлашлари зарурдир. Энг аввало бу уларнин муддатлари буйича мос келишидир. Бирок тижорат банкида куп фойда олиш чекланган. Биринчидан катта маржа кетидан кувиш мижозлардан махрум бўлиб колишига олиб келиши мумкин, чунки улар хаддан ташкари катта

қуйилган ставкали кредитдан воз кечишлари мумкин, иккинчидан банклараро ракобат шароитида бошқа тижорат банклари орасидан бир кадар самаралироқ ишлар учун анча арзон кредитлар таклиф этилиши мумкин. Даромадлилик (фойда куриш) коидаси сифатида шуни англатадики бусиз банк мавжуд була олмайди. Банк тижоратининг бу коидаси асосан "Арзонроқ сотиб олиш, қимматроқ сотиш" формуласи орқали амалга ошади. Бирок бу коидага маданий ёндашмоқ лозим. У конунчиликка таяниш, унга асло зид келмаслиги, бинобарин, бунда шундай шарт-шароит яратилиши керакки хар бир банк узининг тижорат ишларини амалга ошираётганда банк хизмати бозори хакида баб-баравар ахборот олиш.

Банкларнинг таянадиган иккинчи зарурий тамойили, бу уларнинг тулик иқтисодий мустакилликдир. Банклар уз фаолият натижалари учун узлари тулик мустакил ва жавобгардирлар. Бу уз навбатида банкларни уз маблағларини жалб килган пул маблағларини мустакил бошқариш, мижозлар ва жамгармачиларни эркин танклаш, даромадларни бошқариш, соликларни тулаш каба хукукларини беради. Тижорат нуктаи назаридан караганда бекор ётган ресурслар булмаслиги керак. Бошқача айтганда банкнинг ҳамма пуллари, барча ресурслари имкон кадар ишлашлари лозим. Бирок хакикий ахвол шундан иборат бўладики, маблағларни бир кисми захирага қуйилади, у муомалада камроқ катнашади еки умуман иштироқ этмайди, яна бир кисми эса иқтисодиетни кредитлаш учун мулжалланади. Уз-узидан равшанки банк бизнеси нуктаи назаридан караганда, бу гайритабиий, шунинг учун ҳам бирламчи ва иккиламчи захираларга нисбатан кредитлар салмоги канчалик катта булса, фойда ҳам шунчалик куп келишини билиб қуйган маъкул.

Учинчи асосий тамойил, бу тижорат банкларни уз мижозлари билан муносабатлари оддий бозор муносабатларига мос курилади. (урнатилади). Банк кредитларини бекриш жараёнида бозор муносабатларига таянган

холда уларни фойдалилик, риск ва ликвидлилик нуктаи назирдан келиб чиқади. Банк фаолиятининг муҳим коидаларидан яна бири шуки, банк иқтисодий корхона сифатида уз маблағи, уз фойдаси устидан таваккал иш тутиши мумкин, аммо зинхор миждоз маблағи юзасидан эмас. Муваффақиятсиз банк тижоратидан банкнинг узи жабр тортиши мумкин. Лекин миждоз ҳеч қачон жабрланмаслиги керак, чунки кредит муассаси унинг учун яратилган.

Банк тижорати "Ҳамма нарса миждоз учун ҳамма нарса унинг фойдали фаолиятини таъминлаш учун" коидаси асосида ҳаракат қилиши лозим. Банкнинг амалий фаолиятида энг муҳими миждознинг фойда қуриши, ундан кейингина банкнинг фойдасидир. Тижорат банкнинг миждозларга нисбатан шериклик муносабати узаро манфаатдорлик коидасига асосланиши лозим. Банк учун ҳам миждоз учун ҳам ҳамкорлик туфайли қозонилган ишонч улар ўртасидаги шериклик муносабатларини мустаҳкамлайдиган жиддий омилга айланади. Яхши шерик бўлишни истаган банк уз миждозларини хизматлар "мажмуаси" билан таъминлаши зарур.

Тижорат банкларининг туртинчи тамойили бу улар фаолиятининг назорат қилиш ва тартибга солишда фақат бевосита иқтисодий усуллардан фойдаланишлигидир.

Миллий банк тизими фаолиятига ўзининг доимий эътиборини қаратиб келаётган Ўзбекистон Республкаси Президенти И.А.Каримов :”Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ, бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак. Нега деганда, айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий

барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ²⁰ деб алоҳида таъкидлаб ўтган. Ушбу омил ҳозирги вақтда банк тизимининг аҳамиятини янада оширади.

5.2. Банк тизими ва унинг операциялари.

Агар мамлакатда етарли даражада банк фаолиятини курсатаётган банклар, кредит ташкилотлар ҳамда иқтисодий ташкилотлар мавжуд булса у ҳолда банк тизими мавжудлиги тугрисида гап юритса бўлади. Ушбе шароитда банклар ва кредит ташкилотлари турли шаклларида ҳамда доимо уз миждозлари- иқтисодиёт субъектлари, Марказий банк, бошқа органлар, давлат ҳокимиятлари ва давлат бошқарув органлари, узаро ёки ёрдамчи ташкилотлар билан мулоқотда (муносабатда) бўлиб турадилар.

Банк тизими - ташкилий тузилма сифатида йирик тизим бўлиб - мамлакатнинг иқтисодий тизимига киради. Бу шунини билдирадики, банкларнинг фаолияти ва ривожланишини моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш, муомала ва истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳолда қуриб чиқиш зарурдир. Узининг амалий фаолиятида банклар хужвалик ҳаётини тартибга солиш механизми билан узвий равишда боғлиқ.

Шу билан бирга банклар солиқ тизими, баҳо тизими, баҳо ва даромад сиёсати, ташки фаолият иқтисодий фаолият шартлари билан узвий алоқада бўлишлари шартдир. Бу шундай дарак берадики мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий узгаришлар қуп ҳолларда банк тизими фаолиятига бошқа ижтимоий - хужвалик механизми билан алоқадорлигидаги ҳаракатига боғлиқдир.

Банк тизими- бу мамлакат ҳудудида тарихан шаклланган ва қонун билан мустаҳкамланган кредит ташкилотларининг фаолият курсатиш

²⁰ Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишининг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 53 б.

шаклидир. Худди пул ва молия тизими каби банк тизими узига хос миллий белгиларига эгадир. Шу белгилар шу худуднинг, географик шартлари об-хаво ахоли миллий тузилиши, уларни нима билан машгуллиги, кушнилари билан муносабати, савдо йуллари ва омилар асосида шаклланади.

Банк тизими - ягона маънога эга эмас. Уни турли тамойилларни куриш, турли холатларига караб гурухлаш мумкин. Масалан, уларни ташкилий тузилишига кура интитуционал чизма кўринишида куриб чикиш мумкин. Бундан ташкари банк тизимини бажарадиган функциялари, узаро алоқадорлиги, мавкеи, махсус йуналиши, бажарадиган операцияларга ва уларни тахбех этилишига караб ҳам гурухлаш мумкин.

Тижорат банкларини белгиларига караб куйидаги турларга бўлиш мумкин. Мулкчилик шаклига караб банклар: давлат банкига, акциядор банкларга, кооператив, хусусий, минтакавий, аралаш мулкчиликка асосланган банкка булинади. Акциядор банклар акциядор жамият каби очик турдаги ёки ёпик турдаги акциядор банклар бўлиши мумкин. Акциядорлар сафига кириш акцияларни сотиб олиш йули билан амалга оширилади. Ҳукукий ва жисмоний шахслар банкларнинг акцияларини сотиб олиши ва акциядорлар бўлиши мумкин.

Акциядор тижорат банкларининг юкори органи - акциядорларнинг умумий йигилиши ҳисобланади. Ҳар йили акциядорларнинг йигилиши уставдаги ва устав капиталидаги узгаришларни, йиллик фаолият ва унинг натижаларини, банк даромадларини тасдиқлаш, Банк Кенгаши таркибини сайлаш банкнинг шуъба муассасаларини ташкил килиш ва бекор килиш каби масалаларни куриб чикиши мумкин.

Баъзи тижорат банклари пайлар (бадаллар) ҳисобидан ташкил килиниши мумкин. Бу турдаги банкларнинг катнашчилари ҳам ҳукукий ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Хусусий банклар - жисмоний шахснинг пул маблағлари ҳисобидан ташкил килинган банклар ҳисобланади.

Жойлашиш белгисига караб тижорат банклар: халқаро, республика, минтакавий, вилоят банкларига булиниши мумкин.

Бажарадиган операцияларига караб тижорат банклар - универсал ва махсус банкларга булинади.

Универсал банклар хилма-хил операциялар бажариш, хар хил хизматлар амалга ошириш хусусиятига эга бўлади. Махсус банклар маълум йуналишларга хизмат курсатиб, уз фаолиятини шу йуналишларда ютукларга, самарадорликка эришишга багишлайди. Бундай банкларга тармоқларга хизмат курсатувчи банклар, экспорт-импорт операцияларини олиб борувчи банклар, инвестиция банклари, ипотека-замин банклари кириши мумкин.

Банкларни институционал тузилиши билан буйича гурухлари бир канча унсурларни мажмуини бевосита ва билвосита банк фаолияти билан шугулланувчиларни, уларни тузилишини, вазифалари, функциялари, муҳитдаги операцияларини узаро алоқадарликда уз ичига олади. (ташкilot ва корхоналар).

Ташкилий тузилиш буйича гурухлаш ушбу давлатда фаолият олиб борадиган кредит турлари ва шаклларини, бунда иштирок этадиган банкларнинг турларини уз ичига олади. Тузилма кредит шакллари ва банк иштироки белгиларига караб тузилади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда мавжуд булган банк тизимларини шартли равишда универсал ва сегментланган турларга ажратиш мумкин. Сунгги пайтларга кадар Германия, Франция, Голландия, Швейцария каби ривожланган мамлакатларга универсал банклар хос эди. Хозирда универсал банклар асосий мамлакатларда мавжуддир.

Сегментланган банк тузилмаси тижорат ва нобанк кредит ташкilotларига фаолият муҳитини (операцияларини) катъий конуний томонидан чегаралаб қуйилишини билдиради. Бундай холат хозирда АКШ, Япония, Канада каби давлатларда мавжуд бўлиб уларда корпаратив

мижозларнинг қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш операциялари билан шугулланишлари тақикланади. Бирок бугунги кунда АКШ 1933 йилда қабул қилинган Гласс-Стегал қонуни бекор қилиниши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари Марказий банкдан лицензияни олгандан сунгина давлат қимматли-қоғозлари билан операцияларни амалга оширилиши мумкин. Уларга қимматли қоғозлар билан операциялар қилиш учун, тўлов харажатлари функциясини бажарувчи қоғозлар учун (вексель-чек) ёки пул маблағларини жамғармаларга ва банк рақамларига жалб қилишларини тасдиқловчи қоғозлар (депозит ва жамғарма сертификатлари) учун махсус лицензия олишлари шарт эмас.

Бугунги кунда банкларни ва бошқа молия-кредит ташкилотлари орасидаги фарқини йукотишни мамлакатдаги капитал харакатини марказлашувуни ва жамғарлиши билан бевосита боғлиқдир.

Бундай харакат натижасида узаро яқин ва ухшаш булмаган кредит ташкилотларини йуқолиб кетиши ёки қушилиши жараёни амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бирга банкларнинг универсаллашуви макроиқтисодий омилларига боғлиқдир. Аммо бу фаолият узок муддатни уз ичига олади. Хозирги кунда фарқларнинг йуқолиши ва банклар томонидан функционал ва юридик хусусиятларни бекор бўлиши асосан йирик тижорат банкларида сезиларли амалга ошмоқда. Шу қайд қилиш лозимки йирик банкларнинг универсаллашуви ва глобал йуналишларининг олиб борилиши кичик банкларнинг, махсус кредит ташкилотларига яъни маълум турдаги операцияларга мослашган ташкилотларга айланишига сабаб булмоқда. Бу эса қупгина мамлакатларда фаолиёт курсатаётган қуп босқичли банк тизимига хос хусусиятдир.

Бугунги кунда банкларнинг куп погонали бўлиши уларнинг ташкилий тузилишига боғлиқ.

Аммо, ривожланган мамлакатларга бир ёки икки погонали банк тизими хосдир

Бир погонали банк тизими варианты мамлакатда ягона марказий банк хали мавжуд булмаса ёки битта марказий банкдан иборат булсагина рсал (хақиқатда) мавжуд бўлиши мумкин.

Аммо цивилизация даражасидаги бозор иқтисодиёти шароитига икки погонали банк тизими хос. Бунда биринчи поғона банклари-бу Марказий банк, иккинчи қуйи поғона эса-тижорат банклари ва кредит ташкилотларидир.

Марказий банк-банк тизими мавжуд булган барча давлатлар пул-кредит тизимининг асосини ташкил қилади. Марказий банкнинг молия бозоридаги урни мамлакатда бозор муносабатларининг ривожланиш даражасига ва хусусиятига боғлиқ.

Бу эса уз навбатида икки погонали банк тизимини шаклланишига асосий омил бўлиб ҳисобланади. Чунки бунинг тепасида Марказий банк бўлади.

Икки погонали банк тизимининг зарурли бозор муносабатларининг карама-каршиликларидан келиб чиқади. Бир томондан, бу хусусий молия маблағларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқини талаб қилади. Бу қуйи поғона банклар-тижорат банклари орқали амалга оширилади. Иккинчи томондан, бу муносабатларни маълум миқдорда тартибга солиш назорат қилиш мақсадли йуналтириш зарур. Бундай махсус институт сифатида Марказий банк юзага чиқади.

Юқорида қуриб утганимиздек банк фаолиятини махсус лицензия асосида амалга ошириладиган фаолиятдир. Биз айтганимиздаги Ўзбекистон Республикаси Тижорат банклари Марказий банк томонидан

бериладиган лицензия асосида фаолият олиб борадилар. Уларга кушимча рецензия зарур эмас (факат валюта операцияларидан ташқари).

Бозор иқтисодиети ва жаҳон хужалиги ривожланиши билан банк тизими ҳам ривожлана борди. Хозирги шароитда банклар тобора купрок факат соф банк операцияларини бажарадиган эмас.

Тижорат банклари қуйидаги операцияларни бажаради:

- пассив операциялар;
- актив ссуда операциялари;
- банк хизматлари ва воститачилик операциялари;
- банкнинг уз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган операциялар ва бошқалар.

Шу билан бирга банклар молиявий хизматлар курсатадиган молиявий муассасаларга айланмокда, бу банк балансида акс эттирилмайди, лекин жуда катта даромад келтиради. Масалан: банклар валюта операцияларини бажарганда саррофлар-брокерлар сифатида майдонга чиқадилар ва катта миқдорда воситачилик хақи оладилар. Лекин бу операциялар банк балансида акс эттирилмайди. Хозирги пайтда йирик тижорат банклари қарийиб 350 турдаги молиявий хизмат курсатмокда.

Шуни таъкидлаш лозимки Республика Тижорат банкларининг молиявий ҳолати бугунги кунда барқарор эмас. Шу сабабли Республикада бир канча банкларнинг лицензияси чақириб олинди, бу эса уларни хақиқатда банкротликга учраганлигидан дарак беради.

Банк рецензияси чақириб олиниш жараёнидан ликвидацион комиссия тузилади. Улар қийин ва узок муддатли мураккаб фаолият олиб борадилар.

5.3. Марказий банк ва унинг функциялари.

Кредит молия-тизимининг барқарорлигининг таъминлаш, унинг алоҳида бугинларининг биринчи навбатда тижорат банклари фаолиятини

баркарорлигини таъминлаш мамлакат марказий банкнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Марказий банкнинг яна бир асосий вазифаларидан кредит органларини (тизимини) фаолиятини тартибга солиш ва умумлаштиришдан иборатдир.

Узоқ йиллар мобайнида тижорат банклари ва эмиссион банкларининг бажарадиган функциялари кушилиб кетди. Булар каторига банкнотларни эмиссия қилишнинг марказлашуви бир қулда ёки бир неча банкларнинг қулида яъни давлатнинг махсус қонуний далолатномалари билан қуллаб-қувватладиган банклар қулида ушлаб туриши, кейинчалик эса улар орасидан йирикларини ажратиб сунг эмиссия чиқариш ҳуқуқини берилишини, ёки алоҳида марказий эмиссион банклар деб номланувчи банкларнинг пайдо бўлиш жараёнларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Замонавий икки погонали банк тизими қуп сонли тижорат банклари ва ягона Марказий банкга асосланган банк тизими шу йул билан вужудга келди. Одатда Марказий банк - бу давлат банки, масалан, Англия банки, Франция банки, Бундес банк, Япония банки, Швецария миллий банки, Финляндия банки ва х.з. ягона банклардан ташкил топади. Бирок АКШ Марказий банк 12 ҳудудий Федерал банклардан, яъни федерал захира тизими (ФРС) бошқарув кенгаш томонидан бошқариладиган булимлардан иборатдир.

Марказий банк капиталига булган мулк шаклига қура улар Давлат (капитал давлатга тегишли) акционер ва аралаш капиталли турларига булинади.

Баъзи Марказий банклар Давлат банклари кўринишларида шаклландилар. Уларга Немис Федерал Банки (Германия Бундес банки). 1957 йилда Рехс банкнинг давомчиси (1975 йилда пайдо булган) сифатида шаклланди. Баъзи Марказий банклар- олдин хусусий банк масалан, Англия банки (1694), Франция банклари (1800й.) сифатида кейинчалик эса миллийлаштирилиб давлат банкига айлантирилган.

Акционер туридаги Марказий банк каторига АКШ ФРТ (Федерал захира тизими) киритиш мумкин. ФРС 1913 йилдаги Федерал Резерв асосида пайдо булган аралаш турдаги Марказий банклар жумласига капиталида давлат, акционер ва хусусий ва капитал иштирок этган банклар киради. Бу гуруҳлар каторига кирувчи Япония банклар (1882й.) мисол килиниб келтирилиши мумкин. Конун буйича 1942йилда 55% устав капитали давлатга тегишлидир. Деярли барча мамлакатларда Марказий банк хукукий меъёрларини тартибга солувчи . аникловчи (белгиловчи) конунлар мавжуддир. Турли мамлакатларда Марказий банкларга турли функцияларни белгилаб берилиши мумкин. Лекин Марказий банк доимо Давлат ва банк белгиларини узида мужассамлаштирилган узида Давлатнинг тартибга солувчи органи бўлиб қолади.

Мамлакатнинг Марказий Банки - шу давлат банк тизимининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади. Марказий банк- биринчи уринда давлат ва иқтисодиёт ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилади. Аммо Марказий банк уз олдида фойда олишни мақсад қилиб қуймайди.

Марказий банк функциялари узок йиллар мобайнида деярли узгармай аник модификацияланган кўринишга эгадир.

Турли иқтисодий адабиётларда ва укув дарсликлариди Марказий банк функциялари турлича талкин қилинади.

Масалан В.М. Усокиннинг фикрига кура Марказий банк функцияларига:

- кредит пуллари (банкнотлар) эмиссияси;
- банклар учун ва бошқа кредит ташкилотлари учун турли хизматларни амалга ошириш;
- ҳукуматнинг молиявий агенти функцияси;
- марказлашган олтин-валюта захираларини сақлаш;
- пул-кредит сиёсати тадбирларини ўтказиш қабилар киради.

«Молия, пул муомаласи, кредит» китобининг муаллифлари фикрича Марказий банкнинг асосий функцияси:- «муомалага кредит пуллари- банкноталарни чиқариш ва пул муомаласини тартибга солишдан иборатдир».

Шундай қилиб, Марказий банклар- «банклар банки»га айлантириб юборилди, яъни уларнинг мижозлари бўлиб тижорат банклари ҳисобланадилар. Марказий банклар узларининг жорий (депозит) ракамларида тижорат банкларининг пул маблағларини акс эттирадилар, уларнинг нақд пуллари тулдиришга боғлиқ операцияларни амалга оширадилар, тижорат банкларига кредитлар берадилар. Марказий банклар куп холларда Давлатнинг банкирлари ҳисобланадилар. Шу билан барча эмиссион банкларнинг яна бир асосий функцияларига очик бозордаги операциялар ва девиз операциялари киради. Улар давлатнинг қимматли қоғозларини сотиш ва олиш, хорижий валюталарни ҳамда миллий валюта курсларини ушлаб туриш мақсадида сотади ва сотиб олади.

Лекин, умуман олганда Марказий банклар томонидан бажариладиган операциялар қуйидаги турт гуруҳга (турга) бўлинади:

1. Банкнотларнинг монопол эмиссиясини амалга ошириш;
2. Марказий банк- “банклар банки” ҳисобланади;
3. Марказий банк- “ҳукумат банкири” ҳисобланади;
4. Марказий банк пул- кредитни тартибга солади ва банк назоратини амалга оширади.

Марказий банкларга давлат вакили сифатида қонуний тарзда банкнотларни монопол равишда эмиссия қилиш бириктирилган, яъни умуммиллий кредит пуллари босиб чиқариш юклатилган. Таъкидлаш керакки, саноати ривожланган мамлакатларда банкноталар пул массасининг сезиларсиз қисмини ташкил этади, шунинг учун Марказий банкнинг монопол эмиссия функцияси бирмунча пасайтирилган. Бирок банкноталарни чиқариш функцияси мамлакатдаги пул захираларини

ташкил килувчи, чакана пул муомаласини нақд банкноталар билан таъминлаш ва кредит тизимини ликвидлилигини таъминлаш воситаси ҳисобланади. Бу функциялар нақд пул муомаласи улуши сезиларли булган мамлакатларда катта аҳамиятга эгадир.

Марказий банк бевосита тадбиркорлар ва аҳоли билан ҳеч қандай фаолият олиб бормайди. Унинг асосий мижозлари бўлиб тижорат банклари ҳисобланади. Тижорат банклари Иқтисодиёт ва Марказий банк орасида (ўртасида) воситачи сифатида фаолият курсатадилар. Марказий банклар банки сифатида тижорат банкларининг захираларини саклайди, жумладан, мажбурий захира талаблари шаклидаги пул маблағларини саклайди, уларнинг кредиторлари сифатида иштирок этади, тижорат банкларининг Марказий банкда очадиган ҳисоб варақлари орқали (Ўзбекистон Республикаси- ҳисоб-касса маркази) мамлакат микёсида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширадилар; банклар ва бошқа кредит институтлари устидан назоратни олиб борадилар.

Капиталидаги мулк шаклидан қатъий назар Марказий банк давлат билан узвий боғлиқдир. Ҳукумат банкири сифатида- Марказий банк ҳукумат газиначиси урнида ва кредитори сифатида, вакили (агенти), Молиявий маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб боради.(иштирок этади). Бу уринда Марказий банк ҳукумат ташкилотларининг ва корхоналарнинг ҳисоб рақамларини юритади, солиқларни ва бошқа тушумларни йигади, тўловларни амалга оширади. Марказий банк, қоидага биноан, давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширади. Давлатга солиқлар ва заёмлардан (облигациялардан) тушган даромадлар ҳукумат харажатларини қопловчи Марказий банкдаги казиачейликнинг фойсиз рақамига ўтказилади. (Молия вазирлиги).

Ҳукуматнинг кредитори сифатида, Марказий банк давлат заёмларини янгиларини муомалага чиқариш, жойлаштириш, узининг

портфелини тулдириш учун давлат қоғозларини сотиб олиш, давлатга (хукуматга) тугри газна кредитларини бериш билан шугулланади.

Давлат бюджетининг тақчиллиги шароитида купгина мамлакатларда Марказий банкнинг хукуматни кредитлаш ва давлат қарзини бошқариш функциялари кучаяди. Марказий банк давлат қарзини бошқариш учун усуллардан фойдаланади. Масалан, давлат мажбуриятларининг курсларига таъсир курсатиш мақсадида уларни сотади ва сотиб олади, сотиш шартларини узгартиради, турли йулар билан хусусий инвесторлар учун уларни жозибадорлигини оширади.

Давлатнинг вакили (агенти) функциясида, Марказий банк мамлакатнинг олтин-валюта захираларидан фойдаланади, миллий пул бирлиги курсини ушлаб туриш учун валюта бозорларида валюта интервенцияси каби воситалардан фойдаланади. Марказий банк халқаро валюта-кредит ташкилотларда уз мамлакати номидан катнашади.

Юкорида айтиб утилганлардан, умуман олганда, Марказий банкнинг барча функциялари узаро боғлиқдир. Давлатга кредит бериш орқали, марказий банк кредит муомала воситаларини яратади. Хукуматнинг мажбуриятларини чиқариш ва қоплаш орқали, у ссуда фоизига таъсир курсатади. Санаб утилган функциялари орқали Марказий банк узининг асосий мамлакат пул-кредит тизимини тартибга солиш функциясига асос яратади ва иқтисодиётни тартибга солади.

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати умумиқтисодий инфратузилмаларни тартибга солишнинг, бозор конъюктурасини юкори даражада ушлаб туриш, бандликка таъсир ўтказиш, инкирозли тушумларни олдини олишнинг ажралмас кисми сифатида намоён бўлади.

Шундай килиб- пул-кредит сиёсати- муомаладаги пул маблағлари микдорини, банк кредитлари хажмини, фоиз ставкаларини, валюта курсларини, тўлов балансини ва уз навбатида бевосита мамлакат

иқтисодиёти холатини узгартириш учун йуналтирилган тадбирлар мажмуасидир.

Пул-кредит сиёсати усуллари умумий бўлиши мумкин, яъни мамлакатдан кредит муносабатлар холатига умумий таъсир курсатувчи, ёки селектив, яъни алохида олинган кредит турларига таъсир курсатиш учун йуналтирилган ҳамда алохида корхона, жумладан тармоқларни кредитлаш учун йуналтирилган бўлиши мумкин.

Пул-кредит сиёсатининг умумий усулларига:

- Марказий банкнинг ҳисобга олиш сиёсати ёки фоиз ставкаларини тартибга солиш сиёсати;

- очик бозордаги операциялар, ёки давлат қимматли-қоғозларини сотиб олиш ва сотиш;

- мажбурий захира нормаларини узгартиришлар киради.

Ҳисобга олиш сиёсати Марказий банкнинг тижорат банклари учун охириги навбатдаги захираси сифатида кредиторига айаланиши билан боғлиқ.

Мажбурий захира нормаларини тартибга солиш бу ҳукумат талаби асосида тижорат банкларининг белгиланган миқдоридаги пул маблағларини Марказий банкдаги фоизсиз ҳисоб варагига ўтказилишидир.

Очик бозордаги операциялар-бу марказий банкнинг тижорат ва газна облигациялари ва бошқа қимматли-қоғозларни бозор курси ёки олдиндан эълон килинган курс буйича сотиб олиш ва сотиш, ҳамда қайта келишувларидир.

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати селектив усулларига:

- лимитлар, квоталар урнатиш орқали кредит миқдорини ёки векселларини ҳисобга олишни тугридан-тугри кискартиришдир;

- кредит операцияларини усиш даражасини пасайтириш;

- алохида олинган турдаги кредитлар устидан назоратни урнатиш, исъмол кредити устидан ;

- алохида олинган жамгармаларга юкори фоизларни урнатиш ёки умуман фоиз ставкаларини тартибга солиш ва бошқалардир.

Куриб утилган функциялар Марказий банкни иқтисодиётдаги, хусусан банк тизимини бошқаришдаги урнини курсатиб беради. Ушбу функциялар орқали Марказий банклар банк тизимини бошқаради, ислохотларини олиб боради ва уларни тартибга солади.

5.4. Ўзбекистон банкларнинг ривожланиш йуллари ва ислохотлари

Бозор иқтисоди шароитида банкларининг роли, уларнинг иқтисодга таъсири ушиб бормокда.

Банклар ва унинг кредити ёрдамида мавжуд капитал тармоқлар ўртасида, ишлаб чиқариш ва муомала соҳасида таксимланади ва кайта таксимланади.

Саноат, транспорт, кишлок хужалиги соҳасида кушимча инвестицияга булган талабларни молиялаштириб, банклар халк хужалигида прогрессив ютукларга эришишни таъминлаши мумкин. Охириги йилларда тижорат банкларининг сони, улар бажарадиган операциялар, уларнинг устав фонди ва қуйилмалар салмоги ошиб бормокда. Хозирги кунда Ўзбекистонда 29 та тижорат банклари фаолият курсатмокда. Тижорат банкларни ташкил килишдаги устав капитали микдори 2008 йил 1 январдан фаолият курсатувчи хусусий банклар учун 2,5 млн. Евро сўм эквиваленти микдоридаги маблағга эга бўлиши керак, қолган тижорат банклари учун 5,0 млн. евро сўм эквиваленти бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тугрисида»ги конунда тижорат банкларининг қуйидаги операциялари кайд килинган:

1. Мижозларнинг ҳисоб варакаларини олиб бориш:
2. Мижозларга касса хизмати курсатиш:
3. Мижознинг топширигига биноан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни бажариш:

4. Киска ёки узок муддатли кредитлар бериш:
5. Шартнома ёки пуллик асосида буюртмачининг топширигига биноан капитал қуйилмаларни маблағ билан таъминлаш:
6. Буш пул маблағлари-депозитларини муомилага жалб қилиш:
7. Аҳолидан омонатларни қабул қилиш:
8. Факторинг операцияларини амалга ошириш:
9. Лизинг операцияларини амалга ошириш:
10. Тижорат банки давлатнинг ҳамда бошқаларнинг қимматли қўғозларини харид қилиш ва сотиш:
11. Хорижий валюта ва қимматли металлларни харид қилиш ва сотиш:
12. Уз миждозлари учун қафолат ва мажбуриятлар бериш:
13. Бюджетнинг касса иждросини бажариш:
14. Банк операциялари буйича маслахатлар бериш ва бошқа операциялар.

Банкларнинг операциялари уларнинг бевосита фаолияти орқали (вазифаси) амалга оширилади. Бундай вазифалар юқорида қуриб утганимиздек узаро боғлиқ икки турга булинади.

Пассив (банк ресурсларини шаккилантириш буйича операциялар).

Актив (бундай ресурсларни жойлаштириш ҳамда фойдаланиш билан боғлиқ операциялар).

Банк ресурслари узига тегишли ва жалб этилган маблағлардан вужудга келади. Узига тегишли маблағлар одатда банклар тасарруфидаги барча ресурсларнинг фақат унга катта булмаган қисмларини ташкил этади. Уларнинг асосий қисми депозитлар ёки банкларнинг миждозларига қарашли омонатлардан иборат.

Банкнинг актив операцияларига аввало бериладиган, фоизли, ссудалар ёки (кредитлар) қиради.

Улар орасида энг қуп тарқалгани векселларни ҳисобга олиш усулидир. Банк вексел сакловчидан нақд ҳисоб-китоб қилиш йули билан вексел сотиб олади. Унда қайд этилган суммадан ҳисобга олиш фоизини - курсатилган хизмат учун ҳақ ушлаб қолади. Вексел буйича тўлов муддати

келганида банк уни векселни сотган вексель сакловчига эмас, балки векселни берган шахсга такдим этади.

Қимматли қоғоз гаровга олиниб, бериладиган ссудалар, шунингдек мана шундай қоғозларни харид килиш буйича операциялар фонд операциялари деб юритилади.

Товар эвасига бериладиган ссудалар омборлар йулдаги ва савдо айланмасидаги булган товарларни гаровга олиб такдим этилди. Ссудалар уз муддати туланмаган ҳамма холларда гаровга қуйилган қимматли қоғозлар ва товар моддий бойликлари банк ихтиерига мулк бўлиб утади. Тўлов қобилиятига шубҳа йук йирик миждозларга банк ҳеч қандай таъминотсиз ссудалар еки банк кредитлари деб аталадиган қарзлар беради.

Товарларни сотиш билан боғлиқ кредитларни кўринишларидан бири истъемол кредити еки товарларни бевосита истъемолчиларга тўлов муддатини узайтирган холда сотиш ҳисобланади.

Давлат томонидан заем облигацияларини чиқариш йули билан олинадиган кредитлар давлат кредитлари деб юритилади. Бундай тоифадаги қарзларга давлат одатда давлат бюджетидаги камомадни қоплаш учун мажбур бўлади. Ана шундай холатларда купинча банклар ва сугўрта компаниялари кредиторлар саналади. Давлат заемларининг облигациялари банклар воситалигида таркатилади, бунинг учун воситалик хақи олинади.

Тижорат банклари уз фаолияти билан бозор иқтисодиети талабларига мос равишда ишлай оладиган ташкилотларни уз вақтида маблағ билан куллаш ва бундай ташкилотларни аниқлаш қаби муҳим бир вазифани амалга оширмоқда. Тижорат банклари кредитлаш жараенлари орқали мамлакат иқтисодининг ривожланишига ҳам жуда катта ҳиса кушмоқда.(жадвал 1).

1-жадвал

Ўзбекистон банк тизимининг курсаткичлари²¹

²¹ «Бозор, пул,кредит» журнали №2, 2003 й.

Курсаткичлар	01.01.98	01.01.99	01.01.00	01.01.01	01.01.02	1.01.06
ЎзРесп. тижорат банклар сони	28	30	28	33	38	28
Филиал умумий сони	509	536	570	791	791	893
Фондларнинг умумий суммаси	382,5	1768	8627	668436	640420	952458
Туланган Устав фондларнинг умумий суммаси	6223,1	9765	13975	27690	63848	92601
Корхона ва ташкилотлар депозитларининг умумий суммаси	2836,3	4782	4799	-	-	-
Тижорат банклар томондан корхона ташкилотлар ва аҳолига берилган кредитлар суммаси	17936	31069,8	50016	343276	343276	529159
Шу жумладан киска муддатли кредитлар.	17269,8	26371,4	33429	150665	150666	228937
Узок муддатли кредитлар	666,6	4695,4	16587	161266	161267	249724
Ўрта муддатли	-	-	-	30554	30554	50043

Тижорат банкларининг яна бир муҳим функциясидан бири бу ҳисоб тўловларини амалга ошириш функциясидир. Бугунги кунда корхона ва хужаликлиарни ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг асосий қисми пул ўтказиш йули билан амалга оширилмоқда. Бу жараёнларда тижорат банки воситачи сифатида тўловлар ўтказиш жараенини бажармоқда. Тўлов ҳужжатларининг уз вақтида утиши ҳамда ҳисоб-китоб жараёнларининг узлуксизлигини таъминлаш зарурияти бугунги кунда банклардан ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ва назорат қилишнинг мукамал методларини ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Ҳисоб-китобларни тезлаштириш, жараенларни ишончлигини таъминлаш ҳамда бу жараенлар билан боғлиқ харажатларни камайтириш мақсадида тижорат банклари бугунги кунда компьютер техникаси билан жиҳозланмоқда.

Тижорат банкларининг тўловларини амалга ошириш функцияси орқали бугунги кунда юридик шахсларнинг давлат бюджетига булган мажбуриятлари назорат қилинмоқда.

Бугунги кунда тижорат банклари етарли даражада техник жиҳозланганлиги ҳамда керакли ахборот базаларига ва малакали кадрларга эгаллиги банклари уз навбатида қимматли қоғозлар бозорининг асосий иштирокчиларидан бири қилиб қуймоқда. Қимматли қоғозлар бозорида банклар бир вақтнинг узида ҳам инвестор ҳам эмитент сифатида катнашмоқда. Банкларнинг бошқа хужалик субъектларига нисбатан стабил молиявий ҳолатга эгаллиги қимматли қоғозлар бозорида операцияларда катнашишга имкон бермоқда. Республикада тижорат банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида актив иштирок этишини сабабларидан яна бири банкларнинг низом капиталини ошириш соҳасида уз акцияларини сотишга булган интилишдир.

Бугунги кунга келиб тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида акциялардан ташқари депозит ва жамгарма сертификатлар билан ишлашни ҳам йулга қуймоқдилар. Бундан ташқари банклар уз мижозларига молиявий брокер сифатида ҳам хизмат курсатмоқда. Банкларнинг бундай функцияларни бажаришлари корхона ташкилотларнинг қимматли қоғозлар бозори операцияларида катнашишлари учун қулай шароит яратмоқда.

Бугунги кунда, Республика давлат мулкани хусусийлаштириш билан боғлиқ жараенлар кенг урин олганлиги сабабли, корхоналарга тегишли, қимматли қоғозлар бозорига нисбатан, давлат қимматли қоғозлар бозори актив ҳаракат қилмоқда. Бу бозорда асосий катнашчилар сифатида тижорат банклари майдонга чиқмоқда. Бу бозорда тижорат банклари

узларининг брокерлик функцияларини амалга ошириш билан бир каторда мавжуд ресурсларини ҳеч қандай тавақалчиликка бормаган ҳолда қисқа муддатларга жойлаштириш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Республика иқтисодиетига кириб келаётган «Лизинг» жараёнлари бугунги кунда ишлаб чиқаришни техника ва технология таъминлаш ҳамда қайта жихозлашда муҳимлигини курсатмоқда. Агар биз лизинг хизматларига туланадиган фоиз билан банк кредити буйича туланадиган фоиз ўртасидаги боғлиқликга эътибор берадиган бўлсак, у ҳолда лизинг хизматларини бугунги кунда тижорат банклари томонидан амалга оширилишини йулга қуйиш қулай ҳамда муҳимдир. Чунки тижорат банклари лизинг хизматлари учун бошқа лизинг ташкилотига кредит беришидан кура банк кредити фоизи даражасида миқозларга хизмат курсатиши ва шу билан лизинг хизматлари баҳосини камайтириш мумкин. Бундан ташқари керакли маблағни жалб қила олиш имкониятига эга ва шу билан бир каторда техник жихатдан етарли даражада жихозланган.

Тижорат банклари томонидан олиб борилаётган банк фаолиятига бугунги кунда «Траст» хизматлари ҳам кириб келмоқда. Траст хизматлари республика банклари учун янги ҳисоблансада уни узлаштириш соҳасида қуплаб ишлар олиб борилмоқда.

Чет эл банк тажрибасида бизга маълумки фирмалар буюртмага эга бўлишликлари уз навбатида банк таъминот хатлари деб аталувчи фирманинг молиявий қобилиятини қафолатловчи хизматларга боғлиқ бўлмоқда.

Жаҳон банклари иш фаолиятида ахборотларни сотиш ва молиявий маслаҳатлар қаби хизматлар ҳам кенг урин олган. Бизнинг олдимизда турган масалалардан бири ҳам бу соҳани урганишдир.

Янги иқтисодий шароит уз навбатида тижорат банкларининг ривожланишини улар курсатаётган хизматларга ва бу хизматларнинг қай

даражада ташкил қилинганлига боғлади. Чунки ишлаб чиқаришдаги каби банк соҳасида ҳам рақобат эртами-кечми уз ишини бажаради.

Қисқа ҳулосалар.

Банклар-молиявий бозорнинг ташкилий тузилишининг бир қисми бўлган кредит ташкилоти бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш турган пул маблағларини жамғариш, йиғиш, жамланган (аккумуляция қилинган) маблағларни ўз номидан қайтариб беришлилик, муддатлилик асосида бериш ҳамда мижозларнинг топширигига кўра, тўловларни амалга ошириш вазифаларини амалга оширадидлар.

Банк тизими- бу мамлакат ҳудудида тарихан шаклланган ва қонун билан мустақамланган кредит ташкилотларининг фаолият кўрсатиш шаклидир.

Кредит молия-тизимининг барқарорлигини таъминлаш, унинг алоҳида бўғинларининг биринчи навбатда тижорат банклари фаолиятини барқарорлигини таъминлаш мамлакат марказий банкнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Банклар ва унинг кредити ёрдамида мавжуд капитал тармоқлар ўртасида, ишлаб чиқариш ва муомала соҳасида таксимланади ва қайта таксимланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Банкнинг моҳияти.
2. Банкнинг актив операциялари.
3. Тижорат банк ва Марказий банк орасидаги муносабат.
4. Марказий банк нима?
5. Нақд пул муомаласини ташкил этиш хусусиятлари.
6. Марказий банкнинг функциялари.
7. Тўлов тизимини ташкил этиш хусусиятлари.
8. Мажбурий захира нима?
9. Очиқ бозордаги операциялар қандай ташкил этилади?
10. Банклараро корреспондент муносабатлар тизими.

11. Ўзбекистон банк тизими неча погонали?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
2. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
3. Алимов И.И. Молия. –Т.: ТДИУ. 2007.
4. Свиридов О.Ю. Финансы, денежное обращение, кредит. Экспресс справочник для студ. вузов. –М.: ИКЦ Март, Ростов н/Д. изд. Центр Март, 2004. – 179 стр.
5. Денги, кредит, банки. Учебник под ред. В.В. Иванова, Б.И. Соколова. –М.: Экономика, 2004. – 370 стр.

VI БОБ. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ

6.1. Қимматли қоғозларнинг моҳияти ва уларнинг асосий турларига тасниф

Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозори модели тамойилларига асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш мамлакат иқтисодий ривожланиш стратегиясининг яхлит эканлиги ҳозирги кундаги ҳақиқатдир. Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозори бозор иқтисодиёти тизимининг молиявий механизми бўлиб аҳоли ва хўжалик субъектларини вақтинча бўш маблағларининг айланишига кенг имкониятлар яратади. Жумладан, қимматли қоғозларнинг ҳар бир эгалари у фуқаро ёки юридик шахс бўлишидан қатъий назар тадбиркорлар ҳаракатига таалукли шахс бўлиб қолади. Ушбу бозорга киришда мотивация механизмлари, турткилари бўлиб иқтисодий ўзгаришлар, сиёсий масалаларнинг ҳал қилиниши, қимматли қоғозларнинг курс қиймати динамикаси, тижорат банкларини фондларининг миқдори, қимматли қоғозлар бўйича таклиф этилаётган фойданинг миқдорлари хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 27 июндаги қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, «Қимматли қоғозлар – бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки заём муносабатларини тасдиқловчи дивиденд ёки фоизлар кўринишида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутувчи пул ҳужжатларидир».²² Биз юқорида таъкидлаб ўтган Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги қимматли қоғозлар амал қилиши кўзда тутилган:

²² Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни. Т.: «Ўзбекистон». 2008. – 5 б.

1. Акциялар;
2. Облигациялар;
3. Казна мажбуриятлари;
4. Депозит сертификатлари;
5. Вексель;
6. Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари (опцион, фьючерс, варрант).

Қимматли қоғозлар – бланкалар, сертификатлар шаклида ёки счётлардаги ёзув шаклида бўлиши ва ҳисоб-китобни амалга оширишда, шунингдек кредитлар бўйича гаров сифатида фойдаланиши мумкин. Қимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ихтиёрийлик асосида тарқатилади

Кирилган улуш шаклидан қатъий назар, қимматли қоғозларнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлиги «сўм»да, уларни чиқариш шартларида назарда тутилган ҳолларда эса – чет эл валютасида (акциялар бўйича – мулкни ўтказиб бериш йўли билан ҳам) ифодаланади ва тўланади.

Мамлакатимиз ҳудудида муомалага чиқарилиши мумкин бўлган қимматли қоғозларни мулкчиликка муносабатига (улушли), қарз муносабатига қараб ва қимматли қоғозларнинг ҳосилаларига бўлиш мумкин. Шунини таъкидлаш лозимки, қимматли қоғозлар ичида фақатгина акциялар улушли қимматли қоғозларнинг таркибига киради. Унинг қолган турлари ҳисобланган облигациялар ғазна мажбуриятлари, депозит сертификатлари ва вексель қарз мажбуриятли қимматли қоғозлар таркибига киради. Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларига эса опцион, фьючерс ва варрант киради. Биз бу таснифни мазкур дарсликни қуйидаги чизмасида кўришимиз мумкин.

Қимматли қоғозларнинг таснифи*


* Чизма муаллиф томонидан тайёрланган.

Бундан ташқарии қимматли қоғозларнинг амал қилиш муддати бўйича таснифлаш мумкин. Буни қуйидаги чизмада кўриш мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қимматли қоғозлар амал қилиш муддати, мулкка муносабати асосида бўлиниб кетмоқда.

Агар биз Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунни таҳлил этсак, у қонунда қимматли қоғозларга қуйидагича таъриф берилади.

Қимматли қоғозларнинг муддатлари бўйича таснифи*



*Чизма муаллиф томонидан тайёрланган.

Қимматли қоғозлар – бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки заём муносабатларини тасдиқловчи, дивидент ёки фоизлар кўринишида даромад тўлашни ҳамда Ушбу ҳужжатларни бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутувчи пул ҳужжатларидир. Демак қимматли қоғозларни ҳаракат шакли бўйича тавсифлаш мумкин. Биз бу таснифлашни қуйидаги чизма кўринишида ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

3 чизма

Қимматли қоғозларнинг ҳаракати бўйича тасниф*



*Чизма муаллиф томонидан тайёрланган.

Юқоридаги чизмадан кўриниб турибдики, қимматли қоғозлар ўзларининг муомалада бўлиши шаклига асосан номи ёзилган ва эгасига тақдим этилувчи турларга ажратилади.

Шуни алохида таъкидлаш лозимки, қимматли қоғозлар пулдан фарқли ўз хусусиятларига эга. Бу хусусиятлар қуйидагилар:

1. Ликвидлик (самарадорлик);
2. Фойдалилик;
3. Ишончлилиқ даражаси;
4. Капитални ошириш манбаи;
5. Риск (хатар, қалтислик)

Биз қуйида уни бу хусусиятларини ҳар бир қимматли қоғозларнинг таҳлилида ёритамиз.

Акциялар – акциядорлик жамиятининг устав фондига юридик ёки жисмоний шахс муайян ҳисса қўшганидан гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи ҳамда унга дивидент олиш ва қоида тариқасида, ушбу жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғоздир.


Акциялар чиқариш тўғрисида қарор акциядорлик жамияти муассасалари томонидан ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Сотиб олинган акция уни чиқарган акциядорлик жамиятига, башарти бу нарса жамият уставида назарда тутилмаган бўлса, сотилиши мумкин эмас.

Акциялар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Оддий- эгаси ёзилган акциялар;
2. Имтиёзли- эгаси ёзилган акциялар;
3. Оддий-тақдим этувчига акциялар;
4. Имтиёзли- тақдим этувчига акциялар.

Акция турларини қуйидаги чизмада кўриш мумкин.

Акция турларининг таснифи*



*Чизма муаллиф томонидан тайёрланган.

Оддий акциялар ўз эгасига акциядорларнинг умумий мажлисида масалаларни ҳал қилишда овоз бериш ҳуқуқини ва белгиланган тартибда (жамият соф фойда олган йиллик ҳисобот умумий йиғилишида дивиденд бериш бўйича қарор қабул қилса) дивидент олиш ҳуқуқини беради.

Имтиёзли акциялар – ўз эгаларига акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолатидан қатъий-назар биринчи навбатда дивиденд олиш, жамият тугатилаётганда ўз улушига мутаносиб маблағ олиш ҳуқуқини беради. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарилган акциялар уларнинг эмитентларига асосан қуйидаги турларга ажратилади:

1. Очiq турдаги акциядорлик жамиятларининг акциялари;
2. Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг акциялари.

Амалдаги қонунчиликка асосан ҳар бир акция қуйидаги реквизитларга эга бўлиши лозим:

- акциядорлик жамиятининг тўлиқ номи ва манзили;
- акция деб номланган қимматли қоғоз номи;
- акциянинг муомалага чиқарилган муддати, серияси, тартиб рақами;
- акциянинг номинал қиймати;
- акция эгасининг номи (номи ёзилган акциялар учун);

-акциялар чиқарилиши даврдан акциядорлик жамияти низом жамғармасининг ҳажми;

-дивидендларни тўлаш муддати;

-муомалага чиқарилган акциялар миқдори;

-акциядорлик жамияти бошқарув раиси ва бош бухгалтернинг имзолари;

-рўйхатга олувчи давлат органи томонидан берилган акцияларнинг коди ва санаси акс эттирилган бўлиши шарт.

Акция реквизитлари акцияларнинг яхлитлигини солиштириш, муомалага чиқарган эмитент ва уни эгасининг эмиссияда белгиланган шартларини аниқлаш учун хизмат қилади. Қонунчилик асосида акциянинг энг кам номинал қиймати 100 сўм, унинг энг юқори номинал қиймати эса қонунда кўзда тутилмаган. Акциялар бўлинмасдир.

Облигациялар муддати белгиланган қимматли қоғозлар бўлиб, улар улушга эгалликни тасдиқламайди. Облигация эгасининг маълум миқдорда пул маблағларини қўйганини ва маълум муддатдан сўнг унга белгиланган фоиз миқдорини қўшиб, қимматли қоғозлар баҳосини қайтариш лозимлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Облигациялар амалдаги қонунчиликка ва уларнинг низомига асосан мулкчиликнинг барча шаклдаги корхоналар томонидан (корхоналар облигациялари), шунингдек, давлат хокимиятлари хомонидан чиқарилиши мумкин. Демак, облигациялар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Марказий ҳукуматнинг облигациялари;

2. Корхоналар облигациялари.

Амалдаги қонунчиликка кўра корхоналарнинг облигациялари қуйидаги турларда чиқарилиши мумкин;

-одатдаги;

-ютукли;

-фоизли;

-фоизсиз (мақсадли).

Облигациялар чекланмаган миқдордаги инвесторлар орасида эркин муомалада бўлиши мумкин (очиқ жойлаштириш), ёки чегараланган доирада аввалдан маълум чекланган миқдордаги инвесторлар ўртасида муомалада бўлиши мумкин (ёпиқ жойлаштириш).

Одатдаги облигациялар - қимматли қоғозларнинг бошқа турига айирбошлаш ҳуқуқига эга бўлмаган облигациялар бўлиб, уларга опцион билан ўтказилиши мумкин, яъни облигация эгаси эмитентга аввалдан келишилган муддатда қайтариш имкониятини таъминлайди, эмитент уни номинал миқдорида қайтариши шарт.

Ютуқли облигациялар – облигациялар бўйича даромад, доимо ўтказилиб турадиган тиражга асосан ютуқ тарзида тўланиб турадиган облигациялардир.

Фоизли облигациялар- облигация эгасига вақти – вақти билан белгиланган даромадни олиб туриш ва тугатилаётганда облигациянинг номинал қийматини олиш ҳуқуқини берувчи облигациялардир. Тўловлар муддати облигациялар чиқарилувчининг шартларида белгиланади.

Фоизсиз (мақсадли) облигациялар – ушбу облигациялар бўйича фоиз тўланмайди, облигация бўйича даромад номиналига нисбатан белгиланган дисконт ҳисобига пайдо бўлади (эмиссия баҳоси номиналига нисбатан паст баҳода белгиланади) ва фақат облигация тугатилаётганда тўланади. Мақсадли облигацияларда уларни чиқаришга асос қилиб олинган маҳсулот (хизмат) мажбурий реквизитлари қилиб белгиланади

Облигациялар эмитентнинг ўз мулкнинг кафолати билан таъминланиши мумкин ёки эмитентга чиқариш учун учинчи шахслар томонидан таъминланиши мумкин.

Агар облигацияларни чиқариш ўз мулкнинг кафолати билан таъминланаётган бўлса корхона (акциядорлик жамиятларидан ташқари)

чиқараётган облигациялар миқдори эмитентнинг низом капитали миқдоридан ошмаслиги лозим.

Агар облигация чиқариш учинчи шахс томонидан таъминланаётган бўлса, корхона таъминланиш даражасида облигацияларни чиқариши мумкин.

Облигацияларни эмитент- корхона низом фондини шакллантириш ва хўжалик фаолиятидан келтирилган зарарни қоплаш учун чиқарилишига йўл қўйилмайди.

Акциядорлик жамияти облигацияларни эмитент низом фондини 20 фоизи миқдорида ва аввал чиқарилган акцияларни тўла жойлаштиргандан кейингина чиқариши мумкин.

Облигацияларни чиқаришга низом фонди тўланиб тўла шакллангандан кейингина рухсат этилади.

Облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор акциядорлик жамиятларининг ижроия органи томонидан қабул қилинади ва баён билан расмийлаштирилади. Ҳарорда эмитент, облигацияларнинг чиқарилиш шартлари (агарда мақсадли облигациялар чиқарилса, уларни чиқаришга асос қилиб олинган махсулот, хизматнинг тури ва миқдори) жойлаштириш тартиби белгиланиши лозим.

Корхоналар облигацияларнинг муомалага чиқаришни рўйхатга олиш, акциялар чиқаришни рўйхатга олиш тартибига асосан амалга оширади.

Нақд ҳолда чиқариладиган облигациялар камида олти даражадаги ҳимояга эга бўлиши керак.

Бошқа турдаги қимматли қоғозларнинг реквизитлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик асосида белгиланади.

Депозит сертификатлари – бу пул маблағлари- омонат қўйилганли тўғрисидаги- омонатчи ёки унинг ҳуқуқий ворисининг белгиланган муддати тугаганидан кейин омонат суммасини ва унга тегишли

фоизларини олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи банк- эмитент гувоҳномасидир.

Депозит сертификатларини чиқариш ва рўйхатдан ўтказиш қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди.

Депозит сертификатлари икки турда чиқарилади.

1. Депозит сертификатлари, юридик шахслар учун чиқарилади.
2. Депозит – жамғарма сертификатлари, жисмоний шахслар учун чиқарилади.

Депозит сертификатлари учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлиги «сўмда» тўланади.

Депозит сертификатлари муомалага бир маротабалик ва серия ҳолатида чиқарилиши мумкин ва уларнинг эгаси ёзилган ва тақдим этувчига бўлиши мумкин. Депозит сертификатлари кўрсатилган хизматлар ва товарлар учун тўлов воситаси бўлиб хизмат қилмайди.

Тижорат банклари депозит сертификатларини қуйидаги шаклда чиқариши мумкин.

-нақд (бланкали) шаклда, жисмоний шахслар учун;

-нақд бўлмаган (депо ҳисоб рақами очиш) шаклда, юридик шахслар учун.

Депозит сертификатларини «депо» шаклида олиб борилиши тижорат банкларини махсус депозитарий бўлимларида амалга оширилади.

Эгаси ёзилган депозит сертификатининг эгаси ўзгарган ҳолда, унинг орқа томонида ҳуқуқни берувчи ва ҳуқуқни олувчи ўртасида ўзгартирилади.

Депозит сертификатлари муддати бўйича, улар сотилган муддатдан бошлаб:

- депозит сертификатлари – 1 йил муддатгача;
- депозит – жамғарма сертификатлари- муддати 3 йилгача амал қилади.

Агарда сертификатнинг муддати ўтиб кетган ҳолда эгаси томонидан тақдим этилса, тижорат банки дарҳол депозит ва унинг фоиз суммасини тўлаб бериши шарт.

Нақд ҳолда чиқариладиган депозит жамғарма сертификатлари камида олти даражада химояга эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг ғазна мажбуриятлари –уларнинг эгалари бюджетга пул маблағлари берганликларини тасдиқловчи ҳамда бу қимматли қоғозларга эгалик қилишнинг бутун муддати давомида қайд этилган даромадни олиш ҳуқуқини берувчи, тақдим этувчига тегишли қимматли қоғоз туридир*.

Мамлакатимизда ғазна мажбуриятларининг қуйидаги турлари чиқарилиши кўзда тутилган;

-қисқа муддатли (BILL)-бир йилгача бўлган муддатга мўлжалланган ғазна мажбуриятлари;

-ўртача муддатли (NOTE) – бир йилдан беш йилгача муддатга мўлжалланган ғазна мажбуриятлари;

-узоқ муддатли (BOND) – беш йил ва ундан кўпроқ муддатга мўлжалланган ғазна мажбуриятлари.

Узоқ ва ўртача муддатли ғазна мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади. Қисқа муддатли ғазна мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарор эса Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан қабул қилинади.

Ғазна мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарорлардаромадларни ҳамда мажбурият қарзларини тўлаш шартлари белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан вексель бу – вексель берувчининг ёхуд векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексель эгасига

муайян суммани тўлаш юзасидан қатъий мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоздир. Векселларни чиқариш, рўйхатдан ўтказиш қоидалари, уларни чиқариш ва муомалада юритиш шартларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан биргаликда белгилайдилар.

Векселлар қуйидаги турларга бўлинади:

- оддий вексель (соло);
- ўтказма вексель (тратта).

Вексель берувчининг муайян суммадаги пулни вексель олувчига ёхуд унинг буйруғига биноан белгиланган муддатда ёки унинг талабига кўра тўлашдан иборат қатъий мажбуриятини ўз ичига олган хужжат оддий вексель ҳисобланади. Оддий векселда икки шахс иштирок этади, яъни вексель берувчи ва уни биринчи олувчи. Бошқа қарз қоғозлардан оддий векселни ажратиб турадиган хусусиятлари мавжуд бўлиб улар қуйидагилар ҳисобланади:

- вексель ўтказма ёзув асосида қўлдан - қўлга ўтади;
- вексель бўйича мажбурият иккала иштирокчи ўртасида ҳамкорликда бўлади;
- имзо ва мухрларни нотариал тасдиқлаш шарт эмас;
- вексель гаров билан таъминланмаган абстракт пул хужжатиدير;
- тўлов муддати келиб тўланмаган вексель учун нотариал даъвосини амалга ошириши лозим.

Векселнинг иккинчи тури бўлиб ўтказма вексель ҳисобланади. Вексель олувчининг муайян суммадаги пулни олувчига ёхуд унинг буйруғига биноан бошқа шахсга белгиланган муддатда ёки унинг талабига кўра тўлаш тўғрисидаги қатъий буйруғидан иборат тўловчига қаратилган хужжат ўтказма вексель ҳисобланади. Бунда тўловчи вексель бўйича белгиланган муддатда тўловларни амалга оширишга (акцептни бажаришга) розилигини ёзма равишда тасдиқлаши шарт.

Оддий (соло) векселдан фарқли равишда ўтказма (тратта) векселда учта иштирокчи қатнашади; вексель берувчи (трассант), вексель биринчи олувчи (ремитент) ва вексель бўйича тўловчи (трассат). Трассат векселга векселда кўрсатилган муддатда ва суммани тўлашга розилигини билдириши, яъни акцепт қилиши шарт.

Трассат векселга акцепт (тўлашга розиман) белгисини қўйгандан сўнг бу вексель муомалага киради.

Векселда қўйиладиган мажбурий реквизитлар 1930 йил 7 июнда Женевада вексель тўғрисидаги халқаро конвенция асосида олиб борилади. Давлатлар ўзларидаги вексель муносабатларини ушбу конвенция шартларига асосан унификация қилишлари лозим.

Вексель бўйича фоиз тўловлари «дисконт» деб аталиб, унинг миқдори вексель суммасига киритилиши ёки алоҳида кўрсатилиши мумкин. Векселни ўтказиш уни орқа томонидаги ёзув (индоссамент) ва қўшимча расмий варақ орқали олиб борилади. Индоссаментдаги ёзувлар албатта берувчи ва олувчининг имзоси ва уларнинг мухри билан тасдиқланади.

Халқаро амалиётда векселнинг иқтисодий моҳиятига қараб қуйидаги турлари мавжуд;

- тижорат вексели;
- молиявий вексель;
- фиктив вексель;
- банк вексели.

Тижорат векселнинг асосини аниқ товар бўйича олди – сотди битими ташкил этади.

Молиявий векселнинг асосида эса маълум миқдордаги пулнинг харакати ётади, яъни вексель ёрдамида қўшимча кредит берилади.

Фиктив вексель асосида на товар олди – сотди битими, на пул харажати ётади. Фиктив (сохта) векселга бронза, дўстона ва кутиб олиш

векселлари киради. Бронза вексель ҳеч қандай ҳақиқий таъминотга эга эмасдир. Бу ерда вексель бўйича тўловчи олдиндан тўловга қобилиятли эмас.

Дўстона векселда олдиндан келишилган схемада тўловга қобилиятли шахс тўловга қобилиятсиз шахсга тўлов воситаси сифатида ёки векселда кўрсатилган суммани банкдаги ҳисоби асосида ундириб олиш тушунилади.

Банк вексели бу банк-эмитентнинг бир томонлама векселда кўрсатилган муддатда ва ундаги суммани тўлаш ҳақидаги сўзсиз мажбуриятдир.

6.2. Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари ва уларнинг турлари

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига асосан «Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари – даромади (зарари) бир ёки бир неча бозор кўрсаткичлари (индекслари) мазмунига боғлиқ бўлган қимматли қоғозлардир»* Амалдаги қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчиликка асосан қимматли қоғозлар ҳосилаларининг қуйидаги турлари муомалада бўлиши мумкин:

1. Опцион;
2. Фьючерс;
3. Варрант.

Ўзбекистон Республикасида муомалага қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд, яъни мамлакатимиз ҳудудида қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тартиб- қондасига кўра қимматли қоғозларнинг ҳосилалари фақатгина акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари (асосан акциялар) асосида муомалага чиқарилиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари эмиссияси амалдаги қонунчиликка асосан тегишли давлат органида давлат рўйхатидан ўтиши лозим.

Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари эмитенти бўлиб, ушбу қимматли қоғозни ўз номидан ва бу бўйича келиб чиқадиган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олувчи юридик шахс ҳисобланади. Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини муомалага чиқариш тўғрисидаги қарорни эмитентнинг (дилернинг) бу соҳага ваколати мавжуд органи томонидан қабул қилинади. Ушбу орган қабул қилинадиган қимматли қоғозларнинг ҳосилалари эмиссияси проспектини тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан агарда қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини базис активи 1 млн. сўм ва ундан сал кўпроқ бўлса, у ҳолда қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини шартномаси фонд биржасининг жойлардаги филиалларида рўйхатдан ўтади. Агарда қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини базис активи 1 млн. сўмдан кўпроқ бўлса, у ҳолда бу шартнома Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари муомалага нақд ва нақд бўлмаган кўринишда чиқарилиши мумкин. Нақд бўлмаган кўринишда чиқарилишда глобал сертификат, яъни қимматли қоғозларнинг ҳосилалари шартномасига асосан базис активини сотиб олиш ёки сотишни тасдиқловчи, қоғоз чиқарилади ва бу сертификат депозитарийда ўрнатилган тартиб-қоида асосида сақланади.

Қимматли қоғозлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан қимматли қоғозларнинг ҳосилалари класс ва сериялар бўйича тасдиқланиши мумкин.

1. Класс бўйича – бу ҳолатда қимматли қоғозларнинг ҳосилалари шартномасининг базис активида бир турдаги қимматли қоғоз (кўп ҳолатда акция) ташкил этади.

2. Серия – бу ҳолатда бир классдаги ва бир хил нархдаги ҳамда бир хил муддатда тўлов муддати келган базис актив ташкил этади.

Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари шартномасида қимматли қоғозларнинг олди-сотди муддатини узайтириш, сотувчининг мулки бўлмаган қимматли қоғозларни сотиш ҳамда муддати ўтган қимматли қоғозларнинг ҳосилалари сотувга қўйиш амалга оширилмайди.

Опцион (немисча “option” сўзидан олинган) – шартнома бўлиб, унинг эгасига қимматли қоғозларни ёки товарларни битимда қайд этилган нархда белгиланган муддатда харид қилиш ҳуқуқини беради.

Опционнинг хусусияти шундаки, унинг эгаси қимматли қоғознинг ўзини эмас балки уни сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини опцион мукофоти эвазига сотиб олади. Шунини таъкидлаш лозимки, опцион эгаси вазиятга қараб опцион юзасидан сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқидан фойдаланиш ёки ундан воз кечиши мумкин.

Опцион шартномасида икки томон иштирок этади – биринчи томон опционни сотиб олувчи (сакловчи), яъни маълум миқдордаги қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини харид этувчи ва икинчи томон – опционни сотувчи, яъни шартномада кўрсатилган маълум миқдордаги қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини олувчи шахс иштирок этади.

Халқаро амалиётда барча опционлар икки турга булинади:

- сотиб олиш учун опцион (харидор опцион) “колл” опцион (call);
- сотиш учун опцион (сотувчи опцион) “пут” опцион (put).

Сотиб олиш учун опцион уни эгасига келажакда келишилган шарт ва мукофот эвазига базис активини сотиб олиш ҳуқуқини беради.

Сотиш учун опцион эса уни эгасига келажакда келишилган шарт ва мукофот эвазига базис активини сотиш ҳуқуқини беради.

Опционларни амалга ошириш муддати бўйича икки турга булинади:

1. “Европа опциони” – ушбу шартномада келишилган опцион шартлари фақатгина унда кўрсатилган муддатда амалга оширилади.

2. “Америка опциони” – ушбу шартномада келишилган шартларни опцион эгаси хоҳлаган муддатда амалга ошириши мумкин.

Опцион бўйича мукофот – бу опционни харид этиб олаётган шахс томонидан уни сотаётган шахсга опцион сертификатини имзолагани учун бериладиган баҳодир.

Опционнинг ички қиймати – бу опцион эгасига опцион шартномаси амалга ошганда оладиган даромадидир. Унинг миқдори эса базис активининг жорий баҳоси ва опцион амалга ошгандаги ижро баҳоси ўртасидаги фарқдан иборат.

Опционнинг ташқи қиймати – опционнинг ички қиймати ва мукофот ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб унинг миқдори шартноманинг муддатлилиги, курснинг барқарорлиги ва фоиз ставкаларининг динамикасига тўғридан-тўғри боғлиқ.

Опцион бўйича базис активи қуйидаги маълумотларни ўзида акс эттириши лозим:

- қимматли қоғознинг тури (тип, категория);
- қимматли қоғозларнинг номинали (қиймати);
- ҳар бир дона қимматли қоғоз учун баҳо;
- қимматли қоғозларнинг сони;
- қимматли қоғозларнинг эмитенти;
- умумий қиймати;

-қимматли қоғозларнинг турига қараб бошқа қўшимча маълумотлар талаб этилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, опцион шартномалари асосида қимматли қоғозларнинг курсини кўтарилиши ёки унинг акси, пасайиши ҳисобига даромад олишлиги учун опцион бўйича “чайқовчилик” манфаати ётади.

Энди биз “сотиб олиш”ни амалга ошириш механизмини кўриб чиқамиз. Ушбу шартномага асосан опцион эгаси унинг сотувчисидан маълум миқдордаги қимматли қоғозларни маълум муддатдан кейин келишилган баҳода сотиб олиш ҳуқуқини сотиб олади. Опционни сотувчиси эса шартномада кўрсатилган қимматли қоғозларни мукофот эвазига опцион эгаси кўрсатмасига асосан келишилган баҳода сотиш мажбуриятини олади.

Масалан, “RIAAAL ХЖ” акцияларининг опцион операциясидаги жорий курси 1000 сўм. Опцион эгаси бундай акцияларининг 1 лотини (100 дона акция) сотиб олди дейлик. Опцион шартномасига асосан унинг эгаси маълум муддатдан кейин ушбу лотни, яъни ҳар бир акцияни 1100 сўмдан сотиб олади. Шартномага асосан унинг эгаси сотувчига ҳар бир акция учун 20 сўмдан мукофот тўлайди. Опцион контрагентлари “RIAAAL ХЖ” нинг акцияларининг курсига мутлақо тесқари манфаатда бўлади. Опцион эгаси акция курси кўтарилиши тарафдори, унинг ҳисоби бўйича “RIAAAL ХЖ” акциясининг курси келажакда 1200 сўмни ташкил этса, у ўз ҳуқуқини амалга оширади ва ҳар бир акциядан 80 сўм ($1200 - 1100 - 20$) даромад олади. Опцион эгасининг лот бўйича даромади 8000 сўмни ташкил этади. Агар опцион эгаси янглишган бўлса, яъни “RIAAAL ХЖ” акциялари курси фақатгина 1100 сўмгача кўтарилган бўлса, ҳамда опцион амалга оширилган тақдирда унинг эгаси ҳар бир акциядан 20 сўмдан ва жами лотдан 2000 сўм зарар кўради. Шунинг учун бундай ҳолатларда опцион эгаси ўз ҳуқуқидан фойдаланмайди ва опцион шартномасини бекор қилади. Иккинчи томондан опционни сотувчи “RIAAAL ХЖ” акциялари курсининг ўзгармай қолиши ёки кўтарилганда ҳам пастроқ кўтарилишидан манфаатдор. Агар опцион муддати келганда “RIAAAL ХЖ” акцияларининг курси 1100 сўмни ташкил этса, юқорида таъкидлангандек опцион эгаси ўз ҳуқуқидан фойдаланмайди, натижада опционни сотувчи

ҳар бир акция учун 20 сўм мукофот ва жами 2000 сўм даромад олади, ундан ташқари базис активидаги қимматли қоғозлар унинг ўзида қолади.

Биз энди “сотиш учун” (put)ни амалга ошириш механизмини кўриб чиқамиз. Таъкидлаш лозимки, ушбу опционнинг амалга оширилиш механизми “сотиб олиш учун опцион” механизмининг тесқарисидир. “Сотиш учун” опцион эгаси базис актив акцияларини курсининг пасайиши манфаатида, опционни сотувчи эса ушбу курснинг кўтарилиши манфаатида бўлади. Опцион сотувчиси опцион шартномасини имзолаганда унинг эгасидан “RIAAAL ХЖ акцияларини жорий нархи 1000 сўм, опцион шарти бўйича келажакда “RIAAAL ХЖ” ҳар бир акциясини донасини 1000 сўмдан сотиб олиш мажбуриятини олади. Натижада ҳар бир акция учун (1 лот 100 дона акция) 20 сўмдан, яъни жами 2000 сўм мукофот пули олади. Бу ерда опцион сотувчиси курснинг сақланиб қолиши ёки ўсишидан манфаатдор, чунки бу ҳолатда опцион эгаси шартномадаги ҳуқуқидан воз кечади. Бу ҳолатда опцион сотувчиси ҳеч қандай харажатсиз 2000 сўм мукофот пули олади. Агарда “RIAAAL ХЖ” акциясининг бозор курси келажакда тушиб кетса, у ҳолда опцион эгаси ўз ҳуқуқидан фойдаланади. Масалан, “RIAAAL ХЖ” акцияларининг бозор курси пасайиб 900 сўмни ташқил этди. Бунда опцион эгаси ўз ҳуқуқидан фойдаланади ва “RIAAAL ХЖ” акцияларини опцион сотувчисига шартномадаги келишилган баҳо 1000 сўмга сотади. Бу ҳолатда у ҳар бир акциядан 80 сўмдан даромад топади, яъни $(1000 - 900 - 20)$.

Ҳар бир давлатда опционнинг ўзига хос котировқасининг таснифи мавжуд. Масалан, АҚШда ҳар бир опцион учун қуйидаги тасниф бор:

1. Опционнинг тури – “сотиб олиш” учун (“с”) ёки “сотиш учун опцион (“р”)
2. Опционнинг классификацияси опцион шартномасидаги базис активидаги қимматли қоғозлар тури.
3. Опцион лотидаги ҳар бир қимматли қоғозга мукофот миқдори.

Масалан, анъанавий опцион котировкаси қуйидагича ифодаланади:

6 ММБ ОСТ 45 Cal 1

бу ерда

6 – опцион асосида ётувчи 100 акциядан иборат шартномалар сони;

ММБ – акциядорлик жамиятининг қисқартирилган номланиши;

ОСТ – опцион шартномасининг тугаш муддати;

45 – опционни амалга ошириш баҳоси;

Cal – опцион тури (бу ерда “Call” “сотиб олиш учун опцион”)

1 – “опционда кўзда тутилган мукофот”

Юқоридаги котировкага асосан, ушбу опцион эгаси ММБ акциядорлик жамиятининг 600 дона (6x100) акциясини 45 АҚШ доллари баҳосида октябрь ойида сотиб олиш ҳуқуқини олган ва бунинг учун 600 АҚШ доллари миқдорида (1x6x100) мукофот пулини тўлаган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан “сотиб олиш учун опцион” ва “сотиш учун” опционларнинг базис активлари эмитентларининг аввал муомалага чиқарган ўзлик қимматли қоғозлари ва аввал муомалага чиқарган учинчи шахснинг қимматли қоғозлари ташкил этиши мумкин. Амалдаги қонунчиликка асосан опционнинг базис активи бўлиб эмитентнинг ўзлик бирламчи муомалага чиқарилган қимматли қоғозлари хизмат қилишга йўл қўйилмайди.

Опционлар эгаси ёзилган ва тақдим ётувчига бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида опционнинг барча турларида базис активининг шартномада келишилган муддатда ёки опцион эгасининг ҳоҳлаган муддатида сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин. Шунини таъкидлаш лизимки, опцион шартномаси бўйича операциялар биржа ва биржадан ташқари бозорда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан фьючерс – қимматли қоғоз (шартнома) бўлиб, муайян қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларни ёки товарларни шартномаларда белгилаб қуйилган нарҳда белгиланган келгуси санада харид қилиш ёки сотишдан иборат мажбуриятни сўзсиз тасдиқлайди.

Фьючерс шартномаси бўйича базис активининг эмитентнинг аввал муомалага чиқарилган қимматли қоғозлари ва аввал муомалага чиқарилган учинчи шахснинг қимматли қоғозлари ташкил этиши мумкин. Амалдаги қонунчиликка асосан фьючерснинг базис активи бўлиб эмитентнинг ўзлик бирламчи муомалага чиқарилган қимматли қоғозлари ташкил этишига йул қўйилмайди.

Фьючерс шартномасининг асосий хусусияти шундаки, унда баҳонинг аниқлиги ва шартнома бажарилишининг мажбурийлигидир. Фьючерсга асосан базис активдаги қимматли қоғозлар дарҳол қўлдан-қўлга берилмайди, балки қатъий белгиланган муддатда етказилиши зарур. Фьючерс шартномаси ёрдамида фонд қимматликларини келажакда олиш ёки етказиб бериш мажбурияти қонун асосида расмийлаштирилади. Фьючерснинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, шартнома имзоланаётган вақтда шартномадаги базис активдаги қимматли қоғозлар унинг сотувчисида умуман бўлмаслиги ҳам мумкин.

Фьючерснинг опцион билан ўхшашлик томони шундаки, иккала шартнома асосида келажакда фонд қийматларини харид этиш ёки сотиш имконияти мавжуд. Фьючерснинг опциондан фарқи қуйидагилардан иборат:

1. Фьючерс олди-сотди битими эмас, балки у фонд қийматларини етказиб бериш тўғрисидаги қатъий мажбуриятдир;
2. Фьючерс шартномадаги муддат келганда ҳисоб-китобларни қатъий тартибда амалга ошириш тўғрисидаги мажбуриятдир;

3. Фьючерс бўйича ҳавф ҳатар риск юқори даражададир, чунки опциондан фарқли равишда фьючерс эгаси салбий вазиятда нафақат мукофот суммасини, балки ундан кўпроқ суммани йўқотиши мумкин.

Фьючерс шартномасидаги шартлар биржа аукционидagi қимматли қоғозларга талаб ва таклифни чуқур ўрганган ҳолда тузилади. Фьючерс битимидаги ҳисоб-китоблар эса фонд биржасидаги ҳисоб-клиринг палатаси орқали амалга оширилади. Бунинг учун ҳисоб-клиринг палатасида фьючерс шартномаси иштирокчиларининг (сотувчи ва олувчи) махсус ҳисоб рақамлари очилади.

Фьючерс шартномаси шартларини амалга ошириш механизмини кўриб чиқамиз. Фьючерс шартномасида базис активдаги акциялар курсининг пасайиши ҳисобига манфаат юзага келади. Одатда фьючерс шартномасида қимматли қоғозлар таъминланмаган ҳолда сотилади, яъни бу қимматли қоғозлар сотувчининг мулки бўлмаслиги ҳам мумкин. Фьючерс шартномасига асосан сотувчи брокердан маълум миқдордаги акцияларни сотиб олади. Лекин сотиб олинган пакет акциясининг фақат 60 фоизинигина тўлайди, қолган 40 фоизини эса брокердан жорий нархда қарзга олади. Инвестор сотиб олинган пакет акцияни тўлиқ сотади. Фьючерс шартномасига асосан инвестор брокерга белгиланган муддатда келишилган қимматли қоғозларни етказиб бериши лозим. Ушбу ҳолатда инвестор базис активдаги акциянинг нархини тушишидан манфаатдор, чунки муддат келганда у қарзга олинган акцияларни арзон нархда олади ва брокерга шартномада эски юқори нархда етказиб беради. Натижада инвестор қўшимча даромад олиши мумкин. Лекин олинган акцияларнинг нархи ошиб кетса, инвестор акцияларни юқори нархда харид этиб, уни брокерга шартномадаги эски нархда етказиб беришга мажбур. Натижада инвестор катта зарар кўриши мумкин. Шунинг учун фьючерс шартномасини тузувчи шахслар фонд бозорини, унинг ҳозирги ва

келажакдаги ҳолатини ҳамда нарх-наво қандай бўлишини чуқур ўрганиши ва унинг билиши лозим бўлади.

1. **Варрант** (warrant) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини ўзига хос тури бўлиб ҳисобланади. Варрант – белгиланган муддат давомида (ёки аник белгиланган санада), аввалдан келишилган нархларда оддий акцияларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатдир. Варрантнинг имзоланиши ва амалга оширилиши уни базис активини ташкил этувчи қимматли қоғознинг муомалага чиқарилиши билан узвий боғлиқ. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, варрант активини ташкил этувчи қимматли қоғозни бир марталик эмиссияси натижасида варрант ҳам бир марталик ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликка асосан варрант шартномасини тузишда қуйидагилар таъқиқланади:

- аввал муомалага чиқарилган, унинг шахс мулкида бўлган ва эмитентнинг ўзи сотиб олган қимматли қоғозлар базис активи ҳисобланмайди;
- базис активидаги қимматли қоғоз номиналидан варрант номинали паст бўлмаслиги шарт (облигация бундан мустасно).

Варрант эмитентлари унинг биринчи эгалари учун қимматли қоғозларини харид этишларида бир хил нарх шароитларини таъминлаши лозим, бу эса варрантнинг биринчи эгаларига бир хил нархда қимматли қоғозларни сотиб олиш ҳуқуқини беради. Варрантнинг эгалари учун қимматли қоғозларни жойлаштириш нархи бошқа инвесторлар, яъни варрантнинг иштирокчилари бўлмаганлардан фарқ қилиши мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, фонд бозорида опцион, фьючерс ва варрант битимларининг амалга оширилиши ушбу бозор иштирокчиларига қўшимча даромад топиш имкониятини яратади. Ўзбекистон фонд бозорининг ёш бўлишига қарамай унда опционлар ва фьючерслар бўйича битимларни амалга ошириш қонунан кўзда тутилган ҳамда бундай битимлар амалга оширилиб турибди. Ушбу омил

мамлакатимиз миллий фонд бозори ривожланган хорижий давлатларнинг фонд бозорлари даражасига етиш учун интилишдан далолат беради.

6.3. Қимматли қоғозлар бозорининг моҳияти ва унинг таркибий тузилмаси

Ҳар қандай иқтисодиётда бўлганидек, баъзи тармоқларда маълум давр мобайнида пул маблағларини етишмаслиги, бошқа тармоқларда эса пул маблағлари вақтинча бўш туриб қолиши мумкин. Шу билан бирга, пул маблағлари етишмаслигидан қийналаётган соҳа муайян даврдан сўнг ортиқча пул маблағларига эга бўлиб қолиши мумкин ва аксинча. Шу боис ортиқча пул маблағлари эгаларини шу пулга муҳтож бўлиб турганларга учраштириб қўйишга имконият яратадиган механизм бўлиши керак. Вақтинча ортиқча пул маблағлари эгалари (юридик ва жисмоний шахслар) ва шу пул маблағларининг истеъмолчилари ўзига хос хусусиятга эга бўлган махсус бозор, яъни молия бозорида учрашадилар. Бу бозор жуда мураккаб тузилишга ва юқори- паст поғоналарга эга бўлган махсус бозор бўлиб, унда жуда катта миқдордаги пул маблағлари бир вақтнинг ўзида турли йўналишларда айланиб туради ва бу жараён ҳаракатлари иқтисодиётнинг микродаражадан тортиб, макродаражагача бўлган ҳолатига таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтиши натижасида молия бозори сифатан янги маънога эга бўлади. Вақтинча бўш пул маблағларини жалб этишда, ҳамда улардан фойдаланишда молия бозорининг аҳамияти беқиёс катта бўлади. Молия бозорининг асосий таркибий қисмига қуйидаги бозорлар кириши мумкин:

1. Тижорат банкларининг капиталларининг бозори;
2. Қимматли қоғозлар бозори;
3. Валюта бозори;
4. Суғурта ва инвестиция фондлари бозори.

Тижорат банклари капиталларининг бозори, валюта бозори ва суғурта ҳамда инвестиция фондлари бозорларини алоҳида ўрганувчи фанлар мавжуд. Биз асосий эътиборни нисбатан ёш ҳамда нозик хусусиятларга эга бўлган қимматли қоғозлар бозорига қаратамиз.

Молия бозорини ўрганишда уни турли томондан, яъни институционал жиҳатдан ёки бозор қатнашчилари томонидан, эмитентлар ва инвесторлар, инвестиция институтлари, молия дастакларини турлари нуқтаи назаридан бошлаш бизнинг фикримизча, мақсадга мувофиқ бўлади.

Молия бозорининг асосий таркибий қисми ҳисобланган қимматли қоғозлар бозорининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу бозорда товар бошқа бозорлардагига нисбатан ўзига хосдир. Бу товар турли шаклдаги қимматли қоғозлардир.

Қимматли қоғозлар- бозори бу юридик ва жисмоний шахслар ўртасида муомалага қимматли қоғозлар чиқариш , унинг айланиши ҳамда уларни тўлаб берилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

Қимматли қоғозлар бозорининг энг муҳим томонларидан бири шуки , у юқори даромад келтирадиган иқтисодиётнинг фаоллиги билан шаклланиб боради ва қимматли қоғозлар бозори сармоялари нинг сафарбар этилишини рағбатлантириб, вақтинча бўш турган пул маблағларини иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасида қайта тақсимланишини, тақсимлаганда ҳам ривожланиб бораётган истиқболли тармоқлар фойдасига қайта тақсимланишини таъминлайди. Ривожланган қимматли қоғозлар бозори ишлаб чиқариш тараққиётини рағбатлантирадиган кучли манба бўлиб ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бозори ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисмидир. Қимматли қоғозлар бозори асосини товарлар бозори, пул ва пул капитали ташкил қилади. Булар биринчисини асоси бўлса, қимматли қоғозлар бозори уларнинг ҳосиласи ҳисобланади.

Ҳалқаро амалиётда қимматли қоғозлар бозорини қуйидагича тавсифланади:

1. Ҳалқаро ва минтақавий қимматли қоғозлар бозори;
2. Миллий ва ҳудудий қимматли қоғозлар бозори;
3. Қимматли қоғозларнинг аниқ шаклидаги бозори;
4. Давлат ва корпоратив (нодавлат) қимматли қоғозлар бозори;
5. Қимматли қоғозларнинг бирламчи ва ҳосилавий бозори.

Қимматли қоғозлар бозорининг бундай тавсифланиши қимматли қоғозларнинг амалий аҳамиятидан келиб чиқади. Ҳалқаро қимматли қоғозлар бозорига дунёнинг кўп мамлакатлари расман тан олган фонд биржалари (Нью-Йорк, Лондон, Франкфурт, Цюрих, Токио) киради. Минтақавий қимматли қоғозлар бозорига дунёнинг маълум минтақалари (Лотин Америкаси, Шарқий Осиё, Марказий Осиё) учун шаклланган бозорлар киради. Миллий бозор эса аниқ бир мамлакатда шаклланган ва фаолият кўрсатаётган бозор ҳисобланади. Ҳудудий бозор эса аниқ бир мамлакатнинг миллий қимматли қоғозлар бозорининг маълум ҳудудларда фаолият кўрсатаётган бозорини ташкил этади ва ҳ.к.

Қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар ва эмитентлар ўртасидаги вақтинча бўш пул маблағлари ҳаракати, унинг миқдори жуда кўп омилларга боғлиқ.. Улардан асосийлари қуйидагилар:

1. Қимматли қоғозлар бозорининг даромадлилик даражаси;
 2. Қимматли қоғозлар бозорининг солиққа тортилиш даражаси;
 3. Қимматли қоғозлар бозорида капитал ва у келтирадиган фойдани йўқотилиш хатари даражаси;
 4. Қимматли қоғозлар бозорида сармоядорлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси;
 5. Қимматли қоғозлар бозори тўлиқ , аниқ ва ошқора маълумотларнинг мавжудлик даражаси ва бошқалар.
-

Бу таъкидлаб ўтилган омиллар қимматли қоғозлар бозори ривожланишига ёки аксинча, унинг инқирозга учрашига сабаб бўлади.

Ҳар қандай бозор сингари қимматли қоғозлар бозорининг ҳам бажарадиган вазифалари мавжуд. Биз бу вазифаларни асосан икки гуруҳга ажратишимиз мумкин. Биринчи гуруҳни умумбозор яъни ҳар бир бозорга тегишли вазифалар ташкил этса, иккинчи гуруҳни фақат қимматли қоғозларга таалукли бўлган вазифалар ташкил этади.

Умумбозор ёки анъанавий бозор вазифаларига қуйидагилар киради:

-тижорат вазифаси, яъни бозорда фаолият кўрсатишдан асосий мақсад маълум миқдорда фойда топиш ҳисобланади;

-маълумотлар етказиш вазифаси, яъни бозор ўз иштирокчиларига товарлар ҳаракати, уларнинг ҳажми ва улар бўйича шаклланаётган нархнаво тўғрисида маълумот етказиб туради;

-ташкил этиш вазифаси, яъни бозор ўз иштирокчиларига савдосотиқни олиб бориш учун махсус жойларни ташкил этади;

-тартибга солиб туриш вазифаси, яъни ҳар бир бозор ўз иштирокчилари учун савдони ташкил этиш тартиб- қоидалари, муддати, низоларни ҳал этиш шартлари, назорат қилиш ва бошқарувни амалга оширади.

Қимматли қоғозлар бозорининг анъанавий вазифаларидан ташқари фақатгина ўзига хос бўлган вазифалари ҳам мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

- мамлакат аҳолисининг, корхоналарнинг ва давлатнинг вақтинча бўш пул маблағларининг жамланиши таъминланади. Бунинг натижасида капитал истемолчилари керакли миқдордаги пул маблағларини олади ва сармоядорлар ўз маблағларини сақлаш ҳамда уларни кўпайтириш имкониятига эга бўлади;

- қимматли қоғозлар бозори капиталнинг жамланиши ва марказлашуви жараёнининг тезлашишини таъминлайди. Бозор ёрдамида иқтисодиёт тармоқлари ўртасида капиталнинг оғиб ўтиши амалга оширилади;

- қимматли қоғозлар бозори тармоқлараро тўсиқларни олиб ташлашга хизмат қилади. Иқтисодиёт тармоқларидаги вақтинча бўш пул маблағлари ишлаб чиқаришни бошқа тармоқларига оғиб ўтади. Капиталнинг бу оқими буйруқ ёки кўрсатма асосида эмас, балки аниқ бир иқтисодий манфаат муносабатлари асосида амалга оширилади. Вақтинча бўш пул маблағлари замонавий ва даромад келтирувчи ишлаб чиқариш корхоналарига инвестиция қилинади ва шу асосда иқтисодиёт тармоқлари таркибида сифат силжишлари юзага келади;

- қимматли қоғозлар бозори сармоядорларининг яъни мамлакат аҳолисининг, корхоналарнинг ва давлатнинг вақтинча бўш пул маблағларини жамлаб, уни капиталга айлантириб, бу капиталнинг оқилона ва самарали ҳаракатини таъминлайди;

- қимматли қоғозлар бозори қимматли қоғозларга бозорда шаклланган талаб ва таклиф асосида ҳақиқий бозор баҳосини белгилайди. Шунинг учун фонд биржаси мамлакат иқтисодиётининг барометри ҳисобланади;

- қимматли қоғозлар бозори аниқ бир капитални (банк, савдо, саноат) ҳаракатини фаоллашувига имконият яратади. Бунинг натижасида иқтисодиётда у ёки бу муаммоларни ҳал этиш имконияти пайдо бўлади;

- қимматли қоғозлар бозори ёрдамида давлат бюджети тақчиллиги (дефицит) қопланади. Шунини таъкидлаш лозимки, бу жараёнда муомалага қўшимча пул массаси эмиссия қилинмайди ва шу асосида мамлакатда инфляцияни тартибга солиб туриш имконияти туғилди;

- қимматли қоғозлар бозори мамлакатда янги мулкдорлар синфини шакллантиради. Улушли қимматли қоғоз (акциялар) харид этиб олган акциядор корхонанинг мулкдорига айланади. Шу асосда акциядорлар

корхонанинг самарадор ишлашидан манфаатдор бўлади, чунки корхонанинг даромад топиши акциядорга дивидент келтиради. Шунинг учун акциядорлар корхоналарнинг бошқарувида фаол иштирок этадилар.

Қимматли қоғозлар бозорининг қанчалик ривожланганлиги ва самарадорлиги у бажарадиган вазифаларни амалга ошириши билан узвий боғлиқдир.

Қимматли қоғозлар бозори жуда мураккаб ҳамда нозик тузилмадир. Ушбу бозорда у ёки бу турдаги қимматли қоғоз билан савдо қилиш, савдони ташкил қилиш, уни олиб бориш ва ҳисоб- китобларни амалга ошириш асосида қимматли қоғозлар бозорининг қуйидаги шаклларини ажратиш мумкин:

1. Қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозори;
2. Қимматли қоғозларнинг уюшган ва уюшмаган бозори;
3. Қимматли қоғозларнинг биржа ва биржадан ташқари бозори;
4. Қимматли қоғозларнинг анъанавий ва компьютерлаштирилган бозори;
5. Қимматли қоғозларнинг муддатли ва касса бозори.

Қимматли қоғозларнинг бирламчи бозори – бу қимматли қоғозларнинг бирламчи эмиссияси ва унинг биринчи эгалари ўртасида жойлаштириш жараёнидаги бозордир. Бу бозор учун маълум тартиб-қоидалар белгиланган. Эмитент бирламчи эмиссияда чиқарилган барча қимматли қоғозларни бирламчи инвесторлар ўртасида тўлиқ жойлаштириши шарт. Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка кўра бирламчи эмиссиянинг бирламчи инвесторлар таркиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Меҳнат жамоаси улуши;
2. Давлат улуши;
3. Ҳорижий сармоядорлар улуши;
4. Эркин савдо улуши.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган инвесторларнинг бирламчи эмиссиядаги эгаллаган салмоғи хўжалик субъектининг иқтисодиётда эгаллаган ўрни ҳамда аҳамиятига боғлиқдир.

Агарда эмитент муомалага чиқарилган акцияларни тўлиқ жойлаштира олмаса, у бу акциялар рисоласини (проспектини) бекор қилиши лозим. Масалан, эмитент муомалага юз дона акция чиқарди дейлик. Белгиланган муддатда у тўқсон дона акцияни жойлаштирди. +олган ўн дона акцияни жойлаштира олмади. Демак эмитент бу биринчи акция рисоласини бекор қилиши ва муомалага иккинчи тўқсон дона акцияни ўз ичига олган рисоласини амалга ошириши шарт.

Шуни таъкидлаш лозимки, бирламчи бозорда тўлиқ жойлаштирилган акцияларгина иккиламчи бозорда савдога қўйилади. Устав капиталини ошириш мақсадида иккинчи ёки учинчи эмиссия рисоласини амалга ошириш қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорига киради.

Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори- бу аввал муомалага чиқарилган ва ҳеч бўлмаганда бир марта олиб сотилган қимматли қоғозлар бозоридир. Ушбу бозорларда қимматли қоғозларлар олди-сотдиси натижасида қимматли қоғозлар амал қилиш муддати бўйича ўз эгасини ўзгартиради, яъни эркин равишда қўлдан-қўлга ўтади. Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорининг асосий хусусияти унинг ликвидлигидир. Бу бозорда қимматли қоғозларга бўлган ҳаққоний талаб ва таклиф асосида баҳо белгиланади. Қимматли қоғозлар бу асосда ўз номинал қийматидан бир неча марта юқори нархда сотилиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорлари ўртасидаги нисбат бу мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлиги ва фонд бозори самарадорлик даражасига боғлиқдир.

Қимматли қоғозларнинг уюшган бозори –бу қимматли қоғозлар билан савдоларни савдо иштирокчилари ва уни ташкил этувчи учун ўрнатилган қатъий тартиб-қоидалар билан амалга оширилишидир. Бу

бозорда қимматли қоғозлар билан олди-сотди битимлари маълум, аниқ жойда, белгиланган муддатда ва унинг малакали иштирокчилари томонидан амалга оширилади.

Қимматли қоғозларнинг уюшмаган бозори-бу қимматли қоғозлар билан савдоларни савдо иштирокчилари ўртасида қатъий белгиланган тартиб-қоидаларсиз амалга оширилишидир. Бу бозор маълум белгиланган жойда, маълум муддатда олди-сотдини амалга оширмайди. Қимматли қоғозларнинг уюшмаган бозорида сотувчи ва харидор олди-сотдиси фонд биржасидан ташқарида ўзаро олиб борилади.

Қимматли қоғозларнинг биржа бозори – бу фонд биржасида ўзи ўрнатган тартиб-қоидалар асосида қимматли қоғозлар билан савдо қилиш бозоридир. Биржа бозори ўзига хос инвестиция институтлари томонидан ташкил этилган бозор бўлиб, унда қимматли қоғозлар билан савдо битимлари бу бозорнинг малакали иштирокчилари томонидан қатъий ўрнатилган тартиб-қоидалар асосида олиб борилади. Шунини таъкидлаш лозимки, биржа бозорида ўзи томонидан қўйилган талабларга жавоб берадиган ликвид ва ишончли қимматли қоғозлар савдога қўйилади. Биржа бозорининг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат:

-қимматли қоғозлар билан савдо-сотик аниқ вақтда ва белгиланган жойда амалга оширилади;

-қимматли қоғозлар билан савдо-сотик белгиланган аниқ иштирокчилар, яъни фонд бозорининг малакали мутахассислари томонидан олиб борилади;

-қимматли қоғозлар билан савдо-сотик тартиб-қоидаларининг қатъий белгиланганлиги ва бозор иштирокчиларининг унга амал қилишлиги;

-қимматли қоғозлар билан савдо-сотикни ташкил этилишининг бундай фаолиятини ваколатли давлат органи томонидан махсус лицензияга эга бўлган муассаса олиб боришлиги.

Амалдаги қонунчиликка асосан, Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозларнинг биржа бозори “Тошкент” Республика фонд биржаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларидаги бўлимларидан иборат.

Қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозори- бу қимматли қоғозлар билан савдо-сотиқ фонд биржасидан ташқарида олиб бориладиган бозордир. Биржадан ташқари бозор ташкил этилишига қараб икки гуруҳга бўлинади:

- уюшган биржадан ташқари бозор;
- уюшмаган биржадан ташқари бозор;

Қимматли қоғозларнинг уюшган биржадан ташқари бозори деганда унинг ташкилотчилар томонидан ўрнатилган тартиб-қоидалар ва савдога қўйиш шартлари асосида тузилган махсус компьютер тизими тушунилади. Бу бозорда асосан ўрта ва кичик эмитентларнинг қимматли қоғозлари савдога қўйилади. Ривожланган хорижий давлатларда уюшган биржадан ташқари бозорнинг ўз тизими шаклланган. АҚШда бу бозорни NASDAQ-National Association of Securities Dealers Automated Security, Канадада COATC-Canadian Over-the-counter Automated, Сингапурда SESDAQ-Singapore Stock Exchange And Automated Quotation System (система автоматический котировка и дилинга при Сингапурской фондовой биржи) ва Россияда РТС (Российская торговая система) (Россия савдо тизими) олиб боради. Ўзбекистонда уюшган биржадан ташқари бозорни «Элсис-Савдо» инвестиция институти олиб бормоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, қимматли қоғозларнинг уюшган биржадан ташқари бозори замонавий компьютер технологияси ҳамда юқори коммуникация воситалари асосида ташкил этилган.

Қимматли қоғозларнинг уюшмаган биржадан ташқари бозорида эса фонд биржасида котировкага жавоб бермаган ва савдога қўйилмаган қимматли қоғозлар савдо-сотиғи амалга оширилади. Бу бозорда керакли

молиявий базага эга бўлмаган эмитентларнинг қимматли қоғозлари ҳамда кам даромадли қимматли қоғозлар савдога қўйилади. Бундай бозорда алоҳида олинган брокерлик ва дилерлик фирмалари фаолият кўрсатади. Фонд биржалари томонидан қимматли қоғозларга қўйиладиган талабларнинг қаттиқлиги ва савдога чекланган миқдорда қимматли қоғозларнинг қўйилиши натижасида уюшмаган биржадан ташқари бозорлар ташкил топган. Бу бозор турли мамлакатларда турлича, масалан Лондонда «учинчи бозор», Парижда «иккинчи бозор», Амстердамда «параллел бозор» деб номланади. Шунини таъкидлаш лозимки, баъзи кичик акциядорлик компаниялари ўз қимматли қоғозларини аввало бу бозорда савдога қўйиб, уни котировка қилиб, кўп ҳолларда расмий фонд биржасида савдога чиқиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Қимматли қоғозларнинг анъанавий бозори – бу маълум белгиланган жойда (биржада), ўрнатилган тартибда қимматли қоғозлар билан савдо-сотик қилишдир. Ҳар бир давлатда фонд биржаларининг анъанавий сифатлари мавжуд. Масалан, Токио фонд биржасида савдо-сотик овоз ҳамда имо-ишора асосида олиб борилади. Нью-Йорк фонд биржасида брокер ва дилерлар ўзлари эгаллаган мавқега қараб турли рангдаги костюм киядилар ва хаказо.

Қимматли қоғозларнинг компьютерлаштирилган бозори бу - қимматли қоғозлар билан савдо-сотик компьютер тизими орқали олиб борилади. Бу бозорнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

-қимматли қоғозларни сотувчилар ва харидорлар учрашадиган жисмоний жойнинг йўқлиги, демак, улар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот мавжуд эмас;

-қимматли қоғозлар билан савдо сотик жараёнини тўлиқ автоматлаштирилганлиги, шунинг учун ҳам унинг иштирокчилари қимматли қоғозлар билан савдо қилиш учун бу тизимга талабнома киритиш билан чекланадилар.

АҚШдаги компьютерлаштирилган бозорда 3700 та қимматли қоғозлар котировкаси бўлиб, бу тизимга 3300 та малакали агентлар бирлашган.

Қимматли қоғозларни касса бозори -бу қимматли қоғозлар билан савдо битимидаги ҳисоб-китобни бирданига ёки 2-3 кун ичида амалга оширилиши кўзда тутилган бозордир. Бу бозор хорижий давлатларда «кэш-бозор», «спот-бозор» деб номланади. «Тошкент» Республика фонд биржасида қимматли қоғозлар билан савдо битимлари бўйича ҳисоб-китоблар «касса бозор» тамойилига асосланади.

Қимматли қоғозларнинг муддатли бозори-бу қимматли қоғозлар билан савдо битимларидаги ҳисоб-китоблар турли муддатларда амалга оширилиши кўзда тутилган бозордир. Бу бозорда қимматли қоғозлар учун ҳисоб-китоблар 3 ишчи кундан 3 ой муддатгача амалга оширилиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг муддатли бозори асосан, ҳосилавий қимматли қоғозлар (опцион, фьючерс) олди-сотдисидан даромад топиш учун қўлланилади.

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларини ушбу бозорда фаолият кўрсатиш хусусиятига асосан икки тизимга ажратиш мумкин:

- қимматли қоғозлар бозорининг умумий инфратузилмаси;
- қимматли қоғозлар бозорининг махсус инфратузилмаси.

Қимматли қоғозлар бозорининг умумий инфратузилмаси таркибига қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишда кўмаклашувчи муассасалар киради. Бундай муассасалар фаолиятсиз қимматли қоғозлар бозори фаолиятини амалга ошириши ёки умуман мумкин эмас ёки жуда қийинчилик билан амалга оширилади. Бундай муассасаларга нашриётлар, информацион агентликлар, газета ва журналлар, телевизион ва радиокомпаниялар, тижорат банклари, аудитор ташкилотлари, нотариал ва адвокат конторалари ҳамда суғурта компаниялари киради. Қимматли қоғозлар бозорида фаолият кўрсатиш учун бу муассасалар махсус малака

шаҳодатномалари ва лицензияга эга бўлиши талаб этилмайди. Бу муассасалар қимматли қоғозлар бозорида ўзининг асосий фаолиятини юритишлари учун ўзларига тегишли ваколатли давлат органидан махсус рухсатномага эга бўлишлари лозим. Асосий фаолият кўрсатиш учун нотариал ва адвокат конторалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан, аудитор ва суғурта компаниялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан, тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан, ҳамда нашриётлар, газета ва журналлар Ўзбекистон Республикаси Давлат Нашриёт Қўмитасидан махсус рухсатнома олишлари лозим. Қимматли қоғозлар бозорида бу кўмаклашувчи муассасаларнинг фаолиятига ушбу бозордаги битимлар иштирокчиларининг ҳисоб-китобларини амалга ошириш, эмитентлар ҳисоботларини текшириш ва уни расмий тасдиқлаш, қимматли қоғозлар бўйича ўрнатилган тартибда олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, расмийлаштириш, бўлажак сармоядорларга керакли маълумотларни етказиш, фонд бозоридаги фаолиятни ошқора этиш ва бошқалар киради.

Қимматли қоғозлар бозорининг махсус инфратузилмасига қимматли қоғозлар бозорида ўз фаолиятини асосий фаолият сифатида амалга оширувчи махсус малакали инвестиция институтлари киради. Бундай махсус инвестиция институтларига қуйидагилар киради:

1. Инвестиция маслаҳатчиси;
2. Инвестиция воситачилари(брокер, дилер);
3. Инвестиция фондлари;
4. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи ;
5. Депозитарийлар;
6. Трансфер-агент;
7. Ҳисоб-клиринг палатаси;
8. Қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси.

Биз юқорида санаб ўтган инвестиция институтлари қимматли қоғозлар бозорида амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ва бу фаолиятни амалга ошириш учун махсус лицензия олгандан сўнг иш юритиши мумкин. Ўз фаолиятида ваколатига кирмаган операцияларни амалга ошириш қонунан таъқиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан инвестиция институтлари қимматли қоғозлар бозорида фаолият олиб боришлари учун ваколатли давлат органларидан махсус лицензияга ҳамда контингентда махсус малака шаҳодатномаларига эга бўлган мутахассисларга эга бўлиши шарт ҳисобланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, қимматли қоғозлар бозори мамлакатда бир йўла икки вазифани амалга оширмоқда. Биринчидан, у иқтисодиётнинг амал қилиш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда, иккинчидан қимматли қоғозлар бозори ёрдамида ижтимоий хусусиятга эга бўлган қатор муҳим муаммолар ҳал этилмоқда. Бу омиллар эса қимматли қоғозлар бозорини, унинг моҳиятини янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

6.4. Фонд биржаси – бозор иқтисодиётининг энг муҳим институти сифатида.

Ҳар қандай иқтисодиётда ҳам баъзи тармоқларда маълум вақтларда пул маблағлари етишмай тургани ҳолда, унинг бошқа тармоқларида маблағлар вақтинча бўш туриб қолади. Шу билан бирга, маблағларнинг ортиқчалиги ёки етишмай қолиб туриши маълум вақт мобайнида навбатлашиб бориши, яъни пул маблағлари етишмаслигидан қийналаётан тармоқ муайян вақтдан кейин ортиқча пул маблағларига эга бўлиб қолиши мумкин ва аксинча. Шу боисдан ортиқча пул маблағлари эгаларини шу маблағларга мухтож бўлиб турганларга учраштириб қўйишга ёрдам бера оладиган механизм бўлиши керак. Ортиқча пул маблағларининг эгалари ва

шу маблағларнинг истемолчилари алоҳида хусусиятга эга бўлган молия бозори, яъни фонд биржасида учрашадилар.

«Биржа» сўзи немисча «borge» сўздан келиб чиққан бўлиб, у «хамён» маъносини англатади. Халқаро амалиётда биржанинг вужудга келиши Нидерландиялик Брюгге шаҳри билан боғланади. Бу шаҳарда беш юз йил муқаддам йирик савдогар Ван дер Бурс уйи олдидаги майдонда турли мамлакатдан келган савдогарлар тўпланишган. Ушбу йиғинларда савдогарлар ўзаро маълумотлар билан алмашилишган, хорижий векселлар олди-сотдиси билан шуғулланишган. Ван дер Бурснинг расмий оилавий гербида уч дона ҳамён акс эттирилган ва худди шу ҳамёнлар биржа сўзини вужудга келтирган.

Биржа бевосита бозорга олиб чиқилмайдиган, ҳужжатлар билан тасдиқланадиган аниқ сифат ва миқдорий хусусиятларга эга бўлган ҳамда талаб ва таклиф асосида расман белгиланадиган нархларга эга бўлган муайян товарлар билан савдо қилиш бўйича мунтазам равишда амал қилувчи бозор сифатида юзага келди. Биржада оддий товарлар билан эмас, балки фақат алоҳида талабларга жавоб бера оладиган товарлар билан савдо-сотиклар амалга оширилар эди, чунончи товарлар сифат жиҳатидан бир хил бўлиши, миқдорига кўра сони, ҳажми 1 кг оғирлиги билан белгиланган бўлиши, ушбу туркумдан исталган бошқа товар билан алмаштирилиши мумкин бўлиши лозим эди. 1531 йилда Антверпенда, 1566 йилда Лондонда ва 1608 йилда Амстердамда товар биржалари ташкил этилди. Товар биржаларининг ўсиши уларнинг сафидан алоҳида биржаларнинг ажралиб чиқишига олиб келди. Ушбу биржаларда фақат ўзига хос хусусиятли товар ҳисобланган қимматли қоғозлар билан савдо-сотик қилинди. Халқаро амалиётда дастлаб бундай турдаги биржалар товар биржаларининг ёрдамчи бўлимлари шаклида фаолият кўрсатди. Бироқ, валюта айирбошлаш операцияларининг кенгайиши, муомалада тижорат векселларининг пайдо бўлиши қимматли қоғозлар билан савдо-

сотик қилишга ихтисослаштирилган муассаса-фонд биржаларининг ташкил этилишига замин яратди. Биринчи фонд биржаси 1592 йилда Антверпенда биржага тақдим этилган қимматли қоғозлар нархларининг рўйхати эълон қилинган вақтдан ҳисобланади. 1773 йилда Лондонда, 1792 йилда Нью-Йорк фонд биржаси ташкил этилди. Биржаларнинг ташкил топиши ва ривожланишининг дастлабки босқичи 200 йил давом этди.

Халқаро амалиётда фонд биржаларининг ҳуқуқий жиҳатдан ташкил этилиши асосан уч гуруҳга ажратилади:

- хусусий фонд биржалари;
- очик-ҳуқуқий фонд биржалари;
- аралаш мулкчилигидаги фонд биржалари.

Халқаро амалиётда хусусий фонд биржалари акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилади. Бу жамиятларнинг акциядорлари бўлиб хусусий компаниялар ҳисобланади. Бундай мулкчилик шаклидаги фонд биржалари қимматли қоғозлар билан биржа савдоларини ташкил қилишда мустақил ҳисобланадилар. Биржа савдолари мамлакатдаги мавжуд қонунчилик асосида ташкил этилади ва олиб борилади. Амалдаги қонунчиликни бузганлик учун кўзда тутилган ҳуқуқий мажбурият асосида жавобгарликка тортилади. Хусусий фонд биржалари фаолият кўрсатаётган мамлакатларда давлат органлари томонидан ўз зиммаларига биржа савдолари ва савдо битимлари бўйича қалтисликлар юзасидан ҳеч қандай мажбуриятларни олмайдилар. Биржаларнинг бундай шакллари АҚШ даги фонд биржалари, яъни Нью-Йорк фонд биржаси (New York Stock Exchange) ва Буюк Британияда Лондон фонд биржаси (London Stock Exchange) шаклланган ва улар ўз фаолиятини олиб бормоқдалар.

Халқаро амалиётда очик-ҳуқуқий фонд биржалари ўз фаолиятини давлат ташкилоти мақомида олиб борадилар ва улар доимий равишда давлатнинг ваколатли органлари томонидан назорат этиб борилади. Бундай биржалар фаолият кўрсатаётган мамлакатларда давлатнинг

ваколатли органлари қимматли қоғозлар билан савдо-сотик қилиш тартибини ишлаб чиқишда иштирок этади, бу тартибнинг амалга оширилишини мувофиқлаштиради ҳамда назорат қилиб боради, фонд биржаси фаолият кўрсатиш учун биржа маклерларини тайинлайди, уларни ишдан четлайди ва бошқалар. Фонд биржаларининг бундай шакллари Германиядаги Франкфурт фонд биржаси (Frankfurter Wertpapier bourse), Немис муддатли шартномалар биржаси (Deutsche Termin borse) ва Франциядаги Париж фонд биржаси (Paris Bourse) шаклланган ва ўз фаолиятини олиб бормоқдалар.

Аралаш мулкчилигидаги фонд биржалари акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилади, лекин устав капиталининг 50 фоизидан кам бўлмаган улуши давлатга тегишли бўлади, қолган қисми эса юридик ҳамда жисмоний шахсларга тегишли бўлади. Фонд биржаларининг бундай шакллари Швейцариядаги Цюрих фонд биржаси (Zurich Stock Exchange), Италиядаги Милан фонд биржаси (Borsa Valori di Milano), Австриядаги, Швециядаги фонд биржалари шаклланган ва улар ўз фаолиятини олиб бормоқдалар. Фонд биржалари иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтаётган мустақил давлатларда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур мамлакатларда фонд биржалари иқтисодиётни хусусийлаштириш ва корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Айнан фонд биржаси савдо майдонларида хусусийлаштирилган давлат корхоналари негизида ташкил этилган компаниялар акцияларининг бирламчи сотилиши амалга оширилади. Биржа брокерлари корхонани бутун хусусийлаштириш жараёни давомида кузатган ҳолда акциялаштириш бўйича операторлар вазифасини ўз зиммасига олади. Ушбу мамлакатлардаги акцияларнинг биржа бозори, одатда, бирламчи бозор бўлиб у хусусийлаштирилган корхоналар акцияларнинг нархларини белгилаб беради. Шунини таъкидлаш лозимки, ўзларининг фонд биржаларини барпо этишни бошлаётган мамлакатларда,

одатда, дастлабки вақтларда акциялар катта қисмининг сотилиши тасодифий хусусиятга эга, яъни бир hafta ёки бир ой мобайнида бир акцияларнинг ўзи бўйича битимларнинг барқарор қайд этилган миқдори кузатилмайди. Бу ахборотга эга бўлмаслик, бир транзакциянинг юқори қиймати қимматли қоғозларнинг юқори ликвидлиги, сармоядорларнинг иқтисодий салоҳиятининг заифлиги каби қатор омиллар билан боғлиқ.

Мамлакатимиз фонд бозори Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг 90 йиллар бошларида юзага чиқди. Мамлакатимизда фонд бозорини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш учун керакли бўлган билим ва тажрибаларнинг йўқлиги сабабли давлат ҳамда бозор иштирокчиларини фонд бозорини ривожланишининг халқаро тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда ва хўжалик юритишнинг юзага келган ички ўзига хос амалиётининг умумлаштирган ҳолда олиб боришни талаб этди. Бунда Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банки (Жаҳон банки), Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Халқаро Молия Корпорацияси, «Ўттизлик гуруҳи» (ўзларининг қимматли қоғозлар бозорларини ташкил этишни бошлаётган барча мамлакатларга ягона бўлган ёндашувлар ва қоидаларни тавсия этувчи халқаро ташкилот) каби турли йирик халқаро ташкилотларнинг тавсиялари инобатга олинди. Мазкур тавсияларнинг бажарилишини Ўзбекистонга ривожланган мамлакатлар ўзларининг фонд бозорлари тизимини яратишда йўл қўйган хатоларини такрорламаслик имконини беради. Ушбу тамойилнинг босқичма-босқич ва изчил ҳаётга тадбиқ этилиши сезиларли натижаларга эришиш имконини берди. Мамлакатимизда 1991 йилнинг баҳор ойларида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарори билан мамлакатнинг энг янги тарихида биринчи «Тошкент» Ўзбекистон Республикаси товар ҳом-ашё биржаси ташкил этилди. Шу йилнинг ёз ойларини бошида биржа савдоларининг шиддат билан ўсиши биржа устав сармоясининг оширилиши, унинг иштирокчилари таркибининг

кенгайтирилиши заруратини келтириб чиқарди. 1991 йилнинг августида «Ўзбекистон товар ҳом-ашё биржаси» маъсулияти чекланган жамият «Тошкент» Ўзбекистон Республика универсал товар-фонд биржаси (қисқартирилган номи – «Тошкент» фонд биржаси)га айлантирилди ва унинг таркибида қимматли қоғозлар бозорининг дастлабки расмий ташкилоти – фонд бўлими очилди. Ушбу фонд бўлими зиммасига қимматли қоғозларнинг уюшган республика бозорини ташкил этиш (фонд бойликлари билан биржа савдоларини ташкил қилиш), биржанинг устав сармойасини шакллантириш мақсадида унинг акцияларини жойлаштириш вазифалари юклатилди.

1992 йилнинг январь ойида «Тошкент» биржасининг фонд бўлими Ўзбекистон Республикасида биринчи бўлиб қимматли қоғозлар билан мунтазам савдоларни ўтказишга киришди. 1992 йилда «Тошкент» биржасини фонд бўлимининг қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича айланмаси 26,0 млн. рублни ташкил қилди. Бу кўрсаткич Россия Федерациясининг донгдор фонд биржаларининг худди шундай кўрсаткичлари билан таққосланадиган даражада эди. Фонд бозорининг мамлакат миқёсидаги дастлабки йирик муассаса бўлган фонд бўлими нафақат дастлабки эмитентлар ва сармоядорларнинг, балки Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ҳам эътиборини тортди. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ўша вақт эндигина фонд бозорига нисбатан ўз муносабатларини белгилай бошлаб, уни тартибга солиб туришга уриниб кўрди. Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар билан савдо ҳажмларининг мумтазам равишда ўсиб бориши натижасида мамлакатимизда 1993 йил 2 сентябрда «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 17 моддасида илк бор фонд биржаси тушунчасига таъриф берилди. Унга асосан «Фонд биржаси - қимматли қоғозлар билан бир маромда муомалада бўлишининг зарур шарт-шароитини таъминлаш, уларнинг бозор баҳосини

(қимматли қоғозлар талаб ва таклифи ўртасидаги мувозанатни акс эттирувчи нархларни) белгилаш ва уларга доир маълумотларни керагича тарқатиш, қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг касб маҳоратини юқори даражада сақлаб бориш фаолиятининг алоҳида соҳаси бўлган ташкилотдир».

Фонд биржаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, биржа уставига ҳамда қимматли қоғозлар билан боғлиқ хизматларни амалга оширишнинг ички қоидаларига амал қилади.

Мамлакатимизда ушбу қонунни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 8 апрелида «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкчилигининг химоя этишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони чикди. Бу фармонни ҳаётга тадбиқ қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 июндаги «Тошкент» Республика фонд биржасининг самарали фаолият кўрсатишни таъминлаш ва қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қонунчилик ҳужжат-ларига асосан унинг негизида, унинг номини, аввалги расмий белгисини – бир ўрқачли туя (матонатлилик ва чидамлилик рамзи), фонд биржалари фаолият кўрсатишининг мумтоз тамойилларига асосланган операцияларини амалга ошириш қоидаларига амал қилиш анъаналарини сақлаб қолган ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги «Тошкент» Республика фонд биржаси ташкил этилди.

Ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб «Тошкент» Республика фонд биржаси тармоқ дастурий маҳсулотларини яратишга ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этиш билан бирга савдоларнинг электрон биржа тизимини барпо қилиш, шунингдек, акциялаштириш ва акцияларни харид қилиш орқали маблағларнинг миллий иқтисодиётга

инвестиция қилишни ташвиқ қилиш бўйича фаол ишларни бошлаб юборди.

Барча фонд биржаларида бўлганлиги каби «Тошкент» Республика фонд биржасида ҳам биржа савдоларида иштирок этиш учун фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи махсус лицензияга эга бўлган биржа аъзоларига рухсат этилди. Фаолиятининг дастлабки йилида «Тошкент» Республика фонд биржаси ўз кўли остига 250 нафар аъзоларини, шу жумладан АҚШ, Германия, Россия, Покистон давлатларининг вакилларини бирлаштирди, уларнинг деярли тўртдан бир қисмини хусусий шахслар ташкил этди. Биржа аъзолигига кириш шартлари брокерлик жойларининг сотиб олинишини ва мунтазам аъзолик бадалларининг тўланишини назарда тутди.

Ҳозирги пайтда «Тошкент» Республика фонд биржаси мамлакатимиз молия тизимининг тез ривожланаётган тузилмаларидан бири бўлиб, сармоя бозорининг фонд улуши ўзгаришларига катта таъсир кўрсатди. Шунини таъкидлаш лозимки, «Тошкент» Республика фонд биржасининг фаол позицияси сабабли қисқа муддатда ривожланган қимматли қоғозлар савдо тизимининг ташкилий-техник, ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратилди. Ҳозирда биржа Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ўз филиалларига эга. Биз қуйидаги чизмада «Тошкент» Республика Фонд биржасининг таркибий тузилишини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Тошкент» Республика фонд биржасининг филиаллари ташкил этилган ва улар ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Халқаро амалиётда хорижий мамлакатларнинг йирик биржалари фаолиятини интеграция жараёнлари кучайиб бормоқда.

Бундай жараёнларда биржа фаолиятини ривожлантиришда ягона халқаро савдо тизимига уланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. «Тошкент» Республика фонд биржасида ҳам жаҳон қимматли қоғозлар бозорига интеграция йўналишида фаолият амалга оширилмоқда. 1995 йилда халқаро ташкилотнинг қароргоҳи Истамбул шаҳрида жойлашган Евроосиё федерациясига (FEAS) қўшилди. 1999 йилнинг сентябр ойида Франкфурт фонд биржаси билан ўзаро ҳамкорлик ва маълумотлар айирбошлаш юзасидан шартнома имзоланди. 2004 йилнинг 23 июлида «Тошкент» Республика фонд биржаси ва Лондон фонд биржаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Бундан ташқари ҳозирги вақтда «Тошкент» Республика фонд биржаси ва +увайт фонд биржасининг +увайт автоматлаштирилган савдо тизими (Kuwait Automated Trading System) департаменти билан ўзаро ҳамкорлик қилиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Анъанавий фонд биржаси бу унинг малакали ташкилотчилари томонидан савдонинг махсус тамойилларига асосланган ва энг яхши қимматли қоғозларнинг савдосини олиб борадиган доимий улгуржи бозордир.

Амалдаги қонунчиликка кўра фонд биржаси - қимматли қоғозлар бир маромда муомалада бўлишининг зарур шарт-шароитини таъминлаш, уларнинг бозор баҳосини (қимматли қоғозларнинг талаб ва таклифи ўртасидаги мувозанатни акс эттирувчи нархларни) белгилаш ва уларга доир маълумотларни керагича тарқатиш, қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг касб маҳоратини юқори даражада сақлаб бориш фаолиятининг алоҳида соҳаси бўлган ташкилотдир.

Фонд биржаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, биржа уставига ҳамда қимматли қоғозлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қонун - қоидаларига амал қилади.

Фонд биржаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади ва у қимматли қоғозларга доир биржа

фаолияти юритиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги қимматли қоғозлар ва фоиз биржалари давлат комиссиясидан лицензия олади. Қимматли қоғозларга доир биржада фаолият юритиш учун лицензия олмаган ташкилот бундай фаолият юритишга ҳақли эмас.

Қимматли қоғозлар муомаласини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатномаси (лицензия) бўлган юридик ва жисмоний шахслар фонд биржасининг муассислари бўлишлари мумкин.

Биржада брокерлик жойини сотиб олган юридик шахслар, шу жумладан хорижлик юридик шахслар ҳам фонд биржасининг аъзолари бўлиши мумкин. Фонд биржаси аъзоларининг миқдорини бошқарув органлари тартибга солиб туради. Давлат ҳокимияти ва бошқарув, прокуратура ва суд органлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳамда мутахассислари фонд биржаси аъзолари бўлишга ҳақли эмаслар.

Фонд биржасининг аъзолари қимматли қоғозлар муомаласини амалга ошириш учун рухсатномаларга эга бўлган ҳамда инвестиция институти мақомини олган тақдирдагина қимматли қоғозлар билан бўладиган савдоларга қўйилади. Биржадан расмий брокерлик ўрнини сотиб олган ва қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи махсус малака шаходатномасини (аттестатини) олган жисмоний шахс уни давлат ҳокимияти маҳаллий органларида рўйхатдан ўтказганидан ва банкда ҳисоб-китоб рақамини очганидан кейингина қимматли қоғозлар билан олди-сотдига қўйилиши мумкин эди. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 22 сентябрида қабул қилинган «тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга асосан жисмоний шахсларнинг брокерлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланди.

Амалдаги қонунчиликка асосан қимматли қоғозлар бозорининг малакали мутахассислари қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга

ошириш ҳуқуқини берувчи малака шаҳодатномасига эга бўлиши шарт. Малака шаҳодатномасининг муомалада амал қилиш муддати – уч йил қилиб белгиланган.

«Тошкент» Республика фонд биржасида 70 га яқин брокерлик идоралари рўйхатдан ўтган бўлиб, улар республиканинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларида жойлашган. Биржада ҳафтада беш кун соат 10.00 дан 13.00 гача ва 15.00 дан 15.30 гача қуйидаги шўьбалар бўйича савдолар ўтказилади: листинг, листинг-олди, листингдан ташқари ва хусусийлаштирилаётган корхоналар, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори ва эркин муомаладаги валютада (СКВ) чет эл сармоядорларига сотиладиган савдо майдончалари фаолият кўрсатади.

«Тошкент» Республика фонд биржасида савдолар анъанавий «ким ошди» технологияси бўйича ўтказилади ва бу энг мақбул усул ҳисобланади. 2000 йилдан бошлаб биржада сифат жиҳатидан янги электрон савдо тизими тадбиқ қилинган.

«Тошкент» Республика фонд биржасида листинг тартиби жорий этилган. Унга асосан ликвид ва ишончлироқ, яъни молиявий томондан мустаҳкам акциядорлик жамиятлари ўз акциялари билан махсус, обрўга эга листинг майдончасида савдо қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

«Тошкент» Республика фонд биржасида замонавий янги техника ва технологияларни тадбиқ этиш дастури босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Интернет тармоғида «www.uzse.com» адрес бўйича биржа расман ўз сайтини ишга туширди. Ушбу сайтнинг қўлланилиши билан умумжаҳон компьютер тармоғи орқали биржада савдога қўйилган акцияларни дунёдаги барча бўлажак сармоядорларга таклиф қилиш имконияти вужудга келди. Хорижий сармоядорлар эса бу акциялар билан ҳаққоний муддат шароитида танишиб «видеолистинг» услуги орқали корхоналарни ва улардаги мавжуд ишлаб чиқариш жараёнини ўз кўзи билан кўриш имкониятига эга бўлдилар.

«Тошкент» Республика фонд биржаси қимматли қоғозлар билан савдони ташкил этиш, уни олиб бориш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- инвестиция институтларининг биржа аъзолигига киришида уларга қўйиладиган энг кам мажбурий талабларни белгилаш;

- биржа олди-сотдиларида биржа аъзолари вакилларининг малакасига қўйиладиган талабларни белгилаш;

- биржа йиғилишларини чақириш ва уни ўтказиш;

- эксперт, малака ва баҳолаш комиссиялари, маслаҳат ва маълумотнома берувчи шўъбалар ҳамда уларнинг ишлаши учун керакли бошқа муассасалар, шунингдек, қимматли қоғозлар муомаласини амалга оширишдаги низоларни ҳал қиладиган комиссияларни таъсис этиш;

- биржа ўз уставига мувофиқ биржа аъзолари тўлайдиган кириш ва жорий бадалларни белгилаб, ундириб олиш, битимларни рўйхатга олганлик, техник хизмат кўрсатганлик учун, доимий ва бир галги мижозлардан биржадаги савдода қатнашганлик учун ҳақ белгилаш, ундириб олиш, шунингдек биржа уставини, биржа йиғилишлари қоидаларини бузганлик, рўйхатдан ўтказиш йиғимини вақтида тўламаганлик учун жарима ва пенялар ундириб олиш;

- биржа буклетлари, маълумотномалари ва тўпламларини чоп этиш;

- назорат қилувчи органларнинг қонунга хилоф хатти-харакатлари устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақлидир.

«Тошкент» Республика фонд биржаси қимматли қоғозларга доир биржа амаллари қоидаларини мустақил ишлаб чиқади ва биржанинг юқори бошқарув органини тасдиқлайди.

Биржа амаллари қоидаларида қуйидаги тартиб-қоидалар назарда тутилмоғи лозим:

- мазкур биржада қимматли қоғозлар савдосининг тамойиллари;

- биржа савдосини малакали қатнашчиларининг таркиби ҳамда уларга қўйиладиган талабларнинг мажмуи;

- биржа йиғилишлари ўтказиладиган жойи ва вақти тўғрисидаги ахборот;

- қимматли қоғозларни биржа савдосига чиқариш тартиби;
- биржа битимларининг таснифи;
- мижозлар брокерларга берадиган топшириқ (буйруқ)нинг турлари;
- қимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш;
- битимларни рўйхатдан ўтказиш ва уларни расмийлаштириш тартиби;
- қимматли қоғозлар муомаласини амалга оширишда фойдаланиладиган шартнома, ҳисобот, буюртма ва хабарномалар ҳамда биржага оид бошқа ҳужжатларнинг намуналарини чиқариш;

«Тошкент» Республика фонд биржаси ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти бўлиб, у ўз фаолиятини маблағ билан ўзи таъминлайди. Фонд биржаси фаолиятининг пул таъминоти қуйидаги манбалардан иборат:

- фонд биржасининг акциялари ва пайларини сотиш;
- фонд биржасидаги брокерлик ўринларини сотиш;
- фонд биржаси аъзоларининг мунтазам тўлаб борадиган аъзолик бадаллари;
- биржа битимларини рўйхатдан ўтказишда олинадиган йиғимлар;
- қимматли қоғозлар муомаласи воситачилик қилишда олинадиган комисион ҳақ;

- биржа уставида назарда тутилган ахборот хизмати ва бошқа хизматларни кўрсатишдан келадиган даромадлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига асосан фонд биржаси фаолияти қуйидаги ҳолатларда:

- биржа муассислари умумий йиғилишининг қарорига биноан;
- суд органларининг қарорлари асосида;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда тўхтатилади.

6.5. Листинг ва делистинг жараёнлари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар

2008 йилда бошланган ва бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига баҳо берар экан, кўпгина халқаро эксперт ва мутахассислар бу инқирознинг сабаблари ва янада авж олиши билан боғлиқ прогнозларида жавоблардан кўра кўпроқ саволларга дуч келишмоқда. Ушбу инқирознинг келиб чиқишида фонд биржаларининг катта нуқсонлар сабаб бўлди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабабларига Президентимиз И.Каримов қуйидагича баҳо бериб: “Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айтилган вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади”²³.

«Тошкент» фонд биржасида амалдаги қонунчиликка асосан биржа талабларига жавоб берадиган ва биржа расмий рўйхатига киритилган қимматли қоғозлар савдога қўйилади. Эмитентнинг хўжалик-молиявий ҳолатининг барқарорлиги, бозорда фаоллиги ва уни қимматли қоғозининг ликвидлигига асосан қоғозни маълум тоифага киритиш жараёни листинг жараёни дейилади. Биржада қимматли қоғозлар листинги учун махсус листинг комиссияси тузилган. Унинг таркиби раис ва камида 4 та аъздан иборат бўлиб листинг комиссиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

–эмитентнинг молиявий ҳолатини экспертиза қилиш:

²³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.:“Ўзбекистон”. 2009. 5 б.

-қимматли қоғозларни биржа расмий рўйхатига киритиш имконияти тўғрисида хулоса чиқариш:

-қимматли қоғозларни листинг тоифасига ажратиш ва бошқалар.

Эмитент ўзининг қимматли қоғозини листингга киритиш учун листинг комиссиясига қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

1. Листинг жараёнига киритиш тўғрисида расмий ариза.

2. Таъсис хужжатлари (унга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар билан бирга).

3. Корхонани давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қўмитасининг буйруғи (агарда акциядорлик жамияти давлат корхонаси асосида ташкил этилган бўлса).

5. Қилинадиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар, лицензия талаб этиладиган бўлса бу тўғрисидаги лизенциялар.

1. Қўшимча қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қабул қилинган қарордан кўчирма.

2. Олдинги эмиссия қилинган қимматли қоғозларнинг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги эмиссия рисоласи.

3. Қимматли қоғозлар бўйича депозитар хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг нусхаси

4. Акциядорлик жамиятининг олдинги қимматли қоғозлар эмиссияси тўғрисидаги маълумотнома

5. Яқунланган олдинги уч молия йили учун Бухгалтерия баланси (1-шакл) ва унга тушунтириш хати.

6. Яқунланган олдинги уч молия йили учун Молиявий натижа тўғрисидаги ҳисобот (2 - шакл).

7. Охирги яқунланган молия йили учун Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (3-шакл).

8. Охирги яқунланган молия йили учун Пул оқимлари бўйича ҳисобот (4-шакл).

9. Охирги яқунланган молия йили учун Ўзлик капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-шакл).

10. Охирги яқунланган молия йили ва ариза берилган муддат бўйича балансга дебиторлик – кредиторлик қарздорлик тўғрисидаги илова (2-шакл).

11. Биржа расмий рўйхатига киритиш тўғрисидаги ариза берилган муддатда охирги квартал учун Бухгалтерия баланси (1-шакл).

12. Яқунланган охирги молия йили ва жорий йилнинг ҳисобот муддати учун расмий аудиторнинг хулосаси.

13. Биржа расмий рўйхатига киритиш тўғрисидаги ариза берилган муддатда охирги квартал учун Молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот (2 шакл).

14. Қимматли қоғозлар эмиссияси натижасида жалб этилган маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги бизнес режа ёки техник-иқтисодий асоснинг лойихаси (агарда қўшимча эмиссия бўлса).

15. Қимматли қоғозларни реестр сақловчиси тўғрисида маълумот.

16. Акциядорлик реестри бўйича умумий маълумот.

17. Акциядорлик жамияти бошқарув органига кирган шахсларнинг рўйхати ва уларни устав капиталидаги улуши тўғрисида маълумот.

18. Йирик акциядорларнинг рўйхати (устав капиталидаги улуши 5 фоиздан ортиқ бўлса).

19. Давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобот.

20. Яқунланган охирги молия йили учун ваколатли давлат органи тасдиқлаган қимматли қоғозлар тўғрисидаги йиллик ҳисобот.

21. Тақдим этилган хужжатларни экспертизадан ўтказиш харажатларини тўлаш бўйича тўлов топшириқномасининг нусхаси.

22. Эмитентнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги бошқа ҳужжатлар.

Листинг комиссияси томонидан эмитентнинг қимматли қоғозини экспертизадан ўтказиб, уни биржанинг расмий рўйхати ва листинг гуруҳига киритиш тўғрисидаги хулосасидан сўнг комиссия ҳамда эмитент ўртасида махсус шартнома имзоланади.

«Тошкент» Республика фонд биржасида қимматли қоғозларни делистинг жараёнининг тартиби ҳам мавжуд. Делистинг бу –эмитентнинг қимматли қоғозини биржа расмий рўйхатига киритилган тоифадан вақтинча ёки бутунлай чиқаришдир. Биржанинг махсус комиссияси қуйидаги ҳолатларда эмитентга нисбатан делистингни қўллайди:

-давлатнинг ваколатли органини эмитентнинг қимматли қоғозлари эмиссиясини тўхтатиш тўғрисидаги қарори асосида;

-листинг шартларида С гуруҳи учун кўзда тутилган биронта кўрсаткичларнинг пасайиши ҳолати асосида;

-эмитентнинг қимматли қоғозлар реестрини юритишдаги ўрнатилган тартибни бузиши асосида, шу жумладан қимматли қоғозлар эмиссиясини такрорий рўйхатдан ўтказиш тартибини ҳам бузиши асосида;

-«Тошкент» Республика фонд биржаси ва эмитент билан листинг шартномасидаги қоидаларни бузганлиги асосида;

-«Тошкент» Республика фонд биржаси ва эмитентнинг листинг олди шартномасидаги қоидаларни бузганлиги асосида;

-листингдан ташқари эмитентларни фонд биржасида қимматли қоғозлар билан савдо қилишда ўрнатилган барча қоидаларни бузганлиги асосида;

-биржа расмий рўйхатидан корхоналарнинг қимматли қоғозлар реестрини юритиш тартиб- қоидаларни бузганлиги асосида.

«Тошкент» Республика фонд биржасида эмитентга нисбатан делистинг жараёни уч хил шаклда қўлланилиши мумкин:

-вақтинча делистинг:

-доимий делистинг:

-мутлоқ делистинг.

Вақтинчалик делистинг жараёнида эмитентнинг қимматли қоғози вақтинчалик листингдан листингга тоифага ўтказиб қўйилади. Доимий делистинг жараёнида эмитентнинг қимматли қоғози листингдан ташқари тоифага ўтказилади. Мутлоқ делистинг жараёнида эса эмитентнинг қимматли қоғози биржанинг расмий рўйхатидан чиқариб ташланади.

Листинг комиссияси эмитентга нисбатан делистинг жараёнини қўллашдан олдин унга расмий огоҳлантириш беради.

Қисқача хулосалар

Қимматли қоғозлар-бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки заём муносабатларни тасдиқловчи, дивиденд ёки фоиз кўринишидаги даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутувчи пул ҳужжатларидир.

Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари – даромади (зарари) бир ёки бир неча бозор кўрсаткичлари (индекслари) мазмунига боғлиқ бўлган қимматли қоғозлардир.

Қимматли қоғозлар- бозори бу юридик ва жисмоний шахслар ўртасида муомалага қимматли қоғозлар чиқариш , унинг айланиши ҳамда уларни тўлаб берилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

«Фонд биржаси - қимматли қоғозлар билан бир маромда муомалада бўлишининг зарур шарт-шароитини таъминлаш, уларнинг бозор баҳосини (қимматли қоғозлар талаб ва таклифи ўртасидаги мувозанатни акс эттирувчи нархларни) белгилаш ва уларга доир маълумотларни керагича тарқатиш, қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг касб маҳоратини

юқори даражада сақлаб бориш фаолиятининг алоҳида соҳаси бўлган ташкилотдир»

Молия бозорлари - бу, пул оқимларини мулк эгаларидан қарз олувчиларга қарата йўналтира оладиган бозор институтларининг йиғиндисидир.

Қимматли қоғозлар бозорида молиявий воситачилар сифатида майдонга одатда брокерлар ва дилерлар чиқади.

Қимматли қоғозлар бозорининг у ёки бу шаклда таснифланишининг маъзмуни унинг амалий аҳамияти билан белгиланади.

Қимматли қоғоз - бу, капитални мавжуд бўлиш шакли бўлиб, у капитални товар, ишлаб чиқариш ва пул шаклларида фарқ қилиб, унинг эвазига (капитални) берилиши, бозорда товар сифатида муомалада бўлиши ва даромад келтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра фонд биржаси - бу қимматли қоғозлар бир маромда муомалада бўлишининг зарур шарт-шароитини таъминлаш.

Таянч сўзлар

Қимматли қоғозлар, ликвидлик, фойдалилик, ишончлилик даражаси, риск, акция, облигация, депозит сертификатлари, депозит жамғарма сертификатлари, ҳазина мажбуриятлари, вексель, опцион, сотиб олиш учун опцион, фьючерс, муддат, варрант, қимматли қоғозлар бозори, ҳалқаро ва минтақавий қимматли қоғозлар бозори, миллий ва ҳудудий қимматли қоғозлар бозори, давлат ва корпоратив қимматли қоғозлар бозори, қимматли қоғозлар бозорининг умумий инфратузилмаси, қимматли қоғозлар бозорининг махсус инфратузилмаси, биржа, фонд биржаси, брокерлар, дилерлар,

Назорат учун саволлар

1. Қимматли қоғозларнинг қандай турлари мавжуд?

2. Қимматли қоғозларнинг қандай хусусиятлари мавжуд?
3. Қимматли қоғозлар ҳосилаларининг моҳияти нима?
4. Қимматли қоғозлар ҳосилаларининг турларини ёритинг.
5. Опционнинг моҳияти нималардан иборат?
6. Қимматли қоғозлар бозорининг моҳияти нима?
7. Қимматли қоғозлар бозорининг вазифалари нималардан иборат?
8. Фонд биржасининг моҳияти нима?
9. Фонд биржаси фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
10. Қимматли қоғозлар листинги нима?

Тавсия этиладиган адабиёт

1. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни. Т.: «Ўзбекистон» 2008.
- 2 Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни барқарор этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
3. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
4. Бутиков И.Л. «Қимматли қоғозлар бозори» Т.: «Консаудитинформ» 2001.
5. Галанов В.А., Басов А. И. «Рўноқ ценнўх бумаг». М; «Финансы и статистика», 2006.
6. Киячков А.А., Чалдаева Л.А. «Рўноқ ценнўх бумаг» М.: «Экономистъ». 2005.
7. Рашидов О.Ю. ва бошыалар. Пул, кредит ва банклар. –Т.: “Мах-PRINT”. 2008. 454 б.

ҲҲ БОБ. ИНФЛЯЦИЯ

7.1. Инфляциянинг моҳияти ва унинг юзага чиқиш шакллари

Инфляция XVIII асрнинг ўрталарида муомалага таъминланмаган жуда кўп миқдорда пул чиқариши натижасида пул тизимидаги инқироз ҳолат асосида юзага чиққан. Инфляция (лотинча «inflation» сўзидан олинган ва шишиш, кўпчиш, кўтарилиш маъносини англатади) ўз моҳиятига асосан пулнинг қадрсизланиши, товар ва хизматларга бўлган баҳоларнинг мунтазам равишда ошиб бориши жараёнини англатади. Шунини таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатлар тажрибаси инфляция нисбатан меъёр даражасидаги пул массаси ҳолатида ҳам юзага чиқиши мумкин.

Ҳозирги замон инфляцияси нафақат товарлар ва хизматларга бўлган баҳоларни мунтазам ўсиши натижасида пулнинг сотиб олиш қобилиятини пасайиши билан бир қаторда ишлаб чиқариш жараёнидаги номутаносиблик, пул муомаласи, молия ҳамда кредит соҳасидаги салбий омиллар билан таснифланади. Инфляциянинг юзага чиқишининг асосий сабаблари бўлиб иқтисодиёт тармоқлари, жамғарма ва истеъмол, талаб ва таклиф, давлат даромадлари ва харажатлари, хўжаликларнинг пул массаси ва унга бўлган талаби ўртасидаги мутаносиблик ҳамда марказий банкнинг кредит экспансияси ҳисобланади. Ушбу таъкидлаб ўтган омиллар ўз моҳиятига асосан инфляцияга, унинг даражасига турлича таъсир этиши мумкин.

Халқаро амалиётда иқтисодчи олимлар инфляциянинг юзага чиқадиган омиллар асосан икки гуруҳга: ички ва ташқи омилларга ажратадилар. Биз ушбу омилларнинг моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз.

1. Ички омилларни моҳиятига асосан пуллик (монетар) ва пулсиз омилларга ажратиш мумкин. Пуллик омилларга давлат молиясининг

инқирози, бюджетнинг тақчиллигини мавжудлиги, давлат қарздорлигини ортиши, пул эмиссияси, кредит дастакларининг айланишини кўпайиши, пул айланмасининг тезлиги ва бошқалар киради. Пулсиз омилларга миллий иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги номутаносиблик, тармоқлар иқтисодий ривожланишдаги бир маромсиз даража, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида монополиянинг (олигополия) мавжудлиги, нарх шакллантиришдаги давлат монополияси, марказий банкнинг кредит экспансия ва бошқа омилларни киритиш мумкин;

2. Ташқи омиллар ўз моҳиятига асосан бирон аниқ давлат ривожланишига таъсир этадиган дунёда амалга ошаётган жараёнларни акс этади. Ушбу омилларга дунё мамлакатларда юзага чиқадиган соҳа инқирозлари ҳисобланадиган хом-ашё, энергетика, нефть, валюта инқирозларни киритиш мумкин. Ушбу омиллардан ташқарии бирон-бир давлатнинг бошқа давлатларга нисбатан олиб борадиган давлат миқёсидаги валюта сиёсатини, яширин ҳолатда валюта, олтинни экспортини амалга оширилишини ҳам киритиш мумкин.

Биз қуйидаги чизмада инфляцияни юзага чиқиш шакллари таҳлил этамиз. Ушбу чизма таҳлилидан кўриниб турибдики, инфляция асосан уч йўналишда юзага чиқади. Биринчи йўналишда маҳсулотлар, ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нархларни асоссиз равишда ўсиб кетиши туфайли пул қадрсизлана бошлайди. Бунинг натижасида миллий валютанинг харид қилиш қобилияти тушиб кетади. Иккинчи йўналишда, хорижий валюталарга нисбатан миллий валютанинг курси пасайиб кетади. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва мамлакат аҳолиси эркин муомаладаги хорижий валюталари (АҚШ доллари, евро, швейцария франки ва бошқаларни) жамғара бошлайди. Учинчи йўналишда олтинга бўлган миллий пул бирлигида ифодаланган нарх кўтарилиб кетади. Бунинг натижасида мамлакат аҳолиси ўртасида олтиннинг тўпланиб қолиши, яъни тезаврация амалга ошади.

Инфляциянинг юзага чиқиш шакллари.



Чизма муаллиф томонидан тайёрланди.

7.2. Инфляциянинг шакллари ва турлари

Халқаро амалиётда инфляциянинг нархларини ўсиши, яъни пулларнинг миқдори ўсиши жихатидан асосан уч шаклини ажратилади:

1. Сокин (ползучая, умеренная) инфляция. Ушбу инфляция иқтисодий ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатда маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-

наволар йилига ўртача 3% дан 10% гача ошиши мумкин. Бу мамлакатларда муомаладаги пул массаси сақланиб туради ва миллий пул бирлигининг харид қилиш қобилияти сақланиб туради.

2. Шиддатли (галопируюҳая) инфляция. Ушбу инфляция иқтисодий ривожланаётган мамлакатларда мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатда маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволар йилига ўртача 10% дан 100% гача баъзи ҳолатларда 200% гача ошиши мумкин. Бунинг натижасида муомаладаги пул массаси кўпаяди ва миллий пул бирлигининг харид қилиш қобилияти тушади. Мамлакат аҳолиси ўртасида пулнинг моддийлаштириш, яъни миллий пул бирлигини жамғариши эмас, балки олтин, кўчмас мулк ҳолатида жамғариши жараёни кучаяди.

3. Жиловланмаган (гиперинфляция) инфляция. Ушбу инфляция ҳолатида маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволар йилига 1000% дан ортиқ ёки ойига 100% дан ортиқ даражада ошади. Ушбу ҳолатда миллий иқтисодиётда инкироз юзага чиқади. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ва бозор бошқарувсиз фаолият кўрсатадиган, нарх-наво ва иш ҳақи ўртасидаги фарқ ортади. Мамлакат аҳолиси кўлидаги қоғоз пулларга товарлар сотиб олади. Бу ҳолат эса муомалада товар массаси билан товар ва хизматлар билан таъминланмаган ортиқча қоғоз пулларни тўлиб-тошишига олиб келади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, инфляциянинг асосий сабаби одатда бир эмас, балки бир нечта бўлиб ўзаро маҳкам боғланган бўлади ва нарх-навонинг кўтарилиб бориши билангина намоён бўлиб қолмайди, балки нарх-навони бошқарилишига ҳам боғлиқ бўлади. Ушбу жихатдан қуйидаги инфляция шакллари ажратилади:

1. Ошкора инфляция. Талаб томонига қараган макроиқтисодий тенгсизлик доимий равишда нарх-навонинг кўтарилиб бориши билан ифодаланадиган бўлса, бундай инфляция ошкора инфляция деб аталади.

Ошкора инфляция бозор механизмини бузмайди: нарх-наво баъзи бозорларда кўтарилиши билан бир вақтда бошқа бозорларда пасайиб бориши мумкин. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, бозор механизмлари ўз таъсирини давом эттириб, миллий иқтисодиётга баҳолар тўғрисидаги маълумотларни ошкора етказиб туради, инвестицияларни илгари суриб, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши билан таклифни рағбатлантириб боради.

2. Яширин инфляция. Инфляциянинг ушбу тури шундай кўринишда бўладики, бундай ҳолатда баъзи бир истеъмол маҳсулотларига нарх-наво маъмурий тарзда давлат томонидан ўрнатилади ва тартибга солиб турилади. Бундан асосий мақсад, давлат томонидан баъзи маҳсулотларга нарх-навони «ижтимоий паст» даражада белгилайди. Яширин инфляция шароитида нарх-навонинг кескин ўсиши кузатилмаслиги мумкин. Лекин миллий пул бирлигининг қадрсизланиши, маҳсулотлар аҳоли пул маблағларига керакли маҳсулотларни ҳарид қилиб бўлмаслиги ҳолатлари пайдо бўлади.

Иқтисодиётда яширин инфляция юзага чиққанда маҳсулотларнинг нарх-навоси ҳамда аҳолини даромадларини ўсиши вақтинча тўхтатилади. Яширин инфляцияни вужудга келишини асосий сабабларидан бири бу нархлар устидан маъмурий назорат ўрнатишдир. Бунинг натижасида бозор механизми деформацияланади. Унинг қайси даражада ва ўзгарганлиги даражаси ва давомийлиги давлат томонидан олиб бориладиган сиёсатга ҳамда тартибга солиш шаклига бевосита боғлиқ бўлади. Ушбу инфляциянинг салбий томони шундан иборатки, инфляция даврида ишсизлик даражаси ошади, чунки ишлаб чиқариш ривожланмайди.

Хорижий ва миллий иқтисодий назариянинг қарашларига асосан миллий иқтисодиётнинг балансини бузилиши ва унинг оқибатида инфляциянинг юзага чиқишининг қуйидаги ўртта омиллари мавжуд:

- қоғоз пулларнинг эмиссия қилишда ва ташқи савдода давлатнинг мутлоқ монополияси;

- ҳозирги замон давлат функцияларини бажариш учун давлат харажатларини ортиши;

- касаба уюшмалари томонидан бюджет муассасалари ишчи-ходимларининг иш ҳақларини ошириш бўйича фаолияти;

- иқтисодиётда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш соҳасида айрим хўжалик субъектларининг монополия (олигополия) ҳолатининг мавжудлиги.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган омиллар нафақат ўзаро боғлиқ, балки улар талаб ва таклифларнинг ўсиши ёки пасайишига турлича таъсир кўрсатади.

Хорижий амалиётда инфляциянинг юзага чиқишини усулларига асосан қуйидаги турларга ажрапилади: таклиф инфляцияси, талаб инфляцияси, харажатлар инфляцияси, кредит инфляцияси, импорт билан боғлиқ инфляцияси, кутилаётган инфляцияси.

Таклиф инфляциясида ишлаб чиқариш харажатларини ошиши натижасида маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-навонинг ўсиши юзага чиқади. Ушбу инфляция турида монопол ҳолатдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқаришда асосий воситаларни модернизация қилиш билан бир вақтда улардан тўлиқ фойдаланмаслик натижасида харажатлар ортади. Бунинг натижасида барча ишлаб чиқариш харажатлари нисбатан кам чиқарилган маҳсулотларнинг нарх-навосини ўсиши амалга оширилади.

Талаб инфляцияси. Инфляциянинг ушбу тури мамлакат аҳолиси ва хўжалик субъектларнинг даромадлари ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлар миқдоридан тез ўсади. Одатда, талаб инфляция аҳолининг тўлиқ иш билан таъминланган ҳолатда юзага чиқади. Аҳолининг даромадларининг тез

суръатда ўсиши натижасида маҳсулотларга, бажарилган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлари бўлган нарх-наво ошади. Бундай ҳолатда талабниг ҳар қандай ўсиши нарх-навонинг ўсишига олиб келади.

Харажатлар инфляцияси. Инфляциянинг ушбу тури хом-ашё ва энергетик ресурсларга бўлган харажатларнинг ўсиши туфайли ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва бажариладиган ишларнинг нарх-навосини ўсиши натижасида юзага чиқади. Хом-ашё ва энергетик ресурсларга бўлган дунё нархларини кўтарилиши ҳамда хорижий валютага нисбатан миллий валюта курсини пасайиши харажатлар инфляциясининг юзага чиқишини асосий сабаблари ҳисобланади. Харажатлар инфляциясида маълум бир маҳсулотнинг нарх-навосини ўсиши автомат равишда бошқа маҳсулотлар нарх-навои ўсишига олиб келади. Масалан, нефть маҳсулотларига бўлган дунё баҳосини ўсиши натижасида унга бевосита боғлиқ маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар нарх-навои ўсиб кетади. Харажатлар инфляцияси таклиф инфляциясига ўхшаш, лекин бу инфляцияда баъзи харажатларнинг ўсиши аниқ олинган мамлакат иқтисодиётига бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолатларда юзага чиқиши мумкин.

Кредит инфляцияси. Ушбу инфляция тури мамлакат марказий, баъзи мамлакатларда миллий банклари томонидан олиб бориладиган кредит экспансияси натижасида юзага чиқади. Марказий банк тижорат банклари учун. Юқори даражадаги қайта молиялаштириш ставкасининг ўрнатилиши натижасида хўжалик субъектларига бериладиган кредит қимматлашади. Хўжалик субъектлари олинган кредит ва у бўйича фоизларни ўзлари ишлаб чиқарадиган маҳсулот таннархига киритади ҳамда ушбу ҳолат маҳсулотлар нарх-навосини кўтарилишига сабаб бўлади.

Импорт билан боғлиқ инфляция. Инфляциянинг ушбу тури аниқ олинган мамлакатга ташқи омиллар асосида юзага чиқади. Ушбу ҳолатда импорт қилинадиган маҳсулотларга бўлган нарх-навонинг кўтарилиши

натижасида баъзи маҳсулотларга бўлган нарх-наволар занжир тарзида кўтарилиши мумкин.

Кутилаётган инфляция. Инфляциянинг ушбу турида давлат томонидан олиб борилаётган пул-кредит ва бюджет сиёсати натижасида жорий йил учун инфляциянинг таҳлилий даражаси белгиланади ва у даража тартибга солиб турилади.

7.3. Инфляция назариялари

Ҳозирги вақтда инфляция табиатини ўрганишда иқтисодчи олимлар унинг монетар сабабларини, яъни товар масасига нисбатан пул массасининг хажмини ўзгаришини асоси қилиб кўрсатадилар. Инфляция билан олиб бориладиган фаолиятда унинг даражасини ўлаш учун дастак лозим бўлади. Ушбу дастак бўлиб баҳолар индекси ҳисобланади. Баҳолар индекси жорий умумий истеъмол нархларининг базис давридан нархларга нисбатан ўсиши (пасайиши) билан аниқланади. Ушбу индексни аниқлашда мамлакат фуқороларининг истеъмол саватига киритилган маҳсулотлар в хизматларнинг чакана нархларидан фойдаланадилар. Ушбу формула қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{ИПЦ} = \frac{\text{ПК}_t}{\text{ПК}_б} \times 100 \%$$

Бу ерда: ИПЦ – истеъмол нархларининг индекси;

ПК_t - истеъмол саватининг жорий нархи;

ПК_б - истеъмол саватининг базис нархи.

Инфляция даражасининг ўсишини бир баҳосини ўсиши билан аниқлаш мумкин. Масалан 1 литр бензиннинг базис давридаги нархи 500 сўм

бўлган ва унинг жорий даврдаги нархи 585 сўмга тенг. Демак, биз кузатган давр ичида 1 литр бензиннинг нархи 117 % га ортган.

$$1 \text{ литр бензин} = \frac{585 \text{ сўм}}{500 \text{ сўм}} \times 100 \% = 117 \%$$

Баҳолар индексида ташқари инфляцияни бошқаришда ялпи ички маҳсулот индекси кўрстакидан фойдаланилади. Ялпи ички маҳсулот – бу маълум бир давр мобайнида, одатда бир йилда мамлакатда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг умумий миқдорининг пулдаги ифодасидир. Ялпи ички маҳсулот баҳолар индексини умумий даражасини ўлчаш учун дефлятордан фойдаланилади. Дефлятор – бу пул ифодаланган иқтисодий кўрсаткичларни ўтган даврдаги баҳолар даражасига нисбатан таққослаш мақсадида қўлланиладиган коэффициентдир. Дефлятор ёрдамида аниқ бир муддатдаги ҳақиқий иш ҳақи даражасини аниқлаш мумкин.

Халқаро амалиётда инфляциянинг моҳиятини ўрганиш ва уни оқилона бошқариш бўйича турли назариялар мавжуд. улардан бири бўлиб Англиялик таниқли иқтисодчи олим Джон Мейнард Кейнс яратган назария ҳисобланади. Дж.М.Кейнс бозор иқтисодиёти фаолиятига давлат томонидан аралашувини билвосита дастакинни ишлаб чиқди. Ушбу дастак ёрдамида давлат томонидан фаол молия сиёсати олиб бориш, талабни рағбатлантириш ва оммавий ишсизликни пасайтиришни амалга ошириши имкониятига эга бўлади. Кейнс томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий механизм қуйидаги асосий низомлардан иборат:

1. мамлакат аҳолисининг иш билан таъминланганлиги даражаси ишлаб чиқариш ҳажми билан аниқланади;

2. умумий талаб таклифга тўғри келмайди, чунки маълум пул маблағлари жамғаришга сарфланади;

3. ишлаб чиқаришнинг хажми оқилона талаб даражасидаги тадбиркорликка асосан аниқланади;

4. инвестициялар ва жамғармалар баробарлиги ҳолатидаги инвестиция ҳамда жамғарма актлари мустақил фаолият кўрсатади.

Дж. Кейнснинг асосий фикри қуйидагилардан иборат: қўшимча пул эмиссияси аҳолининг тўловга қобилиятлилиқ талабини оширади. Бунинг натижасида товарлар ва хизматларни кўпайиши учун асос юзага келади. Ишлаб чиқарувчилар томонидан харидорларнинг пуллари олиш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирадилар ва муомаладаги ортиқча пул эмиссияси массасини маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдирадилар. Халқаро амалиётда Дж. Кейнс томонидан илгари сурилган назария «тартибга солиниб туриладиган инфляция» номини олган.

Ўтган асрнинг 60 йилларида инфляция назариясининг янги мактабига асос солинди. Ушбу мактабга АҚШлик машхур иқтисодчи, Нобель мукофатининг лауреати, «Чикаго иқтисодий мактаби»нинг бошлиғи Милтон Фридмен асос солди. Халқаро амалиётда ушбу мактаб «монетаризм» деб номланади. Монетаризм мактабининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1) «Пуллар аҳамиятга эгадир», яъни кредит – пул соҳасидаги ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётининг умумий ҳолатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади;

2) Мамлакат Марказий банки иқтисодиётдаги хўжалиқ ҳолатидан қатъий назар пул массасининг барқарор ўсишини таъминлаб туриши лозим.

М. Фридменнинг асосий ғояси қуйидагилардан иборат: мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражаси давлат бюджетининг ҳолати, ишсизлик даражаси ва бошқа макроэкономик кўрсаткичлардан қатъий

назар давлатнинг пул сиёсатидаги асосий вазифаси ўртача 3-5 % га ошириши лозим. Ушбу ғоя Дж. Кейнс ғоясига қарама-қаршидир. Дж. Кейнс пул массасини ўсишидаги чекловлар ва талабни олдинга сурган бўлса, М. Фридмен эса таклиф ва пул массасининг доимий ўсишини олдинга сурган.

Монетаризм мактаби тарафдорлари инфляцияга қарши қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни қўллаб-қувватлайдилар:

- тадбиркорликнинг тўғридан-тўғри рағбатлантириш (фойдага инвестиция қилинган қисмидан солиқларни пасайтириш);
- давлат харажатларини қисқартириш;
- инвестицияга йўналтирилган жамғармаларнинг ўсишини рағбатлантириш (мамлакат аҳолисининг жамғармаларини тижорат банкларига ва қимматли қоғозларга жойлаштириш).


Ўз моҳиятига асосан монетаристик сиёсат қатъий сиёсат бўлиб, уни амалга оширишда қаттиқлик ва турли демоғогияга нисбатан бефарқликни талаб этади. Шунини таъкидлаш лозимки, Дж. Кейнс ва М. Фридмен яратган назариялари инфляция билан оқилона кураш олиб боришда мутлоқ тўлиқ жавоб бермайди. Ҳар иккала назария ўзининг ижобий томонлари билан бир қаторда салбий томонларга ҳам эгадир.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шундан далолат бермоқдаги инфляция қайси шакл ва турда юзага чиқмасин, у доимо ишсизлик муаммоси ҳал этишликни, уларнинг ўзаро боғлиқлигини чуқур таҳлил этган австралиялик иқтисодчи олим А. Филлипс графиклар ёрдамида инфляция ва ишсизлик ҳақиқатда улар ўртасида тесқари алоқа мавжудлигини исботлайди. Унинг фикрича аниқ олинган мамлакатда аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси паст даражада бўлади. Ўз вақтида унинг акси инфляция даражаси юқори бўлган ҳолатда, ишсизлик даражаси паст бўлади. Биз буни қуйидаги графикда кўришимиз мумкин. А. Филлипснинг фикрича, инфляция даражаси юқори даражадаги мамлакатларда ҳақиқий иш ҳақи қиймати тушиб боради. Ушбу ҳолат аҳолининг турли тоифалари нарх-наво кўтарилиши натижида йўқотилган

ҳақиқий иш ҳақини компенсация қилиш мақсадида ишлашга мажбур бўлади. Бунинг натижасида, мамлакат аҳолиси ўртасида ишсизлик даражасининг пасайиши кузатилади.

1- чизма

Филлипс эгриси.



Ишсизлик даражаси % да

Манба: Мамедов О.Ю. и др. Современная экономика.-Ростов на Дону. 1998.-604 б.

7.4. Инфляциянинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари

Ҳар бир мамлакатда инфляция мавжудлиги ундаги иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашувига сабаб бўлади. Ушбу салбий ҳолатлар қуйидаги йўналишларда юзага чиқади:

1) Ишлаб чиқариш ҳажми қисқаради, чунки нарх-наволарнинг доимий тарзда тебраниб туриши ишлаб чиқаришни ривожлантиришга бўлган истикболларга ишончни йўқотишга олиб келади;

2) Ишлаб чиқариш соҳасидаги капитал савдо ва воситачилик операцияларига оқиб ўтиши кузатилади. Чунки савдо ва воситачилик

соҳаларида капитал айланиши тез амалга ошади ва катта фойда келтиради. Инфляция юқори бўлган даврда аҳоли ўртасида пулдан қочиш ҳолати кузатилади, яъни кишилар қўлларидаги пуллардан имконият даражасида тезроқ сарфлашга ҳаракат қиладилар. Улар пулларга турли товарлар сотиб оладилар. Бунинг натижасида савдо ва воситачилик дўконида товарлар тез сотилади;

3) Нарх-навонинг кескин ва нотекис ўзгариши натижасида чайқовчилик кенгаяди. Инфляция натижасида товар танқислиги (дефицит) юзага чиқади. Ушбу тақчиллик нарх-навонинг кескин кўтарилишига олиб келади;

4) Давлат молия ресурслари қадрсизланади. Давлат бюджети даромадлари бюджет харажатлари амалга оширилгунча қадар даврда қадрсизланади. Бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносибликни сақлаш қийинлашади ва бунинг натижасида бюджет тақчиллиги (дефицити) юзага чиқади;

5) Мамлакатда кредит операциялари чекланади. Чунки инфляция даражаси туфайли юридик ва жисмоний шахсларга тижорат банкларидан бериладиган кредитларнинг фоиз даражасининг юқори даражада ўрнатилади. Ушбу салбий ҳолат ишончни пасайтиради.

Инфляциянинг энг асосий ижтимоий оқибати бўлиб даромадлар ва бойликларни қайта тақсимланиши амалга ошиши ҳисобланади. Ушбу қайта тақсимланиши қуйидаги омиллар натижасида амалга ошади:

- мамлакат аҳолисининг даромадлари индексация қилинмаслиги;

- тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган кредитлар баҳолар индексларининг ўзгаришини ҳисобга олинмаган ҳолда берилишлиги.

Инфляция шарт-шароитларида мамлакатда ички маҳсулот ва миллий даромад қуйидаги йўналишларда қайта тақсимланади:

1) Миллий иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш соҳалари ва мамлакат хуудлари ўртасида нарх-навонинг нотекис ўсиши натижасид;

2) Мамлакат аҳолиси ва давлат ўртасида. Бунда давлат томонидан муомаладаги ортиқча пул массасидан қўшимча даромад сифатида фойдаланади. Халқаро амалиётда бу инфляциян солиқ деб номланади;

3) Мамлакат аҳолисининг синфлари ва турли тоифалари ўртасида. Махсулотлар ва хизматларга бўлган нарх-навонинг нотекис ўсиб кетиши натижасида аҳоли ўртасида ижтимоий тоифаларга бўлинишини (бойлар, камбағаллар, қашшоқлар), мулкый ҳолатидаги фарқни чуқурлашувига, жамғармалар ва жорий истеъмолнинг кескин ўзгариши юзага чиқади. Инфляциянинг ижтимоий салбий таъсири энг аввало қатъий белгиланган даромадлари олувчи шахслар ҳисобланган – нафақахўрлар, ногиронлар, кўп фарзандли оилалар ва давлат хизматчилари (ўқитувчилар, врачлар, боғча ходимлари ва бошқалар) учун жуда оғир кечади;

4) Дебиторлар ва кредиторлар ўртасида. Ушбу ҳолатда олинган қарзларни пул қадрсизланиши натижасида дебиторлар даромад олади ва бунинг акси, кредиторлар қўшимча зарар кўради.

Биз юқорида келтирган инфляциянинг иқтисодий ва ижтимоий салбий оқибатлари қўшимча равишда мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларга ҳам фаол таъсир кўрсатади. Инфляция даражаси юқори мамлакатлар билан қўшимча суғурта ва турли кафолатлар асосида ўзаро муносаблар олиб борадилар. Халқаро амалиётда ушбу муносабатлар савдонинг камситилиши ёки дискриминация деб номланган.

Мамлакат иқтисодиётига айниқса жиловланмаган (гиперинфляция) жуда салбий таъсир этади. Бунинг натижасида иқтисодий ва ижтимоий қарама-қаршиликлар кескинлашади, аҳоли ўртасида ҳукуматга бўлган норозилик кучаяди. Шунинг учун, ҳукумат қарама-қаршиликларни ижобий ҳал қилиш, миллий пул тизимининг барқарорлаштириш учун оқилона

ишлаб чиқилган инфляцияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириши лозим бўлади.

7.5. Инфляциянинг барқарорлаштириш усуллари

Жахоннинг иқтисодиёти ривожланган мамлакатларида инфляцияга қарши кураш олиб боришда жуда катта назарий ва амалий тажриба тўпланган. Инфляцияни бутунлай йўқотиш имконияти йўқ. Чунки уни юзага чиқишига сабаб бўлган омилларни (ички ва ташқи, пуллик ва пулсиз) тўлиқ йўқотиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳозирги даврда энг асосий мақсад инфляциянинг бутунлай йўқотиш эмас, балки уни бошқарувчан қилиш ва унинг салбий иқтисодий – ижтимоий оқибатларини заифлаштириш ҳисобланади.

Дунёнинг турли мамлакатларида ҳукумат томонидан мавжуд иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда инфляцияга қарши турли антиинфляцион сиёсатни ишлаб чиқарадилар ва уни амалга оширадилар. Давлат томонидан антиинфляцион сиёсатни олиб боришда турли чора-тадбирлар ҳисобланган бюджет, ижтимоий, солиқ, баҳо, кредит-молия, саноат-инвестиция, ташқи иқтисодий ва эмиссияни амалга оширадилар.

Бюджет сиёсати – бу давлатнинг асосий иқтисодий сиёсати ҳисобланади ва унинг асосий мақсади мамлакатнинг аниқ белгиланган муддат мобайнида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари белгиланади ва амалга оширилади. Бюджет сиёсати ёрдамида солиқлар ва йиғимлар асосида йиғилган давлат молия ресурсларини умуммиллий вазифаларини бажариш учун қайта тақсимланиши амалга оширилади. Бюджет сиёсатининг асосий таркибий қисми бўлиб ижтимоий сиёсат ҳисобланади. Чунки мамлакатдаги ижтимоий тадбирларни молиялаштириш асосан давлат бюджети томонидан амалга оширилади.

Солиқ сиёсати – бу давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларини бажариши учун зарур молия маблағларини йиғиш учун хўжалик юритувчи субъектлар ва мамлакат аҳолисидан солиқлар, тўловлар ҳамда мажбурий ажратмаларни белгилаш, уларни ундириш юзасидан қонун асосида белгиланган тизимдир.

Баҳо сиёсати – бу маҳсулотлар, хизматлар ва тўловга қобилиятли талаб ўртасидаги мутаносибликга эришиш ҳамда уни тартибга солиб туриш билан боғлиқ сиёсатдир.

Кредит-молия сиёсати – бу Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкаси, мажбурий захиралар меъёри ва очиқ бозордаги операциялар орқали мамлакат банк-кредит тизимини бошқариш ҳамда тартибга солиб туришдан иборат.

Саноат-инвестиция сиёсати – бу ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини таъминловчи мамлакат саноат-технологик қудратини ривожлантиришга қаратилган сиёсатдан иборат.

Ташқи иқтисодий фаолият сиёсати – бу давлат томонидан хорижий мамлакатлар бўлиб ташқи иқтисодий фаолиятни бож-тариф дастаклари ёрдамида тартибга солиб туришдан иборатдир.

Эмиссия сиёсати – бу Марказий банк томонидан миллий иқтисодиётнинг ҳолатига асосан муомалага қоғоз пул чиқариш, уларнинг айланишини тартибга солиш ва муомаладаги ортиқча пулларни айланмадан чиқариб туришдан иборат сиёсатдир.

Дунёнинг ҳар бир мамлакатидан ҳукумат томонидан антиинфляцион сиёсати мавжуд инфляцияни тартибга солишга ҳамда уни ўсиш суръатларини пасайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Бундай сиёсатни олиб боришда асосан икки шакллардан фойдаланилади:

- 1) Пул ислоҳотларини амалга ошириш;
- 2) Инфляцион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиб туриш;

Пул ислоҳотлари – бу мамлакатдаги пул муомаласини тартибга солиш ва кучайтириш мақсадида давлат томонидан мавжуд пул тизимини тўлиқ ёки қисман ўзгартиришларини амалга оширишдир. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланган ҳолати, пулларнинг таъминланганлиги даражасига асосан пул ислоҳотларининг ревальвация, девальвация ва деноминация усулларидан фойдаланилади. Иқтисодиёти ривожланган давлатлардан Германия Федератив Республикаси, Исроил ва бошқаларда ревальвация усулидан фойдаланилди. Ревальвация ўз моҳиятига асосан миллий пул бирлигини хорижий валютага нисбатан курсини кўтариб қўйишдан иборат. Пул ислоҳотининг иккинчи усули бўлиб девальвация ҳисобланади. Девальвация ўз моҳиятига асосан миллий пул бирлигини хорижий валютага нисбатан тушириб қўйишдан иборат. Девальвация усулидан асосан иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда кенг фойдаланилади. Пул ислоҳотининг учинчи усули бўлиб деноминация ҳисобланади. Деноминация ўз моҳиятига асосан миллий пул бирлигидаги ортиқча нолларни олиб ташлаб муомалага янги пулларни чиқаришдан иборат. Деноминация усулида Россия (3 дона нолни олиб ташлади) ва Турция (лирадан 6 дона нолни олиб ташлади) ҳукуматлари фойдаланишди.

Инфляцион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиб туриш ўз моҳиятига асосан мамлакатда маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволарни ўсиб боришини чеклаш ва пул тизимини барқарорлаштириш масадида давлат томонидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат. Ушбу чора-тадбирлар икки йўналишда олиб борилади:

- 1) Деинфляцион сиёсат. Ушбу сиёсат мамлакатда пулга бўлган талабни пул-кредит ва молия механизмлари ёрдамида тартибга солиб турилади. Деинфляцион сиёсат давлат харажатларини қисқартриш, кредитлар учун фоиз ставкаларини ошириш, солиқ юкини кучайтириш (солиқлар сони ва уларни фоиз ставкаларини кўтариш) ва пул массасини

чеклашни ўз ичига олади. Шунини таъкидлаш лозимки, деинфляцион сиёсат мамлакатдаги иқтисодий ўсишни секинлашувига сабаб бўлади;

2) Даромадлар сиёсати. Ушбу сиёсат олиб боришда давлат томонидан маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишларга бўлган нарх-наво ва иш ҳақи устидан бирданига назорат этилади ҳамда уларни ўсишини маълум чегараси ўрнатилади ёки бутунлай «музлатиб» қўйилади. Даромадлар сиёсати ўз моҳиятига кўра қатъий сиёсат ҳисобланади ва у аҳоли ўртасида норозиликни келиб чиқариши мумкин. Лекин инфляция билан курашишда айрим мамлакатларда даромадлар сиёсатидан фойдаланилади.

Халқаро амалиётда ривожланаётган мамлакатларда инфляцияга қарши қараш олиб бориш тажрибасида биз таъкидлаб ўтган икки йўналишдан оқилона биргаликда фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дасталабки кунларидан бошлаб юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда қатъий пул-кредит сиёсати олиб борилмоқда. Олиб борилаётган бундай сиёсат натижасида инфляция суръати белгиланган меъёрларда ушлаб туришга эришилмоқда. Президентимизнинг бу жараёнлар ҳақидаги қуйидаги гаплари жуда ўринлидир.” Пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил олиб бориш туфайли инфляция кўзда тутилган прогноз кўрсаткичлари чегарасида, яъни йиллик 7,8 фоиз даражасида сақлаб қолинди”²⁴. Ушбу омил мамлакатимизда инфляция суръатларини аҳоли турмуш даражасига кам даражада таъсир этаётганлигидан далолат беради.

Иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда инфляцияга қарши курашиш ва миллий пул тизимини мустаҳкамлаш учун насосан қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

²⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 15 б.

- миллий иқтисодиётни соғломлаштириш, инвестиция фаолиятининг тушиб кетишини бартараф этиш ва иқтисодий ривожланишнинг оқилона даражасини таъминлаш;
- рақобатбардош, юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни ривожлантириш мақсадида давлат стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш;
- халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқариш фондларининг таркибини ўзгартириш ва унда замонавий техника ҳамда технологияларни жорий этиш;
- тижорат банкларининг инвестиция ва кредит фаолиятини рағбатлантириш;
- солиқ тизимини такомиллаштириш ва ушбу йўналишда асосий эътиборни солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясига қаратиш;
- давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;
- мамлакат ичида маҳсулотлар, валюта, кредит ер, кўчмас мулк, меҳнат ва қимматли қоғозларининг ягона бозорини шакллантириш ҳамда уни ривожлантириш;
- пул-кредит сиёсатини иқтисодиётнинг ривожланиши ҳолатига асосан ўзгартириб туриш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва маҳсулотлар, ишлар, хизматларни экспорт қилишни рағбатлантириш;
- эркин бозор баҳоларини сақлаган ҳолда даромадлар, харажатлар ва нарх-навони давлат томонидан тартибга солиш ва уни назорат қилиш;
- давлат бюджет тақчиллигини ноинфляцион йўллар билан қисқартириш;
- давлатнинг стратегик олтин-валюта захираларини чуқур таҳлил этиш ва улардан оқилона фойдаланиш.

Юқорида таъкидлаб ўтилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш маълум муддат талаб этади. Оқилона ишлаб

чиқилган антиинфляцион сиёсатни амалга ошириш пировард натижада миллий пул бирлигини мустақамланишига ва пул тизимини барқарорлашувига олиб келади.

Қисқача хулосалар

Инфляция ўз моҳиятига асосан пулнинг қадрсизланиши, товар ва хизматларга бўлган баҳоларнинг мунтазам равишда ошиб бориши жараёнини англатади.

Инфляция деб шундай жараённи тушуниш керакки, унда муомалада товарлар хажмига керагидан ортиқча нақд пул пайдо бўлиб, нарх-наво ўсиб, қоғоз пулларни қадрсизланишига олиб келади ва шу туфайли пул ўз ҳарид қобилиятини пасайтиради.

Инфляция юзага чиқишига асосан сокин, шиддатли ва жиловланмаган инфляцияга ажратилади.

Инфляция икки тарзда юзага чиқади: очик инфляция ва яширин инфляция.

Инфляциянинг салбий томони шундан иборатки, инфляция даврида ишсизлик даражаси ошади, чунки ишлаб чиқариш ривожланмайди.

Антиинфляцион сиёсатни олиб боришда икки йўналишдан: пул ислохотларини амалга ошириш ва инфляцион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиб туришликдан фойдаланилади.

Антитинфляцион чора-тадбирлар ранба-ранг бўлиб, улар ҳар бир мамлакатни ўз хусусиятларидан ҳамда ҳукуматнинг оқилона антиинфляцион сиёсат ишлаб чиқишга ҳамда уни амалга оширишга боғлиқдир.

Таянч иборалар

Инфляция, ички омиллар, ташқи омиллар, сокин инфляция, шиддатли инфляция, жиловланмаган инфляция, ошкора инфляция, яширин инфляция, талаб инфляцияси, дефлятор, Дж. Кейнс назарияси, М. Фридмен

назарияси, девальвация, ревальвация, деноминация, солиқ сиёсати, баҳо сиёсати, бюджет сиёсати, кредит молия сиёсати.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Инфляция нима?
2. Инфляцияга таъсир этувчи омиллар.
3. Пул бозорини тартибга солиш йуллари.
4. Талаб инфляцияси нима?
5. Таклиф инфляцияси нима?
6. Давлатнинг инфляцияга қарши сиёсати.
7. Гиперинфляция нима?
8. Яширин инфляция нима?
9. Иқтисодиётни эмиссион тартибга солиш.
10. Антиинфляцион сиёсат нима?
11. Баҳолар индекси нимадан иборат?
12. Дефляторнинг моҳияти нима?
13. Инфляция тўғрисидаги Дж. Кейнснинг қарашлари нималардан иборат?
14. Инфляция тўғрисидаги М. Фридменнинг қарашлари нималардан иборат?
15. Инфляциянинг иқтисодий-ижтимоий оқибатларини ёритинг.
16. Инфляцияга нисбатан антиинфляцион сиёсатининг моҳиятини ёритинг.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.

2. Ковалёва А. и др. Финансы и кредит. – М.: Финансы и статистика, 2006.
3. Мамедов О.Ю. и др. Современная экономика. – Ростов на Дону. 1998.
4. Сенчагов В.К. и др. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. – М.: ПРОСПЕКТ, 2006.
5. Соколова О.В. и др. Финансы, деньги, кредит. Учебник.- М.:Юристъ.2004
6. Поляк Г.Б. и др. Финансы. Денежное обращение. Кредит. – М.: ЮНИТИ, 2004.
7. “WWW. Finstat. Ru” – «Финансы и статистика» нашриёти сайти.

VIII-БОБ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ ВА ВАЛЮТА ТИЗИМИ

8.1. Валюта муносабатлари ва валюта тизими

Валюта - жаҳон бозорида, давлатлар ўртасида пул вазифаларини бажарувчи давлатларнинг миллий пул бирликларидир. Масалан, Америка Қўшма Штатлари "доллари", Буюк Британия "фунт стерлинги", Канада "доллари", Япон "иенаси" ва бошқа шу кабилар.

Муайян бир давлатнинг миллий пули - унинг миллий валютаси бўлади. Шу давлат учун бошқа давлатларнинг миллий пул бирликлари эса - хорижий валюталардир. Масалан, АҚШ "доллари", Буюк Британия "фунт стерлинги", Канада "доллари", "Евро", Япония "иенаси", Туркия "лира"си ва шу каби эркин муомалада юрадиган валюталар Ўзбекистон Республикасида хорижий валюта бўлади, ўз навбатида Ўзбекистон "сўм"и бу давлатлар учун хорижий валюта бўлиб ҳисобланади.

Хорижий валюта билан девиз тушунчаси боғлиқдир. Девиз - бу, хорижий валютадаги ҳар қандай воситадир.

Қабул қилинган Халқаро қоидаларга асосан ҳар бир давлатнинг валютаси 3 ҳарф билан белгиланади. Бунда ушбу ҳарфларнинг биринчи 2 таси мамлакатни, 3- эса валюта номини белгилайди. Масалан, US - Қўшма Штатлар, D - доллар ёки GB - Буюк Британия, P - паунд. Ушбу белгиланишлар валюталар кодлари деб аталади.

Валюталар жаҳон бозорида ўзларининг муомалада бўлиш хусусиятларига кўра эркин муомалада юрадиган, муомаласи қисман ёки бутунлай чекланган, ёпиқ ёки экзотик валюталарга бўлинади. Баъзи бир давлатларнинг миллий пул бирликларини мазкур давлатларда валюта муносабатлари борасида мавжуд ва ҳаракатда бўлган қонун-қоидаларига асосан хорижга чиқиши ҳамда у ерда муомалада бўлиши чегараланади.

Халқаро валюта муносабатлари - бу, валютани жаҳон хўжалигида амал қилиши борасида шаклландиган ва миллий хўжаликлар фаолият

натижаларининг ўзаро алмашувиغا хизмат кўрасатадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндисидир.

Халқаро валюта муносабатлари моддий ишлаб чиқариш жараёнига, яъни бирламчи ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда тақсимот, алмашув ва истеъмол жараёнларига алоқадор бўлган халқаро иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади. Валюта муносабатлари ва такрор ишлаб чиқариш ўртасида бевосита (тўғридан-тўғри) ҳамда оқибат характеридаги (қайтма) алоқалар мавжуд. Уларнинг объектив асоси бўлиб товарлар, капиталлар, хизматлар билан халқаро алмашувни вужудга келтирувчи ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади.

Валюта муносабатлари - бу, валютани жаҳон хўжалиги муомаласида амал қилиш жараёнида ва халқаро алоқалар соҳасига хизмат кўрсатишда ўзига ҳос пул муносабатларининг йиғиндисидир, ёки давлатлар, жаҳон валюта бозорининг субъектлари, муайян давлатнинг резидент ёки норезидент шахслари ўртасида валюталарни сотиш, сотиб олиш, мажбуриятларни бажариш ҳамда бошқа шу каби жараёнларда вужудга келадиган муносабатлардир.

Валюта муносабатлари - бу халқаро алоқаларга хизмат кўрсатувчи ва жаҳон хўжалигида валюта муомаласи жараёнида вужудга келадиган ўзига ҳос пул муносабатларининг мажмуидир. Валюта муносабатлари жаҳон валюта тизимининг асоси бўлиб хизмат қилади. Уларнинг шаклланиш жараёнларини ўрганиш Ўзбекистон учун нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Валюта муносабатларининг пайдо бўлиши, ўзгартирилиши ёки тугатилишининг ҳуқуқий асослари бўлиб халқаро келишувлар ва ички давлат қонун-қоидалари ҳисобланади.

Валюта муносабатлари нисбатан мустақил муносабатлар бўлгани ҳолда тўлов баланси, валюта курси, ҳисоб-китоб операциялари орқали дунё иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатади.

Валюта муносабатларининг аҳволи қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

- миллий ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланганлик даражасига;
- сиёсий аҳволга;
- жаҳон бозорида давлатлараро муносабатлар борасидаги муаммоларга

ва ушбу муаммоларнинг ривожланиш тенденцияларига.

Валюта муносабатларининг асосий иштирокчилари сифатида халқаро молиявий ташкилотлар, давлатлар, давлатларнинг резидент ва норезидент шахслари майдонга чиқади.

Резидент шахс - бу муайян давлат ҳудудида яшаётган ва ушбу давлат фуқароси бўлган ҳамда мазкур давлат ҳудудида фаолият кўрсатаётган юридик ёки жисмоний шахсдир.

Норезидент шахс - бу муайян давлат ҳудудида яшаб фаолият кўрсатаётган, аммо шу давлат фуқароси бўлмаган юридик ёки жисмоний шахсдир. Масалан, элчихоналар, ваколатхоналар, чет эл фирма ва корхоналарининг бўлинмалари ҳамда шу кабилар.

Валюта тизими - бу, мамлакатлар ўртасида валюта муносабатларини ташкил этиш шаклидир.

Валюта тизими - бу, хўжалик алоқаларини байналмилаллашуви асосида тарихан шаклланган, валюта амали билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндиси.

Валюта тизимининг моҳияти, ташкил этилиш шакллари ва роли жамиятнинг иқтисодий тизими билан белгиланади.

Валюта тизими давлат, резидент ва норезидент шахсларга ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун шароит яратиб беради. Субъектларнинг ушбу фаолияти амалга ошишида валюта қонунчилиги алоҳида аҳамият касб этади.

Валюта қонунчилиги - бу, мамлакат ичкарасида валюта қимматликлари билан бир мамлакат ташкилотлари ва фуқаролари ҳамда бошқа мамлакат ташкилотлари ва фуқаролари ўртасидаги шартномаларни

ҳамда мамлакат ичкарасидан хорижга ва хориждан мамлакат ичкарасига миллий ҳамда хорижий валюталар ва бошқа валюта қимматликларини олиб кириш, олиб чиқиш, ўтказиш йўли билан амалга оширилишини тартибга солувчи қонуний меъёрлар йиғиндисидир.

Махсус адабиётларда валюта тизимларининг 3 кўриниши фарқланади, яъни миллий, жаҳон ва ҳудудий валюта тизимлари.

Миллий валюта тизими мамлакат пул тизимининг таркибий қисми бўлиб, валюта муносабатларининг йиғиндиси сифатида майдонга чиқмайди, балки ушбу муносабатларни фақат қонунчилик актлари билан ташкил этилиш тартибини белгилайди. Валюта муносабатларини ташкил этишнинг бундай тартиби биринчи навбатда валюта тизими элементларини белгилашни ўз ичига олади.

Миллий валюта тизимининг қонунчилик асосида белгиланадиган элементларига қуйидагилар киради:

Миллий валюта ва унинг номи;

Миллий валюта паритетини белгилаш;

Миллий валютанинг конвертация шартлари;

Миллий валюта курсининг режими;

Халқаро кредит муомала қуролларидан фойдаланишни тартибга солиш (регламентация);

Халқаро захира активлари таркибий қисмлари (компонентлари) ўртасидаги нисбатни аниқлаш;

Мамлакатнинг халқаро ҳисоб-китобларини тартибга солиш (регламентация);

Миллий валюта ва олтин бозорлари фаолиятининг режими;

Валюта чекланишларининг ўрнатилиш тартиби;

Валюта муносабатларига хизмат кўрсатувчи ва уларни мувофиқлаштирувчи миллий органлар мақоми.

Юқорида зикр этилган элементлар йиғиндиси халқаро валюта-кредит ва ҳисоб-китоб муносабатларини амалга ошириш учун давлат томонидан белгиланадиган валюта механизmidир.

Миллий валюта ва унинг номи миллий валюта тизимининг асоси бўлиб ҳисобланади, у қонун асосида давлатнинг пул бирлиги сифатида белгиланади. Халқаро иқтисодий муносабатларда ишлатиладиган миллий пуллар валютага айланади. Халқаро ҳисоб-китобларда одатда хорижий валюта, яъни бошқа мамлакатларнинг эркин муомалада юрадиган валюта мақомига эга пул бирликлари ишлатилади. Ушбу пул бирликлари билан девиз тушунчаси боғлиқ.

Девиз - бу, хорижий валютадаги ҳар қандай тўлов воситасидир. Хорижий валюта валюта бозорида олди-сотди объекти бўлади, халқаро ҳисоб-китобларда ишлатилади, банкларда ҳисоб-варақларда сақланади, аммо ушбу давлат ҳудудида қонуний ҳисоб-китоб воситаси бўлиб ҳисобланмайди (кучли инфляция даврларини ҳисобга олмаган ҳолда). Мамлакатда кучли инфляция ва инқироз ҳолатида миллий валютани нисбатан барқарор бўлган хорижий валюта сиқиб чиқаради, замонавий шароитда бу АҚШ доллари ва Евродир.

"Валюта" категорияси, миллий ва яҳон хўжалиқларининг ўзаро алоқаси ҳамда муносабатларини таъминлайди.

Миллий валюта паритетини белгилаш. Валюта паритети - бу, икки валюта ўртасидаги, қонуний асосда белгиланган нисбат. Монометализм даврида (олтин ёки кумуш) валюта курсининг асоси бўлиб танга паритети ҳисобланган. Танга паритети - бу, турли мамлакатлар пул бирликларини ўзидаги металл сифимига кўра ўзаро солиштиришдир. Танга паритети тушунчаси валюта паритети тушунчаси билан мос келади.

Олтин монометализми даврида валюта курси олтин паритетига асосланган эди. Бунда валюталар заминидаги расмий олтин миқдорлари бўйича ўзаро солиштирилар эди. Бу шароитда валюта курси ушбу олтин

паритети атропофиди, олтин нуқталар чегарасида, тартибсиз асосда тебранар эди. Олтин нуқталарнинг классик механизми 2 шарт мавжудлиги ҳолатида амал қилар эди, яъни олтиннинг эркин асосдаги олди-сотдиси ва унинг четга чекланмаган миқдорда эркин олиб чиқилиши. Валюта курсининг тебраниш чегаралари олтинни хорижга олиб чиқиш харажатлари билан белгиланган ва амалда паритетдан +/- 1%-дан ошиқ бўлмаган. Олтинни хорижга олиб чиқиш харажатларига фрахт, суғурта, капиталга фоиз йўқотишлари, пробани аниқлаш ва бошқа шу каби харажатлар кирган. Олтин стандартини бекор қилиниши билан олтин нуқталар механизми ўз ҳаракатини тўхтатди.

Олтинга алмашмайдиган кредит пуллар шароитида валюта курси аста-секин олтин паритетидан узоқлаша бошлади, чунки олтин муомаладан ғазнага сиқиб чиқарилган эди.

Халқаро Валюта Фондининг ўзгарган Уставига мувофиқ валюталарнинг паритетлари СДР(Special Drawing Rights) ёки бошқа халқаро валюта бирлигида белгиланиши мумкин. 1970 йилнинг ўрталаридан бошлаб янгилик сифатида паритетлар валюта савати (корзина) асосида белгилана бошланди. Бу бир валютанинг ўртача тортилган курсини бошқа бир қатор валюталар йиғмасига солиштириш услубидир. Валюта саватининг (корзина) АҚШ доллари ўрнига ишлатилиши доллар стандартдан кўп валютали стандартга ўтиш тенденциясини акс эттиради.

Миллий валютанинг конвертация шартлари. Конвертация - бу, миллий валютани хорижий валюталарга алмашилишидир. Конвертация шартларига кўра миллий валюталар:

-эркин конвертация қилинадиган. Иқтисодий жихатдан ривожланган давлатларда валюта чекланишлари йўқ бўлиб, миллий валюталар хорижий валюталарга эркин конвертация қилинади. Халқаро Валюта Фондининг янги таҳрирдаги Уставига (1978 й.) "эркин фойдаланиладиган валюта"

тушунчаси киритилган. Халқаро Валюта Фонди ушбу тоифага АҚШ доллари, Германия маркаси, Япон иенаси, Буюк Британия фунт стерлинги ва Франция франкини киритди. Ҳозирги вақтда СДР корзинаси АҚШ доллари, Буюк Британия фунт стерлинги, Евро ва Япония йенаси киритилган.

Ҳақиқатда олганда эркин конвертация қилинадиган валюталар деб тўлов балансининг жорий операциялари бўйича валюта чекланишлари мавжуд бўлмаган давлатлар валюталари ҳисобланади (булар асосан ривожланган давлатлар ва жаҳон молиявий марказлари шаклланган ёки Халқаро Валюта Фонди олдида валюта чекланишларини киритмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олган айрим ривожланиб бораётган давлатлар);

-қисман конвертация қилинадиган валюталар, валюта чекланишлари сақланиб қолган мамлакатларда мавжуд бўлиб, миллий валютанинг хорижий валюталарга конвертацияси давлат иқтисодий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда бирмунча чекланади.

-хорижий валюталарга конвертация қилинмайдиган (ёпиқ) валюталарга бўлинади. Баъзи давлатларда сиёсий сабабларга кўра миллий валюталар хорижий валюталарга умуман конвертация қилинмайди, Шимолий Корея, Куба давлатлари), яъни резидент ва норезидент шахслар учун валюта алмаштиришга рухсат йўқ.

Миллий валюта курсининг режими. Валюта курсининг қуйидаги режимлари мавжуд:

- қатъий белгиланган курслар режими. Давлат ўз иқтисодий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда маъмурий тарзда миллий валюта курсини қатъий белгилаб қўйиши мумкин. Масалан, Бреттон-Вудс шароитидаги қатъий белгиланган курслар режими;

- кичик чегараларда тебранадиغان курслар режими. Бу ҳолатда давлат ўз иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, миллий валюта курсини

маълум бир чегараларда тебранишидан манфаатдор бўлади ва валюта сиёсатининг инструментларидан фойдаланган ҳолда ушбу мақсадга эришади;

- валютага бўлган бозор талаб ва таклифининг ўзгариши асосида эркин сузадиган (тебранадиган) курслар режими ҳамда уларнинг турли кўринишлари. Бунга Ямайка валюта тизими шароитидаги эркин сузувчи валюта курслари режимини мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Халқаро кредит муомала қуролларидан фойдаланишни тартибга солиш (регламентация). Халқаро кредит муомала қуролларидан фойдаланиш қоидалари соддалаштирилган Халқаро меъёрларга мувофиқ равишда амалга оширилади. Ушбу Халқаро меъёрларга Женеванинг вексел ва чек конвенциялари киради.

Халқаро захира активлари таркибий қисмлари (компонентлари) ўртасидаги нисбатни аниқлаш. Юқорида қайд этилганидек, халқаро захира активлари тўрт қисмдан (компонент) иборат, яъни мамлакатнинг расмий олтин ва валюта захиралари, халқаро ҳисоб-китоб пул бирликларидаги ҳисобварақлар, Халқаро Валюта Фондидаги захира позицияси. Албатта мамлакатнинг халқаро ликвидлигини таъминлаш учун ушбу компонентлар ўртасида мувофиқ нисбат сақланиши керак.

Мамлакатнинг халқаро ҳисоб-китобларини тартибга солиш (регламентация).

Халқаро ҳисоб-китобларнинг тартибга солиниши миллий ва жаҳон валюта тизимлари даражасида Документар аккредитивлар ҳамда инкассо учун соддалаштирилган қоида ва удуллар асосида амалга ошади. Миллий валюта ва олтин бозорлари фаолиятининг режими, валюта ва олтин бозорларининг режими миллий ҳамда халқаро мувофиқлаштиришнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Валюта чекланишларининг ўрнатилиш тартиби. Валюта чекланишларининг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги давлатнинг иқтисодий

ривожланганлик даражаси, иқтисодий ва молиявий сиёсатига боғлиқ бўлиб, валюта тизимининг элементи ҳисобланади. Валюта чекланишлари ҳукумат томонидан қонуний асосда миллий иқтисодиёт манфаатларни ҳимоялаш мақсадида киритилади.

Валюта қимматликлари билан амалга оширилаётган операцияларга чеклашлар Халқаро Валюта Фонди орқали давлатлараро мувофиқлаштириш объектига киради.

Валюта муносабатларига хизмат кўрсатувчи ва уларни мувофиқлаштирувчи миллий органларнинг мақоми. Бу валюта тизимининг муҳим институтционал элементиدير. Гап мамлакат валюта муносабатларини бошқарувчи ва мувофиқлаштирувчи миллий органлар (Марказий банк, Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги, баъзи мамлакатларда валюта назорат органлари) фаолияти ҳақида бормоқда. Миллий валюта қонунчилиги ушбу давлат ҳудудида миллий ва хорижий валютадаги (егалик ҳуқуқи, олиб кириш ва олиб чиқиш, олди-сотди) операцияларни мувофиқлаштиради.

Жаҳон валюта тизими - бу, жаҳон бозори (хўжалиги) нинг ривожланиши асосида шаклланган ва давлатлараро келишувлар билан мустаҳкамланган халқаро валюта муносабатларини ташкил этиш шаклидир. Жаҳон валюта тизимининг ташкилий асоси бўлиб, миллий валюта тизими ҳамда ушбу тизимга кираётган ҳар бир мамлакат валюта механизмини ташкил этилишининг давлат-ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

Жаҳон валюта тизими XIX асрнинг ўрталарига келиб шаклланди. Жаҳон валюта тизими миллий валюта тизими элементлари билан яқиндан алоқада бўлган маълум бир элементларни ўз ичига олади. Улар қуйидагилар:

Заҳира валюталари, халқаро ҳисоб-китоб валюта (пул) бирлиги (СДР);

Валюталарнинг ўзаро конвертация қилиниш шартлари;

Валюта паритетларининг соддалаштирилган (унификация) режими;

Валюта курслари режимларини тартибга солиш (регламентация);
Валюта чекланишларини давлатлараро мувофиқлаштириш;
Халқаро валюта ликвидлигини давлатлараро мувофиқлаштириш;
Халқаро кредит муомала қуролларидан фойдаланиш қоидаларини соддалаштириш (унификация);
Халқаро ҳисоб-китоблар асосий шаклларини соддалаштириш (унификация);
Жаҳон валюта ва олтин бозорлари режими;
Давлатлараро валюта мувофиқлаштирилишини амалга оширувчи халқаро ташкилотлар.

Заҳира валюталари, халқаро ҳисоб-китоб валюта (пул) бирлиги (СДР). Жаҳон валюта тизими жаҳон пулларининг амал қилувчи шаклига асослангандир. Жаҳон пули деб халқаро муносабатларга (иқтисодий, сиёсий, маданий) хизмат кўрсатувчи пулларга айтилади. Жаҳон пуллари амалдаги шаклларининг эволюцияси бирмунча кечикиб бўлса-да, олтин пуллардан бошлаб то кредит пулларгача бўлган миллий пулларнинг ривожланиш йўлини қайта босиб ўтади. Бундай қонуният асосида жаҳон валюта тизими XX асрга келиб жаҳон етакчи мамлакатларининг бир ёки бир нечта миллий валюталарига (анъанавий ёки Евровалюта шаклида) ёки халқаро валюта бирлигига (СДР) асосланади.

Халқаро ҳисоб-китоб валюта бирлиги халқаро талаб ва мажбуриятларни ўзаро солиштириш, валюта паритети ҳамда курсни белгилаш учун шартли масштаб ва халқаро тўлов ҳамда заҳира воситаси сифатида ишлатилади. Олтиннинг демонетизацияси жараёни, яъни Ямайка (1976-1978 й.й.) валюта ислоҳоти натижасида олтиннинг юридик жиҳатдан пул функциясини йўқотиши, жаҳон пули сифатида мувозанатсиз миллий пуллар ишлатилишининг салбий оқибатлари валюта тизимига СДРни (қарз олишнинг махсус ҳуқуқлари), ЭКЮни (Европа ҳисоб-китоб пул бирлиги) тадбиқ этишга шароит яратиб берди. Жаҳон пулларининг ушбу янги

шакллари мамлакатларнинг махсус ҳисоб-варақларда ёзувларни амалга ошириш йўли орқали нақдсиз халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ишлатилган: СДР - Халқаро Валюта Фондида, ЭКЮ - валюта ҳамкорлигининг Европа фондида, 1994 йилдан бошлаб Европа Иттифоқининг Европа валюта институтида. СДР ва ЭКЮнинг шартли қиймати ўртача тортилган қиймат ҳамда валюта саватига (корзина) кирган валюталар курсларининг ўзгариши асосида ҳисобланади. Европа Марказий банки дастлаб 1999 йилнинг бошидан нақдсиз ҳисоб-китоблар учун, 2002 йилдан бошлаб эса нақдли шаклда ЭКЮ ўрнига Еврони муомалага киритди.

СДР курсини АҚШ долларига ёки сават таркибига кирган бошқа бир валютага нисбатан ҳисобланиши 3 асосий элементни ўз ичига олади:

1) тааллуқли валюта бирликларидаги валюта компонентлари. Улар қуйидагича аниқланади: (валютанинг саватдаги солиштирма оғирлиги) х (унинг АҚШ долларига нисбатан сўнгги 3 ой ичидаги ўртача бозор курси) бундан олдинги СДР курсига мувофиқлаштирилган ҳолда;

2) валюталарнинг АҚШ долларига нисбатан бозор курслари;

3) валюта компонентларининг долларли эквиваленти. У қуйидагича ҳисобланади: (валюта компоненти) / (валюта курси) фунт стерлингдан ташқари, (фунтнинг валюта компоненти)*(долларга нисбатан валюта курсига).

Келтирилган ҳисоб-китоблардан кўришиб турибдики, ушбу санага 1 СДР = 1,34 АҚШ долларига тенг экан. Валюта курсининг СДР бирликларида ифодаланиши расмий характерга эга ва у фақатгина валюталарни АҚШ долларига, доллар орқали эса бошқа валюталарга бўлган бозор курсларини рўйхатга олади.

Еркин сузувчи валюта курслари ва уларнинг мувозанатсизлиги шароитида турли мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан валюта савати услуби қўйилган мақсадлардан келиб чиқиб (валюта

курсини аниқлаш, халқаро валюта бирлигини яратиш, баҳо валютаси ва қарз валютасини индексация қилиш), валюталарни турли тўпламидан фойдаланган ҳолда ишлатилмоқда.

Европа валюта иттифоқида валюта паритетларининг асоси сифатида Европа Иттифоқи мамлакатларининг 12 валютасидан иборат ЭКЮ валюта савати ишлатилган. 1999 йилдан бошлаб Европа валюта иттифоқининг ягона валютаси Евродир. Бундан ташқари бир қатор мамлакатлар (ҳозирда 16 та давлат) ўз валюталари курсини сақлаш мақсадида якка тартибдаги валюта саватидан фойдаланмоқда.

Халқаро валюта ликвидлигини давлатлараро мувофиқлаштириш. Халқаро валюта ликвидлигини мувофиқлаштириш валюта тизимининг элементи сифатида халқаро ҳисоб-китобларни зарур тўлов воситалари билан таъминлашдан иборат.

Халқаро валюта ликвидлиги - бу, мамлакатнинг (ёки бир гуруҳ мамлакатларнинг) вақтида ўз Халқаро мажбуриятларини кредитор учун муқобил бўлган тўлов воситаларида сўндирилишини таъминлашдан иборат. Жаҳон хўжалиги нуқтаи назаридан Халқаро валюта ликвидлиги жаҳон тўлов муомаласини молиялаштириш ва кредитлаш манбаларининг йиғиндисини билдиради ҳамда у жаҳон иқтисодиётининг Халқаро захира активлари билан таъминланганлигига боғлиқдир.

Халқаро валюта ликвидлиги 4 асосий қисм (компонент)дан иборат:

- мамлакатнинг расмий олтин захиралари;
- мамлакатнинг расмий валюта захиралари;
- Халқаро ҳисоб-китоб пул бирликларидаги ҳисобварақлар;
- Халқаро Валюта Фондидаги захира позицияси (аъзо мамлакатнинг ўз квотасининг 25 фоизи чегарасида, хорижий валютада, сўзсиз кредит олиш ҳуқуқи).

Халқаро валюта ликвидлигининг кўрсаткичи бўлиб, одатда мамлакат расмий олтин-валюта захираларини унинг йиллик товар импортининг

суммасига нисбати ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг қимматлиги чеклангандир, чунки у мамлакат олдида турган барча жорий тўловларни, хусусан нотижорий хизматлар ҳамда капитал ва кредитларнинг халқаро ҳаракати билан боғлиқ молиявий операцияларни ҳисобга олмайди.

Халқаро тўловлар билан боғлиқ масалалар доимо Президентимизнинг диққат эътиборларида бўладиган йўналишлардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда давом этиб келаётган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози халқаро кредитлар бўйича тўловга қодирлик масаласини назорат қилиш бугунги кундаги долзарб муаммолардандир. Бу тўғрисида юртбошимиз ўзларининг асарларида: «Ҳозирги вақтда республикамиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқдир. Бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир. Бу эса бизда ликвидлик, яъни тўловларга қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, деб айтиш учун асос беради.... Шу ўринда 2009 йилнинг 1 январигача Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 13,3 фоизини ташкил этишини ва бу кўрсаткич, халқаро мезонлар бўйича, "Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат" деб ҳисобланишини таъкидлаш жоиз»²⁵ деб алоҳида таъкидлаб ўтганлар..

Халқаро кредит муомала воситаларидан фойдаланиш қоидаларини соддалаштириш (унификация). Миллий валюта тизимига қаралсин.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий шакллари соддалаштириш (унификация). Миллий валюта тизимига қаралсин.

Жаҳон валюта ва олтин бозорлари режими. Жаҳон валюта бозори ер курраси бўйлаб жойлашган жаҳон молиявий марказларида мавжуддир. Замонавий жаҳон валюта бозори электрон телекоммуникация тизимидаги бозор десак муболаға бўлмайди. Ушбу бозор операциялар ҳажми бўйича

²⁵ Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 30 б.

молиявий бозорлар ичида энг йириги бўлиб, "Спот", "Форвард", "Фьючерс", "Опцион", "Своп" ва бошқа молиявий ҳосилалар бозорларидан иборатдир.

Олтин бозорлари - бу, олтин савдосининг махсус марказлари. Ушбу бозорларда саноат-маиший истеъмол, хусусий истеъмол, инвестиция, таваккалчилик, чайқовчилик, халқаро ҳисоб-китоблар учун зарур бўлган валютани сотиб олишни суғурталаш мақсадида олтинни бозор баҳосидаги мунтазам олди-сотдиси ташкил этилган.

Жаҳон валюта тизимининг амал қилиш характери ва мувозанатлилиги унинг тамойилларининг жаҳон хўжалиги таркибий тузилиши, кучларнинг жойлашиши ва етакчи мамлакатлар манфаатларига мослиги даражасига боғлиқдир. Ушбу шароитларнинг ўзгариши натижасида жаҳон валюта тизимининг даврий инқирози вужудга келади. Бу инқироз зикр этилган валюта тизимининг емирилиши ва янги валюта тизимининг барпо этилиши билан яқунланади.

Худудий валюта тизими - бу, худудий бирлашма аъзолари бўлмиш мамлакатларнинг давлатлараро келишувлар билан мустаҳкамланган валюта муносабатларини ташкил этишнинг шаклидир. Бунга яққол мисол сифатида Европа валюта иттифоқини келтириш мумкин.

Худудий валюта тизимининг элементлари жаҳон валюта тизими элементларига ўхшашдир.

Жаҳон ва худудий валюта тизимлари ўзгарувчан шароитларга тез мослаша оладиган, эгилувчан бўлиши ҳамда алоҳида давлатлар ва бутун жаҳон манфаатларида мувозанатни сақлаш хусусиятига эга бўлмоқ лозим. Фақатгина шундай шароитларда валюта тизими узок муддат давомида муваффақиятли амал қилиши мумкин.

Давлатлараро келишувлар билан ўрнатиладиган валюта муносабатларини ташкил этишнинг давлат-ҳуқуқий шакли сифатидаги валюта тизими бир вақтнинг ўзида пайдо бўлгани йўқ. Унинг пул

тизимидан ажраб чиқиши ва мустақил категорияга айланиши қиймат пул шаклининг узоқ ривожланиши ҳамда пул ўрнини босувчилар пайдо бўлиши жараёнида содир бўлган.

Пул тизими қийматнинг пул шакли пул вазифасининг ноёб металлларга ва сўнг олтинга ўтиши билан вужудга келади. Бунда пул тизимини ташкил этиш асослари барча мамлакатлар учун умумий бўлган. Бу биринчи навбатда пул металидан тангаларнинг эркин зарб этилиши, қиймат белгиларини тўсқинликсиз олтинга алмаштирилиши ва олтиннинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга эркин ҳаракатидан иборатдир.

Валюта тизими ўзининг замонавий шаклига келгунча узоқ тарихий даврни босиб ўтган. Биринчи жаҳон валюта тизими стихияли равишда саноат инқилобидан сўнг олтин монометализми асосида олтин-танга стандарти шаклида шаклланган. Юридик жиҳатдан эса мазкур тизим 1867 йил Париж шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда, давлатлараро келишув сифатида расмийлаштирилган. Ушбу жаҳон валюта тизими жаҳон пулининг ягона шакли сифатида олтинни расмий тан олган эди.

XIX асрда халқаро савдонинг ривожланиши билан кўпчилик давлатлар ўзларида "олтин стандарти"ни киритдилар, яъни шу даврдан бошлаб мазкур давлатлар валюталарининг курси ва қиймати шу валюталар заминида ётган олтин миқдорининг қиймати билан белгиланадиган бўлди. Давлатларнинг марказий (миллий) банклари ўз навбатида миллий қоғоз пулларни тааллуқли олтин миқдorigа (баҳо масштабига асосан) алмаштиришга мажбур эдилар.

Биринчи ва Иккинчи Жаҳон урушлари орасидаги жаҳон валюта тизимини "олтин-девиз стандарти" тизими деб атаса бўлади. Бу давр айниқса давлатнинг иқтисодиётга кучли аралашуви билан хусусиятлидир. Деярли барча давлатларда божхона тўсиқлари киритилиб, оқибатда капиталга, ишчи ресурсларига бўлган талаб ва таклифнинг эркин алоқаси жаҳон бозорида чегараланди.

Иккинчи Жаҳон валюта тизими 1922 йилда Генуя шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда давлатлараро келишув сифатида юридик жиҳатдан шаклланган эди. Мазкур халқаро конференция арафасида жаҳоннинг 30дан зиёд давлатларининг пул тизимлари олтин-девиз стандартига асосланган эди. Давлатларнинг миллий кредит пуллари халқаро тўлов ва захира воситалари сифатида ишлатила бошланди. Бироқ Биринчи ва Иккинчи Жаҳон урушлари орасидаги даврда захира валютаси мақоми расмий равишда бирор-бир валютага ҳали бириктирилмаган эди.

Бреттон-Вудс валюта тизимининг асл моҳияти қатъий ёки барқарор, ўзгарувчанлиги сезилмас валюта курсларини жорий этишдан иборат эди. Иккинчи жаҳон урушидан ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда чарчаб чиққан давлатлар жаҳон бозорида давлатлараро валюта муносабатларида ҳукм сураётган тартибсизликка барҳам бериш мақсадида 1944 йилда АҚШнинг Бреттон-Вудс номли жойида халқаро валюта-молия конференциясини чақирадилар.

Жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган Бреттон-Вудс халқаро валюта-молия конференцияси 1944-47 йиллар мобайнида бўлиб ўтган. Мазкур конференцияда қабул қилинган Келишув моддалари урушдан сўнгги жаҳон валюта тизимининг тамойилларини белгилаб берди. Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат эди:

1.Олтинга ва икки захира валютасига, яъни АҚШ доллари ҳамда қисман Буюк Британия фунт стерлингига асосланган давлатлараро олтин-девиз стандарти тизими ўрнатилди. Бунда олтин-девиз стандарти фақатгина давлатлараро муносабатларда сақланиб қолган бўлиб, мамлакатларнинг пул тизимлари эса олтинга алмашмайдиган кредит пулларга асосланган эди.

Олтинни, жаҳон валюта тизимининг асоси сифатида ишлатилишининг қуйидаги асосий 4 шакли кўзда тутилган эди:

а) валюталарнинг олтин паритетлари сақланиб, Халқаро Валюта Фондида уларни қайд этиш тартиби киритилган эди;

б) олтин халқаро ҳисоб-китоблар бўйича қолдиқни сўндириш воситаси ва ижтимоий бойликнинг рамзи, Халқаро валюта ликвидлигининг муҳим компоненти сифатида ишлатила борди;

в) АҚШ ўзининг ўсган валюта-иқтисодий қудратига ва капиталистик дунёда ўзининг энг йирик олтин захираларига таянган ҳолда АҚШ долларига асосий захира валютаси мақомини бириктириб қўйиш мақсадида долларни олтинга тенглаштириб қўйди;

г) шу мақсадда АҚШ ғазнахонаси хорижий давлатлар марказий (миллий) банклари ва ҳукумат ташкилотларига АҚШ долларларини олтинга, бир унция олтин 35 АҚШ доллари расмий баҳо асосида алмаштиришни давом эттирди. Олтиннинг бундай расмий баҳоси 1934 йилда АҚШ долларининг баҳо масштаби асосида киритилган эди.

2. Валюталарни ўзаро солиштирилиши ва ўзаро алмашуви, Халқаро Валюта Фонди аъзолари бўлмиш давлатлар ўртасида расмий равишда ўзаро келишиб олинган ҳамда қатъий белгиланган, АҚШ долларларида ифодаланган, валюта паритетлари асосида амалга ошадиган бўлди. Ўзаро келишиб олинган бундай паритетларнинг ўзгартирилиши фақат Фонднинг рухсати билан амалга ошиши мумкин эди.

3. Валюталарнинг қатъий белгиланган курслар режими киритилди. Валюталарнинг бозор курслари паритетидан кичик миқдорларда оқиши мумкин эди, Халқаро Валюта Фондининг Низомига мувофиқ валюта курсларини бундай оқиши паритетидан $\pm 1\%$, Европа валюта келишувига асосан эса $\pm 0,75\%$ (яъни, тахминан $1,5\%$)ни ташкил этиши мумкин эди. Валюта курслари тебранишининг бундай чегараларини сақлаш мақсадида мазкур шартномага кирган давлатлар марказий (миллий) банклари АҚШ долларларида ёки ўз миллий валюталарида валюта интервенциясини амалга оширишга мажбур эдилар.

Бреттон-Вудс валюта тизими маълум бир давр мобайнида ўзига юклатилган функцияларни яхши бажариб келди. Бироқ бу мазкур валюта тизимининг нуқсонсиз эканлигидан далолат эмас албатта.

Бреттон-Вудс валюта тизими, бошиданок АҚШ, АҚШ доллари манфаатлари учун хизмат қилишга мўлжалланган валюта тизими эди. Бу тизим АҚШ долларини бошқа давлатлар валюталари устидан ҳукмронлигини таъминлаган. Аммо жаҳон валюта бозоридаги бундай аҳвол, АҚШнинг жаҳон иқтисодиётидаги улушини қисқариб бориши ва Европа Иқтисодий ҳамжамияти давлатлари ҳамда Япония ролининг ўсиб бориши жараёнида сақланиб қолиши амри маҳол эди.

Бреттон-Вудс валюта тизимининг инқирози жаҳон валюта бозоридаги тартибсизликларга олиб келди. Аммо бундай тартибсизликлар узокқа чўзилмади. 1976-78 йилларда АҚШнинг Кингстон (Ямайка) шаҳрида бўлиб ўтган халқаро молия-кредит конференциясида тўртинчи жаҳон валюта тизимига асос солинди.

Тўртинчи жаҳон валюта тизимининг асосий тамойиллари қуйидагилар:

а) олтин-девиз стандарти ўрнига СДР стандарти киритилди. Ушбу халқаро ҳисоб-китоб валюта (пул) бирлигининг яратилиши (О. Эммингер лойиҳаси бўйича) ҳақидаги келишув 1967 йилда ХВФ аъзолари бўлмиш давлатлар томонидан имзоланди. СДРнинг муомалага киритилиши муносабати билан ХВФ Уставига киритилган биринчи ўзгартириш 1969 йилнинг 28 июлида кучга кирди;

б) олтиннинг демонетизация жараёни юридик жиҳатдан якунланди. Унинг расмий баҳоси, олтин паритетлари ва АҚШ долларларини олтинга алмашилиши бекор қилинди. Ямайка келишувига асосан энди олтин қиймат ўлчови ва валюта курслари учун бошланқич ҳисоб нуқтаси бўла олмайди;

в) аъзо мамлакатларга ҳар қандай валюта курси режимини танлаб олиш ҳуқуқи берилди;

г) ХВФ янги шароитларда давлатлараро валюта мувофиқлаштирилишини жонлантириши лозим эди.

Шу билан биргаликда Ямайка валюта тизими шароитида валюталар курсларининг режими эркин сузувчи бўлиб, АҚШ доллари стандарти ўрнига кўп валютали стандарт қабул қилинди.

СДРнинг 1970 йилдан бошлаб то ҳозирги кунгача бўлган муомаласига назар ташланса, ушбу валюта (пул) бирлиги жаҳон пули бўлишидан ҳали йироқлиги бевосита кўзга ташланади. Бундан ташқари мазкур давр мобайнида қуйидаги бир қатор муаммолар пайдо бўлди: 1) эмиссия ва тақсимот; 2) таъминот; 3) курсни аниқлаш услуги; 4) СДРдан фойдаланиш жараёнлари.

1998 йилнинг май ойида СДРга 4 валюта бириктирилган, ҳолбуки 1980 йилда уларнинг сони 15та эди. СДР асосан ХВФнинг операцияларида миллий валюталар қайта ҳисоб-китоб коэффиценти, валюталарни солиштириш масштаби сифатида ишлатилади. Квоталар, кредитлар, даромадлар ва харажатлар ушбу валюта ҳисоб-китоб бирлигида ифодаланган.

ХВФдан ташқарида СДР чекланган жараёнларда ишлатилади:

1) масалан, Франция франки франки ва Швейцария франки ўрнига турли халқаро конвенцияларда;

2) жаҳон ссуда капиталлари бозорида айрим ҳисобварақлар, облигациялар, синдикациялашган кредитларнинг номинали СДРларда ифодаланган;

3) ўндан зиёд халқаро ташкилот СДРларда ҳисобварақ очиш ҳуқуқига эга бўлди; 80-йилларда ушбу чекловлар "своп", муддатли шартномалар, кредитлар, кафолатлар, совғалар тақдим этилиши каби операциялар амалга

ошаётган ҳисобварақлар бўйича бекор қилинди. СДРлар расман банклар, корхоналар, хусусий шахслар томонидан ишлатилиши мумкин.

Шу сабабли ўта муваффақиятли бўлмаса-да ЭКЮдан, 1999 йилдан бошлаб эса Евродан фарқли ўлароқ хусусий СДРлар ривожланиб бормоқда. Хусусий СДРлар бозори асосан банк депозитлари, қисман депозит сертификатлари ва Халқаро облигациялар шаклида ўнлаб миллиард долларлар ҳажмида баҳоланади.

Замонамизга хусусиятли бўлган нарса - иқтисодиёт ва валюта борасидаги ҳудудий интеграциянинг авваламбор ғарбий Европада ривожланишидир. Интеграцион жараёнларнинг ривожланиш сабаблари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви, ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ва бирлашувининг кучайиши, капиталларнинг ўзаро аралашиб кетиши;

- рақобатдош марказларнинг жаҳон бозорларидаги ўзаро кураши ва валюта барқарорсизлиги.

ЕВИ - бу, халқаро (худудий) валюта тизимидир, яъни иқтисодий интеграция доирасида валюта амали билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир; валюта курсларини барқарорлаштириш ва интеграция жараёнларини рағбатлантириш мақсадида "Умумий бозор" давлатлари валюта муносабатларини ташкил этишнинг давлат-ҳуқуқий шаклидир.

ЕВИ - жаҳон валюта тизимининг (Ямайка) тизим остисидир. ғарбий Европа интеграция маймуасининг хусусиятли томонлари Ямайка валюта тизимидан фарқли ўлароқ ЭВИ таркибий тузилиш тамойилларини белгилаб беради. ЭВИ Европа валюта бирлиги бўлмиш ЭКЮга асосланган. ЭКЮнинг шартли қиймати ЭИ мамлакатларининг 12 валютасини ўз ичига олган валюта савати услуби асосида аниқланган. ЭКЮ саватидаги валюталарнинг улуши ЭИга аъзо-давлатлар ЯИМ ва уларнинг ўзаро товар

алмашувидаги мамлакатларнинг улуши ҳамда қисқа муддатли қўллаб-қувватлаш кредитларидаги иштирокига боғлиқ эди. Шу сабабли ЭКЮнинг энг салмоқли компоненти бўлиб (тахминан 1/3) ГФР маркаси ҳисобланар эди. 1993 йилнинг сентябр ойида Маастрихт келишувига биноан валюталарнинг ЭКЮдаги "абсолют оғирлиги" музлатилган, бироқ "нисбий оғирлиги" валюталарнинг бозор курсига мувофиқ тебранар эди. Хусусан, 1993 йилнинг октябрь ойида ГФР маркасининг улуши 32,6%, Франция франкиники 19,9%, Буюк Британия фунт стерлинги 11,5%, Италия лираси 8,1%, Дания кронаси 2,7% ва бошқа шу кабиларга тенг эди.

8.2. Валюта курси

Валюта курси - бу, бир валютани бошқа бир валютадаги ифодаси ёки баҳосидир. Масалан, 1 АҚШ доллари = 1250 Ўзбекистон Республикасининг сўми ёки 1 АҚШ доллари = 27,75 Россия Федерациясининг рубли.

Ягона тилда ўзаро муносабатда бўлиш учун валюта савдосининг барча иштирокчилари маълум бир давр мобайнида шаклланган Халқаро стандартлар ва қоидаларни тан олади ҳамда уларга итоат этади. Масалан, барча ёзма тарзда тузиладиган шартномаларда валюталарни белгилаш ҳамда уларни тасдиқлаш учун ИСО-кодлардан (ИСО-стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот) фойдаланилади. Шу билан биргаликда улар Халқаро тўловлар билан ҳам боғлиқ.

Давлат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятида валюта курси муҳим аҳамият касб этади, чунки ушбу фаолият натижасида давлатлар ҳамда турли субъектлар ўртасида мажбуриятларни бажариш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш зарурати туғилади, уларни ҳал этиш учун эса албатта муайян бир валютани бошқа бир валютага нисбатан ўлчаш зарурати туғилади. Шу сабабли азалдан жаҳон амалиётида Буюк Британия ва Ирландия фунт стерлинглари, Австралия ҳамда Канада

долларлари сингари АҚШ долларининг курси долларнинг бир бирлиги учун белгиланган.

Европа валютасини бошқа Европа валюталарида баҳолаш учун (Британия ва Ирландия фунтларидан қатъий назар) кўп қолларда "100", Италия лираси учун эса "1000" стандарт бирлиги ишлатилади. Япон иенаси Европа валюталарига нисбатан 100 бирлигида котировка қилинади.

Курслар котировкалари, валюталарни ўлчаниши икки, уч ва тўрт ўнлик хоналаригача аниқланган ҳолатларда ҳам фарқланади.

Валюта курси пулларнинг халқаро ҳаракати жараёнига тааллуқлидир ва умумий асосда миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги билан алоқаларини ифодалайди.

Олтин-девиз стандарти шароитида валюта курси аниқланганда қоғоз пуллар заминида ётган олтин миқдорлари солиштирилган. Масалан, Буюк Британия 1 фунт стерлинги заминида 1821 йилда 7,322385 грамм олтин ётган, 1 немис маркаси заминида эса 1873 йилда 0,385422 грамм олтин ётган. Бунга кўра 1 фунт стерлинг 20,43 немис маркасига тенг бўлган ($7,322385/0,385422$). Ёки, 1 АҚШ доллари заминида 1971 йилда 0,888671 грамм олтин ётган. 1961 йилдаги баҳо масштабига кўра ССРИнинг 1 рубли заминида 0,987412 грамм олтин ётган. Бундан, 1 АҚШ доллари 0,90 СССР рублига тенг бўлган ($0,888671 / 0,987412$).

Олтин-девиз стандарти шароитида 1929/36 йилларгача давлатларнинг миллий қоғоз пуллари баҳо масштабига асосан олтинга алмаштирилар эди. 1936 йилдан сўнг давлатлар миллий қоғоз пул бирликларини олтинга алмашмайдиган бўлди, яъни муомалада олтинга алмашмайдиган кредит қоғоз пуллар юра бошлаган. Бундай шароитда, яъни Бреттон-Вудс валюта тизими шароитида ҳам, валюта курслари уларнинг заминида ётган олтин миқдорларини солиштириш орқали аниқланар эди.

Ямайка валюта тизими (1976-78 йиллар) шароитида расмий асосда олтин демонетизацияси эълон қилинди ва олтин юридик жиҳатдан ўзининг

пул сифатидаги ҳаракатини тўхтатди. Жаҳон бозорида валюта курслари уларга бўлган талаб ва таклиф асосида, валюталарнинг тарихий масштаби атрофида тебрана бошлади. Бундай мувозанатсиз шароитда валюталарнинг курси қисқа вақт ичида тез ўзгарадиган бўлиб қолди.

Кўп қолларда барча давлатлар миллий валюталарининг курси АҚШ доллари ёки Буюк Британия фунт стерлингига нисбатан белгиланади. Аммо ташқи савдо муносабатларида албатта бирор бир валютанинг бошқа бир валютадаги курсига зарурат туғилиб туради. Масалан, Япония экспортёр Германия импортёр бўлса, унда албатта 1 Немис маркаси қанча Япон иенасига тўғри келади, деган савол туғилади. Бунга жавоб бериш учун кросс-курс услубидан фойдаланилади. Кросс-курс тўғрисида ушбу дарсликнинг 5-мавзусида батафсил гаплашилади.

Миллий валюта савдо қилинаётган, хорижий валюта эса котировка валютаси бўлган ҳолдаги котировка тури тескари котировка бўлади.

Тўғри котировкада "Бид" сотиб олувчи курси банклар томонидан савдо қилинаётган валютани сотиб олиш ва миллий валютани сотиш курси бўлади. "Оффер" курси банклар томонидан савдо қилинаётган валютани сотиш ва миллий валютани сотиб олиш курси ҳисобланади. "Бид" ва "Оффер" курсларининг фарқи сифатидаги миқдор "спред" деб аталади.

Валюта курсларининг қуйидаги турлари мавжуд: "spot" курс, сотувчи ва сотиб олувчи курслари, форвардли курс, кросс-курс, "аутрайт" курси. "Спот" курс - бу, нақдли (касса) шартномаси курсидир. У "spot" шартномалари ижроси пайтида қайд этиладиган бир мамлакат валютасининг баҳосини бошқа мамлакат валютасидаги ифодасидан иборат.

"Спот" курслар эркин сузадиган ёки қатъий белгиланган бўлиши мумкин. Улар миллий валютани мамлакат ташқарисида шартномани амалга ошириш пайтига сотиб олиш қобилиятини кўрсатади.

Баъзи давлатлар валюталарининг ички ва ташқи қиймати мавжудлигига қарамасдан валюта назорати шароитида оддий тижорат операцияларини амалга оширишда, асосан товар ҳамда хизматлар импортида валюта ва "spot" курслари бир хилда қўлланилиши мумкин.

Форвардли курс - бу, муддатли валюта шартномалари курсидир. У келгусида маълум бир санага валютани етказиб бериш шарти билан сотиш ёки сотиб олиш баҳосидан иборатдир. Бунда муддатли валюта операциясида курс унинг ижроси маълум бир муддат ўтганидан сўнг амалга ошса ҳам шартнома тузилиш пайтида қайд этилади.

Валюта курсига таъсир этувчи омиллар жуда кўп, уларнинг ичида энг муҳимларини кўриб чиқамиз.

Пул бирликларини сотиб олиш қобилятлари ва инфляция суръати. Валюталарни сотиб олиш қобиляти бўйича бир бирига нисбатан ўлчаниши (сотиб олиш қобилятининг паритети) қиймат қонунини акс эттирган ҳолда валюта курсининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Валюта курси ва пул бирлигининг сотиб олиш қобиляти ўртасидаги мувофиқлик ҳамма вақт ҳам кузатилмайди. Масалан, 1980 йил ичида АҚШ долларининг курси Дойч маркага нисбатан 2%га ўсган, аммо шу билан биргаликда ички бозорда долларни сотиб олиш қобиляти 13%га, дойч марканики эса 6%га пасайган. Бунинг сабаби шундаки, валюталарнинг кунлик курслар котировкаси уларни сотиб олиш қобилятларига нисбатан коррективировка қилинмаслигида ва валюта курсларига бошқа омилларнинг таъсиридадир.

Мамлакат тўлов балансининг аҳволи валютага бўлган талаб ва таклифга, валюта курсининг даражасига бевосита таъсир этади ҳамда унинг у ёки бу тарафга оғиб кетишига олиб келади. Мамлакатнинг актив тўлов баланси миллий валюта курсининг ўсишига олиб келади, чунки хорижий қарздорлар томонидан унга бўлган талаб ошиб боради. Аксинча,

пассив тўлов баланси эса миллий валюта курсининг пасайишига олиб келади.

Турли мамлакатлардаги фоиз ставкаларининг бир биридан фарқи. Мамлакатдаги ҳисоб юритишнинг ўртача фоиз ставкасини кўтарилиши хорижий капиталларни мамлакатга оқиб келишини рағбатлантиради. Ушбу фоиз ставкаларининг пасайиши эса аксинча капиталларни, шу жумладан миллий капиталларни ҳам мамлакатдан четга оқиб кетишига олиб келади.

Капиталлар айниқса "қайноқ" (чайқов) пулларнинг ҳаракати (оқими) мамлакатлар тўлов баланслари мувозанацизлигини кучайтириб юборади.

Фоиз ставкалари валюта бозорлари операциялари ва ссуда капиталлари бозорларидаги операцияларга таъсир этади. Операцияларни амалга оширишда банклар максимал фойда олиш мақсадида миллий ва Халқаро бозордаги фоиз ставкалари фарқларини ҳисобга оладилар. Улар арзонроқ кредитларни хорижий ссуда капиталлари бозорида сотиб олиб, хорижий валютани миллий ссуда капиталлари бозорида нисбатан юқорироқ фоиз устидан жойлаштиришга ҳаракат қиладилар.

Валюта бозорлари фаолияти ва чайқов валюта операцияларининг валюта курсига конъюнктура таъсири. Агарда бирор бир валютанинг курси пасайиб борса, бозор иштирокчилари уни нисбатан мувозанатлироқ валютага алмаштирадилар ва бу билан улар унинг қадрсизланишини тезлаштириб юборадилар.

Валюта бозорлари мамлакат иқтисодиётида ва сиёсатида бўлаётган ўзгаришлар, курслар нисбатининг тебранишига таъсир кўрсатади.

Евробозорда у ёки бу валютадан фойдаланиш даражаси унинг курсига бевосита таъсир этади. Масалан, 2000 йилгача Евробанклар операцияларини 70-75% АҚШ долларидан амалга ошириш АҚШ долларига бўлган талаб кўламини белгилайди. Ҳозирги кунда ушбу банклар операцияларида асосий ўринни Евро эгаллаган.

Евробозорда ва Халқаро ҳисоб-китобларда муайян бир валютадан фойдаланиш даражаси. Масалан, муомалага Евро киритилгунга қадар Евробанклар операцияларининг 60%и АҚШ долларларида амалга оширилган ва ушбу омил мазкур валютага бўлган талаб ҳамда таклифни белгилаган. Валюта курсига ундан халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиш даражаси ҳам таъсир этади. Масалан, 90-йилларда АҚШ доллари зиммасига халқаро ҳисоб-китобларнинг 50%и, ташқи қарздорликнинг 70%и (асосан ривожланиб бораётган мамлакатларнинг) тўғри келган. Шу сабабли жаҳон баҳоларининг, давлатлар қарздорликлари бўйича тўловларнинг мунтазам равишда ўсиши доллар курсини, уни сотиб олиш қобилиятини пасайиши шароитида ҳам ўсишига кўмаклашади.

Валюталар курс нисбатларига яна халқаро тўловларнинг тезлашиши ёки секинлашиши ҳам таъсир этади. Масалан, муайян валютанинг пасайишини кўзда тутган ҳолда қарздорлар зарар кўрмаслик учун контрагентларга бу валютадаги тўловларини тезлаштиришга ҳаракат қиладилар. Агарда валюта қадрининг кўтарилиши кутилса аксинча ушбу валютадаги тўловларни амалга оширишни кечиктирилиши кузатилади. Жаҳон бозоридаги бундай тактика "лидз энд легз" номини олган ва у мамлакат тўлов баланси ҳамда валюта курсига таъсир этади.

Жаҳон ва ички бозорларда мамлакат миллий валютасига ишонч даражаси. Ушбу ишонч мамлакат иқтисодиётининг аҳволи ва сиёсий ҳолат ҳамда юқорида кўриб чиқилган валюта курсига таъсир эта оладиган омиллар билан белгиланади. Шу билан биргаликда дилерлар иқтисодий ўсиш ва инфляциянинг мазкур суръатларидан, валютани сотиб олиш қобилиятининг ўсишидан, талаб ҳамда таклифнинг ўзаро нисбатидан ташқари уларнинг динамикаси истиқболини ҳам ҳисобга оладилар. Баъзида, мамлакатнинг савдо ва тўлов баланслари ҳолати ёки сайловлар натижалари тўғрисидаги маълумотларни матбуотда чоп этилишини кутиш талаб ҳамда таклифнинг ўзаро нисбатига ва валюта курсига ўз таъсирини

ўтказади. Айрим ҳолатларда валюта бозорида имтиёзли йўналишлар вазирлар истеъфоси ҳақидаги миш-мишлар сингари ва бошқа шу каби сиёсий янгиликлар фойдасига ўзгаради.

Агарда мамлакатнинг иқтисодий ҳолати жаҳонда юқори баҳоланаётган бўлса, унда унинг валютаси кучли ҳисобланади ва иқтисодий жиҳатдан кучсизроқ ҳисобланган давлат валютасига нисбатан юқорироқ баҳода сотилиши мумкин.

Валюта сиёсати. Валюта курсининг давлат ва бозор томонидан мувофиқлаштирилишини ўзаро солиштириш унинг динамикасига таъсир этади. Валюта курсининг валютага бўлган талаб ва таклиф механизми орқали валюта бозорларида шаклланиши одатда курс нисбатларини кескин ўзгариши билан хусусиятлидир. Иқтисод, пул муомаласи, молия ва кредит ҳолатининг кўрсаткичи ҳамда муайян бир валютага бўлган ишонч даражаси бўлмиш аниқ (реал) валюта курси бозорда шаклланади. Валюта курсини давлат томонидан мувофиқлаштирилиши мамлакатнинг валюта-иқтисодий сиёсати вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унинг кўтарилиши ёки пасайишига қаратилгандир. Ушбу мақсадда маълум бир валюта сиёсати амалга оширилади.

Шундай қилиб, валюта курсининг шаклланиши - бу, миллий ва жаҳон иқтисодиётлари ҳамда сиёсатларининг ўзаро муносабатлари билан асосланган мураккаб кўп омилли жараёндир. Шу сабабли валюта курсини прогнозлашда юқорида кўриб чиқилган курсни шакллантирувчи омиллар ҳамда уларни валюталарнинг ўзаро нисбатига бир хилда бўлмаган таъсири аниқ бир вазиятдан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олинади.

Валюта курси миллий ва жаҳон бозорлари қиймат кўрсаткичлари ўртасида алоқа инструменти сифатида майдонга чиққан ҳолда халқаро иқтисодий муносабатлар ҳамда такрор ишлаб чиқаришда фаол рол ўйнайди. Тадбиркор валюта курсидан фойдаланган ҳолда ўз ишлаб чиқариш харажатларини жаҳон бозоридаги баҳолар билан таққослайди.

Ушбу тадбир алоҳида корхона ёхуд бутун бир мамлакатнинг ташқи иқтисодий операциялар натижасини аниқлаш имконини беради. Жаҳон бозорида товар сотилганда миллий меҳнат маҳсули бўлмиш товар қиймат ўлчовининг байналмилаллашган бирлиги сифатида жамоатчилик томонидан тан олинади. Жаҳон валюта бозорида эса валюталарнинг байналмилаллашган қийматининг паритети аниқланади. Валюталар курслари нисбати асосида ушбу мамлакатнинг жаҳон савдосидаги солиштирма оғирлигини ҳисобга олган ҳолда самарали валюта курси ҳисобланади. Валюта курси экспорт ва импорт баҳоларининг нисбати, фирмаларнинг рақобатдошлиги, корхоналар фойдасига маълум бир даражада таъсир этади.

Валюта курсларининг кескин тебраниши халқаро иқтисодий, шу жумладан валюта-кредит ва молиявий муносабатлар мувозанатсизлигини кучайтиради ҳамда салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга, айрим давлатларни зарарларга, айримларини эса ютуқларга олиб келади.

Бошқа омилларнинг акс таъсири бўлмаган пайтда миллий валюта курси пасайганда экспортёрлар тушум сифатида олинган ва қимматлашган хорижий валютани нисбатан арзонлашган миллий валютага алмашуви ҳисобига экспорт мукофотини оладилар ҳамда товарларни ўртача жаҳон баҳоларидан паст даражада сотиш имконига эга бўладилар.

Миллий валюта курсининг пасайиши, юқорида баён этилган имтиёزلардан ташқари, бир вақтнинг ўзида импортнинг қимматлашишига олиб келади. Бу эса мамлакат ичкарисида баҳолар ўсишига, товар олиб кириш ва истеъмол қилишни қисқаришига ҳамда миллий товар ишлаб чиқаришни ўсишига олиб келади. Валюта курсининг пасайиши миллий валютада ифодаланган реал қарздорликни камайишига, хорижий валютада ифодаланган ташқи қарзлар оғирлигининг кучайишига олиб келади. Хорижий инвесторлар томонидан мамлакат миллий валютасида олинаётган фойда, фоизлар ва дивидендларни четга олиб чиқиш

манфаатсиз бўлиб қолади. Ушбу фойда реинвестиция қилинади ёки мамлакат ички баҳолари асосида товарлар сотиб олиш ҳамда уларни экспорт қилиш учун ишлатилади.

Валюта курси кўтарилса мамлакат ичкарасидаги баҳоларнинг рақобатдошлиги ҳамда экспортнинг самарадорлиги пасаяди. Ўз навбатида ушбу жараёнлар экспорт тармоқлари ҳамда ялпи миллий ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келиши мумкин. Импорт эса аксинча кенгаяди. Мамлакатга хорижий ҳамда миллий капиталларни оқиб келиши рағбатлантирилади, хорижий капитал қўйилмаларига олинган фойдаларни олиб чиқилиши ўсади. Қадрсизланиб бораётган хорижий валютада ифодаланган мамлакат ташқи қарзининг реал суммаси камаяди. Валютанинг ички ва ташқи қадрсизланишидаги, яъни унинг курс динамикаси ҳамда сотиб олиш қобилияти орасидаги узилиш халқаро иқтисодий муносабатлар учун катта аҳамиятга эга. Агарда пулнинг ички инфляцион қадрсизланиши валюта курсининг қадрсизланишидан суръати бўйича ўзиб кеца, ўзга шартларнинг тенглиги шароитида миллий бозорда юқори баҳоларда сотиш мақсадида товарлар импорти рағбатлантирилади. Агарда валютанинг ташқи қадрсизланиши инфляция ҳисобига вужудга келадиган, унинг ички қадрсизланишидан ўзиб кеца унда валюта демпинги учун шароит этилади. Бошқача қилиб айтганда, ташқи бозорларда рақобатчиларни сиқиб чиқариш мақсадида товарларни ўртача жаҳон баҳоларидан паст даражада оммавий равишда экспорт қилиш учун шароит туғилади.

Валюта демпинги учун қуйидагилар хусусиятлидир: 1) экспортёр товарларни ички бозорда инфляция таъсирида кўтарилган баҳоларда сотиб олган ҳолда ташқи бозорда ўртача жаҳон баҳоларидан пастроқ даражада уларни нисбатан мувозанатли бўлган валютага сотади; 2) экспорт баҳоларини пасайтириш манбаси бўлиб, тушум сифатида олинган нисбатан барқарор валютани қадрсизланган миллий валютага алмаштирган

пайтида ҳосил бўладиган курслар фарқи ҳисобланади; 3) товарларни оммавий равишда четга олиб чиқилиши экспортёрларга ниҳоятда юқори даражадаги фойдани таъминлайди. Демпинг баҳоси ишлаб чиқариш баҳосидан ёки таннархдан ҳам паст бўлиши мумкин. Бироқ экспортёрлар учун жуда ҳам пасайтириб юборилган баҳо манфаатли эмасдир, чунки хорижлик контрагентлар томонидан товарлар реекспорти натижасида миллий товарлар билан рақобатчилик вужудга келиши мумкин.

Эркин сузадиган валюта курслари режими шароитида капиталлар, айниқса қисқа муддатли капиталлар ҳаракатига улар ўзгаришининг таъсири кучайди. Ушбу омил эса ўз навбатида айрим давлатларнинг валюта-иқтисодий ҳолатига ўз таъсирини ўтказди. Валютасининг курси кўтарилиб бораётган мамлакатга хорижий капиталларнинг оқиб келиши натижасида ссуда капиталлари ва капитал қўйилмаларининг ҳажми вақтинча ошиб кетиши мумкин. Ушбу ўсган сармоялар мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда давлат бюджети тақчиллигини қоплаш мақсадларига ишлатилиши мумкин. Капиталларни мамлакатдан оқиб кетиши эса уларнинг камомадини, инвестициялар қисқаришини ва ишсизлик кучайишини келтириб чиқаради.

Валюта курси тебранишининг оқибатлари мамлакатнинг валюта-иқтисодий мавқеига, унинг экспорт квотаси халқаро иқтисодий муносабатларда тутган ўрнига боғлиқ. Валюта курси мамлакатлар, миллий экспортёр ва импортёрлар ўртасидаги кураш объекти ҳамда давлатлараро низоларнинг манбаси бўлиб хизмат қилади. Ушбу сабабларга кўра валюта курсининг муаммолари иқтисодий фанда аҳамиятли ўринни эгаллайди.

8.3. Тўлов ва ҳисоб-китоб баланслари

Барча мамлакатлар замонавий жаҳон хўжалигининг иштирокчилари бўлиб ҳисобланади. Алоҳида мамлакатларнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашганлик даражаси турлича бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатнинг ҳамкорлари билан ташқи иқтисодий алоқалари, миллий иқтисодиётларни жаҳон хўжалигига бирлаштирадиган Халқаро иқтисодий алоқалардан иборат. Иқтисодий муносабатлардан ташқари мамлакатлар ўртасида пул тўловлари ва тушумларини вужудга келтирувчи сиёсий, ҳарбий, маданий ҳамда бошқа муносабатлар ҳам мавжуд.

Мамлакатнинг кўп қиррали халқаро муносабатлари унинг халқаро операциялари баланс ҳисобварағида ўз аксини топади. Ушбу баланс анъана бўйича тўлов баланси деб аталади.

Тўлов баланси - бу, халқаро операцияларнинг баланс ҳисобварақидир. Яъни, бу мамлакатнинг товарлар, хизматлар, капиталлар олиб кириш ва олиб чиқиш кўрсаткичларини нисбати шаклидаги халқаро хўжалик алоқалари комплексининг қиймат ифодасидир.

Халқаро операцияларнинг баланс ҳисобварақи мамлакат ташқи иқтисодий операцияларининг кўламлари, таркиби ва характерини қиймат жиҳатидан миқдорий ҳамда сифат ифодасидир. Амалиётда одат сифатида "тўлов баланси" атамасидан фойдаланиш, барча операциялар бўйича валюта оқимларининг кўрсаткичларини эса тўлов ва тушумлар сифатида белгилаш қабул қилинган.

Матбуотда чоп этилаётган тўлов баланслари нафақат амалга оширилган ёки маълум бир санага ижро этилиши керак бўлган тўлов ва тушумларни балки халқаро талаблар ҳамда мажбуриятлар бўйича курсаткичларни ҳам қамраб олади.

Тўлов балансларининг замонавий жадваллари барча қимматликларни мамлакатлараро ҳаракати ҳақида етарли маълумотларга эга. Бунда мажбуриятларнинг жорий даврда тўланмайдиган ва келгуси даврга ўтказилиб юбориладиган қисми капитал ёки кредитлар ҳаракатини акс эттирувчи тўлов баланси моддаларига киритилади.

Сўнгги пайтларда тўлов балансига қўшимча сифатида мамлакатлараро қимматликлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотга эга мамлакатнинг халқаро

активлар ва пасивлар баланси тузилади. Ушбу баланс мамлакатнинг захира тоифасидаги халқаро молиявий ҳолатини акс эттиради ва мамлакат жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг қандай босқичида (поғонасида) турганлигини кўрсатади.

Мазкур балансда ушбу даврга мамлакат томонидан тақдим этилган ва олинган кредитлар, инвестициялар, бошқа молиявий активлар қийматининг нисбати акс этади. Айрим давлатларда олинган ресурслар ҳажми хориждаги активларига нисбатан катта. Бошқа мамлакатларда бу иккала кўрсаткич ҳам катта, ҳам турличадир. Хорижий молиявий ресурсларни нетто-импортёри сифатида АҚШ алоҳида ўрин эгаллайди. Халқаро молиявий позиция ва тўлов баланси кўрсаткичларининг ўзлари бир-бири билан боғлиқдир.

Иқтисодий мазмунига кўра маълум бир санага бўлган тўлов баланси ва маълум бир давр тўлов баланси фарқланади. Маълум бир санага бўлган тўлов балансини статистик кўрсаткичлар шаклида қайд этишнинг иложиси йўқ. Чунки у кундан-кунга ўзгариб турувчи тўлов ва тушумларнинг нисбат шакли сифатида мавжуддир.

Тўлов балансининг аҳволи, ушбу даврга миллий ва хорижий валютага бўлган талабни белгилаб беради ҳамда валюта курсини шакллантирувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Маълум бир давр учун тўлов баланси (ой, чорак, йил) ушбу давр мобайнида амалга оширилган ташқи иқтисодий шартномалар бўйича статистик кўрсаткичлар асосида тузилади ва мамлакатнинг халқаро иқтисодий муносабатларида, унинг жаҳон хўжалигидаги иштироки кўламларида ҳамда характерида содир бўлган ўзгаришларни таҳлил этиш имкониятини беради.

Давр учун тўлов балансининг кўрсаткичлари иқтисодий ривожланишнинг агрегат кўрсаткичлари билан боғлиқдир (ялпи ички

маҳсулот, миллий даромад ва шу кабилар) ва давлат томонидан мувофиқлаштириш объекти бўлиб ҳисобланади.

Давр учун тўлов балансининг аҳволи миллий валютанинг узок муддатдаги даврга бўлган ҳолати, унинг барқарорлиги ёки валюта курсининг ўзгариш характери билан узвий боғлиқдир.

Бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан тўлов баланси доимо мувозанатда бўлади. Аммо ўзининг асосий бўлинмалари бўйича агар тушумлар тўловлардан кўп бўлса актив сальдога, аксинча бўлганда пассив сальдога эга бўлади. Шу сабабли тўлов балансини тузиш ва сальдосини ўлчаш услублари мамлакат ташқи иқтисодий операцияларини характерловчи кўрсаткичларни тўғри таҳлил қилишда муҳим роль ўйнайди.

Тўлов баланси тузишнинг назарияси ва амалиёти жаҳон иқтисодиётида бўлаётган ўзгаришларга мувофиқ равишда ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. "Баланс" атамаси халқаро тўлов муносабатларида бир қатор тушунчаларни хусусан баланс ҳисобварағи, сальдо ёки ҳисобварақ қолдиқи, ҳисобварақ аҳволи, мувозанат ва бошқаларни ифода этиш мақсадида ишлатилади. Шу сабабли тўлов баланси - бу, нафақат икки тарафи бир-бирига тенг бўлган мамлакат Халқаро операциялари ҳисобварағи, балки ўз ичига унинг асосий элементларининг сифат ва таркибий характеристикаларини олган, ушбу операцияларнинг маълум бир аҳволидир.

Тўлов балансининг таркибий тузилиши. Тўлов баланси қуйидаги асосий бўлимлардан иборат:

-савдо баланси, товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш ўртасидаги нисбат;

-хизматлар ва нотижорат тўловлар баланси ("кўзга кўринмайдиган" операциялар баланси);

-ўз ичига товарлар, хизматлар ва бир томонлама ўтказмаларни олган жорий операциялар баланси;

-капиталлар ва кредитлар ҳаракати баланси;

-расмий валюта захиралари билан операциялар.

Савдо баланси. Ташқи савдо тарихан миллий хўжаликларни жаҳон хўжалигига боғловчи ташқи иқтисодий муносабатларнинг бирламчи шакли сифатида майдонга чиқади. Ташқи савдо туфайли халқаро меҳнат тақсимоти шаклланади. Халқаро меҳнат тақсимотининг ўзи эса ташқи савдо ва бошқа халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши билан чуқурлашиб ҳамда такомиллашиб боради.

Ташқи савдо кўрсаткичлари анъанавий равишда тўлов балансида муҳим ўринни эгаллайди. Товарлар экспорти ва импортининг ўзаро нисбати савдо балансини ташкил этади. Ташқи савдонинг катта ҳажми кредит ҳисобига амалга оширилганлиги сабабли ҳақиқатда шу даврда амалга оширилган савдо, тўловлар ва тушумлар кўрсаткичлари ўртасида тафовутлар мавжуд. Ушбу тафовутлар туфайли турли сўндирилиш муддатларига эга, тааллуқли талаб ва мажбуриятларни вужудга келтирувчи умумий савдо балансидан фарқли ўлароқ, ўз даврида амалга оширилган пул тўловлари ҳамда ҳақиқатда олинган тушумларнинг нисбати сифатида тўлов баланси тушунчаси пайдо бўлди. Бироқ ташқи иқтисодий операциялар бўйича маълумот йиғувчи органлар ҳеч қачон ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар ва олинган тушумларни умумий савдо кўрсаткичларидан ажратиш имкониятига эга бўлмаган. Улар савдо балансига киритиладиган ташқи иқтисодий битимлар бўйича божхона маълумотларидан фойдаланадилар. Айнан шу маълумотлар давлат иқтисодий сиёсати нуқтаи назаридан асосий қизиқиш объекти бўлиб ҳисобланади. Улар ва реал тўловлар орасидаги фарқлар тўлов балансининг кредит операцияларида акс этган.

Савдо балансининг актив ёки пассивлигини иқтисодий мазмуни аниқ мамлакатга нисбатан алоқадор ҳамда унинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни, ҳамкорлари билан алоқаларининг характери ва умумий иқтисодий сиёсатига боғлиқдир. Етакчи давлатлардан иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича орқада бўлган мамлакатлар учун актив савдо баланси лицензиялар импортига, хорижий инвестициялар юзасидан даромадларни тўлаш ва бошқа Халқаро мажбуриятлар бўйича ҳақ тўлаш учун валюта маблағлари манбаси сифатида зарур. Бир қатор саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлар (Япония, Германия ва бошқалар) учун савдо балансининг актив сальдоси капиталлар экспорти, хорижда иккинчи иқтисодиётни барпо этиш учун ишлатилади.

Пассив савдо баланси кераксиз ҳисобланиб, мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги ўрни кучсизлигини билдиради. Бу асосан валюта тушуми тақчиллигини сезаётган, ривожланиб бораётган мамлакатлар учун ҳосдир. Саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлар учун эса бу бошқача маънога эга бўлади. Масалан, АҚШ савдо балансининг камомади (1991 йилдан бошлаб) АҚШ бозорига интеллектуал товарларни ишлаб чиқарувчи Халқаро рақобатчиларни (ҳарбий Европа, Япония, Тайвань, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар) кириб бориши билан характерланади. Бундай халқаро меҳнат тақсимотининг шаклланиб бориши оқибатида АҚШ ва жаҳон миқёсида ресурслар нисбатан самаралироқ ишлатилади. АҚШ ташқи савдосининг камомади юқорида зикр этилган ҳамкор-мамлакатларнинг ушбу операциялар бўйича актив сальдосида ўз аксини топади. ўз навбатида, ушбу ҳамкор-мамлакатлар ўзининг валюта тушумлари ҳисобига хорижий капитал қўйилмаларни шу жумладан АҚШда ҳам амалга оширади.

Хизматлар баланси транспорт юк ташувлари, суғурта, электрон, телекосмик, телеграф, почта ва бошқа алоқа турлари, Халқаро туризм, илмий-техник ҳамда ишлаб чиқариш тажрибалари билан алмашиш,

эксперт хизматлари, дипломатик, савдо ва хориждаги бошқа хизматлар харажатларини кўтариш, маълумотларни узатиш, маданий ҳамда илмий алоқалар, турли воситачилик йиғимлари, реклама, ярмарка ва бошқа шу кабилар бўйича тўлов ҳамда тушумларни ўз ичига олади.

Хизматлар халқаро иқтисодий алоқаларнинг бир маромда ривожланиб бораётган секторини ташкил этади. Хизматларнинг тўловлар ва тушумларнинг ҳажми ҳамда таркибий тузилишидаги роли ва уларга таъсири мунтазам равишда ўсиб бормоқда.

Анъанавий хизмат турлари (транспорт, суғурта) савдо бўйича товарларни етказиб беришнинг ҳажми ва турли-туманлигини ўсиб бориши, уларнинг таркибида Халқаро кооперация ҳамда ихтисослашувнинг ривожланиши туфайли ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар улушининг ортиб бориши билан ўз бошидан катта қайта қуриш жараёнини кечирмоқда.

Ривожланган давлатларда аҳолининг яшаш даражаси ўсиб боргани сари замонавий ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви натижасида таркибида катта улушга эга бўлмиш хизмат юзасидан сафарлар сифатидаги Халқаро туризм кўламлари ҳам кескин ўсди.

Халқаро ишлаб чиқаришнинг ўсиши илмий-техник инқилоб ва хўжалик ҳаёти байналмилаллашувининг бошқа омиллари, лисензиялар, ноу-хау, илмий-техник ҳамда ишлаб чиқариш тажрибасининг бошқа турлари, лизинг операциялари, ишбилармон маслаҳатлар ва ишлаб чиқариш ҳамда алоҳида хусусиятга эга бошқа хизматлар билан савдо қилишни рағбатлантирди.

Жаҳон амалиётида қабул қилинган қоидаларга мувофиқ "хизматлар" бўлимига инвестициялар ва халқаро кредитлар бўйича фойз даромадларидан олинган тўлов ҳамда тушумлар киради, модомики иқтисодий мазмунига кўра улар капиталлар ҳаракатига яқинроқдир. Тўлов балансида қуйидаги моддалар ажратилиб кўрсатилади: хорижий

давлатларга ҳарбий ёрдам кўрсатиш, хориждаги ҳарбий харажатлар. Ушбу харажатлар хизматлар операцияларига мансубдир.

Халқаро Валюта Фондининг (ХВФ) услубиётига мувофиқ тўлов балансида алоҳида позиция сифатида бир томонлама ўтказмаларни кўрсатиш қабул қилинган. Уларнинг таркибида: 1) давлат операциялари - бошқа мамлакатларга иқтисодий ёрдам йўналиши бўйича субсидиялар, давлат нафаҳалари, Халқаро ташкилотларга бадаллар; 2) хусусий тусдаги операциялар - хориждаги ишчилар, мутахассислар, қариндош-уруғларнинг мамлакатга пул ўтказмалари. Операцияларнинг ушбу тури катта иқтисодий аҳамиятга эга. Италия, Туркия, Испания, Греция, Португалия, Покистон, Миср ва бошқа давлатлар ўз фуқароларини пул ишлаб келишга хорижга чиқиш масалаларини мувофиқлаштиришга катта эътибор беради. Чунки ушбу давлатлар мазкур валюта тушумлари манбасидан ўз иқтисодиётларини ривожлантириш мақсадида фойдаланадилар.

Хорижий ишчилар ва мутахассисларни вақтинча жалб этадиган ГФР, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Швейцария, ЖАР ва бошқа мамлакатлар учун эса аксинча ушбу пул ўтказмалари тўлов баланси ушбу моддасининг камомад манбаси бўлиб хизмат қилади.

Юқорида зикр этилган хизматлар бўйича операциялар инвестициялар бўйича даромадлар ҳаракати, ҳарбий тусдаги келишувлар ва бир томонлама ўтказмалар, товарлар (сезиларли қимматликлар) импорти ҳамда экспортига алоқаси бўлмаган ҳолда "кўзга кўринмас" операциялар деб аталади. Уларнинг таркибида 3 тоифадаги келишувларни, яъни хизматлар, инвестициялардан олинган даромадлар, бир томонлама ўтказмаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. "Хизматлар ва нотижорат тўловлари" атамаси ҳам ишлатилади. Ушбу атамага мамлакатлараро иқтисодий алоқаларнинг муҳим мазмунини товарлар билан савдо ташкил этган пайдан қолган анъанага билдириладиган ҳурматдай ҳаралади.

Жорий операциялар бўйича тўлов баланси савдо баланси ва "кўзга кўринмас" операцияларни ўз ичига олади. Тўлов баланси тузишнинг баъзи бир усуллари бир томонлама давлат ўтказмаларини алоҳида моддага ажратиб кўрсатади ва уни жорий операциялар салъдосига қўшмайди. Ушбу операцияларни товарлар ва хизматлар билан жаҳон савдосини капитал ҳамда кредитлар шаклидаги молиявий ресурслар Халқаро ҳаракатидан ажратиб олиш учун жорий операциялар деб атайлаб атай бошладилар.

Капиталлар ва кредитлар ҳаракати баланси давлат ҳамда хусусий капиталлар, тақдим этилган ва олинган Халқаро кредитларнинг давлатга олиб кирилиши ҳамда олиб чиқилиши ўртасидаги нисбатни ифодалайди. Иқтисодий мазмунига кўра ушбу операциялар қуйидаги икки тоифага бўлинади: тадбиркорлик ва ссуда капиталларининг халқаро ҳаракати.

Тадбиркорлик капитали тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (хорижда корхоналарни сотиб олиш ва қуриш) ва портфель инвестицияларини (хорижий компаниялар қимматли қоғозларини сотиб олиш) ўз ичига олади. Тўғридан-тўғри инвестициялар узок муддатли капитални олиб чиқишнинг энг муҳим шаклларида бири бўлиб ҳисобланади ва тўлов балансига сезиларли таъсир этади. Улар мулк сотиб олиниши билан боғлиқ бўлган ҳолда қарз мажбуриятларини вужудга келтирмайдилар. Ушбу инвестициялар натижасида миллий иқтисодиётларни савдога нисбатан юқорироқ даражада ва мустаҳкамроқ жаҳон хўжалигига интеграциялашувига кўмаклашувчи Халқаро ишлаб чиқариш ривожланади. 1997 йилда ҳар йилги қўйилмаларни қўшиб бориш ва қолдиқи кўпайиб борувчи услуби билан ҳисобланган мамлакатларнинг барча тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини тўпланган қиймати 3 трлн. АҚШ долларидан кўп суммани ташкил этди. Тадбиркорлик капиталининг хорижга олиб чиқилиши ишлаб чиқариш ва ташқи савдонинг ўсишига нисбатан тез суръатларда амалга ошади. Бу эса ўз

навбатида хўжалик фаолиятининг байналмилаллашуви ва глобаллашувида унинг роли етакчи эканлигини исботлайди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қийматининг учдан икки қисмидан зиёдини ривожланган давлатларнинг ўзаро капитал қўйилмалари ташкил этади. Бу дегани, улар ўртасидаги хўжалик алоқалари бошқа давлатлар ўртасидаги хўжалик алоқаларига нисбатан юқорироқ даражада мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолат беради.

Ссуда капиталининг халқаро ҳаракати муддатлилиқ аломатига кўра таснифланади.

1. Узоқ ва ўрта муддатли операциялар бир йилдан зиёд муддатга тақдим этилган давлат ҳамда хусусий заёмлар ва кредитларни ўз ичига олади. Ушбу давлат ва хусусий заёмлар ҳамда кредитларнинг олувчилари бўлиб одатда иқтисодий ривожланиш бўйича илғор давлатлардан орқада қолган мамлакатлар ҳисобланади. Илғор, ривожланган давлатлар эса бу ерда кредиторлар сифатида майдонга чиқади. Хусусий, узоқ муддатли заёмлар ва кредитлар бўйича ҳолат эса бутунлай бошқача кўринишга эга. Бу ерда ҳам ривожланиб бораётган давлатлар ривожланган давлатларнинг хусусий молия-кредит институтларидан қарз оладилар. Бироқ ривожланган давлатларда ҳам корпорациялар узоқ муддатли қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ёки жаҳон бозоридан ресурсларни банк кредити шаклларида актив жалб этадилар.

2. Қисқа муддатли операциялар миллий банкларнинг хорижий банклардаги жорий ҳисобварақлари (авуарлар), пул капиталини банклар ўртасидаги ҳаракати каби бир йилгача муддатга бўлган Халқаро кредитларни ўз ичига олади. Сўнгги 20 йил ичида жаҳон пул бозоридаги банклар аро қисқа муддатли операциялар катта ҳажмга эга бўлди. Агарда 60 ва 70-йилларда Бреттон Вудс валюта тизими инқирозини кучайтириб юборувчи капиталлар оқимида "қайноқ" пулларнинг стихияли оқими нисбатан катта улушга эга бўлган бўлса, 80 ҳамда 90-йилларга келиб,

қисқа муддатли пул капиталларининг асосий оқими Евровалюта бозори орқали амалга ошадиган бўлди.

Тўлов баланси статистик кўрсаткичларини йиғиш ва қайта ишлаш услубини такомиллаштиришига қарамасдан ушбу баланс кўрсаткичларидаги хатоликлар сезиларли бўлиб ҳолмоқда. Шу сабабли статистик хатоликлар ва ҳисобга олинмаган операциялар бўйича маълумотлар киритиладиган "Хатолар ва ўтказиб юборишлар" моддаси ажратиб кўрсатилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қисқа муддатли пул капитали ҳаракатининг ҳисобини юритиш айниқса иқтисодий инқироз пайтида ниҳоятда қийин. Шу сабабли "Хатолар ва ўтказиб юборишлар" моддаси тўлов балансининг капиталлар ва кредитлар ҳаракатини акс эттирувчи бўлимига қўшилади ҳамда инқироз ҳолатларида унинг кўрсаткичлари кескин ошиб кетади.

Тўлов балансининг якуний моддалари давлат валюта органлари иштирок этувчи, ликвид валюта активлари билан операцияларни акс эттиради. Ушбу операциялар натижасида марказлаштирилган расмий олтин-валюта захираларининг ҳажми ва таркиби ўзгаради.

Тўлов баланси такрор ишлаб чиқариш билан тўғри ва тескари алоқага эга. Бир томондан, у такрор ишлаб чиқаришда рўй бераётган жараёнлар оқибатида шаклланади, бошқа томондан эса унга акс таъсир кўрсатади, чунки валюталар курси олтин-валюта захиралари, валюта ҳолати, ташқи қарз, валюта ва иқтисодий сиёсат йўналишлари, жаҳон валюта тизими ҳолатига таъсир этади.

Тўлов баланси мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги иштироки, ташқи иқтисодий алоқаларининг кўламлари, таркиби ва характери тўғрисида маълумот беради. Тўлов балансида қуйидагилар акс эттирилади:

1) экспортнинг турли имкониятларини ва товарлар, капиталлар, хизматлар импортига эҳтиёжни белгиловчи иқтисодиётнинг таркибий диспропорсиялари;

2) иқтисодиётни бозор ва давлат томонидан мувофиқлаштириш услубларининг ўзаро нисбатидаги ўзгаришлар;

3) конъюнктура омиллар (халқаро рақобат, инфляция, валюта курси ва бошқаларнинг ўзгариш даражаси).

Тўлов баланси ҳолатига бир қатор омиллар таъсир этади. Булар қуйидагилар:

а) Мамлакатлар иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг нотекислиги, халқаро рақобат. Тўлов баланси асосий моддаларининг эволюцияси жаҳон иқтисодиётидаги рақиб-марказлар кучларининг ўзаро нисбатидаги ўзгаришларни акс эттиради. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ҳарбий Европа ва Япония давлатлари тўлов балансларининг йирик камомади шароитида АҚШнинг актив тўлов баланси шаклланди. Бу ўз навбатида, АҚШнинг 1950-йилларнинг охиригача моноцентрик ҳукмронлиги тизимида ўз аксини топди, яъни то 1960 йилгача ғарбий Европа ва Япония давлатларининг савдо баланслари одатда пассив эди, шу даврлардаги АҚШнинг савдо баланси эса америка монополияларининг жаҳон бозоридаги мавқеи ҳамда долларнинг барқарорлиги туфайли жуда катта актив салъдо билан ёпилар эди (1947 йилда 10 млрд. АҚШ доллари). АҚШнинг халқаро инвестор ва кредиторга айланиши ушбу мамлакатга хориждан йирик миқдордаги дивидендлар ҳамда фоизларнинг оқиб келишига сабаб бўлди. Бироқ кейинчалик тўғридан-тўғри инвестицияларнинг йиллик ўсимидаги АҚШнинг улуши ғарбий Европа ва Япония давлатлари улушининг ўсиши ҳисобига 1967 йилдаги 50 фоиздан 1980 йилдаги 4 фоизгача пасайиб кетди. 1985 йилдан бошлаб эса АҚШ капиталнинг нетто-импортёрига айланди. АҚШнинг жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги улушини, ҳарбий харажатларининг ўсиши шароитида, 1948 йилдаги 54,6 фоиздан 1984 йилда 37,8 фоизгача, товарлар экспортида 33 фоиздан 12,7 фоизгача, капиталлар экспортида 70- йиллар ичида 20 фоизга пасайиши мамлакат тўлов баланси жорий операцияларининг мунтазам

камомадига олиб келди. АҚШнинг 1990 йиллардаги узок муддатли иқтисодий кўтарилиши АҚШга яна жаҳон иқтисодиёти ва Халқаро молиядаги иқтисодий пешқадамликни қайтариб олиш имконини берди. Юқорида зикр этилган уч марказ, яъни АҚШ, ғарбий Европа ва Япония ўртасидаги қарама-қаршилик уларнинг тўлов баланслари ҳолатида ўз аксини топади;

б) Иқтисодиётнинг цикли тебранишлари. Тўлов балансларида мамлакат хўжалик ҳаётидаги тебранишлар, кўтарилишлар ва тушкунликлар ўз аксини топади. Чунки мамлакат ички иқтисодётининг ҳолатига ташқи иқтисодий операциялар боғлиқ. Саноат сикллари механизми билан боғлиқ тўлов балансининг тебранишлари мамлакат ички иқтисодий сикли жараёнларини бир мамлакатдан бошқа мамлакатларга ўтиб кетишига кўмаклашади. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ёқилғи, ҳом ашё, жиҳозлар импортининг ўсишига, пасайиши эса товарлар олиб кириш ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Товарлар, капиталлар, хизматлар экспорти жаҳон бозори шароитларининг ўзгаришига молик бўлади. Хўжалик ривожланишининг сустлигида капиталнинг четга чиқиши кўпаяди. Иқтисодиётнинг жадаллаб ривожланишида, яъни фойдалар ўсган, мамлакатда кредит экспансияси кучайган, фойиз ставкаси кўтарилган пайтда капиталнинг четга чиқиши пасаяди. Замонавий иқтисодий циклнинг асинхронлиги сабабли унинг тебранишлари тўлов балансига тўғридан-тўғри эмас, балки эгри таъсир этади. Жаҳон иқтисодий инкирозлари у ёки бу мамлакатлар тўлов балансларининг йирик кўламдаги камомадларига олиб келади;

в) Давлатнинг хориждаги харажатларининг ўсиши. Тўлов баланси учун оғир юк бўлиб, турли сиёсий ва иқтисодий мақсадларга қаратилган, ҳукуматнинг ташқи харажатлари ҳисобланади;

г) Иқтисодиётнинг милитаризацияси ва ҳарбий харажатлар. АҚШнинг тўлов балансида акс этадиган, хориждаги харажатларининг асосий қисми

ҳарбий мақсадларга мўлжалланган. Ҳарбий харажатларнинг тўлов балансига эгри таъсири биринчи навбатда уларни ишлаб чиқариш шароитлари ва иқтисодий ўсишнинг суръатларига бўлган таъсирида, ҳарбий бўлмаган тармоқлардан юлиб олинаётган ресурсларда ўз аксини топади. Агар экспорт тармоқлари ҳарбий буюртмалар билан босиб юборилган, товарларни четга олиб чиқишни кенгайтиришга мўлжалланган маблағлар ҳарбий мақсадларга йўналтирилган бўлса, мамлакатнинг экспорт қобилияти қисқаради. Қуролларнинг ўсиши ҳарбий-стратегик товарлар шу жумладан, тинчлик вақтидаги истеъмол меъёрларидан ортиқ бўлган ҳажмда кўп турдаги ҳом ашёлар (нефт, каучук, рангли металллар) импортини оширади;

д) Халқаро молиявий боғлиқликнинг кучайиши. Замонавий шароитларда молиявий оқимларнинг ҳаракати халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шаклларида бирига айланди. Бу эса ўз навбатида четга капиталларни олиб чиқишни, ссуда капиталлари жаҳон бозорининг (Евробозорларни ўз ичига олган ҳолда) ривожланишини, шартнома шартларининг эркинлашиши шароитида молиявий бозорларнинг ўсиши билан асосланади. Натижада мамлакатларнинг молиявий ўзаро боғлиқлиги уларнинг ўзаро тижорат боғлиқлигидан устунроқ бўлиб қолди. Бу эса валюта ва кредит таваккалчиликларини, биринчи навбатида қарз олувчининг тўловга лаёқацизлигини кучайтириб юборади. 1980-90 йиллардаги жаҳон қарзлар инқирози ва 1997-98 йиллардаги валюта-молия инқирозлари ушбу таваккалчиликлар хавфлилигини очиб ташлади;

е) Халқаро савдодаги ўзгаришлар. Илмий техник инқилоб, хўжалик ривожланишининг суръатларини ўсиши, янги энергетика базасига ўтилиши Халқаро иқтисодий алоқаларда таркибий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Тайёр маҳсулотлар билан, шу жумладан интеллектуал товарлар, нефт ва энерго ресурслар билан савдо қилиш суръати ошди. 1970-

йилларнинг охири ва 1980-йилларнинг бошида нефтга баҳоларнинг тусатдан 18 баробар ошиб кетиши нефт импортёри бўлмиш мамлакатлар тўлов баланси жорий операцияларининг камомадига олиб келди. Товарлар оқимининг географиясида ривожланган давлатлар орасидаги алмашувнинг кенгайиш тарафига қараб ўсиши, ривожланиб бораётган мамлакатлар улушининг уларнинг ташқи савдосида қисқариб бориши ҳолатида юзага келади (жаҳон савдосининг 70%, Европа Иттифоқи мамлакатлари-38%). Ривожланган давлатларнинг ўзаро савдоси улар экспортининг 80 фоизини ўз ичига олади (Европа Иттифоқи мамлакатлари-58%), ривожланиб бораётган мамлакатлар орасидаги савдо эса улар экспортининг 1/4 қисмини ташкил этади. Бундай ҳол жаҳон бозоридаги рақобат курашини кучайтириб юборади;

ж) Тўлов балансига валюта-молиявий омилларининг таъсири. Девальвация одатда экспортни, ревальвация эса импортни рағбатлантиради. Жаҳон валюта тизимининг барқарорсизлиги Халқаро савдо ва ҳисоб-китоблар шароитларини ёмонлаштиради. Миллий валюта курсининг пасайиши кутилган ҳолда экспорт ва импорт бўйича тўлов муддатларининг ўрнидан силжиши рўй беради, яъни импортёрлар тўловларни тезлаштиришга, экспортёрлар эса аксинча хорижий валютадаги тушумни олишни кечиктиришга ҳаракат қиладилар ("лидз энд легз" сиёсати). Халқаро ҳисоб-китоблар муддатларидаги кичик бир қисқа узилиш мамлакатдан капиталларни четга оқиб кетишига олиб келиши мумкин. Баҳо ва тўлов валютаси сифатида ишлатилаётган етакчи валюталар курсларининг тебраниши кўпчилик давлатларнинг тўлов балансларига таъсир этади;

з) инфляциянинг тўлов балансига салбий таъсири. Бундай ҳолат, яъни баҳоларни пасайиши миллий товарларнинг экспортини қийинлаштириб, рақобатдошлигини пасайтирган, товарлар импортини рағбатлантирган ва

капиталларни хорижга чиқиб кетишига имкон берган пайтда вужудга келади;

и) Фавқулодда ҳолатлар - ҳосилнинг бўлмаслиги, табиий офатлар, ҳалоқатлар ва шу кабилар тўлов балансига салбий таъсир этади.

8.4. Валюта сиёсати

Валюта сиёсатининг йўналишлари ва шакллари мамлакатларнинг валюта-иқтисодий ҳолати, жаҳон хўжалигининг эволюцияси, жаҳон аренасидаги кучлар жойлашиши билан белгиланади. Турли тарихий босқичларда биринчи қаторга валюта сиёсатининг аниқ вазифалари чиқади: валюта инқирозини бартараф этиш ва валюта барқарорлигини таъминлаш; валюта чекловлари, валютани эркин айирбошланишига ўтиш, валюта операцияларини эркинлаштириш ҳамда шу кабилар. Валюта сиёсати мамлакатлар ўзаро алоқалари тамойилларини акс эттиради: нисбатан кучсиз (биринчи навбатда ривожланиб бораётган) ҳамкорлар камситилишини келтириб чиқарувчи ҳамкорлик ва келишмовчиликлар, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашув.

Валюта сиёсати мақсад ва шакллари кўра таркибий ҳамда жорий сиёсатларга бўлинади. Таркибий валюта сиёсати - бу, жаҳон валюта тизимида таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган узок муддатли чора-тадбирлар йиғиндиси. У барча мамлакатлар манфаатида валюта тамойилларини такомиллаштириш мақсадида валюта ислохотлари шаклида амалга оширилади ва муайян валюталарга имтиёзлар берилиши учун кураш билан ҳамоханг олиб борилади. Таркибий валюта сиёсати жорий сиёсатга таъсир кўрсатади. Жорий валюта сиёсати - бу, валюта курси, валюта операциялари, валюта бозори ва олтин бозори фаолиятини кунлик, тезкор мувофиқлаштиришга қаратилган қисқа муддатли чора-тадбирлар йиғиндиси.

Валюта сиёсатининг шакллари. Валюта сиёсатининг қуйидаги шакллари қўлланилади: дисконт, девиз сиёсати ва унинг турларидан бири бўлмиш валюта интервенцияси, валюта захираларининг диверсификацияси, валюта чекланишлари, валюталарни алмашилиш даражаларини мувофиқлаштириш, валюта курси режими, девальвация, ревальвация.

Дисконт (ҳисоб юритиш) сиёсати - бир томондан капиталларни халқаро ҳаракатига валюта курси ва тўлов балансини, иккинчи томондан ички кредитлар, пул массаси, баҳолар, ялпи талаб динамикасини таъсир этиши орқали мувофиқлаштиришга йўналтирилган Марказий банк ҳисоб юритиш ставкасининг ўзгариши. Масалан, пассив тўлов балансида капиталларни нисбатан эркин ҳаракатлана олиши шароитида ҳисоб юритиш ставкасининг кўтарилиши фоиз ставкалари нисбатан паст бўлган мамлакатлардан капиталлар оқиб келишини рағбатлантириши ва миллий капиталларни мамлакатдан оқиб кетишини олдини олиши мумкин. Бу эса ўз навбатида тўлов баланси ҳолатининг яхшиланиши ва валюта курсининг кўтарилишига олиб келади. Расмий ставкани пасайтирган ҳолда Марказий банк тўлов баланси актив сальдосини ва ўз миллий валютаси курсини пасайтириш мақсадида миллий ҳамда хорижий капиталларни оқиб кетишига ишонади.

Замонавий шароитда дисконт сиёсатининг самарадорлиги пасайди. Бу эса унинг ички ва ташқи мақсадларининг ўзаро қарама-қаршилигини кучайганлиги билан изоҳланади. Агар фоиз ставкалари конъюнктурани жонлантириш мақсадида пасайтирилаётган бўлса, бу капиталларни оқиб кетишини келтириб чиқарган ҳолда тўлов балансида салбий таъсир этади. Тўлов баланси ҳолатини яхшилаш мақсадида ҳисоб юритиш ставкасини кўтарилиши, агарда у тушкунлик ҳолатида бўлса, мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир этади. Дисконт сиёсатининг маҳсулдорлиги мамлакатга хорижий капитал оқиб келишига боғлиқдир, аммо барқарорсизлик

шароитида фоиз ставкалари ҳамма вақт ҳам капиталлар оқимини белгилаб беравермайди. Капиталлар ва кредитлар халқаро ҳаракатини мувофиқлаштириш ҳам ҳисоб юритиш сиёсатини тўлов балансига бўлган таъсирини бирмунча пасайтиради. Бу ердан дисконт сиёсатининг қисқа муддатлилиги ва нисбатан паст самарадорлилиги келиб чиқади. Етакчи давлатлар, биринчи навбатда АҚШнинг дисконт сиёсати миллий манфаатларга зид равишда фоиз ставкаларни кўтариш ёки пасайтиришга мажбур бўлган рақобатчиларга салбий таъсир этади. Натижада вақти-вақти билан фоизлар уруши пайдо бўлиб туради.

Девиз сиёсати. Бу, миллий валюта курсига давлат органлари томонидан хорижий валютани (девиз) олди-соттиси орқали таъсир этиш услубидир. Миллий валюта курсини кўтариш мақсадида Марказий банк хорижий валютани миллий валютага сотади, пасайтириш учун эса аксинча сотиб олади. Девиз сиёсати асосан валюта интервенсияси шаклида амалга ошади. Валюта интервенсияси расмий олтин-валюта захиралари ёки марказий банкларнинг банклараро "своп" келишувларига асосан миллий валютадаги қисқа муддатли ўзаро кредитлари ҳисобига амалга оширилади.

Валюта интервенцияси XIX асрдан бошлаб қўлланила бошланди. Масалан, Россиянинг Давлат банки, Австро-Венгрия банки ўз миллий валюталари курсини-қўллаб қувватлаш мақсадида интервенциядан фойдаланган. Олтин монометализми бекор қилинишидан сўнг валюта интервенцияси кенг қўлланила бошланди. 1929-1933 йиллар жаҳон иқтисодий инқирози шароитида валюта интервенциясидан марказий банклар валюта демпингига кўмаклашиш учун ўз валюталари курсини пасайтириш мақсадида фойдаланган.

Валюта интервенцияларини ўтказишнинг моддий асоси бўлиб АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада ва бошқа мамлакатларда 1930-йилларда ташкил этилган валюта барқарорлаштириш фондлари хизмат қилди. Валюта барқарорлаштириш фондлари - бу, валюта курсини

мувофиқлаштириш мақсадида валюта интервенциясида ишлатиладиган олтин, хорижий ва миллий валюталардаги давлат фондларидир. Замонавий шароитда айрим мамлакатларда ушбу фондларнинг белгиланиши ва роли ўз хусусиятларига эга. Францияда юқорида зикр этилган фонд мақсадли фонд бўлиб расмий олтин-валюта захиралари доирасида ажратилади. Франция банки ўз интервенция операцияларининг характери ва кўламини ошкора этмаслик учун ушбу фонднинг ҳажмини матбуотда эълон қилмайди. АҚШда эса валюта барқарорлаштириш фонди ўз аҳамиятини йўқотди (унинг 2 млрд. АҚШ долларидagi ҳажми барпо этилиш пайтидан бошлаб, яъни 1934 йилдан ўзгармасдан келмоқда), чунки федерал захира банклари валюта интервенциясини асосан "своп" келишувининг шартлари асосида хорижий марказий банклар кредитлари ҳисобига амалга оширадилар. Буюк Британияда ҳозирги кунда валюта барқарорлаштириш фонди мамлакатнинг барча расмий олтин-валюта захираларини ўзида бирлаштиради.

Девиз сиёсати бевосита валюта курсига таъсир этади, аммо ушбу таъсир муваққат ва чекланган кўламлардадир. Валюта интервенциясига бўлган йирик харажатлар, агарда курс шаклланишининг бозор омиллари давлат мувофиқлаштиришидан устунроқ бўлса, ҳамма вақт ҳам валюта курслари барқарорлигини таъминлай олмайди. Масалан, Япония Банки 1998 йилни апрелида валюта бозорида 21 млрд. АҚШ долларини (валюта захираларининг 10 фоизи) сотди, Бироқ сўнгги 8 йил ичида энг юқори (1АҚШ доллари учун 1380 иена), рекордли иена курси тушишининг олдини ололмади ва Япония валюта интервенциясини чеклашга қарор қилди.

Валюта захираларининг диверсификацияси - давлатлар, банклар, ТМҚларнинг Халқаро ҳисоб-китоблар, валюта интервенциясини амалга ошириш ва валюта йўқотишларидан ўзини ҳимоялашни таъминлаш мақсадида валюта захиралари таркибига турли валюталарни киритиш

орқали таркибий тузилишини мувофиқлаштиришга йўналтирилган сиёсатидир. Ушбу сиёсат одатда барқарорсиз валюталарни сотиш ва нисбатан барқарор ҳамда халқаро ҳисоб-китоблар учун зарур бўлган валюталарни сотиб олиш орқали амалга оширилади. АҚШ долларининг барқарорсизлиги унинг капиталистик дунё расмий захираларидаги улушини тебранишига сабаб бўлди (1973 йилда-84,5 фоиз, 1982 йилда-71,4 фоиз, 1990 йилда-60 фоизга яқин).

Валюта паритетлари ва валюта курслари режими миллий ҳамда давлатлараро мувофиқлаштириш объекти бўлиб ҳисобланади. Бреттон Вудс келишуви шартларига мувофиқ мамлакатлар ўз миллий валюталари курсларини бозор баҳоси асосида АҚШ долларига нисбатан ХВФда қайд этдилар ва олтиннинг расмий баҳоси (1 троя унцияси - 35 АҚШ доллари) асосида уларнинг заминидаги олтин миқдорларини белгиладилар. Фонд аъзолари бўлмиш мамлакатлар ўз валюталари бозор курсларини паритетидан ± 1 фоиздан оқиб кетишига йўл қўймаслик мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар.

Девальвация ва ревальвация валюта сиёсатининг анъанавий услубларидир. Девальвация - бу, хорижий валюталар ёки Халқаро валюта бирликларига, олтинга нисбатан миллий валюта курсининг пасайиши. Унинг объектив асоси бўлиб расмий валюта курсининг бозор курсига нисбатан юқориқ кўйилиши ҳисобланади. Ревальвация - бу, хорижий валюталар ёки Халқаро валюта бирликларига, олтинга нисбатан миллий валюта курсининг кўтарилишидир.

Курслар фарқи нуқтаи назаридан фунт стерлинг девальвацияси оқибатида АҚШ долларининг ҳақиқий ревальвациясидан АҚШнинг ютуқ ва йўқотишлари шартли ҳисоб-китобларини кўриб чиқамиз.

1. Ташқи савдо. АҚШ-нинг Буюк Британияга экспорти бўйича бажарилмаган шартномалар суммаси 20 млн. фунт стерлингни ташкил этади деб фараз қиламиз. Америка экспортёрларининг зарарлари (ҳимоя

шартлашуви йўқлиги пайтда) 8 млн. долларга этади, чунки улар тушум сифатида олинган фунт стерлингларни АҚШ долларларига 1 фунт учун 2,8 доллар курси ўрнига 2,4 доллар курси бўйича алмаштирадилар, яъни:

20 млн. ф. ст. * (2,8 - 2,4) қ 8 млн. доллар.

Буюк Британиядан импорт бўйича бажарилмаган шартномалар суммаси - 15 млн. ф. ст. Америкалик экспортёрлар кўшимча 6 млн. доллар оладилар, чунки девальвация қилинган валютани нисбатан қимматлашган ўз валюталарига сотиб олганда улар ютадилар.

15 млн. ф. ст. * (2,8 - 2,4) қ 6 млн. доллар.

2. Халқаро кредит. Америкалик қарздорларга қарзлари бўйича ҳисоб-китобларни фунт стерлингларда қилиш қулай, чунки қарзни сўндириш учун улар нисбатан кам миқдорда доллар сарфлайдилар. Агар 5 млн. ф. ст. ҳажмида қарз сўндирилса 2 млн. АҚШ доллари тежалади (5 млн. ф. ст. 0,4 доллар миқдоридаги курслар фарқига кўпайтирилади). Аммо Америкалик кредиторлар зарар кўрадилар, чунки улар номинал жиҳатдан аввалги ҳажмда, лекин девальвация қилинган валютада реал жиҳатдан камроқ миқдордаги суммани оладилар. Яъни, АҚШлик кредиторнинг 10 млн. ф. ст. талаби мавжуд бўлган пайтда йўқотишлар ҳажми 4 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан биргаликда девальвация қилинган нақд валюта ва стерлингли ҳисобварақ эгалари ҳам зарар кўрадилар. Бунда агрессив ва мудофаали девальвация ҳамда ревальвациялар фарқланади.

Девальвация ва ревальвация натижалари аниқ шарт-шароитларга боғлиқ бўлади ҳамда таъсири, агар бошқа омилларнинг акс таъсири бўлмаса, маълум бир вақтдан (лаг) сўнг ўзини намоён этади. Хусусан, АҚШ долларининг 1971 йилдаги девальвацияси фақат 1973 йилдагина АҚШ тўлов балансининг активлашишига кўмаклашди. Доллар курсини кўтаришга қаратилган АҚШнинг валюта сиёсати (1980-1984 йилларда ҳақиқатда 80%га) уларга, инфляция суръатини пасайтирган ҳолда,

хорижий капиталлар ва арзон товарларнинг оқиб келиши сифатида фойда келтирди.

Девальвация баҳоларнинг ўсишига ва меҳнаткашлар ҳаёт даражасини пасайишига, ревальвация эса арзон хорижий товарлар рақобатини кўтара олмаётган тармоқлардаги ишсизликнинг кўпайишига кўмаклашади. Девальвация мамлакатлар ўртасида рақобатчилик курашини кучайтириб юборади. ғарбий Европа давлатларининг долларнинг икки девальвациясидан йўқотишлари тахминан 10 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ривожланиб бораётган давлатлар эса етакчи валюталар девальвацияларидан зарар кўрадилар.

Валюта сиёсатида икки қарама-қарши бўлган тенденция ўзаро чамбарчас боғланиб кетади: ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилиши, валюта муаммоларини ҳал этишнинг ўзаро йўллари топиш, ҳар бир алоҳида мамлакатни бошқалар эвазига имтиёзга эга бўлишга интилиш оқибатидаги келишмовчиликлар. Бунинг муносабати билан вақти-вақти билан мамлакатларнинг валюта сиёсатининг турли шакллари ёрдамида истеъмол бозорлари, капитал қўйилмалар жараёнлари, ҳом ашё манбалари учун валюта жанглари кўзиб туради. Ушбу жанглarda девальвация ва ревальвация, валюта курслари режимининг кўп хиллиги, валюта интервенцияси, валюта чекловлари ишлатилади.

Валюта чекловлари валюта сиёсатининг шаклларида бири сифатида мунтазам равишда ишлатилади. Валюта чекловлари - бу, резидент ва норезидентларнинг валюта ҳамда бошқа валюта қимматликлари билан операцияларини қонунчилик ёки маъмурий жиҳатдан тақиқлаш, лимитлаш ва чеклашдир. Валюта чекловлари резидент ва норезидентлар валюта операцияларини текшириш орқали валюта қонунчилигига риоя этилишини таъминлайдиган валюта назоратининг таркибий қисмидир. Валюта чекланишлари мавжудлигида валюта назорати жараёнида лицензия ва рухсатномаларнинг бор-йўқлиги, резидентлар томонидан миллий валюта

бозорида хорижий валюталарнинг сотилиши билан боғлиқ талабларнинг бажарилиши, хорижий валютадаги тўловларнинг асосланганлиги, валюта операциялари бўйича ҳисобни юритиш ҳамда ҳисоботнинг сифати текширилади. Валюта чекловлари мавжудлигида валюта назорати функциялари одатда Марказий банкка юклатилади, айрим давлатларда эса бунинг учун махсус органлар ташкил этилади (масалан, Францияда иккинчи жаҳон урушидан сўнг).

Валюта сиёсатининг турли-туманлиги сифатидаги валюта чекловлари қуйидаги мақсадларни кўзлайди: 1) тўлов балансини бирхиллаштириш; 2) валюта курсини қўллаб қувватлаш; 3) жорий стратегик вазифаларни бажариш учун валюта қимматликларининг давлат қўлида тўплануви. Валюта чекланишлари ўзининг камситиш характери билан ажралиб туради, чунки валюта қимматликларини, майда ва ўрта тадбиркорлар ҳисобига, уларни хорижий валюталар олиши учун қийинчиликлар туғдирган ҳолда, давлат ҳамда йирик корхоналар фойдасига қайта тақсимланишига кўмаклашади. Шу сабабли монополлашмаган сектор валюта чекланишлари киритилишига одатда қарши чиқади. Валюта чекланишлари одатда ҳамкор савдогарларга нисбатан қўлланиладиган тазйиқ ва камситиш сиёсатининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбуларни қўлланилишида сиёсий сабаблар катта роль ўйнайди.

Валюта чекловлари қуйидагиларни назарда тутаяди:

1) Халқаро пул тўловлари ва капитал ўтказмаларини мувофиқлаштириш, экспорт тушуми, фойда, олтин ҳаракати, пул белгилари ҳамда қимматли қоғозлар репатриацияси;

2) хорижий валютанинг эркин олди-сотдисини тақиқлаш;

3) хорижий валюта ва бошқа валюта қимматликларининг давлат қўлида тўплануви. Шу жумладан, тўлов ҳужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитивлар ва бошқалар), номинали хорижий валютада кўрсатилган қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металлларнинг тўплануви.

8.5. Халқаро ҳисоб-китоблар, уларнинг шакллари

Халқаро ҳисоб-китоблардаги ўзгартиришларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг янада такомиллашиб бориши товар ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг ривожланиши ҳамда байналмилаллашуви билан боғлиқдир. Товарларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш даврларини ўзаро мувофиқ келмаслиги ҳамда истеъмол бозорларининг узоқлиги туфайли халқаро муомаладаги қийматлар ҳаракатининг нисбатан мустақил бўлиб қолган шакли халқаро ҳисоб-китобларда ўз аксини топади. Халқаро ҳисоб-китоблар товарлар ва хизматлар билан ташқи савдо ҳамда нотижорат операциялар, кредитлар ва мамлакатлараро капиталлар ҳаракати бўйича ҳисоб-китобларни қамраб олади.

Халқаро ҳисоб-китоблар - турли мамлакатлар фуқаролари ва юридик шахслари ўртасида иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий муносабатлар туфайли вужудга келадиган пул талаблари ва мажбуриятлар бўйича тўловларни мувофиқлаштиришдир. Халқаро ҳисоб-китоблар бир томондан, амалиётда шаклланган ва Халқаро ҳужжатлар ҳамда удумлар билан мустаҳкамланган тўловларни амалга ошириш шартлари ва тартибини, иккинчи томондан ушбу ҳисоб-китобларни амалга ошириш юзасидан кунлик амалий фаолиятни ўз ичига олади. Ҳисоб-китобларнинг энг катта ҳажми банк ҳисобварақларида ёзувларни амалга ошириш орқали нақдсиз пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Бунда жаҳоннинг энг йирик банклари халқаро ҳисоб-китобларда етакчилик ролини ўйнайди. Мазкур банкларнинг халқаро ҳисоб-китобларга бўлган таъсир даражаси улар жойлашган мамлакат ташқи иқтисодий алоқалари, миллий валютасининг ишлатилиш кўламлари, ихтисослашганлиги, молиявий аҳволи, ишбилармонлик мавқеи, вакил банклар тизимига бевосита боғлиқдир.

Банклар ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ўзларининг хорижий бўлимлари ва хорижий банклар билан ўрнатилган вакиллик муносабатларидан фойдаланадилар. Хорижий банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатилганда "лоро" (хорижий банкларнинг мазкур банкда очган ҳисобварағъи) ва "ностро" (мазкур банкнинг хорижий банкларда очган ҳисобварағъи) ҳисобварақлари очилади. Вакиллик муносабатлари ҳисоб-китоблар тартиби, воситачилик ҳақининг ҳажми, ишлатилиб бўлинган маблағларни тўлатиш услубларини белгилаб беради. Халқаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш учун банклар одатда кутилаётган тўловларнинг таркибий тузилиши ҳамда муддатларига мувофиқ равишда зарур бўлган ва турли валюталарда ифодаланган валюта позицияларини таъминлаб турадилар ҳамда ўз валюта захираларини диверсификациялаш сиёсатини ўтказадилар. Банклар нисбатан юқори фойда олиш мақсадида ўз валюта активларини жаҳон ссуда капиталлари бозорида, шу жумладан Евробозорда жойлаштиришни афзал кўрган ҳолда "ностро" ҳисобварақларидаги минимал қолдиқларни таъминлашга ҳаракат қиладилар.

Халқаро ҳисоб-китоблар борасидаги банклар фаолияти бир томондан миллий қонунчилик билан мувофиқлаштирилади, бошқа томондан эса ўрнатилган қоидалар ва удумлар ёки алоҳида ҳужжатлар билан мустаҳкамланган кўринишда мавжуд бўлган, шаклланган амалиёт билан белгиланади.

Халқаро ҳисоб-китобларда асосан миллий валюталарнинг ишлатилиши улардан фойдаланиш самарадорлигини курс тебранишлари ҳамда ушбу валюталар эмитентлари бўлмиш мамлакатларнинг иқтисодий ва валюта сиёсатига боғлиқлигини кучайтиради. Халқаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати бир қатор омилларга боғлиқдир: мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатлар; валюта қонунчилиги;

Халқаро савдо қоидалари ҳамда удумлари; банк амалиётлари; ташқи савдо шартномалари ва кредит битимларининг шартлари.

Ташқи иқтисодий битимларнинг валюта-молиявий ва тўлов шартлари. Халқаро савдо шартномалари бўйича ҳисоб-китоблар ўта мураккаб бўлиб, банк ҳодимларининг юқори малакага эга бўлишлилигини талаб этади. Тўлов олинишининг тезлиги ва кафолати ҳамда банклар орқали операциялар ўтказишнинг харажатлар суммаси ҳисоб-китоблар шакллари ва шартларининг танловига боғлиқдир. Шу сабабли ташқи савдо бўйича ҳамкорлар музокаралар борасида тўлов шартларининг икир-чикирларини келишиб олади ва сўнгра ушбу шартларни шартномага киритиб расмийлаштиради. Шартномаларнинг валюта-молиявий ва тўлов шартлари тузилаётган пайтда экспортёр манфаатларини импортёр манфаатларига тескари эканлиги одатда кўзга ташланади. Бунда экспортёр валютанинг максимал суммасига ниҳоятда қисқа вақт ичида эга бўлишни хоҳлайди, импортёр эса аксинча иложи борича кам миқдордаги валютанинг ҳажмини тўлаш, товарлар олинишини тезлаштириш ҳамда мазкур товарлар тўла сотилгунга қадар тўлов муддатини иложи борича кечиктиришдан манфаатдордир. Битимларнинг валюта-молиявий ва тўлов шартларини танланиши мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамда сиёсий муносабатларнинг характери, контрагентлар кучларининг ўзаро нисбати, уларнинг ушбу соҳадаги малакаси ва мазкур товар билан савдонинг анъаналари ҳамда удумларига боғлиқдир. ҳукуматлараро келишувлар ҳисоб-китобларнинг умумий тамойилларини белгилайди, ташқи савдо шартномаларида эса ушбу ҳисоб-китоблар амалга оширилишининг батафсил шартлари кўрсатилади. Мазкур шартлар қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олади: баҳо валютаси; тўлов валютаси; тўлов шартлари; тўлов воситалари; ҳисоб-китоб шакллари ҳамда ушбу ҳисоб-китобларни амалга оширадиган банклар.

Баҳо валютаси ва тўлов валютаси. Баҳо валютаси ва тўлов валютаси танловига (баҳо даражаси, кредит бўйича фоиз ставкаси катта-кичиклигидан фарқли ўлароқ) маълум бир даражада битимнинг валюта самарадорлиги боғлиқдир. экспорт ва импорт шартнома баҳолари турличадир ҳамда улар ушбу шартномаларга киритиладиган, товарларни экспортёрдан импортёрга этиб берилиши билан боғлиқ (экспортёр мамлакат омборида сақланиши, портгача бўлган йўл ва портдаги сақланиш, чет элдаги йўл, хориждаги омбор ҳамда импортёрга товарларни етказиш харажатлари) қўшимча харажатларга боғлиқдир. Товарлар баҳоларини аниқлашнинг қуйидаги беш асосий тамойили мавжуд:

1.Шартномани тузаётган пайтда баҳолар қатъий белгиланади ҳамда ушбу шартнома ижроси мобайнида белгиланган баҳолар ўзгармайди. Ушбу услуб жаҳон бозорида баҳоларнинг пасайиши тенденцияси мавжуд бўлган пайтда қўлланилади.

2.Шартномага қўл қўйилаётган пайтда баҳони (товар етказилиш кунига бўлган у ёки бу товар бозорининг котировкалари асосида) белгилаш тамойили қайд этилади, баҳонинг ўзи эса битимнинг ижроси мобайнида белгиланади. Ушбу услуб одатда бозор баҳоларининг кўтарилиши тенденциясида қўлланилади.

3.Шартнома тузилаётган пайтда баҳо қат'ий белгиланади, аммо бозор баҳоси шартномадаги баҳога нисбатан айтайлик 5%дан ортиқроқ ҳажмга ўзгарса, у ўзгариши мумкин.

4.Харажатларни ташкил этувчи элементлар ҳажмини ўзгаришига боғлиқ бўлган сирпанувчан баҳо. Масалан, жиҳоз (асбоб-ускуна)лар етказиб берилишига буюртма берилганда, юқори конъюнктура шароитларида буюртмачи манфаатларида чекловлар киритилади (баҳо ўзгаришининг умумий чегараси ёки баҳо "сирпаниши"ни харажатларнинг бир қисмига ва қисқа муддатга тарҳалишини).

5.Аралаш шакли: баҳонинг бир қисми қат'ий белгиланади, бир қисми эса сирпанувчан шаклда ўрнатилади.

Баҳо валютаси бу, товарга бўлган баҳо ифодаланадиган валютадир. Товарнинг баҳоси қат'ий белгиланадиган валютани танлашда товарнинг тури ва юқорида айтиб ўтилган халқаро ҳисоб-китобларга таъсир этувчи омиллар, айниқса ҳукуматлараро келишувларнинг шартлари ҳамда Халқаро удумлар катта аҳамият касб этади. Баъзида шартноманинг баҳоси, валюта хавф-хатарларини суғурталаш мақсадида бир нечта (икки ва ундан кўп) валютада ёки стандарт (СДР, ЭКЮ- 1999 йилда "Евро"га ўзгартирилган) валюта саватида кўрсатилади.

Тўлов валютаси бу, импортёр (ёки қарз олувчи) мажбуриятлари сўндирилиши керак бўлган валютадир. Валюта курсининг барқарорсизлиги шароитида баҳолар нисбатан барқарор бўлган валютада, тўлов эса одатда импортёр мамлакат валютасида белгиланади. Агарда баҳо валютаси ва тўлов валютаси ўзаро мувофиқ келмаса, унда шартномада бир валютани иккинчи валютага қайта ҳисобланиш курси ўзаро келишилади (ёки ХВФ СДР негизида қайд этиладиган паритети, ёки валюталарнинг бозор курси бўйича). Шартномада қайта ҳисобланиш шартлари белгиланади:

1)маълум бир турдаги тўлов воситасининг курси - траттасиз тўловлар юзасидан телеграф пул ўтказмаси ёки кредит билан боғлиқ ҳисоб-китоблар бўйича векселни;

2)маълум бир валюта бозорида (сотувчи, сотиб олувчи ёки учинчи тарафнинг) тузатиш ва мувофиқлаштиришлар вақти аниқлаб олинади (масалан, тўлов амалга оширилишидан бир кун аввал ёки тўлов куни);

3)қайта ҳисоблаш амалга ошириладиган курс келишиб олинади: одатда ўртача курс, баъзида валюта бозорини очилишига, ёпилишига бўлган сотувчи ёки сотиб олувчи курслари, ёки куннинг ўртача курси.

Тўлов шартлари ташқи иқтисодий битимларнинг муҳим элементиدير. Уларнинг ичида қуйидагилар фарқланади: нақдли тўловлар, кредит такдим этилиши билан ҳисоб-китоблар, нақдли тўлов бўйича опсионли кредит (танлов ҳуқуқи билан).

Халқаро ҳисоб-китоблардаги нақдли тўлов тушунчаси деганда экспорт товарлари сотиб олувчига етказиб берилганидан сўнг уларга пул тўланиши ёки товарлар шартнома шартларига мувофиқ етказиб берилганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжатларга қарши бўлган тўлов кўзда тутилади. Бироқ замонавий шароитларда товар импортёр мамлакатига кўп ҳолатларда тўлов амалга оширилиши лозим бўлган ҳужжатлардан аввал этиб келади ва сотиб олувчи товарларни уларга ҳақ тўланишидан аввал сақлаш (траст) тилхати, банк кафолати эвазига олиши мумкин. Шундай қилиб, товарлар сўнгги манзил портига етказиб берилганидан сўнг тўлов амалга оширилади, товарлар жўнатилганлиги тўғрисидаги огоҳномага қарши амалга ошириладиган тўловлар бундан мустасно. Контрагентлар келишувига ҳамда сотилаётган товарлар хусусиятларига боғлиқ бўлган ҳолда импортёр маълум бир босқичда тўловни амалга оширади: жўнатилиш портида товарларни юклаш ишлари тугаганлиги тасдиқини олгандан сўнг; товар ҳужжатларининг комплекти (счёт-фактура, коносамент, суғурта полиси ва бошқалар)га қарши; баъзида тўловни 5-7 кунга, нефт етказиб бериш бўйича эса 30 кунга кечиктириш билан; сўнгги манзил бўлган портда импортёр томонидан товарни қабул қилиб олиниб бўлгандан сўнг. Товарнинг турига боғлиқ бўлган ҳолда баъзи ҳолатларда ҳисоб-китобларнинг аралаш шартларидан фойдаланилади: қисман ҳисоб-китоб- товар ҳужжатлари топширилганидан сўнг амалга ошадиган тўлов; якуний ҳисоб-китоб- товарлар қабул қилиб олинганидан сўнг (товарлар сўнгги манзил портига этиб келганидан сўнг сотиб олувчи томонидан қабул қилиб олинади ва уларнинг сифат характеристикалари текширилади,

чунки транспортировка даврида уларнинг сифати бузилган бўлиши мумкин).

Халқаро тўловлар валюталар ўзаро алмашуви ҳамда ташқи савдо иштирокчилари томонидан бир-бирига кредитлар тақдим этиш жараёнлари билан чамбарчас боғланиб кетади. Халқаро валюта-кредит ва ҳисоб-китоб операцияларининг ўзаро боғлиқлиги ушбуда ўз ифодасини топади. Сотилаётган товарнинг турига (масалан, машиналар ва жиҳозлар) ҳамда сотувчилар бозорида рақобатнинг кучайиши ва янги маҳсулот истеъмол бозорларини кенгайтириш мақсадида уларнинг кредитдан фойдаланишга қаратилган интилишларига қараб ташқи савдо операциялари бўйича ҳисоб-китоблар тижорат кредитидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Тижорат кредити товар сотувчиси томонидан сотиб олувчига бир неча ойдан 5-8 йилгача, алоҳида ҳолатларда эса бундан ҳам катта муддатларга тақдим этилади. Ташқи савдо операцияларида импортёр тижорат кредити эвазига уни сўндиришга қаратилган, оддий вексел шаклидаги қарз мажбуриятини ёзиб беради ёки экспортёр томонидан берилган ўтказиладиган векселлар-тратталарда тўловни амалга оширишга ёзма тарздаги розилик (акцепт) беради.

Товар қийматининг маълум бир қисмига тижорат ҳужжатлари тақдим этилганидан сўнг, қолган қисмига эса шартномада белгиланган даврдан сўнг ҳақ тўланганда тижорат кредити шаклидаги товарлар учун ҳисоб-китоблар нақдли тўловлар билан биргаликда амалга оширилиши мумкин. Ташқи савдо шартномаи ижросининг маълум бир босқичида шартномадаги тарафлар, тижорат кредитидан ташқари, бир-бирларини мажбуран кредитлашлари мумкин. Масалан, бўнак шаклидаги тўловларда импортёр экспортёрни, очиқ ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китобларда эса сотувчи сотиб олувчини кредитлайди.

Ҳисоб-китоблар шартларининг муқобил шакли нақдли тўловнинг опсионли кредитидир. Агарда импортёр сотиб олинган товар учун тўловни

кечиктириш ҳуқуқидан фойдаланса, унда у нақдли тўловда тақдим этиладиган дисконт (скидка)дан маҳрум бўлади. Ҳисоб-китоблар халқаро муомалада ишлатиладиган турли хил тўлов воситалари, яъни векселлар, тўлов топшириқномалари, банк ўтказмалари (почта ва телеграф), чеклар, пластик карточкалари ёрдамида амалга оширилади. Хорижий инструментлар (Фореигнitemс, ингл.) - бошқа мамлакатда депонентга олинган ҳамда ушбу мамлакатда тўланиши лозим бўлган чеклар, векселлар (оддий ва ўтказиладиган) ва муомаланинг бошқа кредит воситалари. Шартнома тўлов шартларининг энг мураккаб қисми бўлиб ҳисоб-китоб турини танлаш ҳамда ушбу ҳисоб-китобларни амалга ошириш икки-чикирларини шакллантириб изоҳлаш ҳисобланади. Контрагентларнинг бир-бирига қарама-қарши бўлган манфаатларини халқаро иқтисодий муносабатларда ўзаро боғлаш ва уларнинг тўлов муносабатларини ташкил этиш ҳисоб-китобларнинг турли шаклларида фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Халқаро ҳисоб-китоб шакллари

Шаклланган амалиётга мувофиқ замонавий шароитда халқаро ҳисоб-китобларнинг қуйидаги шакллари қўлланилади: ҳужжатли (документар) аккредитив, инкассо, банк пул ўтказмаси, очиқ ҳисобварақ, бўнак. Бундан ташқари векселлар ва чеклардан фойдаланилган ҳолда ҳисоб-китоблар амалга оширилади. ҳисоб-китобларнинг алоҳида турлари бўйича банкларнинг кафолат бериш билан боғлиқ операциялари халқаро ҳисоб-китоблар билан боғлиқдир (масалан, инкассо, бўнак, очиқ ҳисобварақ). Ушбу кафолатлар ташқи савдо иштирокчилари томонидан шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлар бажарилишининг қўшимча таъминоти бўлиб ҳисобланади. Халқаро ҳисоб-китобларнинг тарихан қуйидаги хусусиятлари шаклланган:

1. Импортёр ва экспортёрлар ҳамда уларнинг банклари ташқи савдо шартномаи шартларидан ташқарида бўлган расмийлаштириш, жўнатиш,

товардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар ва тўлов ҳужжатларини қайта ишлаш, тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ маълум бир муносабатларга кирадилар. Уларнинг ўртасидаги мажбуриятлар ҳажми ва жавобгарлик тақсимоти ҳисоб-китобнинг аниқ бир шаклига боғлиқдир.

2. Халқаро ҳисоб-китоблар меъжорий миллий ҳуқуқий далолатномалар ҳамда Халқаро банк қоидалари ва удумлари билан мувофиқлаштирилади. АҚШдаги бирхиллаштирилган савдо Кодекси ҳисоб-китобларга, шу жумладан халқаро ҳисоб-китобларга алоқадор меъёрларни ўз ичига олган.

3. Халқаро ҳисоб-китоблар соддалаштириш объектидир, бу ҳужжалик алоқаларининг байналмилаллашуви ҳамда банк операцияларининг универсаллашуви билан асослангандир. 1930 ва 1931 йилларда Женевада бўлиб ўтган конференцияларда вексел ва чек муомалалари борасидаги қонунчиликни соддалаштиришга ҳамда улардан халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиш мураккабликларини бартараф этишга қаратилган Халқаро "Вексел" ва "Чек" конвенциялари қабул қилинган. Вексел бўйича бирхиллаштирилган қонун кўпчилиги мамлакатларда ушбу борадаги миллий қонунчиликнинг замини бўлиб хизмат қилади. Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТнинг Комиссияси вексел қонунчилигининг янада соддалаштирилишини амалга оширади. XX асрнинг бошида Парижда ташкил этилган Халқаро савдо палатаси документар аккредитивлар ва инкассо учун соддалаштирилган қоидалар ҳамда удумларни ишлаб чиқади ва чоп этади. Масалан, инкассо бўйича дастлабки қоидалар 1936 йилда ишлаб чиқилган ҳамда 1967, 1978, 1995 йилларда қайта ишланган эди (1996 йилнинг январ ойидан бошлаб кучга кирган). Дунё банкларининг кўпчилиги аккредитив ва инкассо бўйича мазкур соддалаштирилган қоидаларга қўшилиши тўғрисида эълон қилдилар. Халқаро савдо палатаси

шартнома кафолатлари бўйича қоидаларини ишлаб чиқди ҳамда тўлов кафолатлари юзасидан қоидаларни тайёрлаш юзасидан иш олиб бормоқда.

4. Халқаро ҳисоб-китоблар одатда документар характерга эга, яъни молиявий ва тижорат ҳужжатлари мавжуд бўлгандагина ижро этилади. Молиявий ҳужжатларга оддий ва ўтказиладиган векселлар, чеклар, тўлов тилхатлари киради. Тижорат ҳужжатлари таркибига эса: а)счёт-фактуралар; б)маҳсулот жўнатилганлиги ёки уни юклашга қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (коносаментлар, темир йўл, автомобиль ва авиация юк ҳатлари, почта квитанциялари, аралаш юк ташишларга бўлган комбинациялашган транспорт ҳужжатлари); в)денгиз (дарё, океан) орқали юк ташишларни суғурталовчи суғурта компаниялари ёки улар агентларининг суғурта ҳужжатлари, чунки экспортга мўлжалланган юклар одатда суғурта қилинади; г)бошқа ҳужжатлар - товарлар келиб чиқиши, оғирлиги, сифати ёки товарлар текширилганлиги ҳамда улар чегарани босиб ўтганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи сертификатлар, фирибгарлик ва бошқа шу каби қонунбузарликларни олдини олиш мақсадида импортёр мамлакат божхона хизматларини юкнинг мақсади ҳақида хабардор этиш учун божхона ҳамда консуллик счёт-фактуралари киради. Банк юқорида зикр этилган ҳужжатларнинг мазмуни ва тахламининг бутлигини текширади. Шу билан биргаликда бир қатор ташкилотлар (Халқаро савдо палатаси, Париж, СВИФТ ва бошқалар) томонидан электрон шартномалари, электрон молиявий инструментлар ва ҳисоб-китоблар (шу жумладан аккредитивлар), электрон транспорт ҳужжатлари тушунчаларини ўз ичига олган электрон "қоғозсиз" савдо технологияси концепсияси ишлаб чиқилмоқда.

5. Халқаро тўловлар турли валюталарда амалга оширилади. Шу сабабли улар валюта операциялари, валюталар олди-сотдиси билан яқиндан боғлиқдир. Уларни амалга оширилиш самарадорлигига валюта курсларининг динамикаси таъсир этади.

6. Халқаро савдо палатаси томонидан чоп этилган кафолатлар - (деманд гуарантеес)нинг Соддалаштирилган қоидалари қўлланилади. Мазкур ҳужжатнинг матни тузилаётган кафолат матнига киритилиши зарур бўлган асосий қоидаларни ўз ичига олган, улар қуйидагилар:

1) агарда кафолат берувчига мукофот тўланмаган бўлса кафолатни талаб қилиб олиб бўлмайди;

2) битим тўғрисида батафсил маълумот;

3) эътирозни тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар (одатда бенефициар банки томонидан текширилади);

4) кафолат муддати тугагани кўрсатувчи сана ва бенефициар томонидан ҳужжатларни кафолат берувчи банкка тақдим этиш санасини қайд этилиши;

5) ҳаракат муддати тугаганидан сўнг кафолат қайтарилган бўлиши лозим, чунки энди у ҳеч қандай кучга эга эмас.

Халқаро ҳисоб-китоблар турининг танловига қуйидаги омиллар таъсир этади:

а) ташқи савдо битимининг объекти бўлмиш товарнинг тури (ҳисоб-китоб турлари машина ва жиҳозлар ёки озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилишида бир-биридан фарқланади). Айрим товарларни – ёғоч, ҳалла етказиб берилишида амалиёт томонидан яратилган анъанавий шакллар қўлланилади;

б) кредит битимининг мавжудлиги;

в) контрагентларнинг ўзаро келиша олиш характерини белгиловчи ташқи иқтисодий битимлар бўйича тўлов лаёқатлилиги ва нуфузи;

г) жаҳон бозорларида ушбу товар турига бўлган талаб ва таклифнинг даражаси.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг шартлари ва шакллари шартномада ўзаро келишилади.

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли. Документар аккредитивлар учун мўлжалланган Соддалаштирилган қоидалар ва удумларга мувофиқ аккредитив бу келишувдир ҳамда ушбу келишувга мувофиқ банк мижознинг илтимосига кўра ҳужжатларга мувофиқ учинчи шахс (фойдасига аккредитив очилган бенефициарга) фойдасига тўловни амалга ошириш ёки тўловни, бенефициар томонидан қўйилган тратта акцептини, ёки ҳужжатлар негосиациясини (сотиб олинишини) амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Аккредитив бўйича банкнинг мажбурияти мустақил ҳисобланиб, томонларнинг тижорат шартномаи бўйича ҳуқуқий муносабатларига боғлиқ эмас. Ушбу қоида банклар ва уларнинг мижозлари манфаатларини ҳимоялашга қаратилгандир: экспортёрга ҳужжатлар расмийлаштирилишидаги талаблар чекловини ва тўловни фақат аккредитив шартлари асосида олинишини; импортёрга эса экспортёр томонидан аккредитивнинг барча шартларини аниқ бажарилишини таъминлайди.

Документар аккредитивлар бўйича ҳисоб-китобларда қуйидаги тарафлар иштирок этади:

-импортёр (буйруқ берувчи), у аккредитив очиш тўғрисида банкка мурожаат этади;

-аккредитивни очувчи эмитент-банк;

-авизо қилувчи банк, ушбу банкка экспортёрга унинг фойдасига аккредитив очилганлиги тўғрисида хабар бериш ва аккредитив матнини, унинг ҳаққонийлигини тасдиқлаган ҳолда топшириш топшириқи берилади;

-фойдасига аккредитив очилган бенефициар-экспортёр.

Ҳисоб-китобларнинг инкассо шакли. Инкассо бу, мижознинг топширигъига асосан банк томонидан импортёрдан унга жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловнинг олиниши ҳамда ушбу маблағларни экспортёрнинг банкдаги ҳисобварагъига олган ҳолдаги банк

операциясидир. Инкассо операциялари инкассо бўйича Соддалаштирилган қоидаларга мувофиқ равишда экспортёрдан олинган йўриқномаларга асосан банклар томонидан амалга оширилади. Инкассо ҳисоб-китоб шаклида қуйидаги тарафлар иштирок этади:

1) ишониб топшираётган шахс - мижоз, ўз банкига инкассо операциясини амалга оширишга топшириқ берувчи шахс;

2) инкассо қилиш бўйича операция ўтказишни ишониб ремитент-банкка топшириқ беруви шахс;

3) валюта маблағларини олувчи ҳамда инкассо қилиш бўйича операцияни амалга оширувчи банк;

4) тўловчи бўлмиш импортёрга ҳужжатларни тақдим этиб, экспортёр номидан чикувчи банк;

5) тўловни тўловчи.

Банкнинг пул ўтказмаси. У пул ўтказмасини олувчи шахсга маълум бир суммани тўлашдан иборат бўлган бир банкнинг бошқа бир банкка топшириқидан иборатдир. Банклар халқаро ҳисоб-китобларнинг кўпгина ҳолатларида ўз мижозларининг топшириқлари асосида пул ўтказмаларини амалга оширадилар. Ушбу операцияларда қуйидагилар иштирок этади: пул ўтказмасини ўтказувчи қарздор-шахс; ўтказма тўғрисидаги топшириқни қабул қилган ўтказувчи шахснинг банки; ўтказма олувчининг ҳисоб рақамига ўтказма суммасини олувчи банк; ўтказмани олувчи шахс.

Банк ўтказмаси шакли асосида инкассога ҳақ тўлаш, якуний ҳисоб-китоблар бўйича тўловлар ҳамда бўнак тўловлари амалга оширилади. Бундан ташқари ўтказма воситачилигида қайта ҳисоблашлар ва бошқа операциялар бажарилади.

Банк ўтказмаси почта ёки телеграф орқали, тегишли почта ёки телеграф тўлов топшириқномалари билан замонавий шароитда эса СВИФТ тизими орқали амалга оширилади.

Банк ўтказмалари бошқа тўлов шакллари билан бир қаторда ишлатилиши мумкин (масалан, инкассо ҳамда кафолатлар билан). экспортёр ўтказмаларни банк кафолати билан бир қаторда ишлатишни афзал кўради. Чунки импортёр томонидан товарлар учун ҳақ тўланмаган тақдирда мазкур банк ўзининг кафолати эвазига экспортёрга ҳақ тўлаб беради. Сотиб олинган товарларга пул ўтказмасини амалга оширишда импортёр кўп ҳолатларда банк кредитидан фойдаланади. Мазкур кредитнинг муддати аккредитив ҳолатидаги кредит муддатидан қисқароқдир.

Банк пул ўтказмасининг иқтисодий мазмуни товар ёки хизматларга улар етказиб берилмасдан туриб (бўнак тўловлари) ёки уларни импортёр томонидан олинганидан сўнг (очик ҳисобварақ шаклидаги ҳисоб-китоблар) пул тўланаётганлигига боғлиқ бўлади.

Бўнак шаклидаги ҳисоб-китоблар. Мазкур ҳисоб-китоблар экспортёр учун ниҳоятда самаралидир, чунки товарлар етказиб берилгунга қадар импортёр томонидан уларга ҳақ тўланади (баъзида товарлар ишлаб чиқарилгунга қадар). Агарда импортёр товарларга бўнак шаклида ҳақ тўласа, унда у экспортёрни кредитлаган бўлади. Масалан, шартнома қийматининг бир қисмига бўлган бўнак тўловлари хорижда объектлар қурилиши билан боғлиқ шартномалар шартларига киритилади. Қиймати юқори бўлган ҳамда алоҳида буюртма асосида ишлаб чиқарилган жиҳоз, сув кемалари, ҳаво кемаларининг импорти шароитида ҳам қисман амалга ошириладиган бўнак тўловлари қўлланилади. Халқаро амалиёт талабларига мувофиқ бўнак шаклидаги тўловлар шартнома суммасининг 10 фоизидан 33 фоизигачасини ташкил этади. Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ва товарлар етказилмаслиги ҳолатида экспортёр банки олинган бўнакни экспортёрнинг топшириқига асосан бўнак тўлови суммаси ҳажмида, импортёр фойдасига қайтариш тўғрисида кафолат беради. Бундан ташқари бир қатор товарларга бўнак билан ҳақ тўлаш

тартиби қабул қилинган. Ушбу товарларга қимматбаҳо металллар, ядро ёқилғиси, қурол-аслаҳа ва бошқа шу кабилар киради. Зикр этилган ҳисоб-китоб шартларига импортёрнинг розилиги унинг мазкур товарлар етказиб берилиши ёки манфаатлари кафолатларда мавжуд бўлган экспортёр тазйиқига боғлиқдир.

Очиқ ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китоблар. Уларнинг моҳияти товарлар олинганидан сўнг импортёрнинг экспортёрга бўлган мунтазам тўловларидадир. Жорий қарздорлик суммасининг ҳисоби савдо бўйича ҳамкорларнинг китобларида юритилади. Халқаро ҳисоб-китобларнинг ушбу шакли очик ҳисобварақ бўйича кредит билан боғлиқдир. Очик ҳисобварақ бўйича қарздорликни сўндириш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар тартиби контрагентлар ўртасида тузилган келишув шартлари билан белгиланади. Одатда белгиланган муддатлардаги мунтазам тўловлар кўзда тутилади (товар етказиб берилганидан сўнг ёки ойнинг бошида ёки охирида импортёр томонидан товарлар қайта сотиб бўлинганидан сўнг). Ҳисоб-китобларнинг солиштирма текшируви амалга оширилганидан сўнг очик ҳисобварақ бўйича қарздорликнинг якуний сўндирилиши банклар орқали, одатда банк ўтказмаси ёки чекидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Шу сабабли банк статистикаси очик ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китобларни кўп ҳолатларда банк ўтказмалари сифатида ҳисобга олади.

Векселлар ва чеклардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш. Халқаро ҳисоб-китобларда экспортёр томонидан импортёрга қарата чиқарилган ўтказиладиган векселлар ишлатилади. Тратта - бу, қонун билан белгиланган шаклда тузилган ҳамда ўзида кредитор (трассант)нинг қарз олувчи (трассат)га белгиланган муддатда маълум бир суммани векселда қайд этилган шахс (ремитент)га ёки тақдим этувчига тўлаш тўғрисидаги шарциз буйруғини мужассам этган ҳужжатдир. Вексел бўйича тўлов жавобгарлиги импортёр ёки банк сифатидаги акцептант зиммасидадир. Банклар томонидан акцептланган тратталарни

"ҳисобга олиш" операцияси орқали нақд пулга осон айлантириш мумкин. Тратталар чиқарилиши ва уларга ҳақ тўланишининг шакллари, реквизитлари ҳамда шартлари 1930 йилда Женева вексел конвенцияси томонидан қабул қилинган "Бирхиллаштирилган вексел қонуни"га асосланган вексел қонунчилиги билан мувофиқлаштирилади. XVI-XVII асрларда пайдо бўлган ва тақдим этувчи (одатда савдогар)га маҳаллий валютада маълум бир сумма тўлаш тўғрисидаги илтимосни ўзида мужассам этган йўлланма ҳатлар тратталарнинг дастлабки шакллари эди. Товар-пул муносабатларининг тараққий этиши ва хўжалик алоқаларининг глобаллашуви муносабати билан вексел универсал кредит ҳисоб-китоб ҳужжатига айланди. Траттадан инкассо ва аккредитивга кўшимча равишда фойдаланиш, кредит ҳамда валюта тушумини олиш ҳуқуқини беради.

Носавдо тоифадаги халқаро ҳисоб-китобларда тўлов воситаси сифатида йўл чеклари ва Еврочеклар ишлатилади. Йўл (сайёҳлик) чеки бу, унда кўрсатилган валюта суммасини чекнинг эгасига тўлаш (буйруқ) тўғрисидаги тўлов ҳужжатидир. Йўл чеклари йирик банклар томонидан миллий ва хорижий валюталарда ёзиб берилади. Чек эгасининг имзо намунаси чек устига унга чек сотилаётган пайтда қўйилади.

Еврочек еуровалютадаги чекдир. Ушбу чек, мижознинг олдиндан амалга оширилган нақдли тўловисиз ва нисбатан йирик суммаларда, бир ойгача муддатга бўлган кредити ҳисобига банк томонидан ёзиб берилади; "Еврочек" (1968 йилдан бошлаб) келишувининг иштирокчиси бўлмиш ҳар қандай давлатда унга ҳақ тўланади. Еврочекларнинг ягона (бир хилдаги) шакли, уларга ҳақ тўлаш эгалари томонидан кафолат карточкалари тақдим этилгандагина амалга ошиши, еврочекларни қайта ишлаш устидан ЭҲМ ёрдамида назорат қилиниши халқаро туризм бўйича ҳисоб-китобларнинг такомиллашишига кўмаклашади.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб халқаро ҳисоб-китобларда кредит карточкаларидан фаол фойдаланилмоқда. Кредит карточкаси эгасига товар

ва хизматларни нақдсиз ҳисоб-китоблардан фойдаланган ҳолда сотиб олиш ҳуқуқини берувчи номли пул ҳужжатидир. Халқаро ҳисоб-китобларда Америкада чиқарилган (Виза интернешнл, Мастеркард, Америкен экспресс ва бошқалар) кредит карточкалари кўп тарқалгандир. Ушбу кредит карточкаларини қайта ишлашда компьютер, электрон ва космик алоқа воситаларидан фойдаланилади. Банк ва дўконларнинг компьютерлари телефон орқали ахборотларни қайта ишловчи тизимнинг марказлаштирилган компьютерларига уланади. 1999 йилдан бошлаб Еврога ўтилиши муносабати билан Маэстро, Эуросард-Мастер Сард (Еврочеклар, кредит карточкалари) логотипларига эга Эуропай Интернационал ассосиацияларининг кўп валютали инструментлардан фойдаланган ҳолдаги ҳисоб-китоблари умум Европа валютасига ўтказилди. Мижоз ҳисобварағининг қолдиқи бўйича бериладиган маълумотномада сотиб олишнинг Евродаги суммаси ҳамда банк ҳисобварақ валютасидаги эквивалент кўрсатилади. Ушбу ҳолат турли мамлакатлардаги товар баҳоларини таққослаш, банк ҳисобварақларини Еврога айлантириш, Европа валютасидан фойдаланиш тажрибасига эга бўлиш имконини беради. Интернет тизимига Евродаги тўлов маҳсуллари ва хизматлар тўғрисидаги маълумот киритилган.

Валюта клиринглари

Халқаро ҳисоб-китоблар жараёнига давлатнинг аралашуви валюта клирингларида мунтазам равишда фойдаланилишида ўз ифодасини топмоқда. Валюта клиринги икки ва бундан зиёд давлатлар ҳукуматларининг халқаро талаб ҳамда мажбуриятлар бўйича ўзаро мажбурий ҳисоб-китоб (зачёт) тўғрисидаги келишувидир. Валюта клиринги банклараро ички клирингдан фарқ қилади. Биринчидан, банклараро ички клиринг бўйича зачётлар ихтиёрий асосда, валюта клиринги бўйича эса мажбурий тарзда амалга ошади (мамлакатлар ўртасида клиринг бўйича келишув мавжуд бўлса, импортёр ва

экспортёрлар клиринг юзасидан ҳисоб-китоблардан бўйин товлашга ҳақи йўқ). Иккинчидан, ички клиринг бўйича заҳёт қолдиқи шу заҳоти пулга айлантрилади, валюта клирингида эса салъдони сўндириш бўйича муаммо пайдо бўлади.

8.6. Халқаро кредит муносабатлари

Халқаро кредит халқаро иқтисодий муносабатлар жараёнида валюта ва товар ресурсларини қайтаришлик, муддатлилик ҳамда фоиз тўлаш шартлари асосида тақдим этилиши билан боғлиқ ссуда капиталининг ҳаракатидир. Кредиторлар ва қарз олувчилар сифатида хусусий корхона (банк, фирма)лар, давлат ташкилотлари, ҳукуматлар, халқаро ҳамда ҳудудий валюта-кредит ва молиявий ташкилотлар майдонга чиқади.

Халқаро кредит капиталистик ишлаб чиқариш усулининг дастлабки босқичларида вужудга келган ва капитални дастлабки жамғаришнинг ричагларида бири эди. Ишлаб чиқаришнинг миллий чегаралардан ташқарига чиқиши, хўжалик алоқалари байналмилаллашувининг кучайиши, капиталнинг халқаро жиҳатдан ижтимоийлашуви, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви ҳамда илмий-техник инқилоб унинг ривожланишини объектив асоси бўлди.

Халқаро кредитнинг манбалари бўлиб: корхоналардаги маблағларнинг даврий айланиши жараёнида вақтинча бўш бўлиб қоладиган пул шаклидаги капиталнинг бир қисми; банклар томонидан йигъиб, жамланадиган давлат ва хусусий секторнинг пул жамғармалари ҳисобланади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг айрим жойларида халқаро кредитга объектив зарурат туғилади. Ушбу зарурат: 1) маблағларнинг хўжаликдаги доиравий айланиши билан боғлиқ; 2) маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишнинг хусусиятлари билан боғлиқ; 3) ташқи иқтисодий битимларнинг ҳажми ва муддатларидаги фарқлар билан боғлиқ;

4) ишлаб чиқаришни кенгайтиришга мўлжалланган йирик капитал қўйилмаларини амалга оширилиш зарурати билан боғлиқ.

Халқаро кредитнинг тамойиллари. Халқаро кредитнинг такрор ишлаб чиқариш билан алоқаси унинг тамойилларида акс этади:

1) қайтаришлилиги; агарда олинган маблағлар қайтарилмаётган бўлса, унда ушбу ҳолат капитални қайтармаслик шарти билан берилишига, яъни молиялаштиришга алоқадордир;

2) муддатлилиқ; кредит келишувида белгиланган муддатларда кредит қайтарилишини таъминлайди;

3) тўловлилиқ; қиймат қонуни ҳаракатини акс эттирган ҳолда кредитнинг ҳар бир ҳолатидаги алоҳида шартларни амалга ошириш усулидир;

4) моддий таъминланганлиги; кредит сўндирилишининг кафолатида ўз аксини топади;

5) мақсадли йўналиши; ссуданинг аниқ бир объектларини белгиланиши.

Халқаро кредитнинг тамойиллари унинг бозор иқтисодий қонунлари билан алоқаларини ифодалайди ва бозор субъектлари ҳамда давлатнинг жорий ҳамда стратегик вазифаларига эришиш мақсадида ишлатилади.

Халқаро кредитнинг функциялари. Халқаро кредит ссуда капиталининг ташқи иқтисодий алоқалар жараёнидаги ҳаракат хусусиятини акс эттирувчи қуйидаги функцияларни бажаради:

1) Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш учун ссуда капиталларининг мамлакатлараро қайта тақсимооти. Ссуда капитали халқаро кредит механизми орқали фойдаларни таъминлаш мақсадида иқтисодий агентлар афзал кўрган жараёнларга йўналтирилади. Ушбу билан кредит миллий фойдани ўртача фойда даражасида бирхиллаштирилишига ҳамда унинг массасини ошишига кўмаклашади;

2) Халқаро ҳисоб-китоблар жараёнида ҳақиқий пулларни (олтин ва кумуш) кредит пулларга алмаштирилиши ҳамда нақдсиз тўловларнинг ривожланиши ва тезлаштирилиши, нақдли валюта муомаласини халқаро кредит операциялари билан алмаштирилиши орқали муомала харажатларининг тежалиши. Халқаро кредит заминида халқаро ҳисоб-китобларнинг векселлар, чеклар ҳамда банк пул ўтказмалари, депозит сертификатлари ва бошқа шу сингари кредит воситалари пайдо бўлди. Халқаро иқтисодий муносабатлар жараёнида ссуда капитали муомала даврининг тежалиши ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ва фойда ўсимини таъминлаган ҳолда капиталнинг унумли муомала даврини оширади;

3) Капитал тўплануви ва марказлашувининг тезлашиши. Хорижий кредитлар жалб этилиши эвазига қўшимча қийматнинг капитализация жараёни тезлашади, индивидуал жамғариш чегаралари кенгайди, бир мамлакат тадбиркорларининг капиталлари уларга бошқа мамлакатлар маблағларининг қўшилиши ҳисобига кўпаяди. Халқаро кредит азалдан индивидуал корхоналарни акциядорлик жамиятларига айланиши, янги фирмалар, монополиялар барпо этилишининг омили сифатида майдонга чиқади. Кредит бошқа мамлакатларнинг капитали, мулки ва меҳнатидан маълум бир чегараларда фойдаланиш имкониятини беради. Йирик компанияларга тақдим этиладиган имтиёзли халқаро кредитлар ва майда ҳамда ўрта ҳажмдаги фирмаларни жаҳон ссуда капиталлари бозорига чиқишининг қийинлиги капитал тўплануви ва марказлашувининг кучайишига кўмаклашади.

Миллий ва жаҳон хўжалигининг ривожланиши билан халқаро кредит функцияларининг аҳамияти бир хилда бўлмай, ўзгарувчанлик хусусиятига эгадир. Замонавий шароитларда халқаро кредит иқтисодиётни мувофиқлаштириш функциясини бажаради ҳамда бир вақтнинг ўзида ўзи ҳам мувофиқлаштирилиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Халқаро кредитнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги роли. Халқаро кредит ўзаро боғлиқ функцияларни бажариш орқали икки ёқлама, яъни ижобий ва салбий рол ўйнайди.

Халқаро кредитнинг ижобий роли такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминланиши ҳамда унинг кенгайиши орқали ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг тезлашишида ўз аксини топади. Ушбуда уларнинг ўзаро алоқаси акс этади. Халқаро кредит ташқи иқтисодий алоқаларга ва пировард оқибатда такрор ишлаб чиқаришга таъсир этувчи боғловчи бўғин ҳамда узаткич механизми ролини ўйнайди. Ишлаб чиқариш ўсишининг маҳсули бўлгани ҳолда халқаро кредит бир вақтнинг ўзида унинг зарурий шарти ва катализатори бўлиб ҳам ҳисобланади. У ишлаб чиқариш ва муомала жараёнларининг байналмилаллашуви, жаҳон бозорининг шаклланиши ҳамда ривожланишига кўмаклашади ва халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлаштиради. Халқаро кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини қуйидаги йўналишлар бўйича тезлашишига кўмаклашади:

Мамлакатларнинг кредит сиёсати жаҳон бозорларида кредитор мамлакат мавқеларини мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Биринчидан, халқаро кредит кредитор мамлакатлар мавқеларини ўстирган ҳолда олинган фойдаларни қарздор мамлакатлардан ўтказиш учун ишлатилади. Шу билан биргаликда ссудаларни фоизлар билан қайтимининг жамият соф даромадининг маълум бир ҳажмидан ошган йиллик тўловлари қарздор мамлакатларда мазкур жамғармаларнинг шаклланиш манбаларига салбий таъсир этади.

Иккинчидан, халқаро кредит қарздор мамлакатларда кредитор мамлакатлар учун қулай бўлган иқтисодий ва сиёсий режимларнинг яратилиши ҳамда мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Ишлаб чиқариш ва алмашувнинг байналмилаллашуви, жаҳон хўжалик алоқалари янги шакллариининг пайдо бўлиши халқаро кредитнинг турли шакллари ривожланишига объектив асос бўлиб хизмат қилади.

Халқаро кредитнинг шакллари. Халқаро кредитнинг турли шакллариини кредит муносабатларининг айрим томонларини характерловчи бир нечта муҳим омилларига кўра умумий асосда қуйидагича таснифлаш мумкин:

- манбаларга кўра ташқи савдони кредитлаш ҳамда молиялаштиришнинг ички, хорижий ва аралаш турлари фарқланади. Улар ўзаро яқиндан боғлиқдир ҳамда экспортёрдан импортёргача бўлган товар ҳаракатининг барча босқичларига хизмат кўрсатади. Товар сотув жараёнига қанчалик яқин бўлса, одатда халқаро кредитнинг шартлари қарз олувчига шунчалик ёқимли бўлади;

- белгиланишига кўра ташқи иқтисодий битимнинг қайси бири қарз маблағлари ҳисобига қопланишига боғлиқ ҳолда қуйидагилар фарқланади:

1) ташқи савдо ва хизматлар билан бевосита боғлиқ тижорат кредитлари;

2) ҳар қандай бошқа мақсадларга, шу жумладан тўғридан-тўғри амалга ошириладиган капитал қўйилмаларга, инвестицион объектлар қурилишига, қимматли қоғозлар сотиб олишга, ташқи қарзни сўндиришга, валюта интервенсиясига ишлатиладиган молиявий кредитлар;

3) капитал, товарлар ва хизматларни четга олиб чиқилишининг аралаш шаклларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган "оралиқ" кредитлар. Масалан, пудрат ишлари (инжиниринг)ни амалга ошириш шаклида;

- турларига кўра кредитлар экспортёрлар томонидан ўз сотиб олувчиларига товар шаклида ва банклар томонидан пул шаклида тақдим этиладиган валюта турларига бўлинади. Айрим ҳолатларда валюта кредити жиҳозлар етказиб бериш бўйича тижорат битими шартларидан бири бўлиб

ҳисобланади ва импорт жиҳозлар заминида объект қурилиши юзасидан маҳаллий харажатларни кредитлаш учун ишлатилади;

- қарз валютасига кўра қарздор мамлакат ёки кредитор-мамлакат валютасида, учинчи мамлакат валютасида ҳамда СДР валюта саватига асосланган халқаро ҳисоб валютасида тақдим этиладиган халқаро кредитларга фарқланади;

- муддатларига кўра халқаро кредитлар: қисқа муддатли - 1 йилгача, айрим ҳолатларда 18 ойгача (ўта қисқа муддатли - 3 ойгача, бир суткалик ва бир ҳафталик), ўрта муддатли - 1 йилдан 5 йилгача, узоқ муддатли - 5 йилдан зиёд муддатларга бериладиган кредит турларига бўлинади. Баъзи мамлакатларда 7 йилгача муддатга берилган кредитлар ўрта муддатли, 7 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлар эса узоқ муддатли бўлиб ҳисобланади. Қисқа муддатли кредит одатда тадбиркорларни айланма капитал билан таъминлайди ва носавдо, суғурта ҳамда чайқов битимларига хизмат кўрсатган ҳолда ташқи савдо ва халқаро тўловлар муомаласида қўлланилади. Узоқ муддатли халқаро кредит одатда асосий ишлаб чиқариш воситаларига инвестиция қилиш учун мўлжалланган бўлиб, машиналар ва бутловчи жиҳозлар экспортининг 85 фоизи ҳажмига ҳамда ташқи иқтисодий муносабатларнинг янги шакллари (йирик кўламдаги лойиҳалар, илмий текшириш ишлари, янги техника жорий этилиши)га хизмат кўрсатади. Агарда қисқа муддатли кредитнинг муддати узайтирилса, унда у ўрта муддатли, айрим ҳолатларда эса узоқ муддатли кредитга айланади. Қисқа муддатли кредитларнинг ўрта ва узоқ муддатли кредитларга айланиши жараёнларида давлат кафил сифатида фаол иштирок этади;

- таъминланганлик тамойилига кўра таъминланган ва бланкали кредитларга фарқланади. Кредитнинг таъминоти бўлиб одатда товарлар, товарга эгалик ҳуқуқини берувчи ва бошқа тижорат ҳужжатлари, қимматли қоғозлар, векселлар, кўчмас мулк ҳамда қимматликлар хизмат

қилади. Кредит олиш учун товар гарови 3 шаклда амалга оширилади: қат'ий гаров (товарларнинг маълум бир массаси банк фойдасига гаров қилинади); муомаладаги товар гарови (маълум бир суммадаги, тегишли ассортиментдаги товарнинг қолдиқи ҳисобга олинади); қайта ишловдаги товар гарови (мазкур маҳсулотларни банкка гаровга берган ҳолда гаровга олинган товардан маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин).

Кредитор сотилишнинг юқори имкониятларига эга бўлган товарларни гаровга олишни афзал кўради ва таъминот ҳажмини белгилашда товар бозори конъюнктурасини ҳисобга олади. Баъзи ҳолатларда кредитнинг таъминоти сифатида ўртача бозор баҳоларида ҳисобга олинган давлат расмий олтин захираларининг бир қисми ишлатилади (1963 йилда Финляндияда, 1970 йилларнинг ўрталарида Италия, Уругвай, Португалияда).

Ривожланиб бораётган давлатлар (айниқса 1980 йилларнинг бошларида) ўзларининг ташқи қарзларини сўндириш мақсадида олинган хорижий кредитларнинг гарови сифатида олтинни депонентга олишни кенг қўллай бошладилар. Бироқ олтиннинг гарови устидан ссудалар шакли кўпчилик халқаро кредитлар учун хос бўлган "салбий гаров шартлашуви" туфайли кенг тарқалмади. Ушбу шартлашувнинг моҳияти қуйидагичадир: агар қарз олувчи бошқа кредитлар бўйича қўшимча таъминотни тақдим эца, унда кредитор мазкур ссуда юзасидан ҳам қўшимча таъминотни талаб қилиши мумкин. Бундан чиқди, агар мамлакат олтин гарови устидан кредит олган бўлса, унда аввал олинган кредитларни ҳам олтин билан таъминлашни ушбу мамлакатдан талаб этишлари мумкин. Шу сабабли айрим мамлакатлар олтинни сотишни афзал кўрадилар. Гаров кредит келишуви бўйича мажбуриятнинг таъминот усули бўлганлиги сабабли қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳолатида кредитор гаров қийматидан компенсация олиш ҳуқуқига эга.

Бланкали кредит қарздорнинг ушбу қарзни маълум бир муддатда сўндириш мажбурияти устидан берилади. Ушбу кредит бўйича ҳужжат бўлиб одатда қарз олувчининг ягона имзосига эга бўлган соло-вексел хизмат қилади. Бланкали кредитнинг турлари бўлиб контокоррент ва овердрафт ҳисобланади.

Тақдим этилиши нуқтаи назаридан қарз олувчи ҳисобварағига, унинг ихтиёрига олинадиган молиявий (нақдли) кредитлар; импортёр ёки банк томонидан траттанинг акцепти шаклидаги акцептли кредитлар; депозит сертификатлари; облигация заёмлари, консорциал кредитлар ва бошқа шу кабилар фарқланади. Кредитор сифатида майдонга ким чиқишига қараб, кредитлар: 1) фирмалар, банклар, айрим ҳолатларда воситачилар (брокерлар) томонидан тақдим этиладиган хусусий кредитларга; 2) ҳукумат кредитларига; 3) хусусий корхоналар ва давлат иштирок этадиган аралаш кредитларга; 4) халқаро ва ҳудудий валюта-кредит ҳамда молиявий ташкилотларнинг давлатлараро кредитларига бўлинади.

Фирма (тижорат) кредити бу, одатда бир мамлакат фирмаси ёки экспортёри томонидан бошқа мамлакат импортёрига тўловни кечиктириш шаклида тақдим этиладиган ссудадир. Ташқи савдодаги тижорат кредити товар операциялари бўйича ҳисоб-китоблар билан ҳамроҳликда амалга оширилади. Фирма кредитларининг муддатлари турличадир (одатда 2-7 йилгача) ва жаҳон бозорларидаги конъюнктура шартлари, товарлар турлари ва бошқа омиллар билан белгиланади. Машина ва мураккаб жиҳозлар экспортининг кенгайиши билан мазкур кредитлар муддатларининг узайиши янгилик бўлди. Фирма кредити одатда вексел билан расмийлаштирилади ёки очиқ ҳисобварақ бўйича тақдим этилади.

Векселли кредит, экспортёр товарларни сотиш тўғрисидаги шартномани тузганидан сўнг ўтказиладиган вексел (тратта)ни импортёрга қарата чиқарилишини кўзда тутди. Ўз навбатида импортёр тижорат қоғозларини олганидан сўнг мазкур векселни акцептлайди, яъни ушбу

векселда кўрсатилган муддатларда тўловни амалга оширишга розилик беради.

Очиқ ҳисобварақ бўйича кредит экспортёр ва импортёр ўртасидаги келишув йўли орқали тақдим этилади. Мазкур келишувга асосан товарларни етказиб берувчи сотилган ва етказиб берилган товарлар қийматини уларни сотиб олган шахс ҳисобварағида қарздорлик сифатидаги ёзуви шаклида амалга оширади, импортёр эса олинган кредитни муддатида сўндириш тўғрисидаги мажбуриятни ўз зиммасига олади. Очиқ ҳисобварақ бўйича кредит товарларнинг мунтазам асосда етказиб берилиши, мажбуриятларнинг эса ойнанинг ўртаси ёки охирида даврий равишда сўндирилиб борилиши шароитларида қўлланилади.

Фирма кредитларининг кўринишларидан бири бўлиб импортёрнинг бўнак тўлови (сотиб олиш бўнаки) ҳисобланади. Бўнак тўлови шартнома имзоланганидан сўнг импортёр томонидан одатда буюртма берилган машина, жиҳоз ва кемалар қийматининг 10-15 фоизи (баъзида бундан ортиқ) миқдорида хорижлик товар етказиб берувчи фойдасига амалга оширилади. Сотиб олиш бўнаги халқаро ҳисоб-китоблар ҳамда экспортни кредитлашнинг ва бир вақтнинг ўзида хорижлик сотиб олувчи мажбуриятларини кафолатлашнинг шаклларида бири бўлиб хизмат қилади, чунки импортёр буюртма берилган товарларни қайтармасдан қабул қилиши лозим. Ривожланган мамлакатларнинг импортёр фирмалари ривожланиб бораётган мамлакатлар билан муносабатларда сотиб олиш бўнақларидан ушбу мамлакатлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб чиқиш учун фойдаланадилар.

Бўнакни тақдим этган шахс томонидан шартноманинг бажарилмаслиги шароитида мазкур бўнак, ундан зарарлар чегириб олинганидан сўнг, қайтарилади. Агарда шартнома бўнакни олган шахс томонидан бажарилмаса, унда у мазкур бўнакни, зарарларни қоплаган ҳолда, сотиб олувчига қайтариши лозим. Бўнак, шартномадаги иккинчи

тарафга зарарларни қопламаган ҳолда шартнома бўйича мажбуриятлардан озод бўлиш имконини берувчи товон тўловидан фарқли ўлароқ, шартнома бажарилишини рағбатлантиради. Сотиб олиш бўнаги айрим ҳолатларда тўловни кечиктириш шакли билан биргаликда тенг улушларда ва маълум бир интервалларда (ярим йил, йил) қўлланилади.

Фирма кредити сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги муносабатларни ифодаласада, у одатда банк кредити билан биргаликда ҳаракатланади. Машиналар ва жиҳозлар сотувида фирма кредити узоқ муддатларга тақдим этилади (5 йил ва ундан зиёд муддатларга), бу эса экспортёрнинг катта ҳажмдаги маблағларини ички муомаласидан ташқарига чиқиб кетишига олиб келади. Шу сабабли экспортёр одатда банк кредитларига мурожаат этади ёки ўз кредитини банкларда қайта молиялаштиради. Фирма кредитлари машина ва жиҳозлар экспортини кредитлаш шартлари ҳамда ҳажми бўйича кредитлаш муаммосини ҳал эта олмаслиги сабабли банк кредитининг халқаро иқтисодий муносабатлардаги роли ўсади.

Банк кредитлари. Экспорт ва импортни банк томонидан кредитлаш товарлар, товар ҳужжатлари, векселлар ҳамда тратталар ҳисобининг гарови устидан ссудалар бериш шаклида амалга оширилади. Айрим ҳолатларда банклар ўзлари билан яқиндан муносабатда бўлган йирик экспортёр фирмаларга расмий таъминотга эга бўлмаган бланкали кредитни тақдим этадилар.

Акцептли-рамбурсли кредит ташқи савдо операциялари билан боғлиқ бўлганда энг таъминланган бўлиб ҳисобланади ва экспортёр ҳамда импортёр ўртасидаги ҳисоб-китобларда қўлланилади. Бунда аккредитив ва ўтказиладиган вексел восита сифатида ишлатилади. Акцептли -рамбурсли кредитнинг лимит, кредитнинг муддати, фоиз ставкаси, расмийлаштирилиш, ишлатилиш ва сўндирилиш тартиби каби шартлари олдиндан тузилган банклараро келишуви асосида белгиланади. Таъминланганлиги эса товарлар сотилиши билан асослангандир. Агарда

мазкур кредит товар етказиб берилиши билан боғлиқ бўлмаса, унда у соф молиявий характерга эга бўлади.

Брокер кредити айрим мамлакатларда (масалан, Буюк Британия, Германия, Нидерландия, Белгия) фирма ва банк кредитларининг оралиқ шакли сифатида ҳаракат қилади. Ушбу кредит тижорат тусидаги битимларга тижорат кредити сингари ҳамда бир вақтнинг ўзида банк кредитига ҳам алоқадордир. Чунки брокерлар одатда банклардан қарз олиб турадилар. Брокерлик воситачилик ҳақи шартнома суммасининг 1/50-1/32 қисмини ташкил қилади. Брокер фирмалари Буюк Британияда ассоциацияга бирлашган. Брокерлар жаҳон бозоридаги ҳолат тўғрисидаги маълумотга эгадирлар. Кредит операцияларини амалга оширишдан ташқари улар сотиб олувчиларни тўлов қобилиятлари юзасидан кафолатларни ҳам тақдим этадилар. Замонавий босқичда брокер кредитларининг ташқи савдодаги роли пасайиб кетди.

Ташқи савдо айланмасининг ўсиши ҳамда йирик ҳажмдаги суммаларни катта таваккалчилик асосида узоқ муддатларга жалб этишнинг муаммолари ўрта ва узоқ муддатли халқаро кредитларнинг ривожланишига олиб келди. Банкирлик ва акцепт фаолияти билан шуғулланувчи уйлар ҳамда тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган экспортни векселлар воситачилигида кредитлаш тизими ташқи савдонинг ўсиб бораётган талабларини қондира олмай қолди. Бир қатор (Буюк Британия, Франция, Япония ва бошқа шу каби) мамлакатларда машиналар ва жиҳозлар экспортини ўрта ҳамда узоқ муддатли кредитлашнинг махсус тизими яратилган. Ушбу кредитлаш турларининг шакллари қисқа муддатли (фирма, банк, давлатлараро кредит ва шу каби) кредитлашнинг шаклларига ўхшаш бўлиши билан ўзига хос хусусиятларга эга. Истеъмол бозорлари учун кураш борасида экспортёрлар муддати 1-5 йилдан то 7-10 йилгача бўлган ўрта муддатли кредитларни векселлар орқали расмийлаштирган ҳолда тақдим этадилар.

Йирик кредит муассасалари узоқ муддатли халқаро кредитларни назарий асосда 40 йилгача, амалда эса 10-15 йил муддатга тақдим этадилар. Мазкур кредитлаш тури билан капитални ўз қимматли қоғозларини чиқариш орқали жалб этувчи давлат ва ярим давлат мулкый мақомига эга, махсус кредит ташкилотлари шуғулланади.

Банклар қиймати бўйича тенг бўлган товарларни ўзаро етказиб беришга асосланган компенсацион битимлар юзасидан узоқ муддатли кредитларни тақдим этадилар. Ушбу турдаги кредитлар ҳамма вақт мақсадли характерга эга бўлади. Корхонани барпо этиш ва қайта тиклаш, табиий ресурсларни ўзлаштириш учун машина ҳамда жиҳозларни 8-15 йил муддатга кредитга олгани ҳолда қарз олувчи мазкур кредитни қурилган ва қурилаётган корхоналар маҳсулотлари ҳисобига сўндирилишини амалга оширади. Компенсацион битимларнинг фарқли томони, уларнинг кенг қўламли ва узоқ муддатли характери ҳамда экспорт ва импорт битимларининг ўзаро боғлиқлигидадир.

Амалиётда "узоқ муддатли кредит" атамаси кредит муассасаларининг ссудаларига алоқадор бўлиб қолди. Узоқ муддатли кредитнинг бир қисми бўлиб заёмлар, яъни давлат ва хусусий корхоналар, банклар томонидан ўз қарз мажбуриятларини чиқариш орқали миллий ҳамда жаҳон ссуда капиталлари бозорларидан қарз маблағларини жалб этилиши ҳисобланади. Узоқ муддатли кредит ва заёмлар асосан асосий капитални кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, машиналар, жиҳозлар экспорти, саноат лойиҳаларини сотилишига хизмат кўрсатади.

Бюджет маблағлари ҳисобдан ажратиладиган узоқ муддатли (муддатлари 10-15 йил ва бундан зиёд) Халқаро кредитларнинг қуйидаги шакллари фарқланади:

1) Ҳукуматнинг икки тарафлама кредитлари. Давлатлараро узоқ муддатли кредит кенг қўламларда биринчи жаҳон уруши пайтида вужудга келди ва ўз ривожига урушдан сўнгги йилларда эга бўлди. Бунда асосий

кредитор бўлиб АҚШ майдонга чиқди. Натижада давлатлараро зиддиятларни кучайтириб юборган ҳукуматлараро қарздорлик (11 млрд. олтин долларлари, фоизларни ҳисобга олмаганда) пайдо бўлди. Франция кредитни немис репарациялари ҳисобига, Германия эса АҚШдан янги кредитларни олиш ҳисобига сўндираётган эди. 1929-1933 йиллар иқтисодий инқирози даври мобайнида Германия ва 25 та бошқа давлатлар қарз бўйича тўловларни тўхтатиб қўйдилар. Иккинчи жаҳон уруши даври мобайнида ҳукуматлараро қарзлар сезиларли рол ўйнамаган эди. Ҳарбий ва бошқа турдаги материалларнинг етказиб берилиши асосан "ленд-лиз" (ижара) шартлари асосида, кредит мажбуриятларисиз амалга ошириляётган эди;

2) Халқаро ва ҳудудий валюта-кредит ҳамда молиявий ташкилотларнинг кредитлари;

3) ёрдам кўрсатиш йўналиши бўйича, ушбу ёрдам шакли техник ёрдам, ҳадялар, субсидиялар билан биргаликда имтиёзли шартлар асосидаги заёмларни ҳам ўз ичига олади.

Айрим ҳолатларда халқаро кредитнинг аралаш тури қўлланилади. Масалан, экспортни кредитлашнинг одатдаги шакллари ёрдам кўрсатиш билан биргаликда амалга оширилади. Халқаро кредитнинг янги шаклларида бири бўлиб бир нечта кредит муассасалари томонидан йирик лойиҳаларни қўшма молиялаштириш ҳисобланади. Халқаро молия институтлари қўшма молиялаштиришнинг ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқади ва улар ушбу операцияларга одатда лойиҳанинг энг кўп фойда келтирадиган қисмини имтиёзли асосда (фоиз ставкаси бозор ставкасидан паст) молиялаштирувчи, хусусий тижорат банкларини жалб этадилар.

Қўшма молиялаштиришнинг қуйидаги 2 шакли қўлланилади:

- параллел молиялаштириш, бунда лойиҳа турли кредиторлар томонидан улар учун ўрнатилган квоталар меъёрида кредитланадиган таркибий ташкил этувчиларга бўлинади;

- ўз-ўзини молиялаштириш, бунда барча кредиторлар лойиҳанинг ижро этилиши мобайнида ссудаларни тақдим этадилар. Кредиторлардан бири (менежер-банк) лойиҳанинг тайёрланиши ва амалга оширилишини мувофиқлаштиради ҳамда назорат қилади.

Қўшма молиялаштириш қарз олувчига имтиёзли кредитларни олишга йўл очгани ҳолда маълум бир имтиёзларни беради. Бироқ асосий имтиёзларни кредиторлар олади, чунки бундай кредитлаш ссудани қарздор томонидан ўз вақтида сўндирилишининг қўшимча кафолатини беради.

Хусусий банкларнинг синдикатлари ўз кредитларини қарз олувчи мамлакатларга улар томонидан ХВФ ёки ТТХБ (Тараққиёт ва Тикланиш Халқаро Банки)нинг кредитларини олган тақдирдагина тақдим этадилар. Давлат ва хусусий банклар ўртасидаги ушбу тақсимотнинг асосий мақсади иқтисодий ҳамда сиёсий омиллардан келиб чиққан ҳолда ссуда капиталларининг жаҳон бозорига қарз олувчилар чиқишини мувофиқлаштиришдир. Шу сабабли халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотларининг кредитлари икки тарафлама ҳукумат кредитлари ҳамда айниқса хусусий банклар кредитлари, еврокредитларга нисбатан суммалари бўйича камтарона ўрин эгалласа-да, катта рол ўйнайди.

Халқаро узоқ муддатли кредитнинг шаклларида бири бўлиб қимматли қоғозлар эмиссияси ҳисобланади.

Лойиҳаларни молиялаштириш халқаро узоқ муддатли кредитнинг замонавий шаклидир.

Ушбу шакллардан бирига лизинг ҳам киради. Лизинг (инглизча леасинг, леасе-ижарага бериш сўзидан олинган) лизинг берувчи томонидан лизинг олувчига моддий қимматликларни турли муддатларга ижарага тақдим этилишидир.

Факторинг (иглизча фасторинг, фастор-воситачи) - ихтисослашган молиявий компания томонидан экспортёрнинг импортёрга бўлган пул талабларини сотиб олиниши ҳамда инкассация қилиниши шаклидаги халқаро кредитдир.

Форфейтлаш (французча "а форфаит" - ялпи, умумий суммаси билан) нақдли тўлов эвазига маълум бир ҳуқуқлар тақдим этилишини билдиради. Ушбу банк амалиётида векселларни ҳамда бошқа қарз мажбуриятларини тўлиқ муддатга, олдиндан белгиланган шартлар асосида сотиб олинишидан иборатдир.

Қисқа хулосалар.

Валюта тизими – бу, миллий қонунчилик ёки давлатлараро келишувлар билан мустахкамланган валюта муносабатларини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришнинг шаклидир.

Валюта курси – бу, бир валютани бошқа бир валютадаги ифодаси ёки баҳоси.

Халқаро ҳисоб-китоблар - бу давлат, компаниялар, корхоналар, бошқа мамлакатлар ҳудудларидаги фуқароларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа муносабатлари натижасида вужудга келган пулли талаб ва мажбуриятлари буйича тўловларни амалга ошириш ва тартибга солиш тизимидир.

Халқаро кредит ссуда капиталининг жаҳон оборотидаги ҳаракати ҳисобланади.

Таянч иборалар:

Валюта тизими, девиз, халқаро кредит, жаҳон валюта тизими, тўлов баланси, тўлов балансини таркиби, пассив савдо баланси, хорижий инвестициялар, тўлов балансини таркибга солиш, дефляцион сиёсат, девалвация, валюта чекловлари, валюта курси, спот курс, форвард курс, кросс курс, халқаро ҳисоб-китоблар, импортер, экспортёр, аккредитив, инкассо, клиринг, халқаро кредит, валюта сиёсати, девиз сиёсати.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Валюта муносабатлари ва уларнинг ҳуқуқий асослари
2. Валюта операциялари ва уларни бошқариш тартиби
3. Халқаро молия ва капитал бозори ва уларни тахлили.
4. Валюта муносабатлари тизимида банкларнинг ўрни.
5. Халқаро валюта қонунчилиги.
6. Ўзбекистон Республикасида валюта тизимини ривожланиши.
7. Чет эл валютасида кредитлаш.
8. Халқаро ҳисоб-китоблар ва унинг республика тижорат банклари томонидан ишлатиладиган асосий шакллари.
9. Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг валюта
10. Банкларнинг валюта операцияларидаги валюта рисклари ва уларни бошқариш

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
2. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
3. Алимов И.И. Молия. –Т.: ТДИУ. 2007.
4. Дон Патинкин. Денги, процент и цены. –М.: Экономика, 2004. – 375 стр.
5. Миляков Н.В. Финансы. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 543 стр.
6. Моляков Д.С., Шохин Е.И. Теория финансов предприятий. Учеб. пособ. – М.: ФиС, 2001. – 300 стр.
7. Свиридов О.Ю. Финансы, денежное обращение, кредит. Экспресс справочник для студ. вузов. –М.: ИКЦ Март, Ростов н/Д. изд. Сентр Март, 2004. – 179 стр.

8. Денги, кредит, банки. Учебник под ред. В.В. Иванова, Б.И. Соколова. –М.: Экономика, 2004. – 370с.

IX – БОБ. СУҒУРТАЛАШ ВА СУҒУРТА ИШИ

9.1. Суғуртанинг иқтисодий моҳияти, унинг зарурлиги функциялари.

Бозор иқтисодиёти чуқурлашиши билан суғуртанинг иқтисодий тизимдаги ўрни тубдан узгариб, суғурта компаниялари бозор шароитида тулақонли хўжалик субъектларига айланадилар. Суғурта ишлаб чиқариш муносабатларининг чамбарчас қисми бўлиб ҳисобланади. Бозор иқтисодитёти шароитида ҳар хил рисклар мавжуддир шу сабабли уларни суғурталаш кераклиги шартдир.

Суғурта иқтисодий тушунча бўлиб молия тизими билан боғлиқдир. Молия каби, суғурта пулнинг қийматини ўзгариши билан боғлиқ, чунки тегишли пул маблағларини шаклланиши ҳамда уларни тақсимланиши ва қайта тақсимланишига таъсир кўрсатади.

Суғурталашнинг қўйидаги иқтисодий белгиларини алоҳида кўрсатиш мумкин:

1. Суғурталаш жараёнида пулнинг қайта тақсимланиши пайдо бўлади, чунки у чиқаришдаги моддий зарарни олдини олиш учун рискинни суғурталаш заруриятидан келиб чиқади.

2. Суғурталаш жараёнида пулни қайта тақсимлаш муносабатлари келиб чиқади, чунки бирор бир хўжаликда вужудга келадиган зарар оқибатини қоплаш учун бошқа зарар кўрмаган хўжаликлардан олинган суғурталаш маблағлари эвазига суғурталаш олиб борилади.

3. Суғурта фондида жамғарилган маблағлар уз мулкани ёки уз фаолиятини суғурталаган шахсга қайтиб келади. Суғурта тўловларини хажми суғурта тарифлари асосида белгиланади. Суғурта тўлов тарифлари эса уз навбатида икки қисмдан ташкил этилади: биринчи қисм юз берадиган салбий оқибатларни қоплаш учун мулжалланган.

Иккинчи қисми эса суғуртани ташкил этган суғурта ташкилотини ҳаражатларини қоплашга сарфланади.

Ишлаб чиқаришда рискларни объектив ва субъектив омиллар таъсирида мувафакиятсизликка учраган, ишлаб чиқарувчига зарарли оқибат юз берганда бу оқибатни тезроқ бартараф этилишига, ишлаб чиқаришни тўхтаб қолмасдан ривожланишига имкон берадиган иқтисодий ҳамда ҳуқуқий воситаларнинг самарали турларидан бири-бу рискларни суғурталашдир. Ишлаб чиқарувчини мол-мулкани интеллектуал ва бошқа бойликларининг турли қўшилмаган зарар, воқеа-ходисалар юз бериши туфайли вужудга келиши мумкин булган зарар оқибатининг олди олинишидир.

Суғурта яъни табиий ёки ижтимоий сабабларга кура шахснинг хаёти, соғлиги ёки мол-мулкига зарар этиш эҳтимолини олдиндан тутиш, ана шундай зарарли оқибат юз берганида жабр қурган томонга зарар ўрнини суғурталовчи маблағлари ҳисобига тулиқ ёки қисман қоплаб бериш йўли билан суғурта ходисасини салбий оқибатлари таъсирини камайтиришга қаратилган фаолияти суғурталаш деб аталади.

Шахсий суғурта инсон хаётига, меҳнат қобилиятига ва соғлигига зарар етканда турли рисклардаги химоя қилиш шакли бўлиб ҳисобланади. Шахсий суғурта шартномаси фуқаролик-ҳуқуқий битим бўлиб, суғурта тўловларини ундириб олиш, суғурта ходисаси юз берганда етказилган зарарни қоплаш ёки суғурта тўловини қайтариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

Шахсий суғурта шартномалари мажбурий ва ихтиёрий, узок ва қисқа муддатга мулжалланган бўлиши мумкин. Ҳар бир суғуртага тури буйича шартнома тузилади. Шахсий суғурталаш қуйидаги турлардан ташкил топади:

- а) хаётни суғурталаш ва бахтсиз ходисалардан суғурталаш
- б) никоҳни ва бошқа туғилинишни суғурталаш:

- в) болалар хаётини суғурталаш:
- г) гуруҳ. бахтсиз ходисалардан суғурталаш
- д) гуруҳ касалликлардан суғурталаш ва хх.

Суғурталаш аввало суғурта шартномаси тузиш билан бошланади. Суғурта шартномаси тузиш учун қуйидаги хужжатлар талаб қилинади: Шахсий ариза, Аризада суғурта тури, қушимча кафолатлар, суғурта суммаси, суғурта мукофотларини тулаб туриш муддатлари кўрсатилади.

Суғурталашни амалга ошириш узига ҳос муҳим муносабатларни келтириб чиқади. Ушбу муносабатлар суғурталаш жараёнида иштирок этувчиларнинг ҳар хил суғурта манфаатлари билан боғлиқдир. Бундан ташқари суғурталаш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар ҳар хил суғурталаш объектлари, суғурталаш турлари ва бошқа омиллар билан боғлиқдир. Шу муносабат билан суғурталашда қўлланиладиган барча ибораларни тугри тушуниш ва талкин қилиш катта аҳамиятга эгадир. Шундан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча қуйидаги муҳим ибораларга таъриф берилса мақсадга мувофиқ булур эди деб уйлаймиз.

9.2. Мажбурий ва ихтиёрий суғуртани ташкил қилиш тамойиллари

Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги катта рол ўйнайди. Шу сабабли ушбу соҳада мажбурий ва ихтиёрий қишлоқ хўжалиги суғурталари амалга оширилади. Қуйидаги мажбурий суғурталар амалга оширилиши керак:

-тижорат банклари томонидан берилган кредитлар қайтарилиши юзасидан жавобгарликни суғурталаш;

-қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун ва фьючерс шартномалари бўйича берилган аванслар қайтарилишини таъминлаш жавобгарлигини суғурталаш;

-қишлоқ жойларида яшовчи фуқароларга тегишли бўлган мол-мулкларни суғурталаш;

-қишлоқ жойларида гаровга қуйилган мулкларни суғурталаш;

-қишлоқ жойларидаги транспорт эгалари фуқаролигига жавобгарлигини суғурталаш;.

Юқорида келтирилган мажбурий суғурталашдан ташқари ихтиёрий суғурталашни ҳам амалга оширадилар. Хусусан қуйидаги объектлар ихтиёрий равишда суғурталаниши мумкин:

-қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш;

-экинларни қазиб кайта экиш, қушимча экишни суғурталаш;

-қишлоқ хўжалиги корхоналарининг чорва молларини суғурталаш;

-қишлоқ хўжалиги корхоналари асосий воситаларини суғурталаш;

-табiiй пичанзорлар, утлоқлар, тутзорларни суғурталаш;

-пиллани суғурталаш;

-боғ ва узумзорлар ҳосилини дулдан суғурталаш;

-қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер, деҳқон хўжаликлари мол-мулкни суғурталаш;

-фуқаролар томорқаси ва экинзорларини суғурталаш ва хоқозо.

Мажбурий суғурталашнинг яна бир тури бўлиб тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун ажратилдиган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган кредитларни суғурталаш ҳисобланади. Суғурта объектлари бўлиб қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан олинган кредит маблағларини тижорат банкига ўз вақтида қайтарилмаслиги учун юз берадиган жавобгарлик саналади. Суғурта ходисаси бўлиб тижорат банкдан олинган кредитнинг гаров билан таъминланмаган қисмини ўз вақтида қайтарилмаслиги ҳисобланади. Суғурта суммаси суғурталовчи жавобгарлигининг шартномада кўзда тутилган даражасига кўра белгиланади. Кредит ўз вақтида тўла ёки қисман

қайтарилмаганда суғурталовчи ёки унинг вакили қайтарилиш муддати етиб келган кундан бошлаб уч кун ичида суғурта ходисаси юз берганлигини тасдиқловчи хужжатларни тақдим этади. Ушбу хужжатлар асосида суғурта далолатномаси тузилади. Банклар rischi ва таваккалчиликни олдини олиш, уни бошқариш мақсадлари учун катта маблағлар сарфлайди. Бундай тадбирлар банкларнинг бевосита ўзлари томонидан ёки riskни махсус суғурта компанияларида суғурта йўли билан амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистондаги суғурта компаниялари томонидан банк фаолияти соҳасидаги ғайри қонуний ҳаракатлардан суғурталашнинг асосий қоидалари энди ишлаб чиқарилмоқда. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибасини урганиш диққатга сазовордир. Жумладан Буюк Британиянинг Ллойд суғурта ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган банкларни комплекс суғурталаш ВВВ ва компьютер соҳасидаги riskлар туфайли етказилган зарарнинг қопланиши кўзда тутилган:

1) банк ходимлари томонидан қайси мақсадида содир этилган ғайри қонуний ҳаракатлари туфайли суғурталанувчига етказилган зарарни қоплаб берилиши:

2) Қалбаки тўлов хужжат, сохта имзолар, сохта чеклар ва бошқа сохта хужжатлар қабул қилиниши туфайли тақдим этилиши оқибатида суғурталанувчига етган зарарни суғурталаш ва х.к.

3) Пластик карточкалардан фойдаланиш билан боғлиқ riskдан суғурталаш. Бизнинг мамлакатимизда бу соҳада амалда суғурталаш компаниялари томонидан тақлиф этилаётган суғурта хизмати тури пластик карточкалар йуқотиб қуйилишини суғурталашдан иборат. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли мамлакатимизда тадбиркорлик соҳаси ривожланмоқда. Лекин бу соҳа катта riskлар билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик riskини суғурталаш ишларини олиб бориш керак. Тадбиркорлик соҳасидаги молиявий riskни

суғурталаш юзасидан шартнома тўзиш пайтида суғурталовчи суғурталанувчига қуйидаги воқеалар билан боғлиқ зарарларни тулик ёки қисман қоплашликни ўз зиммасига олади;

А) кўзда тутилган ходисалар туфайли ишлаб чиқаришни тўхтаб қолиши ёки қисқариши;

Б) банкротлик юз бериши;

В) битим бўйича кредитор саналувчи ҳамкор томонидан шартнома мажбуриятларини бажарилмаслиги ва х.к.

Г) Яна бир суғурталашни тури бўлиб жавобгарликни суғурталаш ҳисобланади. Бундай суғурталаш суғурта фаолиятининг алоҳида соҳаси бўлиб, мамлакатимиз суғурта бозорида янги суғурта хизматидир. Суғуртанинг ушбу тури объекти бўлиб суғурталовчининг шартномасиз ёки шартнома асосида мажбуриятлари бўйича учинчи шахслар мулкига ёки шахсга етказилган зарар учун жавобгарлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 918-моддасида жавобгарликни суғурта қилишнинг асосий қоидалари белгиланган. Ушбу кодекснинг кўрсатилган моддасида айтилишича:

“Бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги, ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ўзининг ёки бундай жавобгарлик юкланиши мумкин бўлган бошқа шахснинг жавобгарлик хавфи суғурталаниши мумкин. Зарар етказганлик учун жавобгарлик хавфи суғурталанган шахс суғурта шартномасида кўрсатилиши лозим. Агар бу шахс шартномада кўрсатилмаган бўлса, суғурта қилдирувчининг ўзининг жавобгарлик хавфи суғурталанган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 919-920 чи моддаларида шунингдек, жавобгарликни суғурталаш кўринишларидан бўлиб саналувчи шартнома бўйича жавобгарликни ҳамда тадбиркорлик хавфини суғурталаш ҳақидаги

қоидалар кўзда тутилган. Бўлардан ташқари суғурта бозорида фукаролик жавобгарлигини, касбий жавобгарликни, мажбуриятлар бажарилмаганлиги туфайли юз берган жавобгарликни ва бошқа турдаги жавобгарликларни суғурталаш ҳоллари ҳам учрайди. Жавобгарликни суғурталаш ихтиёрий шартнома тўзиш ёки мажбурий суғурталаш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бундай суғурта шартномасининг ўзига ҳос хусусияти, бундай шартнома зарар куриши мумкин бўлган учинчи шахс фойдасига тўзилади ва зарар суғурта ходисаси юз берганда талаблар бевосита манфаат олувчи шахс томонидан ҳам суғурталовчига ҳам билдирилиши мумкин. Тиббий суғуртада суғурта ходисаси юз берганда суғурта бадаллари ҳисобидан жамгарилган маблағлар ва олдини олиш тадбирларни молиялаштириш маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам олишликнинг кафолатлашдан иборат. Тиббий суғурта объекти бўлиб суғурта ходисаси юз берганда тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ҳаражатлар тарзидаги суғурта таваккалчилиги ҳисобланади. Суғурта ходисаси бўлиб шартнома олганда бўлган давр давомида суғурталанган шахсни ўткир сурункали касалликлар, жароҳатланиш, заҳарланиш, бошқа турдаги бахтсиз ходисалар туфайли маслаҳат-профилактик, даволаш ва бошқа турдаги ёрдамлар олиш мақсадида тиббиёт муассасасига мурожаат қилиши сабабланади. Давлат ижтимоий суғурталаш меҳнат муносабатлари бўлиб фукарларнинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини руёбга чиқарилиши жараёнида ходим ҳамда иш берувчи ўртасидаги меҳнат туғрисидаги қонунлар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ходисалар ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида юз берган моддий зарар деганда соғлиқка зарар етган ҳолда ходим йўқотган иш ҳақи, унинг муайян қисмини қоплаш, қушимча ҳаражатларни қоплаш, бир йўла қопланадиган нафақа бериш, маънавий зарарни қоплаш кабилардан иборат бўлади. Ходим вафот этган тақдирда эса, ушбу ҳаражатлар унинг меҳнатга яроқсиз қарамоғида бўлиб келган

оила аъзоларига тўланади (хотини ёки болаларига). Суғурталовчи томонидан тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти (бадали) йиллик иш ҳақи фондига нисбатан фоизларда, суғурталовчи томонидан белгиланган тарифларга мувофиқ белгиланади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, суғурталаш жараёни муҳим ва уни туғри ташкил этиш эса ўз навбатида мамлакатда

9.3. Суғурталаш турлари ва уларни такомиллаштириш йўллари

Суғурта ташкилоти-бу махсус суғурталаш компанияси. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда суғурталаш давлат ва нодавлат суғурталаш идоралари томонидан ўтказилади. Суғурта ташкилотлари уз таркибига турли суғурта жамиятлари, компаниялари, халқаро ва минтакавий молиявий гуруҳлар ҳамкорлигидаги қайта суғурталовчи компаниялари, давлат суғурта компаниялари мустакил фаолият юритувчи хўжалик субъектлари бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқий томондан суғурта ташкилотлари мамлакатдаги амал қилаётган қонунлар доирасида фаолият юритади. Молиявий тизимнинг мустакил бўлиши сифатида мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ҳисса қушади. Суғурта ташкилотлари мамлакат ҳудудида бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиш, суғурта фондларини шакллантириш, вақтинча буш пул маблағларини фойда келтирадиган соҳаларга сармоя сифатида йуналтириш, чиқарган қимматли қогозларни сотиш, буш пул маблағларини фойда олиш учун кредитга бериш ҳуқуқига эга.

Суғурталовчи-сифатида юридик ва жисмоний шахслар тушунилади, улар суғурта ташкилотлари билан муайян суғурта муносабатлари урнатиб суғурта суммасини тулайдилар.

Суғурталаш объекти ва предмети бўлиб шахснинг соғлиги, хаёти ёки мол-мулки ҳисобланади.

Суғурта баҳосининг ушбу ибора мол-мулкни суғурталаш жараёнида қўлланилади. Бу жараёнда суғурта суммасини белгилаш учун аввало суғурта объектини баҳосини тугри аниклаш керак. Суғурта суммаси деб шундай маблағларнинг тушиши керакки бу суммага мол-мулк, шахсининг хаёти ёки соғлиги суғурталанади. Суғурта тарифи деб суғурта суммасининг бирлик қисмини тушуниш лозим. Суғурта тарифи асосида суғурта фонди шаклланади. Ўзбекистон Республикаси “Суғурта тугрисидаги ” қонунининг 10 моддаси 2- бандига кура “Суғурта тарифлари суғуртага доир тўлов миқдорлари бўлиб, улар суғурта ташкилоти суғурта пулини тулаш (суғурта товони), захира фонди ва бошқа фондлар ҳосил қилиш учун молиявий маблағ билан таъминлайдиган миқдорда белгиланади. Мажбурий суғурта турларига доир суғурта тарифлари қонун ҳужжатларида белгилаб қуйилади. Ихтиёрий суғурта турларига доир суғурта тарифининг миқдори томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади. Фуқароларни ихтиёрий ва мажбурий суғурталаш, суғурта шартнома муносабатлари энг кенг тарқалган ижтимоий соҳа бўлиб, унинг воситасида моддий ва бошқа манфаатларни қутилмаган ходисалардан муҳофазалаш ана шундай ноҳуш ҳоллар юз берган тақдирда эса унинг салбий оқибатлари таъсирини бартараф этиш ёки лоақал камайтиришни таъминлайди.

Шахсий суғурта оммавий бўлиб ҳисобланади. қонунда кўрсатилган шахслардан суғурта қилувчилар сифатида бошқа шахсларнинг хаёти, соғлиги ёки мол-мулкни, ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигига ўз ҳисобидан, ёхуд манфаатдор шахслар ҳисобидан суғурта қилиш мажбурияти қонун билан юкланган ҳолларда суғурта шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади. Мажбурий суғуртада суғурта қилдирувчи суғурталовчи билан суғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузиш шарт. қонунда фуқароларнинг хаёти ва мол-

мулкани давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилиш холлари назарда тутилиши мумкин. Мулкый суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада назарда тутилган воқеа, суғурта ходисаси содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта килдирувчига) ёки шартнома қайси шахсинг фойдасига тўзилган бўлса, ўша шахсга бу ходиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталовчининг бошқа мулкый манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма доирасида тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта шартномаси келгусида юз бериши эҳтимоли бўлган риск туфайли вужудга келадиган зарари оқибат ўрнини суғурталовчи томонидан суғурталовчига олдиндан тўланадиган мунтазам тўлаб бориладиган ҳақ эвазига тулиқ ёки қисман қоплашнинг ҳуқуқий воситаси сифатида суғурта ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти сифатида муайян хусусиятларга кўра таснифланиш мумкин. Суғурталаш объектларига кўра мулкый ва шахсий суғурта фарқланиш лозим. Мулкый суғурта ўз навбатида кўчар ва кўчмас мулклар суғуртасига, шахсий шахсий суғурта эса соғлиқни ёки ҳаётни суғурталашга бўлиниши мумкин. Ўз навбатида мулкый суғуртанинг кўплаб кўринишлари уй-жойларни, транспорт воситаларини, уй-рўзгор анжомларини, корхоналарни ва хоказо. Шахсий суғуртанинг хима-хил шакллари болаларни суғурталаш, бахтсиз ходисалардан суғурталаш ва бошқалар учрайди. Суғурта муносабати субъектларига кўра жисмоний шахслар суғурталанувчи бўлиб қатнашадиган ва юридик шахслар суғурталанувчи бўлиб қатнашадиган суғурта шартномалари ўзаро фарқланади.

Суғурталовчи шахсларга кўра суғурта шартномалари давлат суғурта ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган суғурта шартномалари ҳамда нодавлат мулкчилиги асосида фаолият юритувчи мустақил суғурта ташкилотлари томонига, шу жумладан Ўзбекистонда суғурта фаолияти билан шугулланишга лицензия олган чет эллик суғурта ташкилотлари

иштирокидаги суғурта шартномалари мавжуд бўлади. Юқоридагилардан ташқари иқтисодий тармоқларига кўра ёки тадбиркорлик фаолиятининг айрим йўналишларига мувофиқ тарзда тўзиладиган суғурта шартномалари ҳам кўпгина ўзига ҳос жиҳатларга эга бўлади ва бу жиҳатлар Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорларида, ушбу соҳадаларда суғурта шартномасини тўзишга оид махсус қоидаларда белгилаб қўйилади. Ушбу нуқтаи-назардан суғурта шартномаларининг қўйидаги турларини қайд этиш мумкин:

1. Қишлоқ хўжалиги фаолиятини суғурталаш.
2. Қурилиш ташкилотчилигини суғурталаш.
3. Экспорт-импорт фаолиятини суғурталаш.
4. Тадбиркорлик фаолиятини суғурталаш.
5. Транспорт воситаларини суғурт
6. Тиббий суғурта.
7. Давлат ижтимоий суғуртаси.
8. Шартномаларнинг бажарилишини суғурталаш.
9. Кредит жараёнини суғурталаш.
10. Уй-рўзгор буюмларни суғурталаш ва хоказо.

9.4. Ўзбекистон Республикаси суғурта қонунчилиги.

Суғурта ҳуқуқини махсус манбааларидан бўлиб Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган махсус “Суғурта туғрисида” ги қонуни ҳисобланади. Ушбу қонунда умумий қоидалар, суғурта шартномаси, суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, суғурта фаолияти устидан давлат идораларини назорат қилиш, суғуртага оид низоларни ҳал қилишга оид қоидалар белгиланган. Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва улар устидан давлат назорати асосан ушбу қонунга таянилган ҳолда амалга оширилади. Бундан ташқари Ўзбекистон республикаси Фуқаролик кодекси ҳам суғурта ҳуқуқининг муҳим

манбааларидан ҳисобланади. Унда барча битимлар ва шартномаларга тааллуқли бўлган асосий қоидалар белгиланган. Фуқаролик кодексининг 914-962 моддаларида суғурта шартномалаш, унинг турлари иштирокчилари ўртасидаги, суғурталовчи ва суғурталанувчи ҳуқуқлари ҳамда жавобгарликларининг энг муҳим қоидалари белгиланган. Суғурта ҳуқуқи манбалари қоидаларида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқа давлат бошқарув органларининг идоравий меъёрий ҳужжатлари муҳим урин тутати. Ушбу меъёрий ҳужжатлар “Суғурта” туғрисидаги қонун талабларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳуқуқий қоидаларида белгиланган вазифаларнинг бажарилишининг таъминлашда, суғурта фаолиятига оид давлат сиёсатини руёбга чиқарилишида алоҳида касб этади. Суғурта молиявий маблағлар энг кўп қўлланадиган, муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари тукнашадиган шу туйфайли бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар тез-тез риск остида қолиши мумкин бўлган соҳалардан биридир. Шу сабабли суғурта соҳасидаги муносабатлар давлатнинг диққат эътиборида бўлиб, бу муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарликлари доирасида давлат томонидан белгиланади. Суғурта оид ҳуқумат муносабат объектлари бўлиб-суғурта ташкилоти ва суғурта қилдирувчи юридик ёки жисмоний шахс ўртасида суғурта шартнома алоқалари келиб чиқишига сабаб бўлаётган предметлар ҳисобланади. “Суғурта туғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида кўрсатилишича “Фуқароларнинг хаёти, соғлиги, меҳнат қилиш қобилияти, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки, моддий бойликлари, жавобгарлик мажбуриятлари, мулкый ҳамда мулкка оид бўлмаган ҳуқуқларни ёки манфаатларни суғурта объектлари ҳисобланади”. Бироқ суғурта объектлари тушунчаси билан суғурта муносабатлари объектлари айна бир нарса эмас. Суғурта муносабати объектлари ўз мазмунига кўра суғурта объектларидан анча кенг тушунча бўлиб, бошқа

кўплаб юридик омилларни ҳам қамраб олади. Суғурта муносабатлари субъектлари ўзларининг суғурта соҳасидаги субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бемалол амалга оширишлари учун зарур ҳуқуқ лаёқати ҳамда муамала лаёқатига эга бўлишлари лозим”.Суғурта туғрисида” ги қонунни 6-моддасида айтилишича :

1.Суғурталанувчилар ва суғурталовчилар суғурта муносабатларининг субъектлари ҳисобланади.

2.Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлиб, суғурта тўловларини тўлаётган ва суғурталовчилар билан муайян суғурта муносабатига киришаётган фуқаролик салоҳиятига тулик эга бўлган жисмоний шахслар ёки юридик шахслар суғурталанувчилар деб ҳисобланади.

3. Чет эллик фуқароларни фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эллик юридик шахслари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахслари билан тенг равишда суғурталаниш ҳуқуқига эгадирлар. Бўлардан ташқари суғурта ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш, тегишли ташкилий чоралар қўллаш ҳуқуқи берилган давлат ташкилотлари ҳам суғуртага оид ҳуқуқий муносабат субъектлари сифатида қабул қилинишлари лозим.

4. Суғурталовчининг фаолиятини химоя қилиш мақсадида унинг молия маблағлари ташкил этилади. Суғурталовчи манба суғурта фонди ҳисобидан ўз ҳаражатларини қоплайди ҳамда суғурталанувчига етказилган зарарни ҳам қоплайди. Бундан ташқари бозор муносабатлари шароитида суғурталовчи инвестицион фаолият билан ҳам шугулланади. Бунинг учун у ўз маблағлари ҳамда суғурта фондида жамгарилган маблағлардан фойдаланилади. Суғурталовчининг барқарорлиги у томондан ташкил қилган суғурта фондини миқдорига ҳамда суғурталовчиларнинг талабларига боғлиқдир. Суғурта ташкилотининг молиявий фаолияти биринчи навбатда суғурта фондидаги маблағларни айланиши билан

боғлиқ. Суғурта ташкилотларининг асосий даромадлари суғурта тўловлари ҳисобидан ташкил этилади. Суғурта тўловлари, сармоя ва банк маблағларидан келадиган даромадлардан ташқари суғурта ташкилоти бошқа йўллар билан даромад олиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси “Суғурта туғрисида” ги қонунга кўра суғурталовчилар фаолиятида устав капитали ва захираларнинг мавжуд бўлиши, шунингдек қайта суғурта қилиш тизими молиявий барқарорлик негизи бўлиб ҳисобланади. Суғурта ташкилотининг молиявий ҳолати туғрисидаги маълумотлар бухгалтерия ҳисоби ва бошқа ҳисобот материалларида акс этади. Суғурта компанияларининг асосий кредиторлари унинг мижозлари – суғурталанувчилардир. Улар суғурта ташкилоти фаолиятининг назорат қилиш имкониятига эга эмаслар. Суғурта ташкилотларининг суғурта захиралари ва фондлари фаолиятини юритиш ва ривожлантириш учун ташкил этилади. Суғурта ташкилотларининг молиявий фаолиятида суғурта ходисаларининг олдини олиш борасидаги тадбирлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Суғурта компаниялари фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлайдиган шарт-шароит яратишга ёки суғурта ходисаларининг олдини олишга қаратилган оғохлантириш борасидаги тадбирларни маблағ билан таъминлашда катнашиш учун махсус фондлар яратадилар. Оғохлантириш бўйича тадбирларни амалга ошириш мақсадида ажратилган мажбурий суғурта тарифларининг миқдори Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида белгиланади. Ихтиёрий суғурта тарифлари эса ана шу тадбирларга мулжалланган қисмини суғурта компанияларининг ўзи белгилайди. Ана шу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар суғурта компаниясининг ҳаражатларига киритилади. Суғурта захиралари суғурта ташкилотлари томонидан ташкил этиладиган фондлар бўлиб, суғуртачи ва суғурталанувчи ўртасида тўзилган шартнома мажбуриятининг миқдорини белгилаб беради. Суғурта захиралари суғурталовчи мажбуриятларини бажаришига кўра белгиланади, чунки

шартномада кўрсатилган суғурта ходисаси юз берганда суғурта ташкилотини қоплаш суммасини тўлаш шарт бўлиб ҳисобланади. Суғурта захираларининг белгиланиши ва юзага келиш тартиби турлича бўлиши мумкин, бу захиралар суғурталанувчилар учун маблағлар сифатида иштирок этади ва мажбуриятлар бўйича суғурта тўловлари учун йуналтирилади. Уларнинг миқдори тўзилган шартнома тўловларини тўла қоплаши лозим. Бунинг учун махсус ҳисоб-китоблар ўтказилади, шунга кўра тўловлар суммаси белгиланади. Суғурта ташкилотини устав капитали мавжуд. Устав капитали компаниянинг дастлабки фаолиятини таъминлаш ҳамда суғурта тўловлари ҳаражатларини қоплаш учун сарфланади. Устав капитали амал қилинаётган қонунга ва таъсис хужжатларига кўра шаклланади. Захиралар фойдадан ажратма кўринишида ҳам юзага келади. Фойдадан ажратма суғурталовчининг ўз фаолияти натижасида олинган ва солиқлар тўлангандан кейинги қолган маблағларининг бир қисмидир. Фойдадан ажратма учта кўринишда акс этиши мумкин: қонун бўйича кўрсатилган, уставда кўрсатилган ҳамда эркин пул маблағлари. Суғурта ташкилотларининг даромадлари билан бирга ҳаражатлари ҳам турли мақсадлар учун йуналтирилади. Ҳаражатларнинг таркиби асосан иккита йўналиш бўйича белгиланади:

1) суғурталанувчиларнинг мажбуриятини бажариш;

2) суғурта компаниясининг фаолиятини молиялаштириш.

5. Бозор иқтисодиёти чуқурлашганида суғурта муносабатлари ҳам чуқурлашади. Суғурта бозори суғурта хизматининг олди-сотдиси бўйича иқтисодий муносабатлар йигиндисини акс эттиради ва суғурта маҳсулотининг бир қисмини сотиш бўйича суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги алоқани таъминлаб беради. Мамлакатда фаолият олиб бораётган суғурта компаниялари суғурта бозорининг асоси бўлиб ҳисобланади. Улар молиявий жиҳатдан суғурта фондининг юзага келиш шакли бўлиб, суғурта фондида тупланган маблағлар эса, узоқ

муддатли кредитларнинг манбаи бўлиб ҳисобланади. Суғурта компанияларининг ичида акциянер суғурта компаниялари асосий урин тутади. Суғурта тизимида суғурталаш мақсадини аниқлаб олиш учун аввало суғурта турларини аниқлаб олиш, унинг объектлари ва субъектларини урганиб чиқиш катта аҳамиятга эгадир. Мол-мулкни суғурталаш учун аввало мулклар хўжалик юритиш субъектлари бўйича туркумланиши керак бўлади. Бунинг учун аввало мулкнинг эгасини, яъни мулк кимга таалуклилигини аниқлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси “Суғурта туғрисида” ги қонуннинг 9-моддасининг 2-бандида кўрсатилишича “Мол-мулк суғурта қилинганда суғурта пули мол-мулкнинг шартнома тўзилаётган пайтдаги ҳақиқий қийматидан ошмаслиги лозим” деб айтилган. Мулкни суғурталашда саноат корхоналари бўйича корхонанинг бинолари, қурилиш объектлари, транспорт воситалари, машина –ускуналар, товар захиралари, ишлаб чиқариш воситалари, экспорт-импорт муносабатлари, умуман корхонанинг барча мол-мулки суғурталанади. қишлоқ хўжалиги соҳасида қуйидаги мулклар суғурталанади:

1) қишлоқ хўжалигида етиштириладиган ҳосил (пахта, бугдой ва х.о);

2) Чорва моллари, уй парандалари, хонаки асарилар, бинолар, иншоатлар, ишчи ва бошқа турдаги машиналар, транспорт воситалари, инвентарлар, хомашё захиралари, кўп йиллик дарахтлар. қишлоқ хўжалик соҳасида суғурта ходисаларига қургокчилик натижасида экинларнинг нобуд бўлиши, иссиқликнинг етарли бўлмаслиги, мўзлаши, яшин уриши, шамол, довул, дул, сел, сув тошқини, зараркунандалар ва ёнғинлар бўлиши киради. қишлоқ хўжалигида асосий ва айланма маблағлар ҳам турли ходисалардан суғурталанади. Суғурта қоплаш суммалари мулклари зарар кўрган ҳамда дехқон ва фермер хўжаликларига берилади. Аҳоли мулкни суғурталашда уй-жойлар, дала ховлилар, қурилиш участкалари, моллар ва

бошқа уй хайвонлари, отлар суғурталанади. Фуқароларнинг мулклари табиий офат, бахтсиз ходисалар ва бошқа турли ходисалардан суғурта қилинади. Шахснинг суғурталанадиган мулкларига уй-рўзгор буюмлари, истеъмол товарлари, шахсий хўжаликда қўлланадиган буюмлар, шахсий мулк ва бошқа оила аъзоларининг мулклари киради. Фуқароларнинг транспорт воситалари тусатдан бахтсиз ходисага учраш ёки транспорт халокатининг юз бериши, транспорт воситалари билан тукнашиши ёки бир-бирига урнашиб кетиш, йўл буйидаги тусикларга уриниш, машина ойналарига тош тегиши ва зарар куриши ва бошқа ходисалардан суғурталанади. Фуқароларнинг мулки уларнинг яшаш жойлари бўйича яъни уй-жойлари, дала ховлилар суғурта гувоҳномасида кўрсатилган манзиллар бўйича суғурталаш амалга оширилади. Фуқароларнинг шахсий транспорт воситаларини суғурталаш икки томоннинг розилиги билан суғурта шартномасига кўра амалга оширилади. Суғурта амалиётида юкларнинг транспорт суғурталаш шартномалари қуйидагиларга асосан амалга оширилади:

-барча таваккалликлар учун жавобгарлиги, бунда ҳар қандай сабабга кўра, барча турдаги зарарларнинг суғурта химояси тушунилади.

-хусусий авариялар учун жавобгарлик, бунда юкнинг тўла ёки қисман авариядан кўрган зарари қопланади. Қурилиш ва бошқа мулкларни суғурта қилиш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

-мулкнинг зарар кўриши ходисасининг далилини белгилаш:

-қурилган зарар сабабларини аниқлаш ва ходисани суғурталаш ёки носуғуртали ходиса эканлигини хал этиш:

-зарар кўрган мулкларни ва объектларни аниқлаш:

-зарар суммаси ва суғурта қоплаш суммасини ҳисоблаб чиқиш.

Фуқаролар хўжалигида қурилиш зарар кўрганда суғурта ташкилоти қрилишнинг таркибини ва мавжуд эканлигини текширади ҳамда қурилиш барча материалларининг суғурта баҳолаш варақаларида акс этган ва

етмаганлигини аниқлайди. Шуларга асосан қоплаш суммаси тўланади. Уй мулкларини суғурталашда уйдаги барча мулклар ҳисобга олинади. Курилган зарар суммаси мулк зарар курганда суғуртачи томонидан тўланади. Бозор иқтисодиёти шароитида бериладиган молиявий кафолатлар асосан тузиладиган молиявий битимлар яъни банк депозитлари билан, қимматли қоғозлар, сармоя қуйилмалари, ижара мажбуриятлари, кредитлар, ипотека, ўтказиладиган турли таваккалчилик жараёнлари, валюта курсидаги ўзгаришлар, мавжуд миқдорлар ва бошқа тижорат хизматлари бўйича умуман олганда намуна бўйича суғурта компаниясининг портфелида мавжуд бўлган активлар бўлиб ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки мамлакатимизда аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими юртбошимиз томонидан қаттиқ назорат остига олингандир. Шунинг учун ҳозирги кунда... Банк активлари ҳажмининг сезиларли даражада ошганини ҳисобга олиб, бугунги кунда республикамизда аҳолининг банклардаги барча депозитларини давлат томонидан юз фоиз кафолатлаш таъминланмоқда²⁶.

Юқоридагилардан ташқари биржа фаолиятини ҳам суғурта қилиш зарур. Биржадаги молиявий операцияларни химоя қилиш шаклларида бири биржаларни суғурталашдир. Суғуртанинг бу тури Ўзбекистонда энди шаклланмоқда. Валюта рискинни суғурталаш асосан ташқи иқтисодий алоқаларда қўлланилади. Валюта риски бозор иқтисодиёти шароитида молиявий рискнинг муҳим элементи бўлиб ҳисобланади. Хориж мамлакатларнинг валютаси (масалан АКШ доллари) курси сумга нисбатан ўзгариб туриши, кредит ва валюта операцияларидан курилган зарарлар шу суғурта турини қоплаш суммаси ҳисобидан қопланади. Халқаро иқтисодий

²⁶ Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 9 б.

муносабатларида қатнашувчилар хизмат учун белгиланган нархлар билан боғлиқ бўлган турлича рискларга дуч келади:

-Рискларни суғурталаш тизимида банклар суғуртаси алоҳида уринни эгаллайди. Банклар кредити ва уларнинг суғуртаси мамлакатдаги иқтисодий вазиятга умумий таъсир кўрсатади. Айланма маблағлар ва сармоя захираларининг етишмаслиги натижасида иқтисодиёт субъектлари қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли кредитлар олишга мажбурдирлар. Шунинг учун ҳам берилаётган кредитларни суғурта қилиш шарт. Шартнома суғурта компанияси ва банклар ёки бошқа кредит муассасалари ўртасида тўзилади. Бундай кредит суғуртасида суғурталанувчининг кредитни тўлаш қобилияти, яъни кредит rischi даражасини ҳисобга олиш керак.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Суғуртанинг моҳияти нимадан иборат?
2. Суғуртанинг функциялари.
3. Кредит рискларини минималлаштириш услублари.
4. Ихтиёрий суғурталиш нима?
5. Суғурта ходисаси.
6. Халқаро ҳисоб-китоб операцияларидаги рискларни пасайтириш йўллари.
7. Валюта рисклари ва уларни суғурталаш.
8. Тиббий суғурта объекти нима?
9. Суғурталаш турлари нима?
10. Ташқи иқтисодий фаолиятни суғурталаш нимадан иборат?

Қисқа ҳулосалар.

Суғурта иқтисодий тушунча бўлиб молия тизими билан боғлиқдир.

Суғурта яъни табиий ёки ижтимоий сабабларга кура шахснинг хаёти, соғлиги ёки мол-мулкига зарар этиш эхтимолини олдиндан тутиш, ана шундай зарарли оқибат юз берганида жабр қурган томонга зарар ўрнини суғурталовчи маблағлари ҳисобига тулик ёки қисман қоплаб бериш йўли билан суғурта ходисасини салбий оқибатлари таъсирини камайтиришга қаратилган фаолияти суғурталаш деб аталади.

Суғурта ташкилоти-бу махсус суғурталаш компанияси.

Суғурталовчи-сифатида юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.

Суғурта ҳуқуқини махсус манбаларидан бўлиб Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган махсус “Суғурта туғрисида” ги қонуни ҳисобланади.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
2. Дон Патинкин. Денги, процент и цены. –М.: Экономика, 2004. – 375 стр.
3. Миляков Н.В. Финансы. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 543 стр.
4. Моляков Д.С., Шохин Е.И. Теория финансов предприятий. Учеб. пособ. – М.: ФиС, 2001. – 300 стр.
5. Свиридов О.Ю. Финансы, денежное обращение, кредит. Экспресс справочник для студ. вузов. –М.: ИКЦ Март, Ростов н/Д. изд. Сентр Март, 2004. – 179 стр.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Халқ сузи, 09.01.2002.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонуни. 27.06. 2008.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни, 11.12. 2003.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. 04.04. 2002.
8. «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент. 20.06.2005
9. «Бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент. 14.06.2005.
10. «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган шисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Тошкент. 15.06.2005.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори. «Халқ сўзи» 16.04.2005.
12. «Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қискартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маъкамасининг қарори. 05.08.2002.
13. «Пул-кредит кўрсаткичларни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маъкамасининг қарори.04.02.2003.
14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
15. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи.11.02.2006.
16. Каримов.И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Т.,Ўзбекистон.2005 й.

17. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиатни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т., Ўзбекистон., 2005.й.

18. Каримов И.А. Янгилашни ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир. Тошкент оқшоми. 13.02.2007.

19. Алимов И.И. Молия. –Т.: ТДИУ. 2007

20. Деньги, кредит, банки / Под ред. Белоглазовой Г. Н. Пособие для сдачи экзамена. – М.: Юрайт-Издат, 2006. – 160 с.

21. Деньги, кредит, банки / Под ред. Г.Н. Белоглазовой: Учебник. – М.: Юрайт-Издат, 2006. – 620 с.

22. Галанов В.А. Финансы, денежное обращение и кредит: Учебник. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. – 416 с. 2 экз.

23. Годин А. М., Максимова Н.С., Подпорина И.В. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 568 с.

24. Климович В.П. Финансы, денежное обращение, кредит: Учебник. – 2-е изд., доп. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. – 256 с.

25. Финансы, денежное обращение и кредит: Учебник / Романовский В. М. и др.; под ред. Врублевский О.В. - М.: Юрайт-издат, 2006. - 543с.

26. Финансы, денежное обращение и кредит: учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. / В.К. Сенчагов, А.И. Архипов и др.; под ред. В.К. Сенчагова, А.И. Архипова. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 720 с. 2 экз.

27. Шуляк П.Н. Финансы предприятия: Учебник. – 6-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 712с.

5.2. Қўшимча адабиётлар

1. Рашидов О.Ю., Тоймухамедов И.Р., Тожиев Р.Р., Карлибаева Р.Х. Пул муомаласи, кредит ва молия. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2005.

2. Нешиной А.С. Финансы и кредит: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. - 572 с.

3. Финансы и кредит: учебник / М.Л. Дьяконова, Т.М. Ковалева, Т.Н. Кузьменко (и др.); под ред. проф. Т.М. Ковалевой. - 2-е издательство, перераб. и доп. - М.: КНОРУС, 2006. – 376 с.

4. Финансы и кредит: Учебное пособие. / под ред. проф. Ковалевой. А. М – М.: Финансы и статистика, 2006. - 512с.

5. Колпакова Г.М. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Учебник.пос. - 2-е издательство, перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2005. - 496 с.

5.3. Интернет сайтлари

1. www.travel-library.com www.thebanker.com

2. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/forex/index.htm>

3. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/money/index.htm>
4. <http://www.bankofengland.co.uk/coreuproses.htm>
5. <http://www.boj.or.jp/en/siryu.htm>

О.Ю. РАШИДОВ, И.И. АЛИМОВ,
И.Р. ТОЙМУҲАМЕДОВ, Р.Р. ТОЖИЕВ

ПУЛ, КРЕДИТ ВА БАНКЛАР

(Дарслик)

Муҳаррир: Ҳақбердиев Б.
Техник муҳаррир: Ғойибназаров М.
Компьютерда саҳифаловчи ва дизайн: Сафаров Ў.

МСНҲ “РАМ-S” босмахонасида босилди.
700096, Тошкент ш., Муқимий кўчаси, 178-уй.
Шартли босма табағи – 10,2
Адади 500 нусха